



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2022

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамова Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербургда Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети


Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Рахбар Эргашевна Холиқова БУХОРО АМИРЛИГИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	6
2. Яхшибека Атамуратовна Абдуллаева ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ГЕНДЕР МАСАЛАСИДАГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАР.....	16
3. Шоҳистахон Мамажоновна Ўлжаева АМИР ТЕМУР ДИПЛОМАТИЯСИ ТАРИХИГА НАЗАР.....	22
4. Кожамжарова Дарья Пернешовна, Отарбаева Гулжан Кобеевна, Мусаева Суйкум Тулембаевна ДЖАДИДСКИЕ МЕКТЕБЫ И РУССКО-ТУЗЕМНЫЕ ШКОЛЫ: ИХ РОЛЬ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ КАЗАХСКОГО НАСЕЛЕНИЯ.....	28
5. Аваз Абдуллаевич Ерметов, Нагима Ергалиевна Тажмуханова, Гулжан Кобеевна Отарбаева XX АСР 80-ЙИЛЛАРИНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ (ЁШЛАР МИСОЛИДА).....	35
6. Анвар Журакулович Яхшиев ШИМОЛИЙ БАКТРИЯДА АНТИК ДАВР ДИНИЙ ЭЪТИҚОДЛАРИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ.....	40
7. Диёржон Абдуллаев МАРКАЗЛАШГАН ДАВЛАТ ҚАРОР ТОПИШИДА МУКОФОТЛАШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ (АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР СУЛОЛАСИ МИСОЛИДА).....	46
8. Абдулазиз Ахмадхўжаевич Акбархўжаев ЎЗБЕКИСТОН МИНИАТЮРА САНЪАТИНИНГ АНЪАНАВИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	57
9. Гулзода Аъзамовна Алимова АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИК ЖОЙЛАР, ТАРИХИЙ ШАХСЛАР НОМЛАРИ БАЁНИ (“Мажолис ун-нафоис” мисолида).....	62
10. Дилафруз Рашидовна Атамуратова ХОРАЗМ ДАВРИЙ МАТБУОТИДА “ИНҚИЛОБ ҚУЁШИ” ҲАМДА “ИЗВЕСТИЯ” ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ЎРНИ: ТАРИХИ ВА ТАҲЛИЛИ.....	73
11. Феруза Эркиновна Атажанова ХОРАЗМДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР(1991-2017 ЙИЛЛАР).....	80
12. Жасурбек Зокиржонович Ахмедов, Иқбола Турсунмуродовна Қудратова ЎЗБЕКИСТОН МУЗЕЙЛАРИДА САҚЛАНАЁТГАН АЙРИМ ОСТАДОНЛАРНИНГ ШАКЛ БЕЗАҚЛАРИ ХУСУСИДА.....	88
13. Феруза Хаятовна Бобожонова БУХОРОДАГИ МИР-АРАБ МАДРАСАСИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР.....	94
14. Элбек Ботиров ТУРКИСТОН АССР БОЖХОНА ТАРИХИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИ ФОНДЛАРИ ТАВСИФИ.....	103

15. Завқиддин Буриев РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ КАСПИЙОРТИ ВИЛОЯТИДА МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ СИЁСАТИ ҲАҚИДА.....	109
16. Азад Хасанович Ваисов МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	115
17. S.I. Gabrielyan XX ASR BOSHLARIDA ANGLIYA JAMOATCHILIK FIKRINING FORSDAGI BUYUK BRITANIYA SIYOSATIGA MUNOSABATI.....	124
18. Акбар Даминов “БОБУРНОМА”ДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР.....	132
19. Бурон Улуғмуротович Жумаев ЎЗБЕКИСТОНДА ГАСТРОНОМИК ТУРИЗМНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ: ТАРИХ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН.....	137
20. Temur Shavkat o‘g‘li Zaripov MUZEY - JAMIYAT TARAQQIYOTI UCHUN XIZMAT QILUVCHI MUASSASA SIFATIDA.....	146
21. Фарходжон Одилжонович Исматуллаев ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ БЎЙИЧА ЯНГИ СТРАТЕГИЯСИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	150
22. Sardorbek Jamoliddinovich Mirzaxalov YOSHLAR TADBIRKORLIGI TOMONIDAN QO‘LLAB-QUVVATLANAYOTGAN SOLIQ IMTIYOZLARI VA ULARNING SOHA RIVOJIGA TA‘SIRI (1991-2021-YILLAR).....	161
23. Фарида Абдуразаковна Максумова ШАҲАР МУҲИТИДАГИ ЛАНДШАФТ ДИЗАЙНИ.....	168
24. Муҳаббат Мадиримовна Маҳмудова ХОРАЗМИЙЛАР ТИЛИ ВА ЁЗУВИНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИДАН.....	173
25. Шавкатбек Махамадюнусов ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНГА ДЕПОРТАЦИЯ ҚИЛИНГАН ХАЛҚЛАР ТАРИХИНИНГ АРХИВ МАНБАЛАРИ.....	177
26. Дилобар Бахриддиновна Мирхусанова ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР МУЗЕЙИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	182
27. Қабулжон Махамаджонович Насритдинов СОВЕТ ҲУКУМАТИ АГРАР СИЁСАТИДА ЕР-СУВ МАСАЛАЛАРИ ВА ДАСТЛАБКИ ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ (Фарғона водийси мисолида).....	187
28. Зумрад Рахмонкулова XIX ASR ЎРТАЛАРИДА ҚЎҚОН ВА ХИВА ХОНЛИКЛАРИНИНГ УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ БИЛАН ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДАН.....	193


29. Фахриддин Самаров ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ “КАТТА ЛАНГАР ОТА” МАЖМУАСИ ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ?.....	199
30. Ибрагимжан Ташматов МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР.....	206
31. Анвар Амир ўғли Темиров ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ ОММАЛАШТИРИШГА ДОИР.....	214
32. Улуғбек Шавкатович Усмонов ЎЗБЕКИСТОН ҲАЙКАЛТАРОШЛИГИНИНГ ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ.....	218
33. Нафиса Закировна Ҳаётова СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ ВА СУВ ТАЪМИНОТИ МАСАЛАЛАРИ (БУХОРО ШАҲРИ МИСОЛИДА).....	223
34. Зарина Илдаровна Файзрахманова XVI АСРДА БУХОРО ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО ВА ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРИ.....	231
35. Бахтиёр Режавалиевич Халмуратов, Ғиёсиддин Муроджонович Усмонов ТАБИАТ УНСУРЛАРИ ВА РАНГЛАРНИ ЎЗARO УЙҒУНЛИГИНИНГ ХАЛҚОНА ҚАРАШЛАРДА АКС ЭТИШИ.....	239
36. Ислон Акрамович Ҳамдамов МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ МЕЪМОРЧИЛИК ФАОЛИЯТИ.....	244
37. А.Г. Холлиев РОССИЯДА ХОРИЖЛИКЛАР ВА ХОРИЖИЙ ТИЖОРAT ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИНГ ОЁҚҚА ТУРИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ (XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИ).....	250
38. Азиза Мустафаевна Эгамбердиева ЁШЛАРНИНГ ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИ ВА ТАШАББУСКОРЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИНГ ЎРНИ.....	260
39. Нафиса Мустафаевна Эгамбердиева ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ОИЛА ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ, АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ОИЛА, ИНСОН ОДОБИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ.....	267
40. F.N. Shirinova, Z.S. Kosimova IX-XII ASRLARDA O‘ZBEK DAVLATCHILIGI. IJTIMOIIY, SIYOSIY-IQTISODIY HAYOTI. AJDODLARIMIZNING JAHON SIVILIZATSIYASI TARAQQIYOTIGA QO‘SHGAN ULKAN HISSASI.....	273
41. Икматулла Гайбуллаевич Елмуратов XX АСР БОШИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ҲОЛАТИ ВА ТАРИХИ.....	281



Рахбар Эргашевна Холикова,
Тарих фанлари доктори, профессор
Тошкент давлат техника университети
@tdtu.uzrahbarkholikova@mail.ru

БУХОРО АМИРЛИГИДА ХУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

For citation: Rakhbar E. Kholikova, FEATURES OF CRAFTS IN THE BUKHARA EMIRATE.
Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.6-15

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Бухоро амирлигида хунармандчиликнинг кўплаб турлари: тўқимачилик, кулолчилик дурадгорлик, кўнчилик, заргарлик, зардўзлик, темирчилик, зарбчилик маҳсулотлари ишлаб чиқиш ва бошқа турларини ривожланганлиги, амирликнинг кўплаб шаҳарларида хунармандчилик марказлари фаолият олиб борганлиги, тўқимачиликнинг ривожига маҳаллий хом ашё, пахта ва пилланинг ўрни алоҳида бўлганлиги ҳақида сўз боради. Шунингдек кўнчилик ҳам яхши ривожланган тармоқ ҳисобланганлиги, чармгар усталар томонидан яхши ишлов берилган терилардан турли харидоргир маҳсулотлар тайёрланганлиги, кулолчилик-хунармандчиликнинг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланиб, икки турдаги кулолчилик буюмлари ишлаб чиқарилганлиги, XIX аср охири-XX аср бошларига келиб, зардўзи хунармандчилигининг маркази Бухоро бўлганлиги, Бухоро зардўзлари ўзларининг маҳсулотлари билан бутун жаҳонга донг таратганлиги ва уларнинг фаолияти таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Бухоро амирлиги, хунармандчилик, тўқимачилик, кулолчилик, дурадгорлик, кўнчилик, заргарлик, зардўзлик, устахона, гузар, чармгар, марказ, музей, Руи де Гонзалес Клавиho, манғитлар, устоз-шогирд.

Рахбар Эргашевна Холикова,
доктор исторических наук, профессор
Ташкентский государственный технический университет
@tdtu.uzrahbarkholikova@mail.ru

ОСОБЕННОСТИ РЕМЕСЕЛ В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассмотрено развитие многих видов ремесел в Бухарском эмирате: текстильного, гончарного, столярного, кожевенного, ювелирного, золотое шитье, кузнечного, производства изделий для ковки и развитие других видов, о том, что во многих городах эмирата функционировали ремесленные центры, а также о том, что в развитии текстильной

промышленности особое место отводилось местному сырью, хлопку и кокону. Кроме того, что кожевенное производство являлось хорошо развитой отраслью, из хорошо обработанных шкур мастера-кожевники изготавливали различные востребованные изделия, о том, что керамика считалась одной из ведущих отраслей ремесла, так как изготавливались два вида изделий из керамики, о том, что в конце XIX – начале XX века центром ремесла золотого шитья была Бухара, анализируется деятельность, бухарских мастеров золотого шитья, как они славились своей продукцией по всему миру.

Ключевые слова: Бухарский эмират, ремесленничество, текстиль, гончарное дело, столярное дело, кожевенное дело, ювелирное дело, золотом шитье, мастерская, гузар, кожевник, центр, музей, Руи де Гонсалес Клавихо, мангиты, учитель-ученик.

Rakhbar E. Kholikova,
Doctor of Historical Sciences, Professor
Tashkent State Technical University
@ tdtu.uzrahbarkholikova @ mail.ru

FEATURES OF CRAFTS IN THE BUKHARA EMIRATE

ABSTRACT

This article discusses the development of many types of crafts in the Emirate of Bukhara: textile, ceramics, joinery, leather, jewelry, blacksmithing, and other types of crafts, the operation of craft centers in many cities of the emirate, the role of local raw materials, cotton and cocoon in the development of textiles. Also about the fact that the leather craft was considered the most well-developed network, about that. that leather artisans made various consumer goods from well-processed leather, pottery was considered one of the leading branches of ceramic and handicraft craft, about the production of two types of ceramics; about the fact that Bukhara was the center of the jewelry craft of the late XIX-early XX century, the activities of Bukhara jewelers, their fame all over the world for their products are also analyzed.

Index Terms: Emirate of Bukhara, handicraft, textiles, pottery, carpentry, leatherwork, jewelry, gold embroidery, workshop, guzar, tanner, center, museum, Rui de Gonzalez Clavijo, mangits, master and apprentice.

1. Долзарблиги:

Ўзбек халқи қадимдан миллий халқ ҳунармандчилиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ўзига хос анъаналарининг мавжудлиги билан, бебаҳо санъат асарлари-ю, қўли гул моҳир усталари билан дунёга машҳур бўлган. Айниқса Бухоро амирлиги ҳудудида яхши ривожланган миллий халқ ҳунармандчилиги ва унинг ўзига хослигини илмий жиҳатдан ўрганиш, қадимий ҳунармандчилиқ соҳасидаги эришилган ютуқлардан баҳраманд бўлиш, ҳозирги кунда бизгача етиб келган турларини ривожлантириш, миллий ҳунармандчилиқ маҳсулотларини кўрғазмаларини ташкил этиш ва унинг шаклланиш ва ривожланиш тарихини ёшларга етказиш, уларнинг миллий халқ ҳунармандчилигига бўлган ҳурматларини ошириш бугунги кунда долзарб масаладир.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда XVIII – XIX асрда Бухоро амирлигида ҳунармандчилиқнинг ривожига берилган эътибор, унинг натижасида ўзбек халқ ҳунармандчилигининг кўплаб турлари яъни тўқимачилиқ, металлларга ишлов бериш, темирчилик, зарбчилик, кўнчилик, қурувчилик, озиқ-овқат ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқиш йўлга қўйилганлиги ва бошқа турларини оммалашганини кўришимиз мумкин. Яратилган бетакрор, бебаҳо санъат асарларида моҳир усталарнинг ўзига хос услублари бўлганлигини улар яратган маҳсулотларнинг харидоргир бўлганлигини манбалар орқали биламиз. Бухоро амирлигида фаолият олиб борган ҳунармандчилиқ марказларида ўзига хос

анъана ва ишлаб чиқариш усуллари эга бўлган ҳунармандчилик мактаблари вужудга келган. Бухоро амирлигида ҳунармандчиликнинг ривожига ҳақида XIX асрда Ўрта Осиёга ташриф буюрган кўплаб сайёҳлар, элчилар ўз эсдаликларида ёзиб қолдирганлар. А.Бёрнс ва Е.Мейендорф Ўрта Осиё минтақасидаги шаҳарлар, бозорлар, ушбу ҳудудда ривож топган хўжалик турлари, ҳунармандчиликнинг ривожига ҳақида, Б.Х.Кармишева ва А.О.Сухарева эса Бухоро шаҳри, амирлик шаҳарлари тарихи, шаҳарлар тузилиши, унинг аҳолиси, уларнинг касби қорлари, ҳунармандчилик билан шуғулланишлари, Л.И.Ремпель ҳунармандчиликда устоз-шогирд анъаналари, К.Пардаев Миёнқол ҳунармандчилиги ва унинг ўзига хос жиҳатлари, М.Ҳамидова XIX – XX аср бошларида ўзбек халқ ҳунармандчилигига доир бир қатор масалалар билан, жумладан Қашқадарё воҳасидаги ҳунармандчилик марказлари тарихи, турлари, ишлаб чиқариш муносабатларини ўрганган ва таҳлил қилганлар. Халқ ҳунармандчилиги ичида зардўзлик яъни тилла суви юритилган иплар билан тикилган матолар алоҳида қадрланган. Миллий ҳунармандчиликнинг зардўзлик йўналиши ҳақида рус тадқиқотчиларидан А.А.Семенов, Б.П.Денике, Б.В.Веймарн, Б.П.Корнилова, В.Чепелова, В.С.Затворницкой асарларида маълумотлар учратишингиз мумкин. Бухородаги тилла суви юритилган матоларни тикиш санъати ҳақида П.А.Гончарова қўлёзма асарлари билан Ўзбекистон Давлат Санъат музейида танишишингиз мумкин. Шунингдек Е.М.Пешереванинг “Бухарский золотошвей”, М.Бақоеванинг “Терминология золотого шитья”, А.С.Сидоренконинг “Золотое шитье Бухары” номли асари ҳам шу йўналишга бағишланган [1].

3. Тадқиқот натижалари:

Бухоро амирлигига қарашли ҳудудларда ҳунармандчиликнинг турли соҳалари қадимдан мавжуд бўлган. Амирликнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий, савдо-маданий алоқалари, анъанавий ҳунармандчилик турлари, хом ашёси, хили ва ишлаб чиқариш муносабатлари ва жараёнлари тўғрисида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Амирликнинг Қашқадарё воҳаси ва Зарафшон водийларидаги йирик шаҳарларида ҳунармандчилик марказлари бўлиб ҳунармандчилик ривожланиши учун имкониятлар мавжуд бўлган. Ҳудди шундай ҳунармандчиликка ихтисослашган марказлар XVIII – XX асрларда Даҳбед шаҳрининг Бозоржой, Сартарошон, Кўнчи, Қўрғонча, Абдулла оқсовол, Ойнақўрғон, Мадраса, Сўфи, Темирчи, Хўжалик ва Сояқишлоқ гузарларида ривожланганлиги ҳақида Вирский ўз тадқиқотларида келтиради [2]. Уларнинг орасида Сартарошон, Кўнчи, Темирчи ва хўжалик каби ҳунармандчиликка ихтисослашган гузарлар машҳур эди. Даҳбедда 30 га яқин пойабзал тикувчи уста бўлиб, улар ўз маҳсулотларини Даҳбед, Самарқанд, Пайшанба, Янгиқўрғон шаҳарларидаги бозорларда сотган. XIX асрнинг 70 йилларида Л.Н.Соболев томонидан йиғилган статистик маълумотларда Даҳбед шаҳрида 20 та тўкув дастгоҳи, 2 та терини қайта ишлаш устахонаси мавжуд бўлганлиги қайд қилинган [3].

Амирликнинг ҳунармандчилик ривож топган ҳудудларида тўқимачилик етакчи тармоқ ҳисобланган. Айниқса бўз, чит, олача кўп миқдорда тайёрланган ва бу маҳсулотларга бозорларда талаб кучли бўлган. Амирликнинг йирик шаҳарларидан Қарши ва Шаҳрисабзда ипак матолар тайёрлашга катта эътибор қаратилган [4].

Бухорода ипакчилик ривожланишига алоҳида эътибор қаратилганлиги туфайли ипак савдоси анча катта аҳамиятга молик бўлган. Ипакчилик ривожланишининг асосий манбаи бу – тут дарахтларининг етарли миқдорда бўлишидир. Тут дарахти Ўрта Осиёда кенг тарқалган дарахт турларидан ҳисобланади. Айниқса, Бухоро воҳаси, Зарафшон водийси, Кармана, Миёнқолда, умуман сув кўп бўлган барча ҳудудларда тут дарахтлари ниҳоятда кўп ўстирилган.

П.И.Демизон маълумотларига қараганда, “Бухоро атрофи ва Карманада етиштирилган ипак энг яхши ҳисобланган” [5].

Бухорода ипак хом ашёси, яъни пилласининг бир пуди 13-14 тилла, ипакдан йигирилган ипнинг бир пуди эса 30-32 тилла турган.

Бухорода тоза ипак ва ярим ипакдан турли хил матолар тайёрланган. Жумладан, атлас, бекасам, адрас ва ҳоказолар. Бухорода кўк, яшил, сариқ ва энг кўп миқдорда қизил рангли

матолар тайёрлашга эътибор жуда юқори бўлган. Айниқса Бухоро амирлигининг жанубий ҳудудларида қизил рангли матоларга талаб кўпроқ бўлган.

К.К.Пардаевнинг тадқиқот ишида Зарафшон водийсининг Даҳбед ва Янгиқўрғон шаҳарларида ишлаб чиқилган тўқимачилик маҳсулотлари харидоргир бўлганлиги, ишлаб чиқилган газламалар Бухоро ва Хивага олиб кетилганлиги ҳақида маълумот беради.

Бу ҳудудларда пахтали газмоллардан ташқари пиллани қайта ишлаш йўли билан тўқиладиган матоларни ишлаб чиқариш ҳам кенг тарқалган, туб аҳоли қадим даврлардан бошлаб пиллачилик билан шуғулланиб келишган. Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларидаги каби бу ҳудуддаги тўқимачиликнинг ривожланишига ва кенгайишига ҳам савдо-сотик ишлари туртки берган.

Хунармандчилик билан шуғулланувчи аҳолининг талайгина қисмини майда ишлаб чиқарувчилар, яъни газламага ишлов берувчилар ташкил қилган. Тўқимачиликнинг ривожланишида маҳаллий хом ашё, яъни пахта ва пилла муҳим ўрин тутган. Ҳар битта маҳсулотни ишлаб чиқаришда ўзига хос усуллари мавжуд бўлган.

Эшилган ва йигирилган ип тўқилишидан олдин чўян қозонда махсус рангли ва рангсиз ишқор билан қўшилиб қайнатилган ҳамда буғдойдан олинадиган крахмал билан иссиқ сувда крахмалланган. Тўқилиб тайёр бўлган матолардан ҳар хил кийим кечаклар тикилган. Унинг оқ ва кўк ранглилари салла учун ишлатилганлиги боис харидоргир бўлган. Каттароқ тўқувчилик устахоналари эгаларининг бозорларда ўз савдо расталари бўлиб, улар молларини тўғридан тўғри ўзлари сотганлар. Майда тўқувчи хунармандлар эса, ишлаб чиқарган молларини олиб сотарларга ўтказганлар [6].

Бухоро тўқувчилари матоларнинг алоҳида навларини тўқишга моҳир бўлиб, бундай матоларни бошқа жойларда тўқийдиган усталар бўлмас эди. Шундай устахоналарнинг халфалари одатда ўша ерлик кишилардан бўларди.

Халфа ёллаш хунармандчиликнинг ривожланишига кенг имконият очиб берди, чунки кўпроқ халфа ёллаб, устахонани кенгайтириш мумкин бўлиб қолди. Аммо кўпгина тармоқларда, ҳатто энг катта устахонларда ҳам 3-4 тадан ошиқ халфа ишламас эди. Хўжайиннинг ўзи ва оила аъзолари ҳам шу халфалар билан бирга меҳнат қилар эди [7].

Хунармандларнинг бир қисми шаҳарнинг махсус гузарларида истиқомат қилганлар. Маълум бир хунарга ихтисослашган машҳур хунармандлар яшайдиган гузарлар уларнинг ихтисослиги номи билан юритилган. О.А.Сухареванинг берган маълумотларига кўра XIX асрга келиб хунармандчилик юқори даражада ривожланганлиги, унинг баъзи турлари битта гузардан чиқиб бошқа ҳудудларни ҳам қамраб ола бошлаганлигини кўришимиз мумкин. Масалан: тўқимачилик Бухоро гузарларининг тўртдан бир қисмини эгаллаб олган (51 та гузар), этикдўзлар – 32 та, заргарлар – 30 та гузарларда, темирчилар – 15 та гузарларда истиқомат қилишган. Хунармандчиликнинг фақат битта тури билан шуғулланадиган аҳоли яшайдиган гузарлар ҳам шаклланган.

Шаҳрисабзда бир-бирига боғлиқ хунармандчилик турлари билан шуғулланувчи аҳоли ёнма-ён гузарларда яшаганини кузатиш мумкин. Пойабзал тикиш билан шуғулланувчи хунармандлар, хусусан кавушдўзлар Наманмон гузарида, юқори табақа аҳли учун яшил теридан нозик ва юқори сифатли ковуш тикувчилар Китоб гузарида, этикдўзлар Хўжа Мир Ҳамид Қалқон гузарида, Чуйтон гузарида яхдондўзлар, Кундук гузарида совунгарлар, Телпақдўз гузарида телпақдўзлар ва пўстиндўзлар, Қассоблик гузарида қассоблар кўпчиликини ташкил этган [8].

Косонда ҳам темирчилик билан шуғулланувчи аҳоли яшайдиган ҳудуд темирчи гузар деб номланган, бугунги кунгача бу гузар ўз номини сақлаб қолган ва у ерда авлодлар хунарини давом эттираётган сулолалар яшамоқда.

Буларга мисол қилиб темирчи гузарида яшаган Худойкул бобо, Пиримкул бобо, Раҳмат боболар сулолаларини келтиришимиз мумкин. (Р.Х.)

Бухоро амирлигининг биз тадқиқот қилаётган даврида хунармандчиликнинг кўплаб турлари: тўқимачилик, металларга ишлов бериш, темирчилик, зарбчилик, кўнчилик, қурувчилик, озиқ-овқат ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқиш ва бошқа турларини

оммалашганини кўришимиз мумкин. О.А.Сухарева Бухоро амирлигида хунармандчиликнинг майда тармоқлари ҳам фаолият олиб борган деб ҳисоблайди [9].

Кўнчилик ҳам яхши ривожланган тармоқ ҳисобланган. Чармгар усталар томонидан яхши ишлов берилган терилардан турли хил оёқ кийимлари, бош кийимлар, пўстин ва ним-пўстин, турли хил мешлар тайёрланган [10].

Бухоро амирлиги хунармандчилигида кулолчиликнинг мавқеи анча юқори бўлган. Кулолчилик-хунармандчиликнинг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланиб, икки турдаги кулолчилик буюмлари ишлаб чиқарилган. Баъзи хунармандлар сирланганини, баъзилари эса, сирланмаган оддий кулолчилик буюмларини ишлаб чиққанлар. Кулолчилик буюмларини ясашда тупроқ асосий хом ашё ҳисобланган. Кулолчилик устахоналари бир хил шаклда бўлиб, уларнинг деворлари яшаш уйлариникидан баландроқ қурилган. Буюмларни ясашда, лойга жун кўшилиб ишлов берилган. Кулолчилик буюмлари ёз ойларида қуёшда, кишда эса пишириш печи ёнида қуритилган. Улар ясаган маҳсулотлар сирасига кўзалар, туваклар, сопол товоқлар, ҳар хил турдаги хумлар ва бошқа кўплаб уй-рўзгор буюлари кирган. Тайёр ҳолатга келтирилиб маълум даражада қуритилган буюмлар лойдан (хом ғиштдан) қурилган гумбазсимон печларда, яъни хумдонларда пиширилган. Баъзи кулоллар тандир яшаш билан шуғулланишган [11].

Сурайё Алиева тадқиқотларида анъанавий кулолчилик санъати XIX аср охири – XX аср бошларида тарихан шаклланган мактабларнинг анъанаси асосида ривожланиб келганлиги, бадиий безатиш услуби ва технологик хусусиятлари бўйича учта асосий кулолчилик мактаблари фаолият олиб борганлиги, булар Фарғона бадиий кулолчилик мактаби (асосий марказлари Риштон, Ғурумсарой); Бухоро-Самарқанд бадиий кулолчилик мактаби (Самарқанд, Ургут, Ғиждувон); Хоразм бадиий кулолчилик мактаби (Мадир ва Каттабўғ кишлоқлари). ҳақида тўхталиб ўтади.

XX асрда Ўзбекистонда кулолчилик маҳсулотларини анъанавий тарзда ишлаб чиқариш секинлик билан пасайиб, уларнинг ўрнига саноат маҳсулотлари эгаллай бошлаган. Бунинг оқибатлари хунармандчиликнинг мазкур тури умумий ҳолатига салбий таъсир кўрсатган, сирланган кулолчилик буюмлари ўзига хос хусусиятларини, безак маданиятини йўқота бошлаган, анъаналарнинг давомийлиги бузилишига олиб келган. Натижада кундалик турмушда кенг қўлланиб келган маиший предметлар, жумладан, кулолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш барҳам топа бошлаган.

Бухоро-Самарқанд кулолчилик мактабининг ўзига хослиги технологик омил билан боғлиқдир. Ушбу мактаб марказлари услубининг ички омиллари кўпроқ «афросиёб» сополи анъаналарига асосланади. Ўзбекистон миқёсида XX аср иккинчи ярмидаги халқ хўжалигини ривожлантириш режалари (чинни заводлари ва кулолчилик корхоналарини барпо этилиши) ва шаҳарлар аҳамиятининг ошиш жараёни анъанавий Тошкент ва Самарқанд кулолчилик марказларига салбий таъсир кўрсатди. Ҳозирги кунда Бухоро-Самарқанд анъанавий кулолчилик мактабини асосан Ғиждувон, Ургут марказлари намоён этмоқда. Ушбу марказларда кенг қўлланиладиган нақшлардан бири «бофта» ёки «чарбарги давра» айлана нақшидир [12].



Мустақиллик йилларидагина миллий хунармандчиликнинг кўплаб йўналишлари яна қайтадан тиклана бошлаганини гувоҳи бўламиз. Албатта давлатимизнинг миллий хунармандчиликка эътибор бериши миллий хунармандчилик анъаналарини ўзида акс эттирган маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши, кулолчилик санъати мактаб ва марказларини сақлаш ва ривожлаштириш масалалари алоҳида эътибор берилган бошланди.

Хунармандчилигининг яна бир тури бу зардўзлик йўналиши бўлиб, унинг ривожига назар ташласак у қадимий тарихга эга. Амир Темур саройига ташриф буюрган испан элчиси Руи де Гонзалес Клавихо ўз эсдаликларида Самарқанд шаҳрида зардўзи хунармандчилиги билан шуғулланадиган аҳоли яшайдиган маҳаллалар ҳақида тўхталиб ўтган. Шу жумладан

VIII аср араб муаллифларининг манбаларида, Тошкент яқинида археологлар томонидан I – II асрга оид зардўзи кийимларнинг топилиши ҳам хунармандчиликнинг ушбу йўналиши анча илгари ривожлана бошлаганлигидан далолат беради.

Ўзбек халқининг зардўзи маҳсулотларини кўплаб халқаро музейларда ҳам кўришингиз мумкин. Санкт-Петербургдаги Эрмитаж давлат музейи тўпламлари ичида, шунингдек Меклуха Маклай номидаги антропология ва этнография музейида, Москвадаги Шарк халқлари тарихи музейида зардўзи хунармандчилиги маҳсулотларининг санъат асарлари даражасидаги ноёб намуналарини кўришингиз мумкин. Зардўз маҳсулотларининг аксарияти табиийки Ўзбекистон музейларида – Ўзбекистон давлат санъат музейида, Ўзбекистон халқлари тарихи музейида, Самарқанддаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейида, Бухоро вилояти ўлкашунослик тарихи музейида, Тошкентдаги Ўзбекистон амалий санъати музейида сақланмоқда [13].

XIX аср охири – XX аср бошларига келиб Бухоро зардўзи хунармандчилигининг маркази Бухоро шаҳри бўлиб қолди. Бухоро зардўзлари ўзларининг маҳсулотлари билан донг таратган. Бухорода зардўзлик санъатининг ривожланиши XIV – XV асрларга тўғри келиб, бошқа санъат турлари – архитектура, рассомчилик, бадиий хунармандчилик сингари гуллаб яшнаган.

Зардўзлик санъати XVII аср охири ва XVIII аср бошларига келиб тушкунлик даврини ўз бошидан кечирди. Бу давр амир Шохмурод (1785-1800) ва амир Хайдар (1800-1825) даврига тўғри келади. Бу ҳукмдорлар дабдабага қарши эдилар. Аммо XIX аср ўрталарига келиб Европа бозорларида зардўзлик маҳсулотларга бўлган талабнинг кучайиши зардўзлик санъатининг янги кўтарилиш даврини юзага келтирди. Сўнги амирларнинг дабдабали сарой тадбирлари, қимматбаҳо зардўзи маҳсулотларини совға сифатида меҳмонларга тақдим этилиши, Европа бозорларига зардўзи хунармандчилик маҳсулотларининг чиқарилиши, рус, инглиз ва бошқа савдо фирмаларнинг буюртмалари, албатта зардўзлик санъатини кенг масштабда ривожланишига туртки бўлди [14]. Адабиётлардаги маълумотларга кўра XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амири Аркида махсус зардўзи хунармандчилиги устахоналари мавжуд бўлган дейилади. Амир Музаффархон (1860-1885) даврида Арк қалъаси ёнида кўплаб зардўзи устахоналари фаолият юритган. Л.И.Ремпель маълумотида кўра Амир Музаффархоннинг вориси Абдулахадхон (1885-1910) даврига келиб бундай устахоналар учта ҳудудда: Аркда, Қушбегийи боло ва қози калонни уйида фаолият олиб борган. Манғитлар сулоласининг сўнги амири Олимхон даврига келиб эса бундай устахоналарнинг сони 20 тага етиб, улар закотчининг уйида фаолият олиб берган. Амир ҳудудига қарашли устахоналар фақат сарой аҳли буюртмаларинигина бажарган. Бу буюртмалар қушбеги томонидан назорат қилиб борилган.

XX аср бошларида эса “Закотчийи калон” устахонаси буюртмаларни бажарган. Бундан ташқари бу йилларда 20 дан ортиқ зардўзи хунамандчилигига ихтисослашган хусусий устахоналар ҳам фаолият олиб боришган. Бу даврда энг машҳур бўлган дўкандор Усто Қори Хасанов бўлган. Унинг кўлида усто Мирзо, усто Юсуф, Хўжа Асрор, Очилди, Бойжон, Абдусалим, Мирзо Шараф, Мирзо Ақрам, Барот сингари моҳир усталар фаолият олиб борган.

Бухоро хунармандчилигида устоз-шогирд анъаналари ҳам яхши ривожланган. Шогирдлар узок муддат зардўзи устасига шогирд тушиб, унинг хунарини яхши ўзлаштириб, сўнгра ўз устозидан фотиҳа олиб, мустақил ўз ҳаракатларини бошлаши мумкин бўлган. Шундагина шогирд тенг ҳуқуқли зардўзи хунармандчилиги жамоасининг аъзоси ҳисобланган. Кўп ҳолларда зардўзи хунармандчилиги наслдан наслга берилган, аксарият ҳолларда эса бошқа касб эгалари ҳам бу хунарни эгаллашга ҳаракат қилишган. Заргарлик, зардўзлик, каштадўзлик, дўппидўзлик, чопондўзлик каби ёпиқ саналган хунарларда иложи борича усталар шогирдликка бегона болаларни олмасликка ҳаракат қилишган. Усталарнинг бундай йўл тутишларининг сабаби, биринчидан, ўз ота-она мерос касбларини ишончли қўлларга топшириш ва фарзандлари келажagini таъминлаш бўлса, иккинчидан, фарзандлари “нонига” бегоналарнинг шерик бўлишининг олдини олиш бўлган [15]. Зардўзи хунарини ўрганиш учун ёш йигитларни 10-12 ёшдан жалб этишган ва бу махсус маросим орқали амалга оширилган. Ўқиш муддати ўртача 4-7 йил давом этиб, ўқувчи бу даврда ҳеч қандай тўлов

олмаган. Ўқиш тугагандан сўнг ўқувчи хунарманд-зардўзи сифатида мустақил фаолият олиб бориши учун махсус ўз ҳисобидан зардўзи устахонаси устоз-хунармандларини чақириб “Арвохи-пири–миён-бандон” маросимини ўтказиб, ўз устозларидан оқ фотиҳа олиши шарт бўлган.

Садриддин Айний ҳам ўзи яшаган даврда Бухоро амирлигидаги хунармандлар ҳаёти ҳақида тўхталар экан, бундай маросимлар сўнгида шогирд ҳаммага совға бериши, энг фахрли совға уни тарбиялаган устозига насиб этиши, бунга жавобан устоз шогирдинингбелига ипак белбоғни боғлаб уни уста деб эълон қилиши ва хунармандчиликнинг қайси йўналиши билан шуғулланган бўлса, ўша йўналишда ишлатиладиган асбобни совға қилганлигини айтиб ўтади.

Ёш уста шундан сўнг мустақил фаолиятини бошлайди, мулла унга йўлини очувчи сураларни ўқийди. Шундай маросимларни ўтказмаса ёш хунармад уста деб ҳисобланмаган [16].

Бундай беназир санъат тури бўлмиш зардўзлик билан шуғулланган усталарнинг номи халқ ёдидан кўтарилмаган. Машҳур зардўзлардан Фитрат Зардўзи (1664-1721 йй.)[17], Ҳаёт ибн Карим (XIX аср) амир Музаффархон ва амир Абдул Аҳадхон саройида, уста Салим Абдул Аҳадхон саройида устахонани бошқарган, Ҳаёт Оқсақол ва Хўжа Абдул Салом (охирги амир даврида 30 йилларгача) фаолият олиб боришган.

Зардўзлар сулоласининг вакили Умар ибн Ҳаёт–отаси, бобоси ҳам зардўз бўлганлигини, уни ўзи ёшлик чоғидан шу касбнинг сирларини тенгдошларига нисбатан тез эгаллаб уста мақомига эришгани ҳақида гапирди. Бундай хунармандлар ичида ажралиб турган усталарни халқ устозода деб атаган [18].

Тарихий манбаларга кўра зардўзи хунармандчилиги билан асосан эркаклар шуғулланишган. Буюртмалар кўп бўлган ҳолларда ушбу ишни амалга оширишга аёлларни ҳам жалб этиш мумкин бўлган, фақат усталар бу ишга яқин қариндош-уруғидаги аёлларнигина жалб этишган.

Тилла суви юритилган иплардан тикилган чопон, яктак, оёқ кийимлари, камарлар, бош кийимлари, отларга ёпинчиқлар Бухоро амири буюртмасига кўра байрамларда, шунингдек тантанали маросимларда махсус кийим кийиш учун усталар томонидан тайёрланган.

Бухоро амири ўз ўрнида ўзига садоқат билан хизмат қилган сарой айёнларига Аркнинг хазинасида сақланаётган зардўзи кийимлар ҳамда бошқа совғалар билан сийлаб турган. Бу сингари совғалар элчиларга, шунингдек хориждан келган меҳмонларга ҳам тақдим этиб турилган.

Бу даврда тилла ва кумуш иплардан турли хўжаликда фойдаланиладиган буюмлар тикилган: чимилдиқ, жойнамоз, жойпўш, тахмонпўш, шунингдек майда буюмлар: муҳр, чой, пул солиш учун халтачалар, пичоқ қинлари, отни жиҳозлаш учун буюмлар.

Аёлларнинг байрам либосларига тилла иплар билан турли безаклар берилган. Бунга биз мисол қилиб пешонабанд (бошга ўраладиган), сарандоз, рўмол, калтапўшак (турмушга чиққан аёллар ишлатадиган бош кийим), курту (кўйлак), калтача (аёлларнинг тепа қисмига киядиган либос), дўппи, зардўзи пойча, махси, кавуш, паранжиларни олишимиз мумкин.

Аёллар бош кийимлари ўртасида кенг тарқалгани култапўшак ва дўппилардир. Култапўшакларни асосан аёллар, дўппиларни эса қизлар кийишган. Рўмоллар аёлларнинг энг кенг тарқалган бош кийими ҳисобланган. Пешонабандлар ҳажмига кўра кичикроқ бўлиб, квадрат шаклида бўлган, бой-бадавлат оилалардан бўлган келинлар ва аёлларнинг пешонабандлари зардўзлик нақшлари билан безатилган [19].

Зардўзи усулида тикиш мураккаб, кўп босқичли жараёни ўз ичига олади – зардўзи, заминдўзи, гулдўзи, беришимдўзи, пилакчадўзи. Ушбу касбда қўлланиладиган ўсимлик ва ҳандаса нақшлари орасида энг гўзаллари деб давкур, дарҳам, донача, бодомий, бутадор ва бошқалар ҳисобланади.



Бундай маҳсулот тайёрлайдиган хунармандларга бош бўлиб обрўли, элда ўз мавқеига эга бўлган шахслар – бобо ва оқсақол турган. Улар диний қоидалар бўйича ҳаракат қилишган. Оқсоқолнинг ваколоти кенгроқ бўлган. У амирликнинг бошқаруви ва амир хонақоси билан муносабатларни олиб борадиган, тушаётган буюртмаларнинг дўконлар ўртасида тенг тақсимланишини назорат қилиш, бошлиқ ва уста ўртасидаги, ёлланган ишчилар – зардўзи тикадиган ишчиларшоғирдлар ўртасидаги турли хил низоли вазиятларни бартараф этиш учун фаолият олиб борадиган расмий мавқега эга бўлган шахслар бўлган.

Ҳар бир хунармандчилик турининг ўзига хос тарихий ёки афсонавий пирлари бўлган. Бу пирлар ҳақида Садриддин Айний шундай маълумот беради: тўқувчиларнинг пири-имом Аъзам, этикдўзларнинг пири – Бобо Парадўз, сув тошийдиган мешкобчиларнинг пири-Аббос, темирчиларнинг пири-ҳазрати Довуд, отбоқарларнинг пири ҳазрати Алининг отбоқари – Канбар бўлган.

Зардўзи усталарининг пири эса афсонавий ҳазрати Идрис саналган. Ҳар бир муваффақиятларини, тилла иплар билан яратилаётган кашфиётларини ушбу пирнинг номи билан боғлашга ҳаракат қилганлар.

Зардўзи тикиш учун бахмал, маҳаллий ва четдан келтирилган ипак, атлас, жун матолар, маҳаллий ярим ипак мато “алача”, терилардан фойдаланилган. Зардўзи тикишда асосан турли хил металл иплардан фойдаланилган.

Манбаларда келтирилишича тилла ва кумуш иплар Ҳиндистон, Эрондан олиб келинган, XIX асрнинг иккинчи ярмидан эса Москвадан келтирилаётган бўлди [20].

Тилла ва кумуш иплар қимматбаҳо металллардан симлар кўринишида олинган. Сўнги даврларда рус фабрикантларидан Милютиннинг фабрикаси металлга йўғрилган оддий ип билан ипак ип етказиб бериб турди. Бу иплар жуда дағал ва улар билан ишлаш қийинчилик туғдирарди. Алексеев фабрикасининг етказиб берган иплари таркибида металл камроқ бўлгани учун улар билан ишлаш анча енгил бўлган. Ундан ҳам Шамшина фабрикасининг “тилла” иплари билан ишлаш енгил бўлган. Бу фабрикаларнинг барчаси кумушдан қилинган лекин тилла суви билан югиртирилган иплар етказиб бериб турган.

Ишчи мурракаб нақшлар солинган бир чопон учун 200 ишчи кунини сарфлаган. Чопонинг елкасидаги нақш учун 50 кунни сарфлаган. Албатта бундай катта меҳнат талаб қиладиган зардўзлик буюмлари жуда қиммат турган. Чопонларнинг нархи 1500 танга (225 рубл) дан то 10000 танга (1500 рубл тангада) турган [21].

Шаҳардан ташқарида амирнинг “Ширбудун ва Ситораи моҳи хосса” саройлари атрофида ташкил этиладиган халқ сайиллари зардўзи маҳсулотларини сотишда асосан муҳим аҳамиятга эга бўлган.

XIX ва XX аср бошларида, яъни 1785 йилдан то 1920 йилгача Бухорода ҳукмронлик қилган мангитларнинг охириги сулоласига таалукли бўлган зардўзи кийимлари ҳозирги кунда бизгача етиб келган ягона ёдгорлик нусхалардир. Мангитлар сулоласи ҳукмдорларига қарашли зардўзи кийимларидан бизгача етиб келганларидан биттаси Амир Ҳайдар (1800-1826 йй) га тегишли зардўзи иплар билан безалган ва унда 1224 ҳижрий йили деб ёзилган яъни 1809 – 1810 йилларга тегишли этик сақланиб қолган [22].

Бухоро амирилигидаги хунармандчиликнинг ривожига албатта хунармандларнинг турмуш даражасининг қай тарзда эканлиги ҳам муҳим роль ўйнаган. Мангит ҳукмдорларидан Шохмуроднинг ташаббуси билан ўтказилган молия соҳасидаги ислохотлар натижасида хунармандларнинг турмуш даражаси анча енгиллашган.

Шундай қилиб, хунармандчиликда қўлланиладиган меҳнат қуроллари содда ва техник жиҳатдан мукамал бўлмаса ҳам кўпчилик тармоқлар ўз маҳсулотининг сифати билан XIX асрнинг бошларида машҳур эдилар, айниқса бадий хунармандчилик маҳсулотлари борасида биз шундай хулосага кела оламиз. Албатта хунармандчиликнинг ҳар бир тармоғи ўзининг ривожига билан, ишлаб чиқариш характери билан, бозордаги талаб даражаси билан, ташкилий ишлари ва маҳсулот даражаси билан бир-биридан фарқ қиларди, ҳудудларда эса кўриниши, услуби, сифати жиҳатидан ҳам фарқ қилган.

4. Хулосалар:

-Бухоро амирлиги қадимдан ҳунармандчиликнинг турли тармоқлари ривожланган ҳудуд бўлган. Ҳунармандчиликнинг барча турларида: тўқимачилик, кулолчилик, зардўзлик, заргарлик, металлларга ишлов бериш, темирчилик, зарбчилик, кўнчилик ва бошқа турларини ривожланишида ўзига хос анъаналар мавжуд бўлган.


-Кулолчилик Бухоро амирлигининг барча ҳудудларида кенг тарқалган ҳунармандчиликнинг тури ҳисобланган. Аҳолининг уй-рўзгор буюмларининг асосий қисми сопол буюмлардан ташкил топган. Чинни ва фаянс буюмларнинг кириб келиши кулолчиликка ижобий таъсир этган. Бухоро-Самарқанд кулолчилик мактабининг сопол буюмлари жарангдор нафис бўлиб чиқишида кўрғошинли сир ва сарғиш-яшил, жигарранг бўёқлар муҳим ўрин эгаллайди. Бугунги кунда Қашқадарё (Касби) кулолчилигида фақат сирланмаган буюмлар ишлаб чиқарилмоқда. Бадиий кулолчилик санъати ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда ва тарғиб этилмоқда, унинг янада ривож олиши учун қулай шароитлар яратилмоқда.

-Зардўзлик ҳунармандчиликнинг ўзига хос бадиий санъат тури бўлиб, зардўзлик буюмлари кўп меҳнат талаб қиладиган маҳсулот ҳисобланган. Моҳир усталар ҳунармандчиликнинг бу турини сабр билан йиллар давомида ўз услубларини яратиб, безакларини бойитиб борганлар. Дастлаб фақат сарой айёнлари учун ишлаб чиқарилган маҳсулот кейинчалик хориждан келган элчилар ва меҳмонларга ҳам тортиқ қилина бошлаган. Бу эса ушбу маҳсулотнинг кейинчалик харидоргир бўлишига хизмат қилган. Зардўзлик маҳсулотларига хорижда ҳам талаб орта бошлаган.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Узбекистан: золотое шитьё - Народный костюм [https:// www.narodko.ru](https://www.narodko.ru) article › kogu. Uzbekistan: golden embroidery - Folk costume [https:// www.narodko.ru](https://www.narodko.ru) › article › kogu
2. Вирский И.М. Сведения о Зеравшанском округе этнографический, сельскохозяйственный и общесословный состав населения округа за 1872 год // Материалы для статистики Туркестанского края. Ежегодник. Под редакцией Н.А.Маева. Вып IV.-СПб.1876.-С.20-24. Virsky I.M. Information about the Zeravshan district, ethnographic, agricultural and general composition of the population of the district for 1872 // Materials for statistics of the Turkestan region. Yearbook. Edited by N. A. Mayev .Issue IV. SPb. 1876-20-24p.
3. Пардаев К. XVI-XVIII асрларда Миёнқол. –Тошкент.: Turon Zamin Ziyo, 2014, 135-бет. Komil Pardaev. In the XVI-XVIII centuries Miyonqol. Tashkent, "Turon Zamin Ziyo", 2014, p. 135.
4. Холиқова Р.Э. Россия-Бухоро: тарих чорраҳасида. –Тошкент.: О'қитувчи, 88-бет. R.Holiqova. Russia-Bukhara: at the crossroads of history. Tashkent, "O'qituvchi" Publishing House, page 88.
5. Записки о Бухарском ханстве (Отчёты П.И.Демизона и И.В.Виткевича). –М., Наука,1983, с.74. Notes on the Khanate of Bukhara (Reports of P.I. Demizon and I.V.Vitkevich). - M. Nauka, 1983, p. 74.
6. Пардаев К. XVI-XVIII асрларда Миёнқол. –Тошкент.: Turon Zamin Ziyo, 2014, 141-бет. Komil Pardaev. In the XVI-XVIII centuries Miyonqol. Tashkent, "Turon Zamin Ziyo", 2014, p. 141.
7. Ўзбекистон ССР тарихи, II-том. -Тошкент, 1971. 188-б. History of CCR of Uzbekistan, Volume II. -Tashkent, 1971. 188-p.
8. Ҳамидова М. Қашқадарё воҳаси ҳунармандчилиги тарихи (XIX – XX аср бошлари). – Тошкент.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. 33-б. Muhabbat Hamidova. History of handicrafts of Kashkadarya oasis (XIX - early XX centuries). Publishing house of the National Library of Uzbekistan named after Alisher Navoi. Tashkent-2009.33-p.


9. Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара конца XIX – началаXX вв. -Ташкент, 1962. Ч.2. -С.182. Sukhareva O. A. Late feudal city of Bukhara of the late XIX - early XX centuries - Tashkent, 1962. Part 2. - P. 182.
10. Холикова Р.Э. Россия-Бухоро: тарих чорраҳасида. –Тошкент.: О’qituvchi, 89-бет. R.Holikova. Russia-Bukhara: at the crossroads of history. Tashkent, “O’qituvchi” Publishing House, page 89.
11. Пардаев К. XVI-XVIII асрларда Миёнкол. –Тошкент.: Turon Zamin Ziyo, 2014, 138-бет. Komil Pardaev. In the XVI-XVIII centuries Miyonqol. Tashkent, "Turon Zamin Ziyo", 2014, p. 138.
12. Узбекистан: золотое шитьё - Народный костюм <https://www.narodko.ru> article kogu Uzbekistan: golden embroidery - Folk costume <https://www.narodko.ru> article kogu
13. Алиева С. Ўзбекистон кулолчилик санъатида нақшнинг тадрижий ривожи. Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Ахборотнома. № 3, 2020, 21-б. Alieva S. The gradual development of the pattern in the art of ceramics in Uzbekistan. Kamoliddin Behzod National Institute of Art and Design Information. № 3, 2020, 21-b.
14. Ремпель Л.И. Далекое и Близкое. Бухарские записи. -Ташкент.: Гафура Гулям, 244 стр. L.I.Rempel, Far and Near. Bukhara records, Tashkent. Publishing house named after “Gafur Gulyam”, 244 p.
15. Қиличев Р. Ҳунармандчилик пирлари ва “миёнбанди” маросими. Тарих тафаккури. Бухоро, 2011. 50-бет. R.Kilichev. Craftsman's shrines and "miyonbandi" ceremony. Historical thinking .Bukhara .2011.50-p.
16. Айни С. Бухара (Воспоминания) в двух книгах. Книга II, издательство Ирфон, Душанбе, 198, С.137. Aini S. Bukhara (Memoirs) in two books. Book II, Irfon Publishing House, Dushanbe, 198, p.137.
17. История Бухары с древнейших времен до наших дней. –Т.: Фан, 1976. -С.155. History of Bukhara from ancient times to the present day Publishing house “Fan”, Uzbek SSR, Tashkent -1976, p.155.
18. Ремпель Л. И. Далекое и Близкое. Бухарские записи -Ташкент.: Гафур Гуляма, С.247 . L.I.Rempel, Far and Near. Bukhara records, Tashkent. Publishing house named after Gafur Gulyam”, P.247.
19. <https://t.me/bukhtourism>; <https://t.me/BukharaMuseum>
20. Узбекистан: золотое шитьё - Народный костюм <https://www.narodko.ru> article kogu
22. Холикова Н.Ш., Нуриддинова М. У. Золотошвейное искусство Бухары.// Молодой учёный №8 (67) июнь, 2014. Kholikova N.Sh, Nuriddinova M.U Gold embroidery art of Bukhara. Young scientist No. 8 (67) June-1, 2014



Яхшибека Атамуратовна Абдуллаева,
Нукус давлат педагогика институти
Ижтимоий фанлар кафедраси мудири,
тарих фанлари доктори, доцент

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ГЕНДЕР МАСАЛАСИДАГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАР

For citation: Yakhshibeka Abdullaeva, GENDER TENDENCIES IN FOREIGN COUNTRIES. Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.16-21

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада хорижий давлатларда гендер масаласида амалга оширилаётган стратегик ҳаракатлар акс эттирилган. Европа давлатлари, Америка, Нидерландия, Африка, Осиё ва бошқа давлатларда раҳбар аёлларнинг давлат бошқарувидаги улуши таҳлил этилган.

Аксарият давлатларда хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга бўлган муносабат давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганлиги кўрсатилган. Чет эл таълим соҳасидаги аёлларнинг улуши билан Қорақалпоғистон олий таълим тизимидаги хотин-қизларнинг сони таққослаб ўрганилган. Давлат бошқарувида, илм-фанда аёлларнинг роли муҳимлигига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Таълим, гендер, конституция, ҳокимият, феминизм, хотин-қизлар, ҳуқуқ, Нобель мукофоти.

Яхшибека Атамуратовна Абдуллаева,

Нукусский государственный педагогический институт
заведующий кафедрой общественных наук,
доктор исторических наук, доцент

ВОПРОСЫ ГЕНДЕРНОЙ ТЕНДЕНЦИИ В ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ

АННОТАЦИЯ

В данной статье отражены стратегические действия, предпринимаемые по гендерным вопросам в зарубежных странах. Проанализирована доля женщин-лидеров в государственном управлении в странах Европы, Америки, Нидерландов, Африки, Азии и других стран. В большинстве стран отношение к поддержке женщин оказалось одним из приоритетов государственной политики. Количество женщин в системе высшего образования Каракалпакстана сравнивается с долей женщин в зарубежном образовании. Подчеркивается роль женщин в науке и государственном управлении в целом.

Ключевые слова: образование, гендер, конституция, власть, феминизм, женщины, право, Нобелевская премия.

Yakhshibeka A. Abdullaeva,
Nukus State Pedagogical Institute
Head of the Department of Social Sciences,
Doctor of Historical Sciences, Associate Professor

GENDER TENDENCIES IN FOREIGN COUNTRIES

ABSTRACT

This article reflects the strategic actions taken on gender issues in foreign countries. The share of women leaders in public administration in Europe, America, the Netherlands, Africa, Asia and other countries is analyzed.

In most countries, the attitude towards women's support has become one of the state policy priorities. The number of women in higher education in Karakalpakstan is compared with the share of women in education abroad. The role of women in science and public administration in general is emphasized.

Index Terms: education, gender, constitution, power, feminism, women, law, Nobel Prize.

1. Actuality:

In the current context of globalization, international organizations, research institutes, scientists are engaged in a wide range of issues related to women and gender.

The United Nations Women's Fund (UNIFEM) is a day-to-day foundation that promotes the political and economic role of women in developing countries. UNIFEM mainly works in three areas: increasing the economic opportunities for women to work as entrepreneurs and product producers; assist management and leadership skills in increasing women's participation in decision-making; assisting in providing human rights concerning to women.

UNIFEM is helping to improve the living standards of tens of thousands of women and families in more than 100 countries. It supports programs that are advantageous for women; provides direct technical and financial support to women's initiatives; gives practical lessons, a variety of information to women associations in the implementation of their various programs.

UNIFEM has worked directly with justice officials, police officers and judges to achieve the recognition of women's legal rights in six Central American countries. It is recognized that these activities increase family income and allow women to be more active in their activities [1].

2. Methods and level of study:

In the process of covering the topic, generally accepted historical, comparative analysis, generality and specificity, basic methodological principles of historical thinking, objectivity, systematic methods were used.

3. Research results:

Many years of efforts among states and the international community have shaped new perspectives on the study of gender issues in education. By 2015, one-third of countries in developing regions had achieved gender equality in the primary education system. Most of these countries are located in the Asia and Pacific Ocean regions. In terms of secondary education, the number of female teachers has increased slightly in countries that were previously a minority. Many countries have achieved gender equality in the primary education sector, gradually narrowing the gender gap in secondary and higher education.

The fact that 1975 is called the Year of Women in the World also means that the focus on women has risen to the world level.

In 1985, a conference was held in Nairobi as a report on the 10th anniversary of the International Year of Women. At the same time, a conference of international non-governmental organizations was organized, which was attended by 15,000 representatives of non-governmental organizations. 157 states have adopted the Perspective Strategic Plan until 2000 to further improve the situation of women.

These events led to the birth of the 'idea of global feminism'. It raised the gender aspect to a new level. Attention was paid to all issues related to women.

On December 10, 1948, the UN General Assembly designated December 10 as Human Rights Day.

In 1993, the UN General Assembly adopted the Declaration on the Elimination of All Forms of Violence against Women [2].

In 1995, the 4th World Conference of Women was held in Beijing. The Beijing Declaration and the Women's Platform were adopted.

On July 2, 2010, the UN General Assembly raised the issue of gender equality and empowerment of women.

In 2014, 143 out of 195 countries in the world guaranteed equality of women with men in their Constitutions. However, 52 states have not yet taken such a positive step.

In 2015, the share of women in the national parliaments of the world was 22% (in 1995 it was 11.3%. - Ya.A.)

Also, November 25 is the International Day for the Elimination of Violence against Women by the United Nations;

February 6 - International Day for the Elimination of Female Genital Surgery;

Реализация этой идеи, как, видимо, представлялось ее авторам, должна была привести к резкому увеличению числа политически лояльных и «идеологически подкованных» «националов», готовых служить официальным властям и принять новую систему ценностей.

Концепция русификации, безусловно, подразумевала также и глубокое преобразование общественного и национального сознания «туземцев», воспитание их в духе патриотизма, любви к «общему» новому отечеству, русскому языку, культуре и истории господствующей нации.

Наиболее рьяные апологеты и проводники этой политики, а их было не мало, пытались использовать все возможные средства и методы для скорейшего «обрусения» коренного населения и, прежде всего, представителей его молодежи.

Таким образом, они, видимо, надеялись увеличить число политически лояльных и «идеологически подкованных», мусульман, готовых верой и правдой служить Российской империи, пусть даже в ущерб своим национальным интересам. Однако, желание во чтобы то ни стало «обрусить» и оторвать от своих культурных корней местных «инородцев» встречало сопротивление не только со стороны многих представителей этого населения, но и определенной части русской общественности края.

Список литературы / Сноски / References:

1. НА РУз. Ф.И.- 47, оп.1, д. 387, л.1. (The National Archive of Uzbekistan, fund 47, list 1, case 387, 1 page).
2. НА РУз, Ф.И.- 47, оп.1, д.955, лл.195-201 (The National Archive of Uzbekistan, fund 47, list 1, case 955, 195-201 pages).
3. Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана).-Алматы, 1996. - С. 88.
4. Граменицкий С.М. К вопросу об инородческом образовании в России. – Ташкент; Бобровников Н.А. Русско-туземные училища мектебы и медресе Средней Азии. - СПб., 1913; Остроумов Н. Медресе в Туркестанском крае // Журнал Министерства народного просвещения. - 1907. -№ 1; Мусульманская высшая школа // Журнал Министерства народного просвещения. -1906. - №10; Остроумов Н. Исторический очерк народного образования. - Ташкент, 1881.
5. Алекторов А.Е. Новые течения в жизни магометанских школ // Журнал Министерства народного просвещения. -1909. -№ 10.
6. Ильминский Н.И. Об образовании инородцев посредством книг, переведенных на родной язык// Православное обозрение. - 1863.- №3. -С. 136; Ильминский Н.И. Беседы о православной школе // Православный собеседник.-1888.-№1; Избранные места из педагогических сочинений. Казань, 1892; О системе просвещения инородцев и о Казанской крещено-татарской школе. -Казань, 1913.
7. Бенингсен А. Мусульмане в СССР. - Париж, 1983. - С. 79.
8. Наука и просвещение. – Ташкент, 1922, №2. – С.19. (Science and education.- Tashkent, 1922y, №2- 19 page).
9. Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане. (1865-1924 гг.). - М.: Изд-во Акад. пед. наук РСФСР, 1960 – 510 с. (С.273-274); (Quoted by: Bendrikov K.E. Essays on the history of public education in Turkestan (1865-1924 yy.) – Moscow: Publishing houses Academy of Pedagogical sciences of the Russian Soviet Federative Socialistic Republic, 1960y- 510 p. (273-274 pages).
10. НА РУз, ф.2282, оп.1, д.1745, л.4. (The National Archive of Uzbekistan, fund 2282, list 1, case 1745, 4 page).
11. НА РУз, ф.2282, оп.1, д. 178, л.2. (The National Archive of Uzbekistan, fund 2282, list 1, case 178, 2 page).
12. НА РУз, ф.2282, оп.1, д.1745, л.5. (The National Archive of Uzbekistan, fund 2282, list 1, case 1745, 5 page).
13. НА РУз, ф.2282, оп.1, д.178. л.2 (The National Archive of Uzbekistan, fund 2282, list 1, case 178, 2 page).
14. Бендриков К.Е. Указ.соч. – с. 210. (Bendrikov K.E. The specified essays- 210 page).
15. Асатова Г.Р. Языковая политика в Узбекистане в XX веке: суть, последствия и уроки: Автореф.дисс.канд.ист.наук. – Ташкент, 2004. – 29 с. (Asatova G.R. The language policy in Uzbekistan in the 20th century: essence, consequences, lessons // Abstract of the dissertation of the Candidate of Historical sciences- Tashkent, 2004y. - 29 page (14 page).
16. НА РУз, ф. 2282, оп.1, д.1745, л.7 (The National Archive of Uzbekistan, fund 2282, list 1, case 1745, 7 page).
17. Садвокасова З.Т. Указ.соч. – С.56. (Sadvokasova Z.T. The specified essays- 56 page).
18. НА РУз, ф. 2282, оп.1, д.1745, л.8. (The National Archive of Uzbekistan, fund 2282, list 1, case 1745, 8 page).
19. НА РУз, ф. 2282, оп.1, д.1745, л.11. (The National Archive of Uzbekistan, fund 2282, list 1, case 1745, 11 page).
20. НА РУз, ф. 2282, оп.1, д.1745, л.12,13 (The National Archive of Uzbekistan, fund 2282, list 1, case 1745, 12, 13page).
21. НА РУз, ф. 2282, оп.1, д.1745, л.14. (The National Archive of Uzbekistan, fund 2282, list 1, case 1745, 14 page).




Аваз Абдуллаевич Ерметов,
Тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
avazbek.ermetov@mail.ru

Нагима Ергалиевна Тажмуханова,
Тарих фанлари номзоди
М.Ауезов номидаги Жанубий
Қозоғистон университети
nagima-7@mail.ru

Гулжан Кобеевна Отарбаева,
Тарих фанлари номзоди, доцент
М.Ауезов номидаги Жанубий
Қозоғистон университети
guljan.k@mail.ru

XX АСР 80-ЙИЛЛАРИНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ (ЁШЛАР МИСОЛИДА)

For citation: Avaz A. Ermetov, Nagima E. Tazhmukhanova, Guljan K. Otarbayeva, Problems of public safety in Uzbekistan in the second half of the 80s of the XX century (on the example of youth). Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.35-39

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада XX аср 80-йилларининг иккинчи ярмида совет давлатининг жамиятни қайта қуриш борасидаги сиёсатининг Ўзбекистонга таъсири, бу даврда жамоат тартибини сақлаш борасидаги муаммолар, ёшлар орасида жиноят содир этиш ҳолатларининг кўпайиши билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: совет давлати, қайта қуриш, жамият, сиёсат, ёшлар, жиноят, КПСС Марказий Комитети, пленум, мафкура, милиция, тартиб-интизом, социалистик қонунчилик.

Аваз Абдуллаевич Ерметов,
Доктор исторических наук, профессор
Национальный Университет Узбекистана
avazbek.ermetov@mail.ru

Нагима Ергалиевна Тажмуханова,
Кандидат исторических наук
Южно-Казахстанский университет имени М.Ауезова
nagima-7@mail.ru

Гулжан Кобеевна Отарбаева,
Кандидат исторических наук, доцент
Южно-Казахстанский университет имени М.Ауезова
guljan.k@mail.ru

ПРОБЛЕМЫ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ 80-Х ГОДОВ XX ВЕКА (НА ПРИМЕРЕ МОЛОДЕЖИ)

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется влияние политики перестройки общества советского государства на Узбекистан во второй половине 80-х годов XX века, а также проблемы охраны общественного порядка в этот период и рост преступности среди молодежи.

Ключевые слова: советское государство, перестройка, общество, политика, молодёжь, преступление, Центральный Комитет КПСС, пленум, идеология, милиция, дисциплина, социалистическое законодательство.

Avaz Abdullaevich Ermetov,
Doctor of Historical Sciences, Professor
National University of Uzbekistan
avazbek.ermetov@mail.ru

Nagima Ergalieva Tazhmukhanova,
PhD in History
South Kazakhstan University named after M. Auezov
nagima-7@mail.ru

Guljan Kobbeyva Otarbayeva,
PhD in History, docent
South Kazakhstan University named after M. Auezov
guljan.k@mail.ru

PROBLEMS OF PUBLIC SAFETY IN UZBEKISTAN IN THE SECOND HALF OF THE 80s OF THE XX CENTURY (ON THE EXAMPLE OF YOUTH)

ABSTRACT

This article analyzes the impact of the policy of the Soviet state on the restructuring of society in Uzbekistan in the second half of the 80s of the twentieth century, as well as the problems of protecting public order during this period and the growth of crime among young people.

Index Terms: Soviet state, perestroika, society, politics, youth, crime, Central Committee of the CPSU, plenum, ideology, militia, discipline, socialist legislation.

1. Долзарблиги.

XX аср 80-йилларининг бошларига келиб, совет давлатининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида инқирозли вазиятлар кучайиб борди. 1985 йилнинг баҳорида КПСС Марказий Комитетининг апрель пленуми совет жамиятини тубдан қайта қуриш, унинг барча соҳаларини чуқур ислоҳ қилиш йўлини эълон қилди. Пленумда “қайта қуриш” совет жамиятини ривожлантиришнинг объектив эҳтиёжи, унда яшовчи миллатлар ва халқлар манфаатлари тақозо этган ҳаётини зарурат сифатида таърифланди [1].

Қайта қуришнинг таркибий қисмлари сифатида жамият ҳаётини демократлаштириш ва туб иқтисодий ислохотлар ўтказишдир, деб эълон қилинди [2]. Жамиятда бошланган қайта қуриш натижасида иқтисодий муносабатларни ўзгартириш, ижтимоий ҳаётни яхшилаш, мафкуравий-сиёсий ва маънавий соҳаларда бир қатор ислохотлар ўтказишга уринишлар бўлишига қарамай, жамиятда юзага келган танглик ҳолатини яхшилаб бўлмади. Бу даврда Ўзбекистонда ҳам юзага келган мураккаб шароит, барча соҳаларда мавжуд бўлган муаммолар

ижобий ечимини топмади. Хуллас, жамият ҳаётини тубдан ислоҳ қилиш учун қилинган уринишлар кўзланган самарасини бермади. Лекин шуни қайд этиш керакки, бу пайтда мамлакатда ялпи коммунистик мафкура ва цензура заифлашди ва деярли йўқ ҳолатига келтирилди, кўп йиллар давомида кутилган хурфикрлилик ва матбуот эркинлигига имкон яратилди.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси.

XX асрнинг 80 йилларида совет жамиятида ўтказилган қайта қуриш сиёсати, унинг Ўзбекистонга таъсири, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, жиноятчиликнинг турли кўринишларини пайдо бўлиши, ёшлар орасида жиноят содир этилиши ҳолатларининг кўпайиши билан боғлиқ масалалар ўзбекистонлик олимлар М.Жўраев (M.Jurayev 2000), А.Азизхўжаев (A.Azizxujayev 2003), Х.Юнусова (X.Yunusova 2008), Х.Абуев (X.Abuev 2018), А.Ерметов (A.Ermetov 2018) ва бошқаларнинг қатор асарлар ва мақолаларда ўз аксини топган.

3. Тадқиқот натижалари.

1986 йил 20 ноябрда КПСС Марказий Комитети томонидан “Социалистик қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг қонуний манфаатлари ҳамда ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Бундай фармон қабул қилинишининг асосий сабаби, кўплаб бирламчи архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, бу пайтга келиб Бутуниттифоқ миқёсида жиноятчиликнинг турли кўринишлари авж олган ва жиноят содир этиш ҳолатлари кўпайиб этган эди. Масалан, биргина Андижон вилоятида 1985 йилда ўтган йилга нисбатан жиноятлар 3-4 % ошганлигини кузатиш мумкин [3].

1987 йил 3 февралда КПСС Марказий Комитетининг “Милиция участка инспекторларининг ишини такомиллаштириш ва уларнинг моддий таъминотини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони эълон қилинди [4].

Бу даврга келиб, республика ички ишлар идоралари тизими фаолиятидаги камчиликлар қаторида участка инспекторлари томонидан йўл қўйилган кўплаб қонунбузарлик ҳолатлари ҳам кузатилди. Жумладан, биргина Андижон вилоятида 1986 йилда 44 нафар участка инспекторлари нисбатан хизмат тартиб-интизомини бузганлик учун турли кўринишдаги жазолар қўлланилиб, уларнинг 5 нафари ишдан бўшатирилган [5].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ички ишлар идоралари фаолиятидаги тартибсизликлар, камчиликлар ва бошқа нуқсонлар фақат республикага хос хусусият бўлмай, балки бу даврда Совет Иттифоқининг бошқа жойларида ҳам шундай вазият юзага келган эди. “Махфий” грифи остида берилган статистик маълумотларда келтирилишича, 1956 йилдан 1985 йилгача (30 йилда) иттифоқ миқёсида рўйхатга олинган жиноятларнинг сони 2,9 мартага ошган. Жумладан, 1956 йилда 713.800 та жиноят содир этилган бўлса, 1985 йилда 2.085.000 та жиний иш рўйхатга олинган [6].

Тадқиқ этилаётган йилларда, жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалардан бири – бу вояга етмаганлар орасида жиноят содир этилиши ҳолатлари бўлиб, уни камайтиришга қаратилган бир қатор тадбирлар ўтказилишига қарамай, 1989-1990 йилларга келиб республика миқёсида ёшлар ва ўсмирлар орасида ҳуқуқ-тартиботни бузиш ҳолатлари кучайиб кетди. Бу масаланинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда муҳим аҳамият касб этиши, бундай ҳолатларни тез орада бартараф этиш зарурлиги ҳақида 1989 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари И.А.Каримов тўхталиб: “Жиноятчиликнинг, айниқса ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг ўсиб бораётганлиги ташвиш туғдирмоқда” [7] – дея таъкидлаган бўлса, у 1990 йил Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида сўзлаган нутқида: “Биз жиноятчиликка қарши курашиш юзасидан фавқулодда чоралар кўрар эканмиз, салбий ҳодисаларни вужудга кетираётган, одамларни, айниқса, ёшларни ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлар кўчасига киришга мажбур этаётган ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-сиёсий сабабларни, илдишларни топиш, уларни бартараф этиш лозим” [8] – дея қайд этади.

Статистик маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, ҳақиқатдан ҳам архив ҳужжатларида 1989-1990 йилларда республика миқёсида ёшлар орасида жиноят содир этилиши ҳолатлари кескин ошиб кетганлиги кузатилади. Хусусан, 1989 йили республика

бўйича 2058 нафар вояга етмаган ёшлар турли кўринишдаги жиноятлар учун судланган бўлса, 1990 йилда 2760 нафар ёшлар қамалган. Бу жараёнлар вилоят ва шаҳарлар бўйича ўзига хос бўлиб, айрим жойларда катта тафовутлар кўринади. Бунда, фақатгина Самарқанд (162 тадан 129 тага), Андижон 110 тадан 96 тага, ва Сирдарё вилоятида (128 тада 106 тага тушган) камайиш ҳолати кузатилиб, бошқа вилоятларнинг ҳаммасида кўпайган. Масалан, Бухоро вилоятида 86 тадан 190 тага, Қашқадарё вилоятида 66 тадан 95 тага, Наманган вилоятида 103 тадан 168 тага, Сурхондарё вилоятида 39 тадан 47 тага, Фарғона вилоятида 152 тадан 218 тага, Хоразм вилоятида 58 тадан 69 тага, Тошкент вилоятида 368 тадан 557 тага, Тошкент шаҳрида 704 тадан 897 тага, Қорақалпоғистон АССРда 82 тадан 132 тага ошган эди. Ҳатто, улар томонидан жиноятнинг энг оғир турлари, яъни инсонларнинг жонига қасд қилиш ҳолатлари ҳам кузатилгани ачинарли ҳолатдир (бундай жиноятлар 1989 йилда 2 марта содир этилган бўлса, 1990 йилда уларнинг сони 7 га етган) [9]. Келтирилган фактик материаллардан кўриниб турибдики, республика бўйича вояга етмаганлар орасида жиноят содир этилиши ҳолатлари бир йил ичида кескин ошиб кетган, айрим жойларда 2 барабардан юқори ҳолатлар қайд этилган (Бухоро вилояти 112 %).

Вояга етмаган орасида энг кўп тарқалган жиноят бу аҳолини тўнаш ҳолати бўлиб, биргина Тошкент шаҳрида 1989 йилда 289 марта содир этилган бўлса, 1990 йилда 409 та шундай жиноятлар қайд этилган эди [10].

Ҳақиқатдан ҳам ёшлар орасида жиноят содир этилиши ҳолатлари республиканинг бошқа жойларига нисбатан Тошкент шаҳрида анча кучайиб, 1990 йилнинг 9 оyi давомида биргина Тошкент шаҳрининг Куйбишев райони ички ишлар бўлимига турли кўринишдаги қонунбузарликларни содир этган 1081 нафар ўсмир ушлаб олиб келинган. Бу давр мобайнида вояга етмаганлар томонидан 158 та жиноят содир этилгани рўйхатга олинган бўлиб, уларда 163 ўсмир иштирок этган (бу рақам 1989 йил шу даврга нисбатан 78 тага кўп). Улар орасида шахсий мулкка тажовуз қилиш (17 тадан 71 тага кўпайган), автотранспорт ўғрилиги (3 дан 7 тага кўпайган), безорилик (6 тадан 9 тага ошган) каби жиноятлар кўпроқ содир этилган [11].

4. Хулосалар.

- Таҳлил этилаётган йиллар Ўзбекистоннинг ҳаётида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан жуда мураккаб жараёнлар юз берди. Хусусан, жамият ҳаётини тубдан ўзгартириш учун бошланган қайта қуриш сиёсати ўзининг ижобий натижасини бермади.

- Бу даврда ички ишлар органлари фаолияти ҳам бир қатор тартибсизликлар, камчиликлар ва муаммолар билан кечди. Милиция ходимлари орасида хизматга совуққон муносабат, порахўрлик ва бошқа қонунбузарлик ҳолатлари кучайиб кетди. Оқибатда жамиятда йилдан-йилга жиноят содир этилиши ҳолатлари кўпайиб борди.

- Шу ўринда таъкидлаш жоиз бўлган бир жиҳат, ўша даврга оид ҳужжатлар таҳлили шундан далолат берадики, жамиятда жиноят содир этилишининг ҳаддан ташқари ўсиб кетиши бу фақат ички ишлар идоралари ходимларининг фаолиятини суест олиб бориши билан боғлиқ бўлмай, бу даврда жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва сиёсий бошқарувдаги тартибсизликлар, жумладан, ижтимоий муаммоларнинг ўз вақтида ечимини топилмаслиги, ишсизликнинг кўпайиши, моддий таъминотдаги узилишлар (халқ хўжалигининг барча соҳаларида), тақчилликнинг кучайиши, жамиятда коррупция ва бошқа иллатларнинг авж олиши, инсонлар дунёқарашининг тубдан ўзгариши, турли хил ғоя ва қадриятларнинг кириб келиши, ёшлар орасида таълим-тарбия масаласидаги муаммолар, иттифоқ ва республиканинг турли ҳудудларида содир бўлган миллатлараро муносабатлардаги зиддиятли ҳолатлар билан ҳам изоҳланади.

Иктибослар / Сноски / References:

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: Шарқ. 2000. – Б. 627. + (The modern history of Uzbekistan. 2nd book. Uzbekistan during the Soviet colonial period. Scientific editor M.Juraev. - Tashkent: East. 2000. - p.627.)


2. Боффа Дж. От СССР к России. История неоконченного кризиса. 1964-1994: Пер. с ит. Хаустовой Л.Я. – Москва: Международные отношения, 1996. – С.146-147. (Boffa G. From the USSR to Russia. The story of the unfinished crisis. 1964-1994: Translated from Italian by Khaustova L.Ya.- Moscow: International relations, 1996. – p.146-147)
3. ЎзРПААнинг Андижон вилояти ҳокимлиги бўлими, 3-фонд, 18-рўйхат, 21-иш, 1-3-варақлар. (Department of the Andijan Regional Khokimiyat of the Archive Presidential Administration of the Republic of Uzbekistan, fund 3, list 18, case 21, 1-3 pages.)
4. ЎзРПААнинг Андижон вилояти ҳокимлиги бўлими, 3-фонд, 18-рўйхат, 27-иш, 1-4-варақлар. (Department of the Andijan Regional Khokimiyat of the Archive Presidential Administration of the Republic of Uzbekistan, fund 3, list 18, case 27, 1-4 pages.)
5. ЎзРПААнинг Андижон вилояти ҳокимлиги бўлими, 3-фонд, 18-рўйхат, 27-иш, 2-варақ. (Department of the Andijan Regional Khokimiyat of the Archive Presidential Administration of the Republic of Uzbekistan, fund 3, list 18, case 21, 2 page.)
6. Бакатин В.В. Дорога в прошедшем времени. – Москва: ЗАО Издательство Центрполиграф, 2015. – С. 180. (Bakatin V.V. The road in the past tense. – Moscow: Closed joint stock company Publishing Centerpoligraph, 2015. – p.180.)
7. Каримов И.А. Илм-фан имкониятларидан тўлароқ фойдаланайлик (Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бўлиб ўтган учрашувда сўзланган нутқдан 1989 йил 28 ноябрь) // Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – Б.94. (Karimov I.A. Take full advantage of the possibilities of science (from a speech at a meeting of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR, November 28, 1989) // Uzbekistan on the threshold of independence. - Tashkent: Uzbekistan, 2012. – p.94.)
8. Совет Ўзбекистони, 1990 йил, 5 июнь. (Council of Uzbekistan, 1990 y., June 5.)
9. Ўз МА, 1714-фонд, 9-рўйхат, 666-иш, 17-варақ. (The National Archive of Uzbekistan, fund 1714, list 9, case 666, 17 page.)
10. Ўз МА, 1714-фонд, 9-рўйхат, 666-иш, 20-варақ. (The National Archive of Uzbekistan, fund 1714, list 9, case 666, 20 page.)
11. Ўз МА, 1714-фонд, 9-рўйхат, 666-иш, 14-16-варақлар. (The National Archive of Uzbekistan, fund 1714, list 9, case 666, 14-16 pages.)



Анвар Журакулович Яхшиев,
тарих фанлари номзоди,
Давлат солиқ кўмитаси хузуридаги
Фискал институт доценти
anvarfavran@rambler.ru

ШИМОЛИЙ БАКТРИЯДА АНТИК ДАВР ДИНИЙ ЭЪТИҚОДЛАРИНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

For citation: Anvar J.Yakhshiyev, SOME ASPECTS OF ANCIENT RELIGIOUS BELIEFS IN NORTH BAKTRIA. Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.40-45

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Шимолий Бактрияда антик давр диний эътиқодларининг ўзига хос хусусиятлари кушонлар даври мисолида тангашунослик, ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат ҳамда дафн маросимлари билан боғлиқ анъаналарга, ашъвий далиллар ва археология маълумотларига таянган ҳолда очиб берилган.

Ўрганиш объекти сифатида Шимолий Бактрия, унинг муҳим таркибий қисми бўлган Сурхон воҳаси танланиб, қўшни ҳудудлар моддий маданияти билан қиёсий таҳлил амалга оширилган, эътиқодий масалаларнинг ўзига хос хусусиятлари мазкур ҳудудда олиб борилган узоқ йиллик илмий изланишлар натижасида олинган маълумотлар таҳлиliga таянган ҳолда тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: шимолий Бактрия, Сурхон воҳаси, тангашунослик, ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат, дафн маросимлари.

Анвар Журакулович Яхшиев,
кандидат исторических наук,
доцент Фискального института
при Государственном налоговом комитете
anvarfavran@rambler.ru

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ РЕЛИГИОЗНЫХ ВЕРОВАНИЙ СЕВЕРНОЙ БАКТРИИ В ПЕРИОД АНТИЧНОСТИ

АННОТАЦИЯ

В статье раскрываются некоторые особенности античных религиозных верований Северной Бактрии, основанные на традициях нумизматики, скульптуры, изобразительного искусства и погребального обряда, вещественных свидетельствах и данных археологии на примере кушанского периода.

В качестве объекта исследования была выбрана Северная Бактрия, важной частью которой является Сурханский оазис. Проведен сравнительный анализ материальной культуры соседних регионов. Специфика религиозной проблематики изучена на основе анализа данных, полученных в результате многолетних научных исследований региона.

Ключевые слова: северная Бактрия, Сурхандарьинский оазис, археология, скульптура, изобразительное искусство, погребения.

Anvar J.Yakhshiyev,

Associate professor (PhD) Fiscal Institute under the State
Tax Committee of the Republic of Uzbekistan
anvarfavran@rambler.ru

SOME ASPECTS OF ANCIENT RELIGIOUS BELIEFS IN NORTH BACTRIA

ABSTRACT

The article reveals the peculiarities of the religious beliefs of ancient Bactria in Northern Bactria, based on the traditions of archeology, sculpture, fine arts and funerals, material evidence and archeological data on the example of the Kushan period.

Northern Bactria, an important part of which is the Surkhandarya oasis, was selected as the object of study, and a comparative analysis of the material culture of neighboring regions was carried out, the specific features of religious issues were studied based on the analysis of data obtained as a result of many years of scientific research conducted in this region.

Index Terms: northern Bactria, Surkhandarya oasis, archeology, sculpture, fine arts, burials.

1. Долзарблиги:

Диний эътиқодлар масаласи ҳар бир давр ва жамиятнинг руҳини белгилаган. Инсонлар маънавияти, тинчлик-осойишталик, бағрикенглик ёхуд уруш-галашлар, босқинлар, ўзаро тоқатсизлик иллатлари аксарият диний эътиқодлар билан ҳам бевосита, ҳам билвосита боғлиқ бўлган. Шу боисдан жамиятни ўрганишда унда амал қилган эътиқодлар масаласини назардан қочирмаслик муҳим ҳисобланади. Гап минтақамизда кечган қадимги даврлар ҳақида кетар экан, ушбу масаланинг аҳамияти янада ортади. Турли объектив ва субъектив омиллар туфайли ўрганилаётган даврга оид ёзма манбалар бизгача деярли етиб келмаган, келганлари ҳам узук-юлуқ маълумотлардан иборат бўлиб, тўлақонли тасаввур ҳосил қилиш имконини бермайди. Диний эътиқод билан боғлиқ моддий-ашёвий манбалар эса нисбатан кўпроқ қўлга киритилган ва жамиятда кечган ижтимоий-маданий жараёнлар ҳақида муайян ҳулоса чиқариш имконини беради. Турли маҳаллий ва ажнабий сулолалар ҳукмронлиги остида бўлган Бактрия давлати, унинг муҳим таркибий қисми бўлган Шимолий Бактрия ҳудудининг асосий қисми Ўзбекистон жанубига тўғри келади ва антик даврда мазкур ҳудудда кечган диний эътиқодларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш, мавжуд илмий тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш юртимизнинг антик давр тарихи ва маданиятининг муайян саҳифаларини тўлдиришга хизмат қилиб, долзарб аҳамият касб этади.

2. Методлар:

Шимолий Бактрияда антик давр диний эътиқодларининг ўзига хос хусусиятлари моддий ва маънавий манбаларга, тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда, тарихийлик, изчиллик, узвийлик, холислик ва қиёсий таҳлил методлардан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинди.

3. Тадқиқот натижалари:

Бутун қадимги дунёда бўлгани сингари Шимолий Бактриянинг ҳам ижтимоий ва маънавий ҳаётида диний мафқуранинг аҳамияти катта бўлган. Тарихан олиб қараганда мил.авв. I мингйилик ўрталаридан бошлаб Ўрта Осиё ҳудудларида зардуштийлик дини кенг тарқалади. Зардуштийлик аҳамонийлар даврида Эронда қонунийлашгани сингари Бактрияда ҳам изчил шаклда бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Ўрта Осиёда бу диннинг ўзига хос

маҳаллий кўринишлари мавжуд бўлиб, бу кўринишлар, айниқса, кўмиш маросимларида кучлироқ кузатилади.

Бактрия-Тохаристон ҳудудларидан очилган кўмиш маросимларига оид иншоотларни икки гуруҳга: ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ёдгорликларига ажратиш мумкин. Кўчманчи аҳоли ёдгорликлари, асосан, мозор-кўрғонлардан иборат бўлиб, улар кўпроқ қўшни Тожикистон ҳудудларида (Тўпхона, Аруктов, Тулхар, Султонобод ва бошқ.) ўрганилган[1]. Ўтроқ аҳолининг кўмиш маросимларига оид иншоотлари эса кўпроқ Сурхондарё ҳудудларида (Далварзин, Кўҳна Термиз, Ялангтўштепа, Зартепа, Қоратеп, Холчаён ва бошқ.) ўрганилган[2].

Шимолий Бактриянинг қатор антик давр ёдгорликларида аниқланган кўмиш маросимларига оид маълумотлар бу ҳудудларда Авесто ўғитларига амал қилинганлигидан далолат беради. Бу таълимотга кўра, шаҳар атрофларида махсус бино «ката» (дахма)лар бунёд этилиб, бу биноларда марҳумнинг жасади маълум муддат сақланган. Марҳумларнинг йиллик байрами Фравартикан кунлари эса бу ерга овқатлар қўйилиб, чироқ ёқилган. Айнан шунга ўхшаш дахма кўҳна Кампиртепа атрофидан топиб ўрганилган[3]. Сўнгра зардуштийлик анъанасига кўра, марҳумнинг жасади суякларни этдан тозалаш мақсадида катадан узоқроқда, очиқ жойга қўйилган. Орадан бир йил ўтиб суяклар этдан тозалангач, улар махсус бино – наусларга дафн этилган. Бундай науслар Далварзинтепа, Ялангтўштепа, Кампиртепа ёдгорликларидан топиб ўрганилган[4]. Бу науслардаги марҳумлар ёнига турли-туман буюмлар, сопол идишлар, тақинчоқлар, ойналар қўйилган, гарчи Авестода бундай кўрсатмалар мавжуд эмас. Бундай ҳолат нисбатан қадимгироқ, Авестогача бўлган даврга хос маҳаллий анъаналар (яъни марҳум ёнига турли буюмлар қўйиш) сақланиб қолганлигидан далолат беради. Бу анъаналар Бактриянинг бронза даври ёдгорликларида кўплаб учрайди[5].

Кейинги даврларда, хусусан, антик даврга келиб Бактрия ҳудудларига бошқа динлар ҳам кириб келади. Юнон-Бактрия ҳукмдорлари даврида булар Олимпия илоҳлари билан боғлиқ бўлиб, улар маъбуд – ҳомий сифатида шу давр тангаларида тасвирланган. Бу илоҳларнинг кўпчилиги юечжилар босқинидан сўнг ва кушонлар даврига келиб ўз аҳамиятини йўқотади. Тангашунослик ва ҳайкалтарошлик маълумотларига қараганда, уларнинг айримлари маҳаллий илоҳлар билан, мисол учун, Гелиос Михр билан, Геракл Охшо билан, Ника Ванинда билан ва ҳ.к. аралашиб кетади[6].

Кушонлар даврига келиб Ўрта Осиёда, жумладан Бактрияда турли диний эътиқодлар ёйилади. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, Кушон ҳукмдорлари вазиятдан келиб чиқиб дин эркинлиги сиёсатини олиб борадилар. Чунки бу улкан салтанат турли диний эътиқодларда бўлган кўпгина халқлар ва элатлар бирлашмасидан иборат бўлиб, бу ҳолат ўзига хос диний сиёсат олиб боришни талаб этар эди. Айнан мана шу йўл билан турли халқларда норозилик уйғотмасдан сиёсий барқарорликни ушлаб туриш мумкин эди. Кушон тангаларида Авесто пантеони илоҳлари тасвирлари кўпчиликни ташкил этишини ҳисобга оладиган булсак, Ўрта Осиёнинг кўпчилик аҳолиси зардуштийликка сиғинганлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин. Булар: олов, подшо бахти ва ҳарбий шуҳрат илоҳи – Фарро, қуёш илоҳи – Михро, ой илоҳи – Мах, олов ва меҳнат илоҳи – Атшо, ғалаба ва зафарлар илоҳи – Орлагно, ҳосилдорлик илоҳи – Нана, сув илоҳи – Охшо, мўл-кўлчилик ва уй ўчоғи ҳомийси – Ордеҳши, шамол ва ҳаво офатлари илоҳи – Вадо ва бошқалардир[7].

Тангаларда тасвирланган илоҳларга берилган изоҳлар бактрия ёзувида битилган. Бу тангалардаги аёл ва эркак илоҳлар тик турган ҳолатда тасвирланган бўлиб, илоҳларнинг аёл ва эркак қиёфасида тасвирланиши илк бор кушонлар даврида кузатилади, яъни ундан олдинги даврлар учун хос эмас[5; 141].

Барча Ўрта Осиё халқлари эътиқод қиладиган юқоридаги илоҳлардан ташқари ҳар бир тарихий-маданий воҳанинг ўз маҳаллий илоҳи ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг тасвирлари кўп ҳолларда терракоталар орқали ифодаланади. Бу ерда кўпроқ аёл маъбудаларга эътиқод қилинади. Ҳар қайси ҳудудда ўзига хос илоҳлар тасвири учрайдики, улар шу ҳудуд аҳолисининг этник хусусиятларини ўзида акс эттиради. Бундай илоҳлар тасвирлари Бактрия ҳудудларида айниқса кенг тарқалган. Илмий адабиётларда улар «Бактриянинг Улуғ

Маъбудалари» деган ном олган[8]. Одатда, маъбудалар башанг кийимда, тик ёки ўтирган ҳолатда тасвирланади. Башанг кийим ва сокинлик ҳолати барча маъбудалар тасвирлари учун хосдир. Чунончи, Кушон даври усталари илгариги даврларда бўлгани сингари аёл танасининг гўзаллигини эмас, балки унинг маънавий камолотини акс эттиришга ҳаракат қилганлар. Бунда ҳар қайси маъбуда ўзига мос равишдаги вазифалар рамзига ажратилган. Турли-туман иконографик ҳайкалчаларнинг Шимолий Бактрия ҳудудларидан кўплаб топилиши фикримиз далилидир.

Бактрияда «Улуғ Маъбудалар» билан бирга, Юнон-Бактрия давлатини қулатиб, кейинчалик Кушон давлатига асос солган дашт қабилаларининг ҳомий илоҳлари бўлган эркаклар ва отликлар ҳайкалчалари ҳам кенг тарқалган. Афтидан, Кушон давлатининг асосчилари Герай ва Кужула Кадфиз тангаларига отликлар тасвирининг туширилиши ҳам шу билан изоҳланади. Кушонлар даврида Бактрия ҳудудларида бир неча маҳаллий илоҳларга сиғиниш эътиқоди ҳам тарқалган[2; 24-135.].

Кушонлар даврида Ўрта Осиё ҳудудларида буддавийлик эътиқоди ҳам ёйилади. Бу жараёнда кушонлар томонидан шимоли-ғарбий Ҳиндистоннинг қўлга киритилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки бу даврда айнан мана шу ҳудуд аҳолиси орасида Будда таълимоти кенг тарқалган эди. Ушбу барча ҳудудларнинг ягона давлат таркибига киритилиши, шунингдек, салтанат пойтахти Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбига кўчирилиши буддавийликнинг бутун давлат ҳудудларига ёйилиши учун туртки бўлди.

Кушонлар даврида буддавийлик Ўрта Осиёга Афғонистон ва Жанубий Бактрия орқали кириб келади. Буддавий миссионерларнинг бир қисми бу ердан Парфия давлатининг шарқига – Марвга, бошқа бир қисми эса Термиз орқали Шимолий Бактрияга ёйиладилар. Археологик тадқиқотлар натижасига кўра, буддавий тарғиботчиларнинг Шимолий Бактрияга кўплаб кириб келиши милодий I асрга тўғри келади. Кўхна Термиздаги Қоратепа, Термиз яқинидаги Фаёзтепа, Айритом, Далварзин яқинидаги ибодатхоналарнинг бунёд этилиши ҳам айнан мана шу даврда содир бўлганлиги исбот талаб қилмайди[9].

Дастлабки даврларда Будда таълимоти шаҳар аҳолиси орасида кенг ёйилади. Шимолий Бактриядаги деярли барча шаҳарлар марказида Будда ибодатхоналари ва ступаларнинг мавжудлиги шунга далолат қилади. Мазкур эътиқод аста-секинлик билан қишлоқ аҳолиси орасида ҳам ёйила бошлайди. Қишлоқ манзилларидан Будда терракота ҳайкалчаларининг кўплаб топилиши ушбу жараёндан гувоҳлик беради.

Буюк Кушонлар ҳукмронлигининг охирига келиб, Шимолий Бактрия буддавийликнинг ўзига хос марказига айланади ҳамда бу дин мамлакатдан шимолий ҳудудларга – Чоч, Даван, Шарқий Туркистон, у ердан эса Мўғулистон ва Хитойга ёйилади. Айрим бактрияликлар буддавийлик динининг машҳур тарғиботчиларига айландилар. Улар ўзларининг диний билимларига таяниб Ҳиндистондаги ушбу дин тарғиботчилари билан бемалол беллаша олар эдилар. Хусусан, манбалар Тоҳаристонлик машҳур буддавийлик тарғиботчиси Гхошан ҳақида маълумот берса, Тибет солномаларига кўра, у Кушон подшоси Канишка томонидан ташкил этилган буддавийлар кенгашида иштирок этган. Термизлик яна бир буддавийлик тарғиботчиси Дхармамитра ҳақидаги маълумотлар ҳам ёзма манбаларда тилга олинади[5; 143].

Ҳозирги кунда Сурхондарё вилояти ҳудудларида кўплаб буддавийлик иншоотлари аниқланган. Термиз яқинидаги Қоратепа ибодатхонаси Бактриядаги буддавийлик иншоотлари орасида алоҳида аҳамиятга эга. У Шимолий Бактриядаги Будда динининг ўзига хос марказларидан ҳисобланади. Ёдгорлик ўнлаб алоҳида мажмуалардан ташкил топган. Уларнинг ҳар бири ғор шаклидаги ибодатхоналардан иборат бўлиб, улар айланма коридорлар, ер усти ҳовлиси ва ибодатга оид турли иншоотларга эга. Ибодатхона деворларига буддавийлик билан бевосита боғлиқ турли тасвирлар туширилган. Токчаларга эса Будда ва бодисатванинг ҳайкаллари ўрнатилган[10].

Қоратепа яқинида ўта аҳамиятли яна бир буддойлик иншооти – Фаёзтепа харобалари жойлашган. Ушбу иншоот ибодатхона, монастыр ва хўжалик қисмларидан иборат. Ибодатхона катта ҳовлидан иборат бўлиб, деворлар бўйлаб айвонлар жойлашган. Ҳовли деворлари турли

тасвирлар билан безатилган. Ибодатхона деворларида тасвирлар бор. Шу ерда турли хайкаллар ҳам жойлашган. Монастир қисмида диний таълимотлар ўргатилган ва дарслар олиб борилган. Хўжалик мажмуасида овқат тайёрланган, нон ёпилган, хоналарда эса озиқ-овқат маҳсулотлари сақланган. Фаёзтепа мажмуининг марказий бўғинини эса ҳовли марказидаги улкан ступа ташкил қилади[5; 144].

Термиз яқинидаги яна бир улкан буддавийлик иншооти Айритомда жойлашган. Бу унча баланд бўлмаган тўғри бурчакли пойдевор устидаги тўртбурчак иморат бўлиб, унинг олдида деворлари фриз билан безатилган яна бир бино жойлашган. Фризда турли тасвирлар, хусусан, лютна, барабан, арфа ва флейта чалиб турган мусиқачилар тасвирлари туширилган.

Шўрчи туманидаги кўхна Далварзинтепадан шимолда яна бир бетакрор Будда ибодатхонаси очиб ўрганилган. Ушбу мажмуанинг марказий қисмини уч томондан тўғри бурчакли даҳлизлар билан ўраб олинган ступа ташкил қилади. Шимолий даҳлиз муқаддас саналган ва бу ерда Будданинг лойдан ишланган улкан хайкали жойлашган. Бу ердаги ибодатхонанинг деворларига ҳам турли тасвирлар туширилган. Ўзига хос томони шундаки, бу ерда нафақат буддавийлик дини билан боғлиқ тасвирлар ва хайкаллар, балки хукмдорлар ва уларнинг яқинларининг хайкаллари ҳамда тасвирлари ҳам мавжуд. Бу ерда Будда ва илоҳларнинг тасвирлари дунёвий кишиларнинг тасвирлари билан биргаликда тасвирланиши ўта аҳамиятлидир[11].

Кушон давлати аҳолисининг унчалик катта бўлмаган бир қисми насронийлик динига эътиқод қилишган. Бу ҳақда милоннинг III–IV асрларига оид арман ва сурия манбалари ишончли маълумотлар беради. Аммо бу ҳудудларда ушбу диннинг ёйилиш даражаси ҳақида аниқ бир фикр айтиш мушкул. Боиси Шимолий Бактриядан ҳозирча кушон даврига оид насроний ибодатхоналар қолдиқлари аниқланмаган. Кушонлар даврининг охирларига келиб бу ҳудудларда монийлик дини тарафдорлари ҳам пайдо бўлади.

Кушон даври кўмиш маросимлари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Бу даврда Бактрияда дафн этишнинг икки хил шакли кенг ёйилган. Биринчисида тўғри бурчакли қабрлар одатда хом ғиштлар билан қопланган. Марҳумлар узаласига ётқизилиб, ёнига турли қабр ашёлари, марҳумнинг оғзи ёки кўкрагига эса тангалар қўйилган. Мил.авв. I ва мил. I асрларга оид шундай қабрлар Айритом, Тўпхона ва Тулхор (Кофирнихон воҳаси)дан топилган.

Мурдани сўнги йўлга кузатишнинг иккинчи кўриниши – бу аввалдан тозаланган суякларни дахмаларга дафн этиш билан боғлиқ. Милоннинг I–II асрларида кенг ёйилган ушбу дафн анъаналари Бандихон ва Далварзинтепада аниқланган. Иккала шакл ўртасидаги бундай фарқланиш Шимолий Бактрия аҳолиси ўртасида диний тасаввурларнинг ўзгариши билан боғлиқ эканлиги шубҳасиз. Зардуштийлик дини ва анъаналарининг кучайишидан далолат берувчи дахмаларга, катта қабрлар ва идиш – хумларга дафн этиш одатлари гарчи Бактрия ҳудудларида нисбатан кам бўлиб, асосан, Парфия, Хоразм ва Суғд ҳудудларида кенг тарқалган. Бактриянинг кўчманчи аҳолиси эса майитларни аввалгидек мазор-қўрғонларга дафн қилганлар.

4. Хулосалар:


Хуллас, антик давр Шимолий Бактрия аҳолиси ўзига хос дафн маросимларини ишлаб чиққанлар. Дафн маросимлари билан боғлиқ иншоотлар бу ҳудуддаги тарих, дин тарихи, моддий ва маънавий маданият тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўтроқ аҳолининг дафн иншоотлари шакли ва тузилиши жиҳатидан турли-тумандир. Бу иншоотлар оддий чуқурлардан тортиб, маҳобатли мақбараларгача бўлган ёдгорликларни ўз ичига олади. Турли-туманлиги жиҳатидан Бактрия-Тоҳаристоннинг дафн иншоотлари Ўрта Осиёнинг бошқа тарихий-маданий иншоотларига нисбатан устун туради.

Диний эътиқодлар жамият маънавий камолотининг бош омили бўлса, антик даврнинг энг гуллаган босқичи бўлмиш кушонлар даврида диний эътиқодларга эркинлик берилиши ўлкадаги сиёсий барқарорликни таъминлашда муҳим омил вазифасини ўтаган.

Иқтибослар/Сноски/References:


1. Мандельштам А.М. Кочевники на пути в Индию // МИА. – 1966. – №136. (Mandelstam A.M. Nomads on their way to India).
2. Пугаченкова Г.А. О культах Бактрии в свете археологии // ВДИ. – 1974. – №3. (Pugachenkova G.A. About Bactria cults in the light of archeology).
3. Ртвеладзе Э.В. Дальварзинский наус // Дальварзинтепе – кушанский город на юге Узбекистана. – Т., 1978. (Rtveladze E.V. Dalvarzin naus // Dalvarzintepe - Kushan city in the south of Uzbekistan).
4. Ртвеладзе Э.В. Могильник кушанского времени у Ялангтуштепе // СА. – 1983. – №1. (Rtveladze E.V. Kushan time burial site at Yalangtushtepe).
5. Яхшиев А. Шимолий Бактриянинг тарихи ва маданияти (милоддан аввалги III – милодий IV асрлар Сурхон воҳаси маълумотлари асосида). Тарих фанлари номзоди диссертацияси. – Т., 2002. – Б. 140. (Yakhshiev A. History and culture of Northern Bactria (on materials of Surkhan valley III century BC - IV century AD). D. thesis for the degree of Candidate of Historical Sciences).
6. Яхшиев А. Шимолий Бактриянинг тарихи ва маданияти (милоддан аввалги III – милодий IV асрлар Сурхон воҳаси маълумотлари асосида). Тарих фанлари номзоди диссертацияси автореферати. – Т., 2002. – Б. 22. (Yakhshiev A. History and culture of Northern Bactria (on materials of Surkhan valley, III century B.C. - IV century A.D.). Candidate of History Dissertation).
7. Пугаченкова Г.А. Образы божеств в культуре Тохаристана времени кушан // Краеведени Сурхандарьи. – Т. 1989. – С. 20-42. (Pugachenkova G.A. Images of deities in Tokharistan culture at the time of Kushans// Kraevedeni Surkhandarya).
8. Литвинский Б.А., Седов А.В. Культы и ритуалы кушанской Бактрии. Погребальный обряд. – М., 1984. (Litvinsky B.A., Sedov A.V. Cults and rituals of Kushan Bactria. Funeral rites)
9. Пугаченкова Г.А. Далварзинтепе и некоторые общие вопросы истории и культуры Северной Бактрии // Далварзинтепе – кушанский город на юге Узбекистана. – Т., 1978. – С. 176-222. (Pugachenkova G.A. Dalvarsintepa and some general questions of history and culture of Northern Bactria // Dalvarsintepa - Kushan city in the South of Uzbekistan).
10. Пугаченкова Г.А. Новые данные о художественной культуре Бактрии // Из истории античной культуры Узбекистана. – М., 1973. – С. 78-129. (Pugachenkova G.A. New data about Bactria art culture // From history of antique culture of Uzbekistan.)
11. Лелеков Л.А. Вопросы интерпретации среднеазиатской коропластики эллинистического времени // СА. – 1985. – №1. – С. 55-61. (Lelekov L.A. Questions of interpretation of Central Asian coroplastics of Hellenistic time)



Диёржон Абдуллаев,
доцент, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика
университети докторанти

**МАРКАЗЛАШГАН ДАВЛАТ ҚАРОР ТОПИШИДА МУКОФОТЛАШ ВА
РАҒБАТЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ (АМИР ТЕМУР ВА
ТЕМУРИЙЛАР СУЛОЛАСИ МИСОЛИДА)**

For citation: Diyorjon Abdullaev, THE PLACE AND ROLE OF THE SYSTEM OF AWARDING AND ENCOURAGEMENT IN THE FORMATION OF THE CENTRAL STATE (ON THE EXAMPLE OF AMIR TIMUR AND THE TEMURID DYNASTY). Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.46-56

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Мазкур илмий мақолада Амир Темур сулоласининг марказлашган давлат сифатида қарор топишида тақдирлаш ҳамда мукофотлаш тадбирларининг кенг қўламда йўлга қўйилганлиги ҳамда мамлакат сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига қай даражада таъсир кўрсатганлиги тарихий манба ва адабиётлар асосида ёритилган. Анъанага айланган мукофотлаш тадбирлари ҳуқуқий меросга айланган “Темур тузуклари”да катта ўрин эгаллаганлиги ва унга амал қилинганлиги баён этилган. Шунингдек, салтанатда Амир Темурнинг ҳар бир хайрли иш, ҳар бир фуқаро, олиму фузало, ҳарбий-сипоҳ, элчи-ю ҳукмдорга адолат билан муносабатда бўлгани, уларни тақдирлаб, мукофотлаш ишига катта эътибор қаратгани унинг бир умрлик муваффақиятини таъминлашга асос бўлганлиги кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: мукофот, Амир Темур, Темурийлар давлати, Темур тузуклари, рағбатлантириш, тақдирлаш, ер эгалиги, “суюрғол”, улуфа, ҳарбий тоифа, совға, инъом, элчилик алоқалари, Клавихо кундалиги.

Диёржон Абдуллаев,
докторант Ташкентского государственного
педагогического университета имени Низами,
доцент, доктор философии по историческим наукам (PhD)

**МЕСТО И РОЛЬ СИСТЕМЫ ВОЗНАГРАЖДЕНИЯ И ПООЩРЕНИЯ В
ФОРМИРОВАНИИ ЦЕНТРАЛЬНОГО ГОСУДАРСТВА (НА ПРИМЕРЕ АМИРА
ТЕМУРА И ДИНАСТИИ ТЕМУРИДОВ)**

АННОТАЦИЯ

В данной научной статье на основе исторических источников и литературы описываются масштабные награждения и поощрения в период становления династии Амира Темура как

централизованного государства и степень ее влияния на политическую, социально-экономическую и культурную жизнь страны. В нем, отмечено, что традиционные награждения сыграли важную роль в юридическом наследии «Уложение Темура». Также отмечено, что справедливое отношение Амира Темура к каждому благому делу, каждому гражданину, ученому, военному, послу и правителю, его большое внимание к делу их награждения и поощрения явилось основой его жизненного успеха.

Ключевые слова: награда, Амир Темура, государство Темуридов, Уложение Темура, поощрение, вознаграждение, земельная собственность, «суюргал», улуга, воинская категория, подарок, дары, посольские отношения, дневник Клавихо.

Diyorjon Abdullaev,

doctoral student of Tashkent State Pedagogical University
named after Nizami, Associate Professor,
Doctor of Philosophy in Historical Sciences (PhD)

THE PLACE AND ROLE OF THE SYSTEM OF AWARDING AND ENCOURAGEMENT IN THE FORMATION OF THE CENTRAL STATE (ON THE EXAMPLE OF AMIR TIMUR AND THE TEMURID DYNASTY)

ABSTRACT

This scientific article, based on historical sources and literature, describes large-scale awards and incentives during the formation of the Amir Temur dynasty as a centralized state and the degree of its influence on the political, socio-economic and cultural life of the country. In it, it is noted that traditional awards have played an important role in the legal legacy of the "Code of Temur". It was also noted that Amir Timur's fair attitude to every good cause, every citizen, scientist, military, ambassador and ruler, his great attention to the matter of awarding and encouraging them was the basis of his life success.

Index Terms: reward, Amir Temur, the Temurid state, the Code of Temur, encouragement, remuneration, land ownership, "suyurgal", uluga, military category, gift, benefits, embassy relations, Clavijo diary.

1. Долзарблиги:

Ўзбек давлатчилиги тарихида рағбатлантириш, мукофотлаш анъанаси тарихи азалдан анъана, одат тусига кириб, ўрта асрларга келганда янги босқичга кўтарилганлиги бевосита Амир Темура ва Темурийлар даврига бориб тақалади. Гарчанд, бу даврда мукофот белгилари (фалеристик белгилар назарда тутилмоқда) яратилмаган бўлсада, тақдирлаш ҳамда мукофотлаш ишларида ер-мулклар инъом этиш, совға-саломлар улашиш, ҳарбий унвон ва юқори даражадаги мансаблар билан сийлаш, солиқ имтиёзлари бериш каби тақдирлаш усуллари ва анъаналарининг олдинги даврларга нисбатан кенгроқ қўлланилганлиги Амир Темура ва Темурийлар даврида мукофотлаш анъанаси тарихининг ривожланган дастлабки босқичини белгилаб беради. Мўғул давлати ҳукмронлигидан кейинги даврда, яъни XIV аср охирида Темурийлар давлатининг асосчиси Амир Темура сиёсий майдонга чиқиб, Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида марказлашган давлатни барпо этгани мазкур ҳудудда ўрта асрларда мукофотлаш ва рағбатлантириш тизимини юқори поғонага кўтаришда янги даврни бошлаб берди.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мазкур илмий мақолада муаммоларни комплекс тартибда умумлаштириш, тарихий-киёсий таҳлил ва даврлаштириш, тарихийлик, холислик, маълумотларни тизимлаштириш каби тамойил ҳамда усуллардан кенг фойдаланилган. Тадқиқот доираси илк бор алоҳида ўрганилаётган мавзу сифатида таҳлил этилган бўлсада, бир қатор тарихий манба ва адабиётларда мавзуга доир маълумотлар келтирилган ва қайд этилган. Жумладан, Соҳибқироннинг “Темура тузуклари”, Шарафуддин Али Йаздийнинг “Зафарнома”, Ибн

Арабшоҳнинг “Ажойиб ал-Мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари)”, Руи Де Клавихо Гонсалеснинг “Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403 - 1406)” номли тарихий манбалар тадқиқот мавзусини очиклашга ва ёритиб беришга катта хизмат қилган. Шунингдек, Б.Аҳмедов, А.Муҳаммаджонов, Л.Керен Н.Аҳмедов, З.Муқимов, К.Султонов, Муҳаммад Али, М.Иванин, У.Абдуллаев А.Чориев, А.Одилов, Э.Азимов, Р.Ш.Алеуова, А.А.Туляганов каби олимларнинг асарлари ва тадқиқотларида ҳам таҳлил этилаётган масала доирасига оид маълумотлар келтирилган.

Адабиётларда таъкидланишича, “Амир Темур катта ҳарбий ва давлатчилик ташкил этиш қобилияти, кучли иродаси ва шахсий жасурлиги билан ажралиб турган. Соҳибқирон ер эгаликларини ягона давлатга бирлаштириб, ўзи янги эгаликларни ташкил этиб, қисмларга бўлиб, уларнинг фаол амалга оширувчиси бўлган мўғуллар даврида анъанага айлана олмаган суюрғол тизимини мустаҳкамлаб, уларни имтиёз ва рағбатлантириш сифатида тақдим эта олган.

Амир Темур ва Темурийлар даврида тақдирлаш ишларини таҳлил қилишда Соҳибқирон томонидан яратилган “Темур тузуклари”да берилган қоидалар катта аҳамиятга эга бўлган. Айнан, унинг тузукларида келтирилган ҳар бир номлар ўша давр ҳаётида қўлланилган ҳамда амалиётга татбиқ этилганлиги билан юксак қадрланади. Ўз навбатида, Амир Темур ўзининг жуда катта ҳудудида жойлашган империясини ва кўп минг сонли армияни идора қилиш учун ўғиллари, набиралари, қавм-қариндошлари, амир ва вазирларни жазолаш йўли билан салтанатида интизом сақлаш ҳақида махсус қонунлар, фармонлар жорий қилади ва, аксинча улардан яхши хизмат қилганларни тақдирлаш, мукофотлар бериш тузугини ишлаб чиққан эди[20.117-118].

Темур тузукларини ўргана туриб, ундаги мукофотлашга оид масалалар қонунлар, уларда раият аҳли манфаати кўзда тутилган жиҳатларга оид тузуклар; Темурнинг салтанатни ўз эркида тутиш тузуғи, танҳо ва улфалар бериш тузуғи; ўғиллар ва набираларга улуфа бериш тартиблари; инъом ва совғалар бериш тузуғи; вазир тутиш тузуғи, амирлик ва ҳукмдорлик тузуғи; сипоҳийларни энг қуйи даражадан олий мартабагача кўтариш тузуғи, яъни ҳарбий ҳуқуққа оид қоидалар; амирлар, вазирлар, сипоҳ ҳамда раиятни тақдирлаб, инъом ва совғалар бериш; навкарнинг бегига, бекнинг навкарга муомаласи тузуғи; дўсту душманга муомала қилиш тузуғи, мамлакатларни забт этиш тузуғи; раиятдан мол-хирож олиш тузукларида гарчи тўғридан-тўғри кенгаш ёки алоҳида модда бағишланган бўлмаса-да, уларда, раият аҳли манфаатини кўзда тутилган жиҳатлар, инсон ва қонун масаласи, инсон ҳуқуқлари муаммоларига бағишланган қоидаларда ҳам кўп учрайди. “Тузуклар”даги раият аҳли учун назарда тутилган қонунлар шуни кўрсатадики, фуқародан бир нима талаб қилишдан олдин давлат унга тегишли шарт-шароит яратиб бермоғи лозимлиги, агар давлат халқ манфаати билан ҳисоблашмаса, унда халқ давлатга берилган ҳуқуқни олиб, бошқа ишончлироғига бериши лозимлиги ифода этилган[2.71].

Амир Темурнинг ҳар бир воқеага, ҳар бир фуқарога, олим-у фузалого, сипоҳга адолат билан қарагани, уларни турли совға ва инъомлар билан тақдирлагани унинг бир умрлик муваффақиятини таъминлашга асос бўлган омиллардан бири ҳисобланади. Жумладан, “Қайси амирга тиюл берилар экан, – деб ёзади Амир Темур ўз “Тузуклари”да, – уни уч йилгача ўз ҳолига қўйсинлар. Уч йил ўтгандан сўнг уни текшириб кўрсинлар. Агар мамлакат обод, раият рози экан, шу ҳолича қолдирсинлар. Агар аҳволи бунга хилоф равишда бўлса, ул вилоятни холиса(давлат ихтиёридаги барча солиқлардан озод этилган ер-сув.)га ўтказиб, уч йилгача ўша жогирдор(инъом этилган ер-сув (тиюл) эгаси.)га улуфа берилмасин”[19.71-72]. Бундан англаш мумкинки, биринчидан, Темур томонидан ҳар қандай хайрли иш рағбатлантирилган, иккинчидан, инсон ўз хатосидан сабоқ олиши, қайта такрорламасликка, энг муҳими қонунни қайта бузилишига йўл қўймаслиги назарда тутилган.

3.Тадқиқот натижалари:

Амир Темур ўзининг сиёсатини амалга оширишда, давлатни бошқаришда уламолар, илм аҳллари ва юқори табақа вакилларига қаттиқ таянган. Амир Темур ана шу табақаларнинг хизматидан уларнинг ижтимоий мавқеига қараб фойдаланган ҳамда уларни тақдирлаб турган.

Унинг даврида ерга эгалик қилиш мулкчилиги ривожланган, жумладан, аскарбоши, шоир ва катта мартабали рухонийларга, девон хизматчиларига “суюрғол” тариқасида мулклар инъом қилиб берилган, алоҳида хизмат кўрсатган бекларга, лашкарбошиларга бериладиган ер, сув мулки ёки бўлмаса маълум жойдан туман, вилоятдан ўз фойдасига солиқ йиғиб олиш ҳуқуқини берадиган – “суюрғол” мулки[17.57] вужудга келган[12.78].

Амир Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги даврида ҳам давлат ерларини ўтган тарихий даврлар каби мукофот сифатида инъом, ҳадя қилиш давом эттирилган. Бу борада “суюрғол” термини ишлатилиб, бу тизим Темур давлати ташкил этилиши арафасида мамлакатда қўлланилиб, у “иқтоъ” каби маълум туман ёки вилоятни ҳукумат ёрлиғи билан Ғарбдаги “феод” ёки “лен” тарзида олий ҳукмдор авлоди, юқори табақали зодагонларга инъом тариқасида беришни англатган. Ушбу ерлар авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтган. Амир Темур суюрғол ажратиш асосида ўз давлатининг алоҳида қисмларини аввалги эгалари, ўз оила аъзоларига (ўғиллари, неваралари) тақдим этган, баъзан эса ўз амирларига уларнинг хизматлари учун ҳам тақдим этган” [7.359]. Масалан, Муҳаммад Жаҳонгир вафот этгач, унга тегишли Балх, Қобул, Ғазна ва Қандаҳор ҳудудлари ўғли Пирмуҳаммадга, Умаршайхнинг ўғли Рустамга Исфакон, Мироншоҳнинг ўғли Абу Бақрга Бағдод суюрғол қилинган[10.221]. Шунингдек, майдони жиҳатдан майда ва сурғол эгасининг ҳақ-ҳуқуқи анча мунча чекланган сурғол ерлари ҳам бўлган. Биргина, Султон Хусайн Бойқаронинг 14 минглик гвардияси ва 40 минглик мунтазам қўшинининг ҳар бир аскарига 80 жариб, яъни 40 танобдан ер тортиқ қилинган. Навқарларга берилган бу ерлардан ҳам мутлақо солиқ ва тўловлар олинмаган. Темур даврида саййидлар орасидан ишончлиси садр лавозимига тайинланиб, шахсан у томонидан саййидлар, уламолар, шайхлар ва бошқа арбобларга ҳам суюрғол сифатида ер, мол-мулк совға тариқасида белгиланган[19.57]. Адабиётларда келтирилишича, “суюрғол тақдим этишда у бериладиган шахслар имзоси ва муҳрлар билан тасдиқланган ёрлик берилган. XV асрда Темурийлар давлатида хонлар, амирлар, султонлар суюрғолларни кенг тарқатганлар. Суюрғол тартибида Шохрух, Улуғбек, Абу Саид, Абулқосим Бобур, Султон Хусайн ва бошқа Темурий ҳукмдорлари сулоланинг алоҳида аъзоларига эгалик ва бошқариш учун бутун маъмурий вилоятларни топширганлар.

Шунингдек, бу даврда ҳукмдор томонидан йирик мулк эгаларига бирон хизмати учун тархонлик ёрлиғи бериш кенг урф бўлган. Ушбу ёрлиғни олган мулкдорлар барча солиқ, тўловлардан озод қилинган. Ёрликни олган юқори тоифали табақа вакиллари исмига “тархон” сўзи қўшиб айтилган. Тархонларнинг кўпчилиги бой бўлган, масалан, Хирот атрофида Дарвешали тархон, Самарқанд ва Бухоро атрофларида Абдулвали тархон номи маълум ва машҳур бўлган. Тархон - у ёки бу шахснинг қўлида бўлган ер, мулк ёки иморатни давлат ғазнасига тушадиган солиқ тўловидан озод этиш маъносида қўлланилган. Тархон ёрлиғи бирор-бир мулкни, жумладан ерни тақдим этишни кўзда тутмаган, у уларга эга бўлган инсонларга берилган, шу жиҳати билан у суюрғолдан фарқ қилган[7.385]. Аммо бу икки тушунча мазмун, моҳияти ва вазифасидан келиб чиқиб, ўз хусусиятларига эга бўлганлигига қарамай бизнингча, ўрта асрлар даврида давлатнинг имтиёз-рағбатлантириш сиёсатининг “асоси” бўлган, кичик мукофот сифатида амал қилган. Айнан, суюрғолда давлат олдидаги хизматлари учун рағбатлантириш сифатида маълум шахсга эгалик учун бирор-нима тақдим этилган, тархон ёрлиғи эса маълум шахсга имтиёзларни тақдим этган ва унинг мулки имтиёзли-ҳуқуқий тартибга солинган. Тархон ёрлиғи хон, султон ёки амир томонидан ер эгасига тақдим этилиши мумкин бўлган. Тархонга ёрлик берилишидан кейин деҳқонлар аввалгидек хизмат қилишда, барча солиқларни тўлашда давом этганлар, аммо эндиликда давлат ғазнасига эмас, балки тархонлик олган шахснинг хусусий ғазнасига тўлаганлар. Таъкидлаб ўтилган имтиёзлардан ташқари, тархон ёрлиғининг соҳиби, яъни тархон бўлган инсон тўққизта хатолик ишига жавобгарликдан озод бўлиш ҳуқуқини олган. Фақатгина ўнинчи хатосидан бошлаб тархон жавобгарликка тортилган. Темурийлар тархон ёрликларини кенг тарқатганлар. Уларни амирлар, беклар, оддий ҳарбий қўмондонлар, фуқаролик мансабдорлари, саййидлар, олий дин пешволари вакиллари, турли сарой ходимлари ва ҳукмдор синфидаги бошқа шахслар олганлар[7.385]. Шу тариқа, тархон ёрлиғи аввал маълум шахсда

мавжуд бўлган имтиёз ва кафолатларнинг ҳуқуқий тасдиғи бўлган, ўзининг ҳуқуқий тавсифи бўйича у ўз соҳибининг имтиёзли-рағбатлантирувчи мавқеини тартибга солган ҳужжат бўлган. Шубҳасиз, тархон ёрлиқларига эга бўлган инсонлар у даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётда асосий роль ўйнаганлар. Улардан бири Хўжа Ахрор бўлиб, у ўз даврининг энг бой инсонларидан бири бўлган. Айнан, ҳукмдорлар томонидан унинг учун махсус энг кўп имтиёзлар белгиланганлиги шубҳасиздир. Хўжа Ахрор сингари йирик ер эгалари ҳукумат томонидан кўпгина имтиёзларга эга бўлганлар. Уларга ва уларнинг қариндошларига тўққизтагача жинойтлар кечирилган ва улар огоҳлантиришсиз хон ёки ҳукмдор ҳузурига киришлари мумкин бўлган. Улуғбек даврида тархон урушда мағлуб бўлган шахсларнинг давлат солиғи ва бадаллардан озод этган имтиёз бўлганлиги таъкидланади. Бу эса, яна бир бор тархон ер ёки мулк бўлмай, фақатгина имтиёз кўринишида бўлганлигини англатади. Солиқлардан озод бўлиш жараёнида мамлакатнинг бутун аҳолиси тархон олган ҳолатлар ҳам бўлган. Жумладан, Мирзо Улуғбек ўз ўғли туғилганида бутун Мовароуннаҳр аҳолисига тархон ёрлиғини берган. Бунда тархон ёрлиғи ҳуқуқий имтиёз вазифасини бажарганлиги келиб чиқади [15.23.24].

Амир Темур ва Темурийлар давлатининг бошқарув қатлами жуда аҳамиятли бўлган, айнан “Темур тузуклари”да улар батафсил санаб ўтилган. Унда асосан олий табақанинг ижтимоий таркиби қуйидаги тоифалардан таркиб топган:

1. Олимлар, шайхлар;
2. Тўғри маслаҳат бера оладиган уламолар, донишмандлар;
3. Амир учун дуо қилувчи шахслар;
4. Амирлар, ҳарбий кўмондонлар;
5. Қўшин;
6. Давлат сирини ишониш ва махфий ишни топшириш мумкин бўлган тажрибали ва билимли инсонлар;
7. Вазирлар, бош котиблар, девон (вазирлик) котиблари;
8. Доно шифокорлар, мунажимлар, муҳандислар;
9. Тарихчилар ва ҳикоянавислар;
10. Моҳир ҳунармандлар;
11. Шайхлар ва сўфийлар;
12. Саёҳатчилар ва меҳмонлар.

Давлат бу тоифалардан қандай фойдани кутиши мумкинлиги кўрсатилган. Шунингдек, бу тоифа вакиллари имтиёзлар ва рағбатлантиришлар соҳиблари бўлганлиги ҳамда Темурийлар давлати айнан мазкур аҳоли тоифаларининг кўллаб-қувватлаши эвазига мустаҳкамликка эришгани эътиборлидир.

“Темур тузуклари”да таъкидланишича, Амир Темур ўзи барпо этган бепоён ва қудратли салтанатни бошқаришда маҳалла мутассадди шахслари, яъни оқсоқолларига ҳам таяниб, улар билан яқин мулоқотда, доимий машваратда, маслаҳатда бўлган. Уларнинг фаолиятини бевосита кўллаб-қувватлаган, моддий ва маънавий рағбатлантириб турган. Бу борада, “Темур тузуклари”да шундай дейилади: “Ҳар эл ва ҳар мамлакатнинг улуғларини, бошлиқ оқсоқолларини қадрладим, уларга совға-саломлар бериб, хизматларидан фойдаландим” [16.42].

Темурийлар даврида соҳибкорлар ҳам сув таъминоти ва суғориш ишларида анча фаол бўлганликлари сабабли улар рағбат сифатида бир икки йил давомида барча солиқ ва тўловлардан озод этилган [10.255]. Амир Темур сув чиқариб ташландиқ, куруқ ва бўз ерни обод қилган кишиларни рағбатлантириб, уларга катта имтиёзлар берган. Бу хусусида тузукларда қуйидагича қайд этилган: “Кимки бирон саҳрони обод қилса, ёки кориз курса, ё бирон боғ кўқартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили райят розилиғи билан берганини олсинлар, учинчи йили эса (олиқ-солиқ) қонун қондасига мувофиқ хирож йиғсинлар” [19.99]. Бу ерда яна аҳамиятли томони шундаки, хирож йиғишда ҳам кўр-кўроналикка, палапартишликка йўл қўйилмаган,

балки шахсан Амир Темур фармони билан хирожни экиндан олинган ҳосилга, ернинг унумдорлигига ва бошқа шарт-шароитларга қараб олганлар.

Амир Темур давлатининг ҳарбий соҳасида ҳарбий унвон ҳамда даражалар билан тақдирлаш ишига ҳам катта эътибор қаратган. Ана шу асосда Амир Темур ва Темурийлар даврида Соҳибқирон томонидан ҳар доим аскарларга пул инъом этиш ҳамда мукофотлар билан сийлаш анъанаси шаклланган эди[21]. Айнан, Соҳибқирон “Тузуқлари”да бу жараёнларни қуйидагича изоҳлаган: “...амирларим ва сипохийларимни мартаба ва унвонлар билан, зару зеварлар билан хушнуд этдим. Базмларда уларга (ўз ёнимдан) ўрин бердим, шунинг учун жонларини фидо қилдилар. Дирҳам ва динорларни улардан дариг тутмадим...” [19.53].

Жанговар хизмат кўрсатган жангчиларга мукофотлар шарафлаш, маошни ошириш, ўлжа бўлишда улушнинг оширилиши, юқори мансабга кўтариш, фахрий унвон бериш, баҳодир, жасур, ботир ва бошқа шу каби номлар билан аташ сифатида берилса, бутун қўшинлар қисмига – ноғора, байроқ билан тақдирлаш тарзида берилган[8.134].

Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати унинг нафақат кучли ҳарбий назариётчи, балки сипохийларни тушуна оладиган лашкарбоши бўлганлигида ҳам яққол намоён бўлади. Ўнлик, юзлик, минглик ва туманлигида бўлинган қўшинда кучли, мард ва ботир жангчиларни хизмати эвазига тақдирлаган[23.26]. Жумладан, жангларда илк марта катта жасорат ва баҳодирлик намунасини кўрсатган оддий аскарга ўнбоши даражаси берилган. Айнан шу аскар жангда яна бир бор жасорат намунасини кўрсатса, унга юзбоши унвони берилган. Агар у учинчи марта баҳодирлик рағбатини кўрсатса, у ҳолда унга мингбоши мартабаси берилган. Кейинчалик жангдаги фаолиятига қараб 12 даражали амирлик поғонасидан кўтарилиб борилган. Аксарият ҳолларда бирор юртни эгаллаган амирга ўша ерлар суюрғол тарзида иноят этилган[23.26].

Амирлар даражасига қараб, қўшинга бош бўлган. Масалан, биринчи амир – минг кишига, иккинчи амир – икки минг кишига, учинчи амир – уч минг кишига бош бўлган. Амирлар ўз даражаларига қараб бир-бирига ноиб этиб тайинланганлар. Масалан, биринчи амир иккинчи даражали амир ноиби бўлган. Тўрт нафар бекларбеги даражаси ҳарбий даражаларининг энг олийси ҳисобланган[13.136]. Ўн иккинчи даражали амир эса амир ул-умаронинг ноиби ҳисобланган. Амир-ул умаро эса Амир Темурнинг ноиби дея эътироф этилган.

Амир Темур ўз давлатини мустақкамлашга ҳаракат қилар экан, бу йўлда ҳар бир улус ва туман амирини мамлакатлар, ҳарбий унвон ҳамда юқори даражали мансаблар билан сийлаб турган. Жумладан, салтанат қармоғидаги 40 та аймақдан қуйидаги ўн иккитасига тамға берилиб, улар Соҳибқироннинг ишончли навкарларига айланган: барлос, тархон, арғун, жалоир, тулкичи, дулдай, мўғул, сулдус, туғой, қипчоқ, орлот, тотор. Тамғага эга бўлмаган йигирма саккиз аймақ бошлиқларига улус амирлиги топширилган. Барлос уруғидан 4 киши амир ул-умаро унвонига сазовор бўлиб, улардан Амир Худайдодга Бадахшон мамлақати, Амир Жоку, Амир Ики-Темур ва Амир Сулаймоншоҳга ҳам биттадан сарҳад мамлақати тортиқ қилинган. Барлос уруғидан Амир Жалолиддинга ўнинчи, Амир Абу Саййидга тўққизинчи амир даражаси тақдим этилган[19.86]. Тархон уруғидан амир Боязид еттинчи даража, йигирма киши юзбоши унвонига, Арғун улусидан Тошхўжа саккизинчи даража, йигирма киши мингбоши, юзбоши ва ўнбоши унвонига, Жалоир улусидан Тўк Темур ва Шер Баҳром саккизинчи ва тўққизинчи даража, йигирма киши юзбоши ва ўнбоши унвонига, Тулкичи улусидан Ўлжойту апердига, Дулдай улусидан Тобон ва Сон баҳодирларга, Мўғул улусидан Темирхожа ўғлонга, Сўлдус улусидан Элчи баҳодирга, Тўғой улусидан Али Дарвишни, Қипчоқ улусидан Сори Буғога, Орлот улусидан Сўлойчи баҳодирга, Тотор улусидан Кунақхонга амирлик унвони тақдим этилган[19.87].

“Темур тузуқлари”нинг “Амирлар, вазирлар, сипоҳ ҳамда раиятни тақдирлаб, инъом ва совғалар бериш тузуги” деб номланган қисмини ўрганиш натижасида Амир Темур ва Темурийлар даврида тақдирлаш, мукофотлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилганлигини яна бир бор англаймиз. Жумладан, тузуқда баён этилишича, қайси бир амир бирон мамлакатни фатҳ этса, ёки душман аскарини енгса, уни уч нарса билан мукофот этганлар. Биринчиси, фахрли хитоб, туғ ва ноғора бериб, баҳодир номи берилган. Иккинчиси, уни давлат ва салтанат

шериги ҳисоблаб, кенгаш мажлисларида иштирок этишга рухсат берганлар. Учинчиси, унга чегара вилояти топширилиб, ўша ерлик амирлар унга бўйсунган[19.80-81]. Шунингдек, амирлардан қайси бири тўра (хон ўғли)ни енгса ёки бирон амирзодага шикаст етказса, ё бирор ўлка хонини мағлуб этса уни ҳам юқоридаги 3 жихат билан мукофотлаганлар. Масалан, Амир Темур Ўрусхонга қарши жанг олиб борган ҳамда ғалаба қозонган амир Ики-Темурни мукофотлаб, унга туман, туғ, алам (байроқ) ва ноғора берган. Уни давлат ишларига чорлаб, маслаҳатчи ва вазир даражасини берган ҳамда кенгашларга киритиб, чегарадаги вилоятлардан бирини унга тақдим этган. Шунингдек, Амир Темур жангда ўзини кўрсатиб, қаршисидаги ғаним лашкарини мағлуб этган ҳар бир амирнинг мартабасини ошириш бўйича ҳам буйруқ берган. Жумладан, Тўхтамишхон билан бўлган жангларда ўзини кўрсатган баҳодир Тобонга ҳам Соҳибқирон томонидан амирлик даражаси берилиб, байроқ тақдим этилган. Ўнбоши, юзбоши ва мингбошилардан қайси бири душман сафини бузиб, ўз қаршисидаги аскар руҳини синдирса, ўнбоши бўлса унга шаҳар ҳокимлиги, юзбоши бўлса унга бирон бир мамлакат ҳукмдорлиги топширилган. Масалан, юзбоши Барлос баҳодир Тўхтамиш билан бўлган жангдаги жасурлиги сабаб Ҳисори Шодмон мамлакатига ҳоким этиб тайинланган. Мингбошилардан биронтаси душман лашкарини руҳиятини синдирса, унга мамлакат ҳукмдорлиги топширилган. Масалан, Муҳаммад Озод сиёхпўш (Катур – Кофиристон бир вилояти халқининг бир номи) халқини мағлубиятга учратгач, Кундуз ва Кўлоб мамлакатларига волий қилиб тайинланган[19.81-82]. Амир Темур мукофотлаш ишларини ҳар бир ғалабадан кейин ўтказилган тантанали маросимларда амалга оширган. Масалан, Бағдод забт этилгач баҳодирларга мукофотлар топширилиб, соҳибқирон набираси Муҳаммад Мирзони олтин тож ва тўққиз тулпор, байтал билан мукофотлаган[3.85]. Амир Темурнинг набираси Пирмуҳаммад 1398 йилда тўй бериб, пешкашлар тортиқ қилганда, бобоси томонидан унга ўттиз минг от инъом қилинган[24.200]. Шунингдек, соҳибқирон набираси шаҳзода Абу Бакр (Мироншоҳнинг ўғли)ни ҳам юз минг олтин кеппакий билан тақдирлаб, унга зафарли юришдан эгаллаган ноёб отни тақдим этган ҳамда ёнидаги навкарларга ҳам инъомлар тортиқ қилган[24.186]. Совуқ Булоқдаги учрашувда эса, амирзода Абу Бакрга икки юз от ва юз жайба ва юз минг олтин кеппакий инъом этган[24.284]. Шунингдек, Соҳибқирон амир Шайх Иброҳимни, Мардиннинг ҳокими Султон Исани, шунингдек, Малик Иззуддин, Кўстандил Гуржи, Тизак, Жолиқ ҳамда Бистомларни халъатлар бериб, олтин камарлар инъом қилиб, уларни шаҳзода Умарга мулозим қилиб тайинлаган[24.284].

Шунингдек, амирлардан қайси бири душман тасарруфидаги ҳудудни озод қилса, унга ўша ерлар уч йилга инъом тариқасида берилган. Қайси бир аскар қилич чопиб баҳодирлик кўрсатса, унга инъом тариқасида чумоқ, қимматбаҳо тошлар қадалган ўтоға, камар, турна беллик қилич ва бир дона от берилиб, у ўнбошилиқ мартабасига кўтарилган. Иккинчи, учинчи бор баҳодирлик кўрсатса, юзбоши ва мингбоши мартабасига етишган[19.82]. Амир Темур даврида инъом қилинган буюм белгилар, совға ва туҳфалар маълум даражада солиқлар орқали ҳам давлат хазинасига тўпланган. Масалан, пешкаш – подшоҳ, амирзодалар ва олий мартабали кишиларга қилинадиган ҳадялар кўринишида, совурин эса олий мартабали кишиларга ҳадя қилиш учун бадавлат аҳолидан тўпланадиган йиғим ҳисобланган[4.19].

“Темур тузуклари”нинг “Катта ноғора ва байроқ адо этиш тузуғи” деб номланган қисмида ҳам амирларни турли белгилар билан рағбатлантириш ҳамда мукофотлаш тартиби баён этилган. Жумладан, унга кўра, ўн икки катта амирларнинг ҳар бирига битта байроқ (алам) ва бир ноғора берилган. Амир ул-умарога байроқ ва ноғора, тумон туғи ва чортуғ[22] тақдим этилган. Мингбошига бир туғ ва карнай (нафир), юзбоши ва ўнбошига биттадан катта ноғора (табал) берилган. Аймоқларнинг амирларига биттадан бурғу, тўрт бегларбегининг ҳар бирига биттадан байроқ, ноғора, чортуғ ва бурғу топширилган. Ўн икки амирдан қайси бири душман руҳиятини синдирса ёки душман кўлидаги бирор ҳудудни фатҳ этса уни тақдирлаб, амирлик даражасидан келиб чиқиб унинг мартабаси оширилган. Ҳар бир даражадаги амирга даражасидан келиб чиқиб шунча миқдорда тумонтуғ ва чортуғ олиш мартабасига етказилиб рағбатлантирилган[19.82-83].

Амир Темур ўзининг ҳарбий юришлари даврида лашкарларини уюштириш ҳамда содиклик билан хизмат қилиши учун уларни рағбатлантириб, ҳар доим тақдирлаб турганини ўз асарида шундай ифодалаган: "...уларнинг ҳаммасини умид ва қўрқинч орасида сақладим. Ҳар бирига биттадан ноиб ва кутвол тайинладим. Қолган сипоҳийларни ҳам емак-ичмак, кийим-кечак умиди, ширин сўз, очиқ юз билан ўзимга ром этдим. Бир хизматини ўн баробар қилиб тақдирлаб, дилларини хушнуд айладим. Натижада мени қўллаб-қувватлаганлар ҳам, тескари бўлган мунофиқлар ҳам барчаси атрофимда бирлашди. Ҳар ишда бирлик-иттифокликни маҳкам тутишга, амримдан чиқмасликка ваъда бериб, мен учун мол-жонларини аямай, майдонда жонбозлик кўрсатишга аҳд қилдилар" [19.32]. Шунингдек, Соҳибқирон сипоҳийлардан чиққан баҳодирлар, довюрақларга махсус фахрли ўтоға(бош кийимга тақиладиган, уқпар ва кимматбаҳо тошлар билан безатилган зийнатли белги), камар ва таркаш(садоқ, ўқдон) тақдим этиб, мартабаларини кўтарган. Шунингдек, Рум (Византия)га юриш вақтида уларнинг хизматлари мукофоти сифатида етти йиллик озуқаларини бирданига етказган[19.32].

Амир Темур ўрта аср шароитида катта ёшдаги сипоҳийларга ҳам эътибор берган. Бу хусусида, "Тузуқлар"да жумладан шундай дейилади: "Қайси бир сипоҳий хизматда юриб қарилик ёшига етар экан, уни ойлик ҳақдан маҳрум этмасинлар ва мартабасидан туширмасинлар. Ҳеч бир сипоҳийнинг хизмати назардан четда қолмасин. Чунки улар давлат хизматида экан, боқий ҳаётларини фоний дунё нақди учун аямаганининг ўзи ҳам инъомга ва моддий таъминотга лойиқлигини билдиради. Уни инъомидан маҳрум қилиб, хизматларини кўрсатмасалар, ноинсофлик қилган бўлурлар" [19.79]. Амир Темур ўз давлатининг ҳарбий соҳасида навкарларнинг урушдаги ҳар бир ҳаракати ва муваффақиятини бефарқ қолдирмасдан уларни ҳам рағбатлантириш ҳамда мартабасини оширишга эътибор қаратган. Соҳибқирон томонидан "Агар навкарлардан бири қилич чопишиб, ғанимни синдирар экан, ғаразгўй одамларнинг унинг ҳақида айтган гапларига қулоқ солмасинлар. Унинг қилган хизматларини яширмаслик лозим, аксинча, бир хизматини ўнга йўйсинлар, мартабасини оширсинлар, токи бошқа навкарлар буни кўриб жонбозлик қилишга рағбатлансинлар" деб таъкидланганлиги ҳамда амалда қўлланилганлиги Амир Темур давлатининг зафарли ғалабаларига асосий омиллардан бири бўлганлигидан далолат беради.

Мукофотлаш маросими айнан Амир Темур даврида амалга оширилган урф-одатлардан бири эди. Соҳибқирон ҳарбий ғалаба-ю, муваффақиятлардан сўнг тўй-томошалар, тантаналар белгиланган ва уларда кўшиннинг оддий аскардан тортиб, лашкарбошисигача оилалари билан қатнашган. Ушбу тантаналарда жангу-жадалларда фаол иштирок этган сипоҳлар ва лашкарбошилар тақдирланганлар. Амирларга байроқ ва ноғора, амирул-уламоларга туғ ва чортуғ, байроқ, ноғора, мингбошиларга туғ ва карнай, юзбоши ва ўнбошиларга ноғора, аймоқ амирларга бурғулар тақдим этилган. Жасорат кўрсатиб, ҳалок бўлган ботирларнинг оилаларига ҳам аскарларнинг улушлари берилган ва тақдирланган[23.29]. Масалан, соҳибқирон ўзининг душмани ҳисобланган 1393-1394 йилларда Қайсари-Сивас ҳукмдори Султон Барқуқнинг ўлими хабарини олиб келган кишига 15000 динор миқдоридан пул мукофотини тақдим этган[1.94]. Халаб уруши пайтида Қора Юлуқнинг ўғли Иброҳим жасорат кўрсатгани учун Амир Темур томонидан тақдирланган[1.122]. 1395 йил 15 апрелда Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасида Қундузча жангидаги ғалабадан сўнг Соҳибқирон томонидан Самарқандда зиёфат берилиб, урушда иштирок этганларга мансаби ва ғалабага қўшган ҳиссасига қараб қўлга киритилган ўлжалардан бўлиб берилган. Ўз навбатида биринчи бўлиб, пайғамбар авлодлари – саййидлар ва уламолар, кейинчалик салтанатнинг юксак амалдорлари, бир қатор амир ва навкарлар турли мукофотлар билан тақдирланганлар[9.80]. Масалан, Амир Шохмаликка мукофот сифатида тархонлик унвони берилган[11.412]. Шунингдек, Тўхтамишга қарши жангларда курашган шаҳзодалар, беқлар ва баҳодирлар яхши сийланиб, олтиндан зарбоф тўн, мурасса камар ҳамда от-эгар берилган. Ҳар бирига юз минг олтин (динор) кеппакий инъом қилинган. Баъзиларига вилоят ва туманлар, ўлкалар топширилган[24.177].

Яна бир катта мукофотлаш маросими турк султони Йилдирим Боязид устидан эришилган ғалабадан кейин бўлиб ўтган. Ўлжа қарвонлари пойтахтга етиб келгач, соҳибқирон

томонидан байрам ва мукофотларни тарқатиш куни белгиланган. Маросим куни Соҳибқирон ўз халқи ва енгилмас лашкари қаршисида тахтга кўтарилган. Жанговор хизматлар ҳақида вазирлар ахборот беришгач, илк мукофотлар ўз ўғиллари ва набираларига тарқатилган, вилоят ва мамлакат ҳокимликлари уларга инъом этилган. Маросимда барча амирларнинг даражалари бир қарра оширилган. Оддий аскарларга “ботир” деган унвон берилган. Туғлар, байроқлар, ноғоралар ҳам ўз эгаларига топширилган. Мукофотлардан сўнг ҳарбий ўлжаларни тақсимлаш тадбири бўлиб ўтган[9.86]. Кейинчалик, Чўпонотада бўлиб ўтган бу маросим Темурийлар даври маросимларида жуда катта тарихий саҳифадан ўрин олган. Шунингдек, Амир Темур салтанатида ҳар бир ғалаба мамлакат фуқаролари учун ҳам муҳим янгилик ҳисобланган. Сабаби, ҳар бир йирик ғалаба эвазига салтанат фуқаролари 3 йил давомида барча солиқлардан озод қилинган[9.80]. Шунингдек, Амир Темур саройида ўтказилган тўй-томошалар, тантана ҳамда маросимларда хорижий мамлакатлардан келган элчилар ҳам ўз совға ва мукофотлари билан иштирок этишган. Масалан, тантаналарда қатнашган Миср Султони Наср Фаражнинг элчилари қимматбаҳо тухфаю армуғонлар, шулар жумласидан жирафа ва туяқушлар келтирилганлиги, шунингдек, Хитой, Ҳинд, Ироқ, Дашти Қипчоқ, Синд, Франк (Испания) элчилари ҳам ўз тухфалари билан қатнашгани тарихий манбаларда қайд этилган[6.49]. Клавиҳо ўз кундаликларида қайд этишича, Миср Султонида юборилган совға-саломлар миқдори 15 туяда ҳамда олти туяқуш, битта жирафадан иборат бўлган[14.107]. Шунингдек, Соҳибқирон кураш, кўпқари, от пойгаси, ёй ва камондан отиш, ов, човгон уйини ва бошқа халқ уйинларини ўтказишга хайрихоҳ бўлиб, у душманлар устидан ғалаба қозонганда, турли-туман туй-томоша, маросимларда оммавий уйинлар ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратган. Мусобақа ғолибларига мукофотлар топширилган[5.57]. Шу йул орқали Соҳибқирон халқда, аскарлар орасида жисмоний бақувватликни йўлга қўйишнинг таъсирчан усулини ўйлаб топган.

4. Хулосалар:


Юқоридаги таҳлил этилган кенг қамровли тарихий маълумотлар асосида англаш мумкинки, ўзбек давлатчилиги тарихида мукофотлаш анъанаси ўрта асрларнинг иккинчи ренессанси деб аталмиш Амир Темур ва Темурийлар даврида ўзининг ривожланишида юқори поғонага кўтарилганлигининг гувоҳи бўламиз. Соҳибқирон Амир Темур ҳамда унинг авлодлари томонидан мамлакат сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ҳаёти тараққий этиши ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлашда олиб борилган мукофотлаш тизими кенг кўламда барча соҳаларда татбиқ этилган. Амир Темур ва у яратган буюк давлатчилик асосининг ҳуқуқий мероси “Темур тузуклари”да мукофотлаш анъанаси муҳим ташаббуслардан бири сифатида ўрин олган ва унга амал қилинган. Темур ўрнатган кучли давлатчилик ҳаётида тақдирлаш ишлари тараққиётига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатган. Бугунги кунда ушбу анъанани давом эттириш ва янгидан янги ютуқларни қўлга киритиш муҳим вазифалар сирасига киради. Шубҳасиз, бу борада Амир Темур яратган давлатчилик асоси ва унинг мукофотлаш тизими муҳим дастурул амал бўлиб хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Абдуллаев У. Амир Темурнинг Яқин ва Ўрта Шарқдаги сиёсати (Ўқув қўлланма). – Тошкент, 2009. - 168 б (Abdullaev U. Amir Temur's policy in the middle and Middle East (tutorial). – Tashkent, 2009. - 168 p.)
2. Аҳмедов Н. Амир Темур: Ривоят ва ҳақиқат. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. – 95 б (Ahmedov N. Amir Temur: narrated and true. - Tashkent: Editor-in-chief of the Encyclopes, 1996. - 95 p.)
3. Азимов Э. Амир Темур салтанати. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр, 1996. - 88 б (Azimov E. Amir Temur Kingdom. - Tashkent: Publication of literature and art named after G.Gulom, 1996. - 88 p.)
4. Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1996. – 368 б (Ahmedov B. Amir Temur was memorized. - Tashkent: "Uzbekistan", 1996. - 368 p.)

5. Алеуова Р.Ш. Амир Темурнинг маърифий-тарбиявий қарашлари. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 2006. – 71 б (Aleuova R.Sh. Educational and educational views of Amir Temur. - Tashkent: Publishing House "Science", 2006. 71 p.)
6. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-Мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). 1-китоб. – Тошкент: “Меҳнат”, 1992. – 326 б (Ibn Arabshah. History of Ajoib al-maqdur Fi Taymur (the wonders of fate in the history of Temur). 1-book. - Tashkent: "Labor", 1992. - 326 p.)
7. История народов Узбекистана. - Ташкент, 1947. – 517 с.(History of the nations of Uzbekistan. - Tashkent, 1947. – 517 p)
8. Иванин М. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. (А.Маҳкамов таржимаси). – Тошкент: “Фан”, 1994. - 240 б (Ivanin M. In two great generals: Genghis Khan and Amir Temur. (Translation by A.Mahkamov). - Tashkent: "Science", 1994. - 240 p.)
9. Керен Л. Амир Темур салтанати. Француз тилидан Эрматов Б. таржимаси. – Тошкент: “Маънавият”, 1999. - 224 б (Keren L. Amir Temur Kingdom. Translation from the French language by Ermatov B. - Tashkent, 1999. - 224 p)
10. Муҳаммаджонов А. Ўзбекистон тарихи (IV асрдан XVI аср бошларигача). – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижоди уйи, 2004. - 321 б (Muhammadjanov A. History of Uzbekistan (from the IV century to the beginning of the XVI century). - Tashkent: Publishing house named after G.Gulom, 2004. – 321p.)
11. Муҳаммад Али. Улуғ салтанат. Эпопея. Учинчи китоб. “Мироншоҳ Мирзо”. - Тошкент: “Sharq”, 2014. 528 б (Muhammad Ali. Glory. Epoque. The third book. "Miranshah Mirza". - Tashkent: "East", 2014. - 528 p.)
12. Муқимов З. Амир Темур тузуклари (тарихий-ҳуқуқий тадқиқот). Иккинчи тўлдирилган нашри. – Самарқанд: СамДУ, 2008. 131 б (Mukimov Z. Amir Temur laws (historical-legal research). The second filled edition. - Samarkand: SamDU, 2008. - 131 p.)
13. Одилов А. Амир Темур тузуклари – давлат бошқаруви асоси. – Тошкент: “Fan va texnologiya”, 2016. - 180 б (Odilov A. Amir Temur regulations - the basis of Public Administration. - Tashkent: "Science and Technology", 2016. - 180 p.)
14. Руи Де Клавихо Гонсалес. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403 - 1406). Муҳаррир Муҳаммад Али. О.Тоғаев таржимаси. – Тошкент: “O’zbekiston”, 2010. - 264 б (Rui De Klavixo Gonsales. Samarkand - Amir Temur Palace travel diary (1403-1406). Writer Muhammad Ali. Translated by O.Togaev. - Tashkent:"Uzbekistan", 2010. – 264 p.)
15. Самарқандские документы XV-XVI вв. (О владениях Ходжи-Ахрара в Средней Азии и Афганистане). Факсимиле, критический текст, перевод, введение, примечание и указатели О.Д. Чехович. - Москва, 1974 (Samarkand documents of the XV-XVI centuries. (About Khoja-Ahrar's possessions in Central Asia and Afghanistan). Facsimile, critical text, translation, introduction, note and indexes by O.D.Chekhovich. - Moscow, 1974.)
16. Султонов К. Амир Темурга муносиб ворислар. - Тошкент: “Yangi nashr” 2013. - 88 б (Sultanov K. Amir Temur worthy heirs. - Tashkent: "New edition" 2013. - 88 p.)
17. Суюрғол – (эски ўзбекча) – инъом, совға, марҳамат. Ўрта асрларда қўшин бошлиқлари, кўзга кўринган сарой шоирлари, йирик мансабдорлар, йирик мусулмон руҳонийлари ва шу қабиларга давлат олдида кўрсатган катта хизматлари эвазига хон ва подшоҳлар томонидан қилинадиган турли-туман иъном, ер-сув, кийим-кечак, молу мулк ва бошқ.
18. Сиёхпўш – Катур (Кофиристон бир вилояти) халқининг бир номи
19. “Темур тузуклари”. Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов таржимаси, Б.Ахмедов таҳрири.-Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – 144 б ("Timur regulations". Translated from persians by A.Saguniy and H.Karomatov, edition by B.Akhmedov. - Tashkent: publishing and Printing Association named after Gafur Gulom, 1991. - 144 p.)
20. Туляганов А.А. Амир Темурнинг ўзбек давлатчилигининг ривожланишида тутган ўрни ва мавқеи (Темур тузуклари асосида). Юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. – Тошкент, 1996. - 155 б (Tulyaganov A.A. Amir Temur's role and


- position in the development of Uzbek statehood (on the basis of Temur regulations). Dissertation for obtaining a scientific degree of a candidate of Legal Sciences. - Tashkent, 1996. - 155 p)
21. Темурийлар даврида аскарларга пул иъноми ва мукофотлаш тартиби “укалко” деб номланган. (In the Timurid period, the order of money injections and awarding of soldiers was called "ukalko")
 22. Тумон туғи ва чортуғ – байроқнинг икки хили ёки амирларнинг даражасини билдирувчи учи ўткир найза. (The fog Button and the chortug are two types of flags or a sharp spear with a tip denoting the level of the emirs)
 23. Чориев А. Соҳибқирон Амир Темур ҳаётидан лавҳалар. – Қарши: “Насаф” нашриёти. 2004. – 100 б (Choriev A. Sahibqiran Amir Temur life boards. - Karshi: Nasaf publishing house. 2004. - 100 p.)
 24. Шарафуддин Али Ўзидий. Зафарнома. Масъул муҳаррир Б.Эшпўлатов. – Тошкент: “Шарқ”, 1997. 384 б (Şharafiddin Ali Yazdiy. Victory. Editor. B.Eshpulatov. - Tashkent: "East", 1997. 384 p.)



Абдулазиз Ахмадхўжаевич Акбархўжаев,
Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик
ва дизайн институти доценти
E-mail: jasur184@list.ru

ЎЗБЕКИСТОН МИНИАТЮРА САНЪАТИНИНГ АНЪАНАВИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

For citation: Abdulaziz A.Akbarkhujaev. TRADITIONAL PRINCIPLES OF MINIATURE ART OF UZBEKISTAN. Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.57-61

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ўзбекистон миниатюра мактабининг анъанавий тамойиллари ҳақида фикр юритилади. Хусусан, миниатюра санъати усталари, мактаблари ва анъаналари, миниатюра асрларини яратишда талаб қилинадиган услублар, композиция, жойлаштириш, симметрия, ассиметрия, маром, мутаносиблик, нисбат, модуль, фарқланиш, стилизация ва бошқалар илмий ёритилган. Миниатюра рангасвири тамойилларининг анъанавий лак билан нақш солиш санъатига кириб келиши, Ўзбекистон мусаввирларининг ижодий амалиётида санъатнинг янги тури лакли миниатюранинг пайдо бўлишига оид айрим фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: миниатюра, санъат, анъана, мактаб, рассом, асар, тамойил, тажриба, бадий.

Абдулазиз Ахмадхўжаевич Акбархўжаев,
Доцент Национального института художеств
и дизайна имени Камолиддина Бехзода
E-mail: jasur184@list.ru

ТРАДИЦИОННЫЕ ПРИНЦИПЫ ИСКУССТВА МИНИАТЮРЫ УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются традиционные принципы узбекской миниатюрной школы. В частности, научно освещаются мастера, школы и традиции искусства миниатюры, необходимые стили при создании миниатюры, композиция, размещение, симметрия, ассиметрия, ритм, пропорция, модуль, дифференция, стилизация и т. д. Внедрение принципов миниатюрной живописи в искусство росписи традиционным лаком, появление в творческой практике узбекских художников нового вида искусства - лаковой миниатюры.

Ключевые слова: миниатюра, искусство, традиция, школа, художник, работа, принцип, опыт, искусство.

Abdulaziz A.Akbarkhujaev
Associate Professor National Institute of Arts
and design named after Kamoliddin Behzod
E-mail: jasur184@list.ru

TRADITIONAL PRINCIPLES OF MINIATURE ART OF UZBEKISTAN

ABSTRACT

This article discusses the traditional principles of the Uzbek miniature school. In particular, the masters, schools and traditions of miniature art, the necessary styles when creating a miniature, composition, placement, symmetry, asymmetry, rhythm, proportion, module, differential, stylization, etc. are scientifically covered. Implementation of the principles of miniature painting in the art of painting with traditional varnish, the emergence of a new type of art in the creative practice of Uzbek artists - lacquer miniatures.

Index Terms: miniature, art, tradition, school, artist, work, principle, experience, art.

1. Долзарблиги:

Миниатюра санъати маданий мероснинг ажралмас қисми сифатида ўзига хос ўринни эгаллайди. Миниатюра санъати ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатида киритилгани муносабати билан илғор мамлакатларда Шарқ халқлари тарихига мурожаат қилиш, қўлёмалар ва уларга ишланган миниатюра асарларини музейларда намойиш этиш, замонавий мусаввирларнинг ижодларида Ўрта аср китобат санъати анъаналаридан фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Миниатюра санъати ўзбек халқининг энг нафис ижод турларидан биридир. Миниатюра – франсузча *miniature*, лотинча *miniut*-қизил бўёқ, бадий усуллари ўта нафис бўлган кичик хажмли тасвирий санъат асари ҳисобланади. Ўзбекистонда миниатюра санъати тадқиқи билан Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель, Н.К.Норкулов, И.Г.Низомутдинов, А.А.Мадраимов, З.И.Раҳимовалар изланишлар олиб боғанлар(1).

1960 йилларда Ўзбекистоннинг бир қатор мусаввирлари ва халқ усталари ушбу ажойиб санъат турини қайта тиклашга бел боғладилар. Улар орасида таниқли ўзбек мусаввири Чингиз Ахмаров ва унинг шогирдлари Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов ҳамда ўша пайтда ёш, навқирон санъаткорлар Ниёзали Холматов, Шомаҳмуд Муҳаммаджонов, Абдусит Қамбаров, Ғайрат Камолов, Мунира Сотиболдиева ва бошқалар бор эди. Ижодий устахона ташкил этилиб, унга ўз асарларида Шарқ миниатюрасининг кўп асрлик анъаналарини изчиллик билан ривожлантириб келаётган мусаввир Чингиз Ахмаров раҳбарлик қилди. Санамнавислик усуллари мерос қилиб олган рус миниатюра усталари қўллайдиган бадий ифодалаш воситаларининг негизи сифатидаги жўшқин рангтасвир усули кўп жиҳатдан Шарқнинг Ўрта асрлардаги миниатюрачилари тажрибасини эслатади. Лақли миниатюра санъатининг бутун жаҳонга машҳур асосий марказларидан бири Палех билан тузилган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага биноан, 1982 йилда Ўзбекистон тажриба устахонаси мусаввирларидан иборат ижодий гуруҳ ушбу шаҳарга йўлланди. Уларни тошқоғоздан ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тухумнинг сариғи асосида кукунсифат пигментлардан бўёқларнинг керакли таркибини олиш, маҳсулотларни ишлашдаги иссиқлик режими, юпқа зарварақлардан фойдаланиш, маҳсус мўйқаламларни тайёрлаш усули билан таништиришди. Палех нақшлари билан танишиш Ўзбекистонлик усталарни Ўрта Шарқ миниатюрасининг мумтоз намуналарига мурожаат этишга ундади. Миниатюра рангтасвири тамойилларининг анъанавий лак билан нақш солиш санъатига кириб келиши, Ўзбекистон мусаввирларининг ижодий амалиётида санъатнинг янги тури лақли миниатюранинг пайдо бўлишига асос бўлди. Лақли миниатюра санъатининг шаклланиш жараёни мураккаб кечди. Ўтган 20 йил мобайнида ижоднинг ушбу тури ривожда иккита тамойил аён бўлди. Биринчиси — миниатюра рангтасвири бадий меросига ижодий ёндошган ҳолда ва нақшин сюжетда замонавий

воқеликни акс эттириш бўлса, иккинчиси – мумтоз миниатюранинг бадий қонун-қоидаларига катъий риоя қилишдан иборат(2).

3. Тадқиқот натижалари:

Миниатюра асрларини яратишда асосан композиция, жойлаштириш, симметрия, ассиметрия, маром, мутаносиблик, нисбат, модуль, фарқланиш, стилизациянинг мазкур йўналиш учун тан олинган услубларига риоя этиш талаб қилинади.

Композиция сўзи лотинча “compozito” сўздан олинган бўлиб, тузиш, бирлаштириш, боғлаш, турли хил унсурларни бир бутун яхлитликка бирлаштириш ва бирон-бир ғояни мадҳ этиш маъносини билдиради. Композиция – санъатнинг барча йўналишида қўлланилади. Дизайн ва амалий санъатнинг барча турларида лойиҳалаш деб аталади. Мусаввир турли шакл ва манзараларни бир-бирига нисбатан солиштириб ва жойлаштириб нафис санъат асари яратади. Бундай ҳолни биз бошқа санъат турларида ҳам кўришимиз мумкин. Спортда, мусиқада, адабиётда бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Композиция сўзи тасвирий санъат йўналишларида термин сифатида уйғониш давридан бошлаб узлуксиз ишлатилиб келинмоқда.

Жойлаштириш – чизиш керак бўлган шакл ёки тасвири юзага тўғри жойлаштиришдир. Композицияда жойлаштириш барча мутахассислик ва соҳалар учун катта аҳамиятга эга. Мусаввир ўзи чизмоқчи бўлган лойиҳани юзага тўғри жойлаштира олиши лозим. Композицияда барча унсурларни тўғри жойлаштира олмаслик натижасида асоси бўш санъат асарлар вужудга келади. Асар мавзусидаги унсурлар тўғри жойлашса композиция шунча мукамал бўлади.

Симметрия – грекча сўз бўлиб ўлчовларнинг бир-бирига муносиблигини билдиради. Симметрик ўлчовларга мисол келтирадиган бўлсак тарознинг палласи ҳам бир-бирига нисбатан симметрик жойлашган. Симметрия мавзуси ниҳоятда кенг бўлиб уни вақт ва макондан чеклаб бўлмайди. Инсоният тарихи давомида деярли ҳар қандай цивилизацияда фан, санъат ҳамда интеллектуал фаолиятнинг бошқа турларида, симметрия муҳим роль ўйнаган. Симметрияни деярли ҳамма ерда учратиш мумкин. Фақат уни қандай тушуниш ва изланишни билиш лозим. Қадим замондан кўп халқлар симметрия ҳақида кенг маънода мувозанат ва уйғунлик эквиваленти сифатида тасаввурга эга бўлганлар. Солиштириб бўлмас даражада кенг талқин қилинган симметрия ғоясини кўпинча рангтасвирда, ҳайкалтарошлиқда, мусиқа ва шеърятда кўриш мумкин. Симметриянинг иш фаолияти кўпинча балет ҳаракатлари бўйсунадиган қонунларни ташкил этади, симметрик ҳаракатлар рақс асосидан ўрин олган.

Ассиметрия бу симметрияга қарама – қарши қонун. Ассиметрия-симметриянинг акси ва бузилишидир. Композиция ассиметрия асосига қурилган бўлса, унда асосий қоидага кўра симметрия эмасдир, агар аксинча композиция симметрия қоидаларига қанчалик риоя қилса, ассиметрия бўлмайди.

Маром ўлчамлари мос бўлган унсурларнинг қонуний равишда маълум масофада такрорланиши ва кетма-кет келишидир. Маром табиат ва инсон ҳаётидаги кўпгина ҳодисаларга органик тарзда хос бўлган хоссадир. Кун ва туннинг, йил фасллари алмашиши, органик ҳаёт турли шаклларнинг ривожланиш даврийлиги вақтда юз беради. Бу даврийлик ва такрорланиш моддий шаклларда ўз изини қолдиради.

Композициялар тузишда мутаносиблик услубларининг қўлланилиши муҳим аҳамият касб этади. Шаклнинг икки унсури қисмнинг ўзаро ўлчамли муносабати мутаносиблик дейилади. Амалда қўлланиладиган қонуний муносабатлар икки гуруҳга бўлинади, сода рационал сонлар орқали тузилган содда муносабат, иррационал муносабатлар – геометрик қурилмалар ҳосиллари орқали.

Нисбат кенг маънода номаълум бир катталиқни бошқа маълум катталikka нисбатлаш орқали топиш имконини берадиган муносабатдир. Нисбат тушунчаси ўзининг дастлабки маъносида ифодаланаётган чизик узунлигининг ҳақиқатда мавжуд бўлган чизик узунлигига нисбатини билдиради. Нисбат сонларда ёки маълум ўлчамдаги тўғри чизик кесмалари орқали ифодаланиши мумкин.

Модуль – буюм ўлчамларини ҳисоблашга асос қилиб олинган катталиқдир. Буюмлар ўлчамларининг модульга тушишлиги улар ёрдамида битта буюмнинг айнан ўзини турлича йиғиш, ёки уларни бошқа буюмларда ишлатиш имконини беради. Асосий модуль буюмнинг бошланғич ўлчамидир. Бу турли жисмлар учун умумийдир ва унинг қурилмасида деталлар ўлчамларини координациялаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Композицияда кескин фарқланиш маҳсулот бўлаклари хусусиятини муқобиллаштирувчи восита бўлиб, таркиблар бадий қимматини функционал мослигига таъсир қилувчи шартга кўра юзага келади. Кескин фарқланиш солиштиришнинг буюмнинг ташқи кўринишдаги рангларнинг ўзига хос белгиларни аниқлайди. Кескин фарқланиш хусусиятларини баҳолашда буюмларни бир-бирига нисбатан солиштириш мумкин. Солиштириш жараёнида айрим ўлчамида кескин фарқланиш кўз ҳаракати билан аниқланади. Шаклларни аниқлаш кескин фарқланишли муносабатни баҳолашда тасвир чизиқларини нигоҳ билан солиштириш натижаси таъсир этади, ранг фарқини ажратиш танланган жой хусусиятига кўра ажрим бўлади.

Солиштирилаётган жисмларнинг катта-кичиклиги, тасвири, ранги, ҳажми, жойлашиши, ташқи кўринишидаги яқин хусусиятлар нозик фарқланиш дейилади. Бу бир хил турдаги жисмлар ва қисмлар орасидаги нозик белгиларни ажратиш имконини беради. Нозик фарқланиш кўзнинг бир қатор такрорий ҳаракатидан иборат анча мураккаб солиштириш жараёнидир. Жисмнинг нозик фарқланиш хусусияти буюмнинг катта-кичиклиги, шакли, сатхи ва тавсифи тизимидаги арзимас фарқ, кўзнинг такрор ҳаракатидан синчковлик билан умумликда сезилади. Ранглардаги нозик фарқланиш, олинандиган синчковлик таъсири остида арзимас фарқни сезишдан билинади. Шаклдаги нозик фарқланишни сезиш, унинг ҳажмий ва фазовий қурилиши ҳам энг мураккаб жараён ҳисобланади.

Стилизация табиатдаги ўсимлик, ҳайвонот ва бошқа нарсаларнинг тасвири, ранги, шакли, ва тузилиши бадий усулда умумлаштириш яъни рамзийлаштиришдир. Талабалар композиция унсурлари чизишда ўсимликлардан шох, поя, ғунча, барг, гул, ҳайвонлар, қушлар, табиат манзалари, тоғлар, дарёлар, қуёш, юлдузлар ва бошқа кўринишлардан нусхалар кўчириб, тасвири, ранги, шакли, ва тузилишларини бадий усулда умумлаштириб, рамзийлаштиради. Миниатюра композицияларида улардан оқилона фойдаланиб жуда ажойиб тасвирларни ҳосил қилади. Буни кўрган инсон акс эттирилган шаклдан эстетик завқ олади.

Замонамиз ижодкорлари тарихий воқеаларни жонлантиришда, Шарқ мутафаккирларининг мумтоз асарларини тасвирлашда ҳамда ажойиб маҳобатли асарларни яратишда тинимсиз ижод қилмоқдалар ҳамда ўзбек миниатюра санъати довуғини дунёга танитмоқдалар. Шу ўринда миниатюрочи рассомлар Ш.Шорасулов, Ш.Шоаҳмедов, А.Турсунов, К.Мирзаев, М.Пўлатов, А.Исроилов, Ж.Ашрапов, Б.Низомқориев, Қ.Шоисломов, У.Қосимов, Б.Ҳожиметов, Д.Сафаров, К.Расуловлар номини алоҳида эътироф этиш жоизки, улар мазкур соҳа ижодкорлигида катта муваффақиятларга эришдилар.


4. Хулосалар:

Мустақиллик йилларида ўтмишнинг анъанавий маданиятини ўрганиш билан бир қаторда, миниатюра санъатининг кейинги ривожини долзарблашди. У Ўзбекистон замонавий тасвирий санъатида маънавий мероснинг муҳим таркибий қисмига айланди. Лоқли миниатюра билан бир қаторда қўлёзма китоб санъати ҳам юксала борди. Мусаввирлар қадимий технологиялардан фойдаланиб, Камолиддин Бехзод, Мир Али Табризий, Ризо Аббосий сингари ўрта асрларнинг таниқли усталари асарларидан нусха кўчирдилар. Ўзбекистон замонавий миниатюра рангтасвирида бир неча йўналишлар шаклланди.

Адабиётлар/Литературы/References:

1. Фатхуллаев Р. Рукописная книга и искусство миниатюры востока. Учебное пособие. – Ташкент: «LESSON PRESS», 2021. С. 7. (Fatkhullaev R. Manuscript book and miniature art of the East. Tutorial. - Tashkent: "LESSON PRESS", 2021. P. 7.)


2. Шабаратов П. Миниатюра. Ўқув қўлланма. - Тошкент: «ТАФАККУР», 2011. (Shabaratov P. Miniature. Study guide. - Tashkent: «ТАФАККУР», 2011.)
3. Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. История искусств Узбекистана. - Москва, 1965. (Pugachenkova G. A., Rempel L. I. History of the Arts of Uzbekistan. - Moscow, 1965.)
4. Пугаченкова Г. А. О датировке и происхождении рукописи «Хамсе» Эмира Хосрова Дехлеви в собрании Института востоковедения АН УзССР. / Труды АН Таджикской ССР. Т. 17. – Сталинабад, 1953. (Pugachenkova G. A. On the dating and origin of the manuscript "Khamisa" by Emir Khosrov Dehlavi in the collection of the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR. / Proceedings of the Academy of Sciences of the Tajik SSR. Т. 17. - Stalinabad, 1953.)
5. Ремпель Л.И. Историко-художественные заметки. Об эстетической ценности живописи Среднего Востока / Вопросы изобразительного искусства Узбекистана. - Ташкент, 1973. (Rempel L.I. Historical and artistic notes. On the aesthetic value of the painting of the Middle East / Issues of the fine arts of Uzbekistan. - Tashkent, 1973.)
6. Норкулов Н. К. Камолитдин Бехзод. - Тошкент, 1964. (Norqulov N. K. Kamoliddin Behzod. - Tashkent, 1964.)
7. Низомутдинов И.Г. Мовароуннахр миниатюра мактаби / Совет Ўзбекистони санъати. № 1. 1979. (Nizomutdinov I.G. Movarounnahr Miniature School / Art of Soviet Uzbekistan. № 1. 1979.)
8. Мадраимов А. XV-XVI асрлар Марказий Осиё китобат тарихи манбалари (Алишер Навоий асарлари қўлёзмалари). Докт. дисс. 2002. (Madraimov A. Sources of Central Asian book history of XV-XVI centuries (manuscripts of Alisher Navoi's works). Doc. diss. 2002.)
9. Усмонова Л. Марказий Осиё миниатюра санъатининг романтик ва эстетик хусусиятлари. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2021. (Usmonova L. Romantic and aesthetic features of Central Asian miniature art. Author's abstract of the dissertation for the degree of Doctor of Philosophy (PhD) in philosophical sciences. Tashkent, 2021.)
10. Рахматуллаева А. Ўрта аср Шарқ миниатюрасида сюжет ва образлар бадий талқини. Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2021. (Rahmatullaeva A. Artistic interpretation of plot and images in the miniature of the Middle East. Abstract of the dissertation for the degree of Doctor of Philosophy (PhD) in Art History. Tashkent, 2021.)



Гулзода Аъзамовна Алимова,
Қўқон давлат педагогика институти
катта ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчи

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИК ЖОЙЛАР, ТАРИХИЙ ШАХСЛАР НОМЛАРИ БАЁНИ (“Мажолис ун-нафоис” мисолида)

For citation: Gulzoda A. Alimova. DESCRIPTION OF HISTORICAL-GEOGRAPHICAL PLACES, NAMES OF HISTORICAL PERSONS IN ALISHER NAVOI'S WORKS (In the example of Majlis un-nafois). Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.62-72

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг илмий тадқиқотлар доирасидан четда қолиб келаётган тарихнавислик фаолияти хусусида ёзилган. Мақолада мутафаккирнинг тарихий воқеалар, тарихий шахслар ва тарихий-географик жой номлари дostonларидаги бадий-мажозий талқиндан ташқари бошқа бир қатор асарларида реал тарихий маълумотлар баёнлари берилган бўлиб, бу маълумотлар ҳали чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади. Биз бу мақоламизда мутафаккирнинг машҳур “Мажолис ун-нафоис” асарида келтирилган тарихий маълумотларни қисқача изоҳладик.

Калит сўзлар: Алишер Навоий, тарих, тарихнавислик, тарихий шахслар, тарихий-биографик маълумотлар, тарихий-географик жой номлари, “Мажолис ун-нафоис”.

Гулзода Агзамовна Алимова,
Кокандский государственный педагогический институт
старший преподаватель, независимый исследователь

ОПИСАНИЕ ИСТОРИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКИХ МЕСТ, ИМЕН ИСТОРИЧЕСКИХ ЛИЦ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ АЛИШЕРА НАВОИ (на примере “Меджалис ун-нафоис”)

АННОТАЦИЯ

В данной статье речь идет об историографической деятельности великого мыслителя Алишера Навои, выходящей за рамки научного исследования. Статья содержит описания реальных исторических данных в ряде других произведений мыслителя, помимо художественно-образной интерпретации исторических событий, исторических личностей и былин историко-географических топонимов, которые еще требуют глубокого научного исследования. В этой статье мы кратко изложили историческую информацию, представленную в известном произведении мыслителя «Меджалис ун-нафоис».

Ключевые слова: Алишер Навои, история, историография, исторические личности, историко-биографические сведения, названия историко-географических мест, «Меджалис ун-нафоис».

Gulzoda A. Alimova

Kokand State Pedagogical Institute
senior lecturer, independent researcher

**DESCRIPTION OF HISTORICAL-GEOGRAPHICAL PLACES, NAMES OF
HISTORICAL PERSONS IN ALISHER NAVOI'S WORKS
(In the example of "Majalis un-nafois")**

ABSTRACT

This article is about the great thinker Alisher Navoi's historiographical activity, which is beyond the scope of scientific research. The article contains descriptions of real historical data in a number of other works of the thinker, in addition to the artistic-figurative interpretation of historical events, historical figures and epics of historical-geographical place names, which still require in-depth scientific research. In this article, we have briefly explained the historical information presented in the thinker's famous work "Majlis un-nafois".

Index Terms: Alisher Navoi, history, historiography, historical figures, historical-biographical information, names of historical-geographical places, "Majalis un-nafois".

1. Долзарблиги:

Улуғ мутафаккир ўзбек мумтоз тили ва адабиётининг асосчиси Амир Алишер Низомиддин Навоий (1441-1501) ҳаёти, ижтимоий-сиёсий ва ижодий фаолияти ҳали ўзи тириклик пайтидаёқ катта эътибор ва эътироф билан ўрганила бошланган. Бу биринчидан, мутафаккирнинг ўзи йирик тарихий шахс эканлигини англатса, иккинчидан ва асосийси Навоий ўз ижодида давомида гениал бадиий, мажозий-фалсафий асарлар яратиш жараёнида, “Хамса” ва бошқа бир қатор бетакрор асарлари воқеалари баёнида ҳам бошқа бир қатор илмий асарларида инсоният тарихида бетакрор из қолдирган шахслар, уларнинг ҳаёти ва фаолияти, тарихий-географик номлар, йирик ижодкор алломаларнинг машҳур асарлари, диний уламолар фаолияти, уларнинг пирлари, муридлари, аждодлари, фарзандлари, асарлари каби муҳим тарихий маълумотлар ёзиб қолдирган. Шунингдек, Навоий ҳазратлари, бадиий асарларидан ташқари жаҳон, Шарқ ва мусулмон Шарқи тарихи баёнига бағишланган: “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулуки ажам”, “Муншаот”, “Вақфия” “Мажолис ун-нафоис”, “Насойим ул-муҳаббат”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” каби илмий-тарихий асарлари айнан ана шундай асарлари жумласига киради. Мавзунинг долзарблиги шундаки, Навоий ижодий мероси аксар ҳолларда адабиётшунослик, адабиёт тарихи, бадиий маҳорат, манбашунослик, матншунослик, тилшунослик, шеърят таҳлили каби ихтисослик ва мавзулар бўйича тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, мутафаккирнинг тарихнавислик фаолияти бевосита деярли тадқиқ қилинмаган. Ушбу мақола улуғ Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асарида келтирилган тарихий-географик жой номлари, тарихий шахс, уларга доир тарихий маълумотлар баёнига тўхталамиз. Ваҳоланки, Навоий меросида тарихнавислик масалалари уммон каби кенг ва улар жиддий тадқиқотларни талаб қилади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мавзуни ёритиш жараёнида: тарихийлик, тарихий изчиллик, тарихий таҳлил, қиёсий таҳлил, умумийлик ва хусусийлик, тарихий тафаккурнинг асосий методологик тамойиллари, ҳолислик, тизимлилик услубларидан фойдаланилди.

Улуғ мутафаккирнинг ҳаётининг ва ижодий фаолияти ҳали ўзи ҳаётлик пайтидаёқ катта эътибор ва эътироф билан битила бошланган. Жумладан, Султон Хусайн Бойқаро, Абдурахмон Жомий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирхонд, Хондамир, Зайниддин Восифий, Содиқбек Содиқий, Абдураззоқ Самарқандий, Фасих Хавофий, Муйиниддин Исфизорий каби муаллифларни санаб ўтиш мумкин.

Навоий ҳаёти ва ижоди, у ҳақда ёзилган юқоридаги тарихий қийматдаги асарлар кейинчалик йирик шарқшунос, навоийшунос олимлар томонидан тадқиқ этилди. Бу ўринда навоийшунослик соҳасида XX асрда катта ютуқларга эришилганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Хусусан, бу даврда бир қатор олимлар Навоий ижодини ўрганиш жараёнида унинг даври ижтимоий-сиёсий ҳаёти, унда Навоийнинг ўрни бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бордилар. Жумладан, В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс, А.А.Семёнов, В.Зоҳидов, И.Султон, И.Мўминов, В.Зоҳидов, Н.Маллаев, В.Абдуллаев, М.Хайруллаев, Н.Комилов, М.Орипов, Ҳ.Аликулов, И.Ҳаққул, С.Олимов, Қ.Эргашев, С.Каримов, Б.Эралиев, М.Муҳиддинов, М.Т.Ойбек, А.Ҳайитметов, А.Қаюмов, И.Султонов, М.Қўшжонов, С.Ғаниева, С.Эркинов, Э.Рустамов, Т.Аҳмедов, П.Шамсиев, С.Айний, Ў.Сулаймон, Ш.Шомухамедов, А.Абдуқодиров, А.Рустамов ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

Шарқ ренессанси мисолида борлиқ, унинг яралиши, мавжудлиги, ўзгаришлар, жараёнлар талқинига маърифий ёндашув, борлиқ фалсафаси, бадиий образлилик, мажоз баёни тарзида В.Зоҳидов, И.Султон, М.Ориповнинг тадқиқотларида кўриш мумкин.

Тасаввуфшунос олим И.Ҳаққулов Навоийнинг тасаввуф таълимотида тутган ўрни хусусида кўплаб асарларида, жумладан, докторлик диссертациясида мутафаккирнинг борлиққа доир қарашларига тўхталиб ўтган.

3. Тадқиқот натижалари:

Бу мавзунинг ёритишга киришишдан олдин, йирик тарихий шахс сифатида Алишер Навоийнинг биографик хусусиятга эга бўлган қимматли тарихий маълумотини келтириб ўтиш жуда муҳим деб уйлаймиз. Мутафаккирнинг ўзи “Бадоеъ ул-бидоя” асарининг дебوحасида Темур ва темурийлар сулоласига ўзининг қанчалик тегишли эканлигини назарда тутиб, шундай дейди:

Отам бу остоннинг хокбези,
Онам ҳам бу саробўстон канизи,
Манга гар худ бўлай булбул ва гар зоғ
Ким, ушбу даргаҳ ўлғай гулшану боғ[2.17].

Ушбу асарнинг насрий матнида ҳам “...агарчи ота-онадин етти пуштға дегинча бу рафиъ дудмоннинг бойири бандаси ва васиъ остоннинг мавруси туғмаси, яъни бу хонаводанинг хонаводаси ва бу хонаводанинг хонаводаси эрдим”[2.17] деб, ўзини шу табаррук остона яъни, - темурийлар хонадонига тегишли киши эканлигини ёзади. Бу ерда, мутафаккирнинг “хонавода” ва “хонавода” сўзларининг маъноси шуки, хонавода - зоди жиҳатдан ҳам, хонавода – ижтимоий мансублик, хизмат юзасидан ҳам шу сулолага хос кишилар эдилар, дейди.

Агар, Навоий ўзи таъкидлаганидек, етти пушта қадар Темурийлар хонадонига тегишли эканлигини ҳисобга олганда, Унинг темурий шахзода Ҳусайн Бойқаро билан мактабдошлиги тасоддий ҳол эмас эди. Темурийлар билан ҳамма ҳам сабоқдош бўлавермаслиги аниқ бир масала. Лекин, на Навоий асарларида на унга бағишлаб ёзилган тарихий қимматга эга нуфузли манбааларда унинг темурийларга зод, насл-насаб жиҳатдан, қон-қардошлик даражаси масаласида бирор нима дейилмаган.

Бизнинг фикримизча, Навоийнинг “агарчи ота-онадан етти пуштғача ...” деганидан тахмин қилиш мумкинки, Амир Темур ҳали Қашқадарё воҳасида ҳокимият учун ҳаёт-мамот курашларини олиб бораётган даврларда ҳам унинг ота-боболари билан содиқ ҳамкорлик бўлган. Шу узоқ ва садоқатли хизмат натижаси ўлароқ, Навоийнинг ота-боболари темурийлар салтанати даврида ҳокимиятнинг нуфузли лавозимларида фаолият олиб борган. Хусусан, унинг бобоси Қандахор ҳокими, отаси Сабзавор ҳокими ва бошқа бир қатор нуфузли лавозимларда фаолият олиб борганлиги, Навоийнинг акаси Бехлулбек Хоразмда нуфузли лавозимларда, укаси Дарвешали Балх ҳокими, ўзи эса нафақат Ҳусайн Бойқаро давлати, балки умуман темурийлар давлатининг нуфузли амири, салтанатнинг маънавий-ахлоқий таянчи сифатида хизмат қилди. Темурийлар салтанатида Навоийнинг нуфузи жуда юқори бўлиб, унга нисбатан катта эътибор ва ҳурмат билан муносабатда бўлганлиги кўплаб манбаларда аксини топган. Бу ҳолни кўплаб навоийшунослар ва мутафаккир ижодий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти билан боғлиқ мавзуларда тадқиқот олиб борган олимларимиз мажозий тарзда ифода

қилганларидек, Навоийлар хонадони вакиллари темурийларга “ўзини одами” сифатида қабул қилинган ва юксак ишончга асосланган эди.

Профессор Ш. Сирожиддиновнинг “Равзат ус-сафо”га асосланиб, “Ҳоқони Мансур (султон Ҳусайн Бойқаро) Алишер Навоий билан ёзишмаларда унга йўллаган мактубларда ул жанобнинг лақабларини бундай деб ёзар эдилар: “Ҳидоят эгаси, шараф ва хурматнинг қайтиш жойи, дину давлат арбобларининг сараси, мулку миллат эгаларининг етакчиси, хайру эҳсонларни таъсис этувчи, хайру эҳсон муассаларига равнақ берувчи, салтанат устунни, подшоҳларни қўлидан етакловчи, хоқон давлатининг умиди, султон ҳазратларининг яқин дўсти, ҳақиқат ва дин низоми амир Алишер”[5.18], деган эътирофни кўриш мумкин.

Навоийнинг отаси Ғиёсиддин Кичкина эса Абулқосим Бобур даврида Сабзавор ҳоқими бўлганлиги унинг ўз асарлари тилидан ва тарихий манбалар билан исботланган ҳақиқат. Навоийнинг отаси билан эса Ҳусайн Мирзонинг отаси Ғиёсиддин Мансур ҳам жуда дўстона ва кадрдонлик алоқаларда бўлган. Демак, темурийларда бу хонадон вакилларига нисбатан кучли ишонч ва узоқ муддатлик кадрдонлик шаклланган. Навоийнинг ўзи бу ҳақда, “мулк подшоҳи отамни ҳукумат расми билан Сабзаворга юбориб эрди”[1.29], дейди.

Навоийнинг укаси Дарвеш Алибек ҳам Балх ҳоқими бўлган, у шоир вафотидан кейин истеъфога чиққан. Дарвеш Алибек 1511 йилда Бобур хизматига ўтганлиги хусусида маълумотлар бор[3.218].

Ўз замонасининг зиёлиси бўлган Ғиёсиддин Кичкина бутун эътибори ва давлатини Алишернинг илмли бўлишига қаратганлиги ҳақида Абдураззоқ Самарқандий шундай ёзади: “У ўз фарзандини турли фазилатлар билан безаш учун олий ҳимматининг борини сарф қилди ва у бузургворнинг ҳаракати бекор кетмади, бунинг натижасида унинг ўғли иззат ва катталиқ тахтида ўлтирди”[4.42-43].

Навоий асарларидаги тарихнавислик баёни хусусида гапирганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мутафаккир асарларида тарихий воқеалар, тарихий шахслар, тарихий-географик жой номлари, тарих ва бошқа мавзуларда битилган машҳур асарлар билан боғлиқ маълумотлар аксар ҳолларда бадиий тарзда ўз ифодасини топган. Шу билан бир қаторда аниқ тарихий воқеалар баёнига бағишланган илмий ва биографик хусусиятдаги асарларида ҳам ишончли маълумотлар сифатида баён қилинган. Бундай асарлар сирасига: “**Тарихи анбиё ва ҳукамо**”, “**Тарихи мулуки аҷам**”, “**Муншаот**”, “**Вақфия**” “**Мажолис ун-нафоис**”, “**Насойим ул-муҳаббат**”, “**Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер**”, “**Ҳолоти Паҳлавон Мухаммад**” кабилар киради.

Биз ушбу мақоламизда мутафаккирнинг “Мажолис ун-нафоис” асари ва унда баён қилинган тарихий маълумотларга эътибор қаратамиз. Асар тузилишига кўра муқаддима ва саккиз боб, яъни, саккиз мажлисдан иборат.

Асар Навоий даври ва унинг ўзининг анъанасига кўра, асар муқаддимаси Оллоҳга ҳамд, Пайғамбарга наът, Оллоҳнинг фаришталари, хусусан Жабраил номи зикри, азиз авлиёларга дуои-хайрлар билан бошланган. Эътиборли жиҳати шундаки, асарда Навоий йирик ва машҳур тарихий шахслар, ҳукмдорлар, йирик ва машҳур олимлар, уларнинг асарлари, машҳур асарларнинг қаҳрамонларига таъриф каби маълумотлар берилган.

Асарнинг аввалги (биринчи) мажлиси: “жамоати маҳодим ва азизлар зикридаким, бу фақир аларнинг шариф замонининг охирида эрдим ва мулозиматлари шарафига мушарраф бўлмадим”, деб номланган бўлиб, Навоий ўз замонидан илгари яшаган айрим олимлар ва ижодкорлар ўзидан катта ёшли салафлари (пирлари-устозлари) сифатида баён қилиб, ўзини улар замони охирида яшагани ва улар мулозиматлари шарафига мушарраф бўлолмаганини айтиб ўтади[1.10-30]. Ушбу бобда 42 та тарихий шахсларнинг номлари бевосита келтирилган бўлиб, бу шахсларга алоқадор бўлган ўнлаб бошқа шахслар, жой номлари, ижодкор шахсларнинг машҳур асарлари номлари келтирилиб, уларга қисқача таъриф берилиб, ижодидан айрим мисоллар берилган.

Ушбу тарихий асарда, шунингдек, мутафаккир машҳур тарихий шахслар, машҳур олимлар, ижодкорлар ва уларнинг машҳур асарлари хусусида ҳам қимматли маълумотлар қолдирган. Ваҳоланки, асарнинг номидан кўриниб турганидек, “Мажолис ун-нафоис” яъни,

“Нафис мажлислар” асосан бадиий мерос билан боғлиқ масалалар баёнига бағишланган. Шулар қамровида жуда кўплаб тарихий шахслар тўғрисида маълумотлар киритилган.

Хусусан, бобда – Ҳазрати Амир Қосим Анвор ва унинг бошқа асарлари қаторида машҳур “Анис ул-ошиқин” асари, асар эса Жалолиддин Румий асарлари вазнида ёзилганлиги айтилган. Мир Маҳдум деган ижодкорнинг Қосим Анворнинг халифаси ва фарзанди эди, деб баён қилинади[1.11]. Шунингдек бу бода, Ҳофиз Саъд, Хожа Абдулвафойи Хоразмий, Мавлоно Ҳусайн Хоразмий, Шайх Озарий Мавлоно Котибий, Мавлоно Ашраф, Хожа Исматилло, Мавлоно Хаёлий, Мавлоно Бисотий, Мавлоно Яхъё Себак, Мир Ислом Ғаззолий, Саид Али Ҳошимий, Мавлоно Муҳаммад Олим, Мавлоно Қудсий, Мавлоно Рухий Ёзирий, Мавлоно Соҳиб Балхий, Мавлоно Сиймий, Мавлоно Али Охий, Мавлоно Али Шихоб, Муҳаммад Али Шуғоний, Мавлоно Толейий, Мавлоно Тусий, Боби Савдойи, Мавлоно Зоҳидий, Мавлоно Амирий, Мавлоно Бадахшоний, Мавлоно Толиб Жожармий, Мавлоно Бурундук, Мавлоно Жунуний, Мавлоно Орифий, Мавлоно Сулаймоний, Мавлоно Қадимий, Мавлоно Масихий, Мавлоно Хожа Абдулҳасан, Мавлоно Қутбий, Мавлоно Наимий, Мавлоно Зайн, Мавлоно Муҳаммад Жомий, Мир Шоҳий, Мавлоно Муштарий, Мавлоно Али Дардўзт, Мавлоно Толейий, Мавлоно Муҳий[1.10-30] каби тарихий шахсларни номлари, уларга оид асосий маълумотлар қайд этилган. Ушбу бобда айрим шахси бизни давримизгача фаолияти ўрганилмаган айрим шахсларни номлари келтирилган ва уларни йирик ва машҳур шахслар билан муносабатлари, алоқалари хусусида маълумотлар берилган. Масалан, Мавлоно Муҳаммад Олим – Самарқанд уламосидин Улуғбек Мирзо била ҳамсабақ ва мусоҳиб (сухбатдош) эрди...ва Мавлоно ҳам Ҳирийда мадфундур (дафн қилинган)[1.19], деган маълумот бор. Ёки яна бир шахс – Мир Ислом Ғаззолий – Хужжат ул-ислом Имом Муҳаммад Ғаззолий (қуддиси сирруху) авлодидиндур[1.20], деган маълумот берилган.

Асарнинг иккинчи бобида 91 нафар шахслар номи баён қилинган. Навоийнинг ўзи эътироф этганидек, бу бобдаги улуғ кишиларнинг баъзиларини болалиқдан билганлиги, айримлари билан йигитлик чоғида суҳбатдош бўлган. Улар Навоийдан ёш жиҳатдан анча улуғ бўлганлиги ва шу боис “аксари бақо дунёсига рихлат қилганликлари” афсус билан айтилади. Яна эътиборли жиҳати шуки, шу бобда асарнинг ҳижрий 896 (милодий 1490-91) йилда ёзилгани айтилган[1.31-69].

Бу бобда – Шарофиддин Али Яздий, Хожа Авҳат Муставфий, Муставфий, Мавлоно Абдулваҳоб, Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий, Улои Шоший*, Муҳаммад Табадгоний, Шайх Садриддин Равосий, Мир Ҳайдар Мажзуб, Муҳаммад Араб, Мир Муфлисий, Соғарий, Шайх Камол Турбатий каби бир нечта тарихи шахслар ва улар билан боғлиқ воқеалар, жойлар, уларнинг асарлари хусусида тарихий маълумотлар берилган. Масалан, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, “Хулал”, “Мунозара” ва “Мунтахаб” каби асарлари хусусида айтилган. Шунингдек, мусулмон Шарқда машҳур бўлган манбалар - “Қасидаи Бурда” ва “Асмоуллоҳ”га шарҳ ёзганлиги айтилган[1.31]

Хусусан, Мавлоно Атоий – Балхда бўлур эрди. Исмоил ота фарзандларидиндур, дарвешваш ва хушхулқ, мунбасит киши эрди. Туркигўй эрди. Ўз замонида шеъри атрок орасида кўп шуҳрат тутти. Бу матлаъ анингдурким:

Ул санамким, сув қироғинда паридек ўлтурур,

Ғояти нозуклугидин сув била ютса бўлур.

Қофиясида айбғинаси бор. Аммо Мавлоно кўп туркона айтур эрди. Қофия эҳтиётига муқайяд эмас эрди. Қабри Балх навоҳисидадур[1.63].

Мавлоно Муқимий — ҳирийлик эрди. Дарвеш, машраб киши эрди. Суфия истилохотидин ҳам вукуфи бор эрди, Бу тоифа истилохотиға мувофиқ чун туркигўй эрди, туркча таржеъ айтибдурким, хили чошниси бор ва анинг банди бу байтдурким:

Сенсен асли вужуди ҳар мавжуд,

Сендин ўзга вужудда не вужуд.

Қабри Ҳирийдадур[1.63], яъни қабри Ҳиротда эканлиги ёзилган.

Мавлоно Саккокий — Мовароуннаҳрдиндур: Самарқанд аҳли анга кўп муътақиддурлар ва бағоят таърифин қилурлар. Аммо фақир Самарқандда эрканда муаррифларидин ҳар неча

тафаҳхус қилдимким, анинг натоижи таъбидин бирор нима англайн, таъриф қилгонларича нима зоҳир бўлмади. Барчадин қолсалар сўзлари будурким, Мавлоно Лутфийнинг барча яхши шеърларн анингдурким, ўғурлаб ўз отиға қилибдур. Ул ерларда бу навъ ўхшаши йўқ, мазасиз муқобаралар гоҳи воқеъ бўлур. Бори баъзиси таъриф қилибким ўқурлар, бу матлаъни анга иснод қилурким[1.64].

Асарнинг учинчи боби мутафаккир бир нечта замондошлари хусусида тарихий маълумотлар қолдирган. Ушбу бобда 175 нафар тарихий шахс ва уларга оид маълумотлар берилган [1. 70-114].

Хусусан, Абдурахмон Жомий, Хожа Муҳаммад Таёбодий, Амир Шайхим Суҳайлий, Мавлони Сайфий, Хожа Мажиддин Муҳаммад, Комий, Мавлоно Олим, Дарвеш Машҳадий каби юздан зиёд шахсларни номлари, уларни таваллуди, фаолияти, ижодкорларининг асарлари номи, ижодий таҳаллуслари, вафоти ва дафн қилинган жойлари номлари каби тарихий маълумотлар берилган[1.73]. Эътиборли жиҳати шундаки, шу бобда Навоий ва унинг ғоявий рақиби сифатида тасаввур шакланган, уларнинг муносабатлари хусусида ҳозиргача маълум бўлган латифалар сақланиб қолаётган яна бир машҳур шахс **Мавлон Биноий** хусусида маълумот берилган. Лекин қуйидаги келтирилган маълумотлардан Навоийнинг Камолиддин Али ибни Муҳаммад Сабз - Биноийга муносабати ижобий бўлганини кўриш мумкин:

“Мавлоно Биноий – авсот ун-носдиндур, муваллади Ҳирий шахридур. Бағоят қобилияти бор. Аввал таҳсилға машғул бўлди, анда кўп рушди бор эрди, бот тарк қилди. Хатға ишқ пайдо қилди. Оз фурсатда ободон битиди. Андин сўнг илми мусиқийға майл кўргузди. Адвор илми билан бот ўрганиб, хили ишлар тасниф қилиб адворда дағи рисола битиди. Аммо мўъжиб ва мутасаввирилиғидин эл кўнглиға мақбул бўлмади. Бу сифати салби учун фақр тарийқин ихтиёр қилди ва риёзатлар ҳам тортти, чун пири ва муршиди йўқ эрди, ўз бошича қилгон учун ҳеч фойда бермади. Эл таъну ташниидин Ҳирийда туролмай Ироққа борди. Андин дағи ушбу ранг овозалар йиборди. Аммо чун йигитдурур, қобил ва кўп гурбат ва шикасталиклар тортти, умид улким, нафсиға ҳам шикаст ва тавозеъ етмиш бўлғай. Ҳар тақдир била бу матлаъ анингдурким, деб Биноийнинг бир байтини келтиради[1.74].

Тўртинчи бобда – 69 та тарихий шахслар ҳақида маълумот берилган. Хусусан, Паҳлавон Муҳаммад Гўштигир, Мир Сарбараҳна, Мавлоно Бурҳониддин, Мир Ғиёссидин Азиз, Мавлони Масъуд, Ҳофиз Шарбатий, Хожа Камолиддин Удий, Мир Отауллоҳ, Али Кармол, Мир Мумтоз, Хусайн Воиз – Кошифий, Муин Воиз, Мирхонд, Мовлони Хондамир Мавлоно Қосим, Ҳофиз Жалолиддин Маҳмуд, Мир Ҳайдар (Навоийнинг жияни, фарзанди сифатида тарбиялаб катта қилган), Султон Хусайн (Навоийнинг акаси Бехлулбекнинг ўғли) каби таниқли тарихий шахслар номлари ва уларга оид маълумотлар берилган[1. 114-142].

Асарнинг бешинчи мажлисида – Амир Давлатшоҳ, Мир Хусайн Али Жалойир, Абдулваҳҳоб – «Суҳойи» таҳаллус қилур, Мир Ҳайдар, Султон Хусайн — «Хатмий» таҳаллус қилур, Иброҳим Муҳаммад Халил каби шахслар хусусида маълумотлар бор. Уларнинг умумий сони юздан кўпроқ[1.143-150]. Ушбу бобда яна бир тарихий шахс, ижодкор ўзининг машҳур “Шайбонийнома” тарихий асари билан машҳур бўлган, шоир, тарихчи – Муҳаммад Солиҳ ҳақида маълумот берилган. Муҳаммад Солиҳ — исми муносабати била «Солиҳ» таҳаллус қилур. Нур Саидбекнинг ўғлидурким, кўп вақтлар Чаҳоржўй навоҳисидин Адоқ навоҳисиға дегинча аморат қилди ва Султон Абу Саид Мирзо эшигида, Улуғбек ва Жўги Мирзо эшигида соҳиб ихтиёр ва жумлат ул-мулк эрди. Аммо бағояг бадфеъл ва бадхулқ киши эрди. Ўзи мулойим йигитдур. Атворининг отаси атворига нисбати йўқтур. Анга ҳам ғариб саҳв туштиким, Султон Соҳибқирон қуллуғидин ғайбат ихтиёр қилди...[1.146].

Бобда 21 та шахсга доир маълумотлар киритилган.

Олтинчи бобда – Аҳмад Ҳожибек – таҳаллуси “Вафойи”, Хожа Хурд, Бобо Худойдод, Абулбарака, Хожа Хованд, Амир Муҳаммад Барлос, Дарвеш Шухудий, Ориф Фаркатий, Мавлоно Носириддин, Хожа Афзал, Хожа Алоvidдин каби эллиқдан ортиқ кишининг номи ва уларга оид маълумотлар берилган[1.153-162].

Бобда 31 та тарихий шахслар ва уларга оид маълумотлар киритилган.

Асарининг “Еттинчи мажлис” фасли – Улуғ Соҳибқирон Амир Темур ва темурий шаҳзодаларга бағишланган. Навоий шоир сифатида бу мажлисда, яъни бобда, Амир Темур ва бошқа темурий шоҳзодаларни шахси, хулқ-атвори, айрим алоҳида жиҳатлари, бадиий ижодга, хусусан шеърятга таъби, қобилияти ва ижодидан мисоллар каби сифатларга урғу бериб ўтган. Бу маълумотлар Навоийга хос тарихнависликнинг ўзига хос намунаси бўлиб, темурийлар салтанати тарихига доир бебаҳо қимматга эга намунадир[1.163-172]. Ушбу бобда Амир Темур билан бирга яна 21 темурий шаҳзодалар ҳақида қисқача маълумот берилган.

Ушбу бобни ёритишда Амир Темур, темурий шоҳзодалар ва темурийларга тегишли шахслар хусусида берилган маълумотларни мумкин қадар Навоий тилидан берилишига эътибор қилдик ва улар ҳақидаги маълумотлар, мутафаккирнинг бошқа асарларидаги маълумотлар билан мумкин қадар бу шахслар билан боғлиқ изоҳ, тўлдиришлар қилиб борамиз.

Биз ушбу қисмида асосан, Навоий тилидан гапиришга ҳаракатга қилдик. Ўқигувчилар ва таҳлилчилар бизни кўчирмачиликда айблашга шошилмасликларини сўраб қоламиз. Чунки, биз маълумотларни изоҳлашдан кўра асл ҳолида ўқиш фойдали, таъсирли бўлиб, ундан ташқари биз Навоийнинг сўзларини оҳорини тўкишдан истиҳола қилдик.

Табиийки, бу бобдаги тарихий маълумотлар, салтанат ва сулола асосчиси Амир Темурнинг ўзидан бошланган. Хусусан унда: “Мулуқ шажарларининг бўстони ва салотин гавҳарларининг уммони, ҳокони жаҳонгири соҳибқирон, яъни: **Темур Кўрагон** – агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқеъда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонча бор. Табаррук ҳайсиятидинким, ул ҳазратнинг муборак исми бу мухтасарда бўлғай ва ул латойифдин бири била ихтисор қўшилур”, деган маълумотлар ёзилган[1.163].

Кейин, темурий шоҳзода Мироншоҳ мирзо хусусида шундай дейилади: **Мироншоҳ Мирзо** – Чоғирға кўп иштиғол кўргузди. Димоғи ва мизожи эътидол тариқидин инҳироф топиб, андин номулойим амр кўп сурат тута бошлади. Самарқандда ул ҳазрат арзиға бу навъ еткурдиларким, уч надими борким, муфрит чоғир ичмакка боис алардурлар. Ҳукм бўлдиким, тавочи миод била чопиб бориб учаласининг бошин келтурсун[1.164].

Мироншоҳ – Жалолиддин Амираншоҳ (1368 – 1408) Амир Темурнинг учинчи ўғли. Эрон, Эрон Озарбойжони ва Ироқ ҳукмдори. Озарбойжон ҳукмдори Қора Юсуф билан тўқнашувда ҳалок бўлган. Унинг наъши Табриз яқинига дафн қилинган жойдан Шаҳрисабзга келтирилган ва кейин Гўри Амирга кўчирилган[1.227].

Ҳокони Саид Шоҳрух Мирзо ким, авлоди ва амжод орасида соҳибқирон отасининг қойим мақоми бўлди. Ҳам назмға машғуллук қилмас эрди, аммо хуб байт ва яхши сўзлар кўп ул ҳазратдин ҳам воқеъ бўлур эрди. Анингдек отадин мундоқ ўғул ҳеч ажаб эмас[1.164].

“**Абобакр Мирзо** – набира (Амир Темур) бўлур. Баҳодирлуғи ва қиличи зарби Чифатой улусида машҳурдур. Чун табъида назм чошниси бор эрмиш. Ҳамул баҳодирлуғ таврида бу туюқ андин машҳурдурким. ...агарчи баъзи алфози турконароқдур, аммо тажнисини яхши топибдур”[1.165] деб, бу темурий шоҳзодани забардаст жангчи ва шу билан бирга унинг шеърятга қобилияти хусусида, кўпроқ туркий тилда ижод қилганлиги эътироф этилади.

Султон Искандар Шерозий ҳам набирадур. Салтанат тажаммулини, дерларким салотиндин ози онча қилмиш бўлғай. Етти ё саккиз йиллик салтанатида гўёки уч ганж топибдур. Мавлоно Ҳайдар туркигўй, анинг модиҳи экандур. Бу анинг маснавийсидиндурким...ва Султон Искандарни дерларким, табъи назм эрди. Ва бу туюқни андин нақл қилурларким: (шеърый машқларидан мисоллар келтирилган)[1.165]

Халил Султон – ҳазрат султон ус-салотиннинг воқеасидин сўнгра Самарқанд тахтида салтанат қилди. Зурафо ва шуаро мажлисида жамъ бўлурлар эрди. Машҳурдурким, ўзи шеър айтур эрди. Андоқким, девони таърифида Хожа Исмадуллоҳ қасида айтибдур, аммо тилаб топилмади, ушбу матлаидин ўзгаким:

Эй турки пари пайкаримиз, тарки жафо қил,
Коми дилимиз, лаъли равонбахш раво қил[1.165-166].

Улуғбек Мирзо – донишманд подшоҳ эрди. Камолати бағоят кўп эрди. Етти қироат била қуръони мажид ёдида эрди. Ҳайъат (астрономия) ва риёзийни хўб билур эрди. Андоқким, зиж битиди ва расад боғлади ва ҳоло анинг зиж орода шоеъдур. Бовужуди бу камолот гоҳи назмға майл қилур. Бу матлаъ анингдурким...[1.166]

Астрономия илмида улкан, тарихий ҳисса қўшган темурий султон Мирзо Улуғбекнинг улуг номи Навоий асарларида фахр билан тилга олинади. Жумладан, айрим асарларида, воқеалар муносабати билан Мирзо Улуғбекнинг номи келтирилган бўлса, “Фарҳод ва Ширин”нинг Шоҳғариб Мирзога аталган бобида Улуғбекни буюк илм-фан соҳасида қилган тарихий хизмати айтиб кетилган:

Темурхон наслидин султон Улуғбек,
Ки, олам кўрмади султон анингдек.
Расадким боғламиш – зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.
Билиб бу навъ илми осмоний,
Ки, андин ёзди “**Зиж Кўрагоний**” [6.360]
деган машҳур сатрлар шу бобда битилган.

Бойсунғур Мирзо – ҳуштабъ ва сахий ва айёш ва ҳунарпарвар подшоҳ эрди. Хаттот ва наққош ва созанда ва гўяндадин мунча беназир кишиким, анинг тарбиятидин ороға кирди, маълум эмаским, ҳеч подшоҳ замонида пайдо бўлмиш бўлғай. Улча имкони бор, оламини хушлуқ била ўткарди. ...табъи диққатлиқ ва зеҳни жавдатлиқ. Салтанат тахтида фақрпешалиқ ва макрумат бисотида фаноандешалиқ йигитдур. Фазойил ва ҳунарларга роғиб ва фазл аҳли тақвиятиға муртакиб. Назм ойини дағи анга мақбул ва гоҳи ул фикрга табъи машғул[1.166].

Бобур Мирзо (Абулқосим Бобур) – дарвешваш ва фоний сифат ва карим ул ахлоқ киши эрди. Ҳиммати олида олгуннинг дағи кумушнинг тош ва туфроғча хисоби йўқ эрди. Тасаввуф рисоаларидин «Ламаъот» била «Гулшани роз»ға кўп машъуф эрди. Табъи дағи назмға мулойим эрди. Агарчи туркча назмлар ҳам айтур эрдиким, барчаға қабул эрди. Аммо у байт ҳам анингдурким[1.166-167]:

Абдулатиф Мирзо – савдойи мизоҷ ва васвасий табъ ва девонасор киши эрди. Мундин ўзга дағи ғариб бадфеълликлари бор эрдиким, зикридин беҳижоблиқ лозим келур. Ўтар дунё маслаҳати учун донишманд ва подшоҳ отасин ўлтурди. Ҳар ойинаким, салтанат Шируяға вафо қилғонча анга қилди. Аммо табъи назм эрди ва шеърни ободон айтур эрди. Бу матлаъ анингдурким... [1.167]

Жаҳоншоҳ Мирзо – дағи шеър айтур эрди. Бу мактаъ анингдурким:

Аз лутфи дўст ёфт ҳақиқи мурод дил,
Бе жидду жаҳди тоату бе миннати амал[1.167].

Яъқуб Мирзо – туркман салотинида анингдек писандида зотлиғ ва ҳамида сифотлиғ йигит оз бўлғай. Дарвешсифат ва фонийваш эрди[1.167].

Сайид Аҳмад Мирзо – салим табъ ва пок зеҳн киши эрди. Хили машҳур назмлари бор. Ҳам ғазал, ҳам маснавий, ҳам туркий, ҳам форсий ғазал таврида девони бор. Ва маснавий таврида «Латофатнома» анингдур. Бу туркча матлаи яхши вақеъ бўлубтурким... [1.168]

Султон Аҳмад Мирзо – дарвешваш, яхши ахлоқлик, писандида атворлик, одамишева кишидур. Ота жонибидин хуштабълиқ анга маврусийдур. Йиллар Хуросон тахтида ҳукумат қилдиким, ҳеч киши андин шикаят қилмади ва таън этмади. Ва Султон соҳибқиронға ота майобасидадур ва икки девон ихтиёри ва мулку мол мушорун илайҳи ва сипоҳи ва черик муътамаддун алайҳи улдур ва гоҳи назм ҳам айтур. Бу байт анингдурким...

Бойқаро Мирзо – бовужуди улким, Султон Соҳибқироннинг туғқон оғаси эрди. Йиллар Балх (қуббат ул-исломий)да салтанат қилди. Ва лекин шикаста нафслиқ ва кичик кўнгуллуқ, тавозуъ ва таъзимлиқ киши эрди ва ҳақшунослиғи аъло мартабада эрди. Табъи дағи назм хульясидин муарро эмас эрди. Бу матлаъ анингдурким... [1.168].

Кичик Мирзо – хуб табълиқ, тез идроклиқ, шўх зеҳнлик, қавий ҳофизалиқ йигит эрди. Оз фурсатда яхши толиби илм бўлди ва кўпроқ улум ва фунундин ўз мутолааси билан вукуф ҳосил қилди. Шеър ва муаммони хуб англари эрди, балки кўнгли тиласа айта ҳам олур эрди.

Бовужуди бу фазойил дарвешликларга мойил бўлуб, Макка зиёрати шарафига мушарраф бўлди. Аммо бағоят мустағни киши эрди. Бўла олурким, факир истиғноси эркан бўлғай. Бу рубой анингдурким... [1.169]

Кичик Мирзо – Мирзо Муҳаммад Султон, темурийлардан. Шеърят билан ҳам машғул бўлган. Хусайн Бойқаронинг опаси Окобегимнинг ўғли. Тоғаси хизматида бўлган. Навоий Кичик Мирзога ушбу асарнинг еттинчи мажлисида алоҳида мақола бағишлайди. Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» (Яхши хулқлар)ида хабар берилишича, Навоий ташаббуси билан унинг маблағига Марв шаҳрида «Хусравия» номли мадраса бино қилинганида унинг биринчи ғиштини Кичик Мирзо қўйган эди. Бино битганда (подшоҳлик демакдир) сўздан «абжад» ҳисоби билан бинонинг қурилиш таърихи, 881 (1476—1477) й. чиқарилган эди[1.169].

Султон Бадиуззамон Мирзо – ҳусни сурат ва ҳусни сийрат била ороста ва жамоли зоҳирий ва камоли ботиний била пийроста йигитдур. Разм атворидин отар-тутарда дилписанд ва базм асбобидин ичмак ва бағишламоқда бемонанд. Таъби ҳам назм услубида мулоиймдур. Бу матлаъ анингдурким..., деб, мирзонинг бир шеърини мисол қилинган[1.169].

Шоҳ Ғариб Мирзо – шўх таъблиғ ва мутасарриф зехнлик ва нозук тахайюллуқ ва дақиқ тааққуллуқ йигитдур. Назм ва насрда назари маъдум ва мутаханйила ва ҳофизада адили номаълум. Ов ва қуш хотирига марғуб ва қурро ва ўқуш кўнглига маҳбуб. Бу матлаъ анингдурким... Девон ҳам жамъ қилибдур. Яхши матлаълари бу мухтасарга сиғмас, магар яна бир китоб битилгай[1.170].

Фаридун Ҳусайн Мирзо – Фаридун ҳасаблиқ ва Ҳусайн насаблиқ. Зоти таъзим ва виқорлиқ ва хулқи адаб ва ҳурмат шиорлиқ, ёй кучида ягона ва ўқ отарда замона аҳлига нишона. Тоат ва тақвийга мойил. Зикр ва тиловатқа машғул йигитдур. Хуб таъби ва мулоийм зехни бор. Бу матлаъ анингдурким... [1.170-171]

Муҳаммад Ҳусайн Мирзо – халойиқ ани адолат ва шижоат ва салтанат ойинида кўп таъриф қилурлар, аммо улча зоҳир бўлди — бағоят саркашлиқ ва бегонавашлиқ гўё зотида бор[1.170].

Муҳаммад Ҳусайн Мирзо – Ҳусайн Бойқаронинг ўғли. Фаридун Ҳусайн Мирзо билан бир туғишган. Оналари ўзбеклардан Минглибий оғача эди. Бобурга қарши фитналарда, жангларда қатнашган. Лекин Бобур қўлига тушганда, қонидан кечиб, озод қилиб юборади. Кейин у Шайбонийхондан паноҳ топиб, Бобур ҳақида ғийбатлар қилиб юрганини Бобур таассуф билан ёзади. Оз фурсат ўтмай Шайбонийхон Муҳаммад Ҳусайн Мирзони қатл қилдиради[1.171].

Султон Масъуд Мирзо – равшан зехнлик ва мустаҳсан таъблиқ ва покиза ҳисол ва маҳмуд фаол йигитдур. Вафо ва дилжўйлук анинг шиори, сахо ва дарвешхўйлук анинг атвори. Мулк равнақ ва интизомида ахтари масъуд. Назм зеб ва зийнат итмомида абной жинсқа мақсуд. Бу туркча матлаъ анингдурким... [1.171]

Султон Масъуд Мирзо – Абусаид Мирзонинг набираси, Султон Маҳмуд Мирзонинг тўнғич ўғли, онаси Хонзодабегим. Отаси даврида Ҳисорда ҳукмронлик қилган. Феодал юришлари ўзаро низолар оқибатида Хусравшоҳ Султон Масъуд Мирзонинг кўзларига мил тортиб, кўр қилган, бу воқеадан сўнг Ҳусайн Бойқаро унга кизи Бегим Султонни берган эди. Султон Масъуд Мирзони Шайбонийхон қатл эттирган[1.171].

Султон Али Мирзо – холо Самарқанд мулкида салтанат тахтида мутамаккиндур. Дерларки, таъби назмга мойилдур[1.171-172].

Султон Али Мирзо – Султон Маҳмуд Мирзонинг кичик ўғли, онаси Зухрабегим. Оғаси Бойсунғур Мирзодан кейин 1499 йил ўрталарида Самарқанд тахтига ўтирган. Шайбонийхон 1500 йилда Самарқандни эгаллагач, Султон Али Мирзони унинг буйруғига биноан қатл этганлар[1.173].

Китобнинг “Аввалги мажлис” фаслида Абу Саид – темурийлардан. Султон Муҳаммаднинг ўғли. 1451-1458 йилларда Мовароуннаҳр хокими, 1458 – 1469 йилларда эса темурийлар давлатининг олий ҳукмдори; У ўздан олдинги шоҳ Абдулқосим Бобурга нисбатан анча қаттиққўл, зулмкор эди. Навоий ва унинг тоғалари Мир Саид Кобулий,

Муҳаммад Али Ғарибийлар Ҳусайн Бойқаронинг Абу-Саидга қарши ҳаракатларини қўллаб-қувватлаганлари учун уларга ғоят совуқ муносабатда бўлган Абу Саид илм ва санъат аҳлини кадрламаган ҳукмрон бўлгани учун ҳам муносабатларни яхшилашдан кўра Навоийга Ҳиротни тарк этиш осон туюлган ва у Самарқандга кетган эди. Навоийнинг Абу Саиддан норозилик туйғулари унинг “Маснавийси” – Саййид Ҳасан Ардашерга шеърини мактубида ўз аксини топган. Бу асарда Навоий ўзининг Ҳиротдан Самарқандга кетишини беихтиёр қилинган сафар, деб эътироф этади. “Бобурнома”да эса “Билмон, не жарима била Султон Абу Саид Мирзо Ҳиридин ихрож (сургун) қилди”[7.233], деган маълумот бор. Абу Саид мирзо 1469 йилда Эроннинг Ғарбий қисмларини ўзига бўйсундириш мақсадида юриш бошлаб, Озарбойжонда қатл этилгандан сўнг, Ҳусайн Бойқаро Ҳирот тахтини эгаллагач, янги ҳукмдорнинг таклифи билан Навоий Самарқанддан Ҳиротга қайтади[1.19].

Асарнинг саккизинчи мажлиси, яъни боби, Султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган. Албатта, боб Навоийга хос юксак бадиий услубда битилган. Унда Ҳусайн Бойқаронинг насл насаби, салтанат, умрининг мундарижаси, хусусан, бадиий ижодда ўзига хос мавқеъга эга бўлганлиги, олам эли бахтига умри то қиёмат боқий бўлишини тилаб дуои хайрлар билан бошланган. Унинг шуҳрати олдида Жамшиду Искандарларни номи хижолат бўлади деб муболаға тарзида мажозий ташбеҳлар келтирилган[1.173-210]. Шу ўринда Султон Ҳусайннинг шаънига ажойиб тарихий асар **“Насабнома”** битилгани айтилиб Навоий ўз замонасининг яна бир тарихий қийматга эга бўлган манбани келтириб ўтган. Бобда Султон Ҳусайннинг бадиий ижоддаги фаолияти бўлган шеърини девон тартиб берагани хусусида маълумот келтирилган ва ана шу девонга киритилган шеърларидан алифбо тартибида мисоллар келтирилиб мазмуни ва бадиий савиясини баҳолаш билан давом эттириб, яқунланган[1.173].

4. Хулосалар:


Амир Алишер Низомиддин Навоийнинг ўлмас ижодий мероси шу даврга қадар адабиёт, адабиёт тарихи, манбашунослик, матншунослик, тил таҳлили, поэзия таҳлили, бадиий маҳорат каби бошқа ихтисосликлар бўйича тадқиқ қилинган. Бироқ мутафаккир меросида, унинг гениал асарларидан ўрин олган тарихий воқеалар баёни, тарихнавислик, тарихий-географик жой номлари, маълум ва машҳур тарихий шахслар номлари билан боғлиқ муҳим масалалар тадқиқотлар доирасида четга қолиб қолаётган мавзулардан бири эди.

Биз ушбу мақоламизда, Навоийнинг тарихнавислик фаолиятини “Мажолис ун-нафоис” тарихий асари мисолида баҳоли-қудрат таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Ушбу китобда бевосита 453 та тарихий шахслар хусусида маълумотлар берилган бўлиб, юқорида таъкидлаганимиздек, ана шу номлари келтирилган шахсларга доир маълумотларни тўлдирувчи, аниқлаштирувчи маълумотлар баёнида бир неча ўнлаб шахслар номлари, жой номлари, дунёда ва Шарқ мамлакатларида маълум бўлган ва тарихий қимматга эга бўлган ўнлаб асарлар номлари келтирилган. Албатта, бу асар, унда келтирилган тарихий маълумотлар ҳали чуқур илмий тадқиқотларни, улар асосида илмий хулосалар қилишни талаб этади.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Навоий А. Мажолисун ун-нафоис МАТ 13 жилд. Тошкент, 1997. – 282 б. (Navoiy A. CoPW:20 volumes. Majolisun un-nafois 13 vols. Tashkent: “Fan”, 1997. p.282)
2. Навоий. А. Бадоеул-бидоя. МАТ. (20 жилдлик) 1 жилд.- Тошкент, 1987. 577 б. (Navoi.A.CoPW:20 volumes.1 volume.Badoe ul-bidoya.-Tashkent: “Fan”, 1987. p.577).
3. Алишер Навои “Муншаот” МАТ. 14 жилд. -Тошкент: ФАН, 1998. – 218.б. (Alisher Navoi “Munshaot” CoPW:20 volumes. 14 vols. -Tashkent: FAN, 1998. p. 218)
4. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II жилд 1-қисм. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. яна: Ўзбек адабиёти тарихи (IV томлик) II том Тошкент, 1977. – 486 б. (Abdurazzoq Samarkandiy. Matlai sadayn and majmai bahrayn. Volume II Part 1. –Tashkent: Uzbekistan, 2008. more: History of Uzbek literature (IV volume) Volume II Tashkent, 1977. p.486)


5. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологияк, текстологияк таҳлили. –Т.:Akadenashr, 2011. -326 б. (Sirojiddinov Sh. Alisher Navoi: comparative-typological, textological analysis of sources. –Т.: Akadenashr, 2011. p.326)
6. Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 8 т. Хамса: Фарҳод ва Ширин . Т.: “Фан”, 1991. 360 б. (Alisher Navoi.Farhad and Shirin.CoPW(Collection of Perfect Works).8 volumes.- Tashkent:” Fan”, 1991.p.360)
7. Бобур З.М. Бобурнома. Т.: Фан, 1960. – 431 б.(Bobur Z.M. Boburnoma. Т.: Fan, 1960. p.431)



Дилафруз Рашидовна Атамуратова,
Урганч давлат университети ўқитувчиси
atamuratovadilafruz@gmail.com

ХОРАЗМ ДАВРИЙ МАТБУОТИДА “ИНҚИЛОБ ҚУЁШИ” ҲАМДА “ИЗВЕСТИЯ” ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ЎРНИ: ТАРИХИ ВА ТАҲЛИЛИ

For citation: Dilafruz R. Atamuratova, THE ROLE OF THE NEWSPAPERS "INKILAB KUYASHI" AND "IZVESTIYA" IN THE KHOREZM PERIODIC PRESS: HISTORY AND ANALYSIS. Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.73-79

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Хоразмда матбуотнинг пайдо бўлиши бевосита Муҳаммад Раҳимхон Феруз ташаббуси билан ташкил этилган 1874 йилдаги – тошбосма билан боғлиқ ҳисобланади. Ўз ўрнида, тошбосма ривожига ўз ҳиссасини қўшган биринчи ўзбек литографи О.Абдаловнинг роли катта эканлигига аҳамият берилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, мақолада “Инқилоб қуёши” ҳамда “Известия” газеталари фаолиятининг йўлга қўйилиши, даврий матбуот учун асос бўлган тошбосма ҳамда О.Абдаловга оид бўлган маълумотлар, газеталарнинг диққат марказида турган масалалар, ижтимоий-сиёсий ҳамда маънавий-маърифий хабарлар, ўлка тарихини ўзида қамраб олган жараёнлар ўз аксини топган.

Мақолада Хоразм тарихини ўрганишда “Инқилоб қуёши” ҳамда “Марказий Ижроия Комитети Хабарлари” (“Известия полномочного представителя РСФСР в ХНСР”) газеталарининг тутган ўрни, газета саҳифаларидан ўрин олган рукнлар, мақола ва хабарларнинг мазмун-моҳияти таҳлил этилган.

Калит сўзлар: матбаа, матбуот, тошбосма, газета, литография, Хива

Дилфаруз Рашидовна Атамуратова,
Преподаватель
Ургенчского государственного университета
atamuratovadilafruz@gmail.com

РОЛЬ ГАЗЕТ "ИНКИЛАБ КУЯШИ" И "ИЗВЕСТИЯ" В ХОРЕЗМСКОЙ ПЕРИОДИЧЕСКОЙ ПЕЧАТИ: ИСТОРИЯ И АНАЛИЗ

АННОТАЦИЯ

Возникновение печати в Хорезме напрямую связано с литографией, которое было установлено в 1874 году по инициативе Мухаммад Рахимхана Феруза. В свою очередь отмечалось, что важную роль сыграл и первый узбекский литограф О. Абдалов, внесший вклад в развитие литографической деятельности. Поэтому в статье приведены сведения о

деятельности газет «Солнце Революции» и «Известия», заголовки периодических изданий и сведения об О. Абдалове, вопросы, интересующие газеты, общественно-политические и духовные новости, история края.

В статье анализируется роль газет « Солнце Революции » и «Известия ВЦИК» («Известия») в изучении истории Хорезма, содержание статей, статей и новостей.

Ключевые слова: типография, печать, литография, газета, Хива

Dilafuz R. Atamuratova,

The teacher of the Urgench State University

atamuratovadilafuz@gmail.com

THE ROLE OF THE NEWSPAPERS "INKILAB KUYASHI" AND "IZVESTIYA" IN THE KHOREZM PERIODIC PRESS: HISTORY AND ANALYSIS

ABSTRACT

The emergence of the press in Khorezm, is directly connected with the stoning, which was established in 1874 on the initiative of Muhammad Rahimkhan Feruz. In turn, it was noted that the first Uzbek lithographer O. Abdalov, who contributed to the development of lithography science, also played an important role. Therefore, the article contains information about the activities of the newspapers "Inkilab kuyashi" and "Izvestia", the headlines of periodicals and information about O. Abdalov, issues of interest to newspapers, socio-political and spiritual news, the history of the country, reflected the processes.

The article analyzes the role of the newspapers "Inkilab kuyashi" and "News of the Central Executive Committee" ("Izvestia") in the study of the history of Khorezm, the content of articles, articles and news.

Index Terms: printing house, printing, lithography, newspaper, Khiva

1. Долзарблиги:

Ўзбекистон ССР ташкил этилган 1924 йилнинг 5 декабрида “Қизил Ўзбекистон” (Красный Узбекистан) газетасининг биринчи сони чоп этилади [4, б.10]. 1925 йили Ўзбекистон матбуоти тиражи 17 миллионни, 1928 йили эса 31 миллион нусхани ташкил этди [4, б.14]. Шу йили биринчи ўзбек журналининг ҳам нашри йўлга қўйилади. “Коммунист” номи остида 1925 йилнинг 20 сентябридан чиқа бошлайди, бу журнал 1922 йили “Инқилоб” (“Революция”), 1923 йили “Коммунистлар йўлдоши” (“Спутник коммунистов”) номлари билан чоп этилган. Тиражи 2800 нусхани ташкил этиб, 50-80 бет ҳажмда чоп этилиб, “Сиёсат”, “Партия ҳаёти”, “Аёллар ҳаракати” ва ҳ.к. каби доимий бўлимлари иш олиб борган [4, б.14]. 1925 йилдан “Қишлоқ ўқитувчиси” (“Сельский учитель”), “Янги йўл” (“Новый путь”), “Ер юзи” (“Вокруг света”), “Маориф ва ўқитувчи” (“Просвещение и учитель”), “Тонг юлдузи” (“Звезда зари”), 1926 йили “Меҳнат ҳафталиги” (“Неделя труда”), 1927 йили “Қишлоқ хўжалиги турмуши” (“Жизнь сельского хозяйства”) нашри йўлга қўйилган. 1928 йили республикада 24 журнал чоп этилган бўлса улардан 19 таси ўзбек тилида бўлган [4, б.15].

Ҳозирги кунда ушбу сиёсий-ижтимоий газеталарнинг Ўзбекистон миллий кутубхонасида қуйидаги сонлар сақланмоқда: “Инқилоб кўеши” газетасининг 1920 йил № 26-27 сонлари (август), 1922 йилнинг № 6 – 8 (июн), 23 – 25 ҳамда 30 – 33 сонлари (ноябр), 1923 йилнинг № 46 – 48, 50, 52 – 55, 57, 60, 62, 64, 67 (январ – апрел), № 68, 72, 74, 76, 78-79, 82-84, 87 (феврал, май – октябр) сонлари, 1924 йилнинг № 4, 13-17, 20-21, 23-24, 26-27, 29, 32-33, 35-49, 51, 53-57, 59, 61, 64-67, 69-70, 73 сонлари (феврал, апрел – декабр), 1925 йилнинг № 1-2, 6, 8-10, 20-21, 23, 28, 31-33 (январ-феврал, апрел – июн, октябр) сонлари, 1926 йилнинг № 21, 23, 26, 38, 41, 42-43, 45-46 (август – сентябр, ноябр, декабр), 1927 йилдан фақат № 5 сони (январ), 1928 йилнинг № 55 ва 75 сонлар (сентябр, декабр), 1929 йилнинг № 1, 18, 24, 30, 38-39, 60, 71, 112 сонлари (январ – апрел, июн, ноябр), 1930 йилдан эса № 12, 20-21, 32, 58, 93 (январ-март,

июн, август) сонлари, 1936 йилнинг № 182 (август) сонлари сақланмоқда, 1921 йилдан нашри йўлга қўйилган “Известия” газетасининг № 1-16 сонлари (июл-август), сақланмоқда.

2. Методлар:

Мақолада “Инқилоб куёши” ҳамда “Известия” газетарининг тарихи, уларда нашр этилган хабарларнинг мазмун-моҳияти, тарихий-қиёсий методдан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинди.

3. Тадқиқот натижалари:

Хоразм даврий матбуотининг дарғаларидан, ушбу соҳа асосчиси О.Абдалов матбаачилик яъни, замонавий полиграфия иш фаолиятини ўрганиш учун 1923 йилда Тошкентга, сўнгра Москва шаҳарларида бўлган ҳамда, бу соҳанинг мутахассисига айланади. А.Бобохонов маълумотига кўра Хива хонлигида 2 та матбаа фаолият олиб борган. Шу жиҳатдан, О.Абдаловнинг фаолияти Хива хонлигида бошланиб, 1924 йилга қадар мавжуд бўлган Хоразм Халқ Республикасида илк газетанинг нашрини амалга оширади. Ҳаттоки маънавий-маърифий соҳадаги хизматлари учун Хоразм Халқ Совет Республикаси томонидан 1924 йили “Гызыл зэхмет” ордени билан тақдирланади [20, б.60]. Газета миллий чегараланишдан сўнг Хоразм округи фирқа кўмитаси, округ ижрокоми, округ касабалар шўроси ва округ ёшлар кўмитасининг нашр афкори бўлиб чиқа бошлага [22, б.73]. 1920 йилда Хоразм Халқ Республикаси ихтиёрига босмахона жиҳозлари, электромотор ва ҳарфлар юборилади [17, б.39]. 1921 йилнинг октябрида ва 1922 йилнинг сентябрида Хоразмга икки жуфт матбаа ускуналари билан биргаликда матбаачи мутахассислар, 700 кг русча ва ўзбекча (араб алифбосида) ҳарфлар, кичик электр юритгич ва бома машинаси келтирилди [1, б.109]. Ушбу ускуналар фаолиятини йўлга туширишда Отажон Абдалов Алексей Салопов ва Густав Шнейдел билан бирга ишлайди [5]. Отажон Абдалов давлат ҳаётига оид сиёсий жараёнларни кузатиб борган, жумладан, Ёш хиваликлар ҳаракатининг маҳсули бўлган 1917 йил 5 апрел куни Хива хони Асфандиёрга тақдим этилган манифестни тошбосмада нашр қилиб халқ орасида тарқатади [19, б.4]. Отажон Абдалов қорақалпоқ халқининг ҳам миллий матбуотига асос солганлардан бири деб эътироф этилади. Яъни, 1924 йили Қорақалпоғистон автоном области матбаачилари илтимосига кўра Тўрткўлда “Эркин қорақалпоқ” газетаси нашрини йўлга қўйишда қатнашади [2, б.26]. А.Бобохонов маълумотига кўра Туркистон ҳукумати йўлланмаси билан Хоразмга келган Афзал Тоҳиров ҳам соҳада фаол ишлаган, айтиш пайтда “Инқилоб куёши” газетасига муҳаррирлик қилган. “Инқилоб куёши” 1920 йилнинг мартдан нашр этила бошлади. Дастлаб тошбосмада кейинчалик мих босмада нашр этилади, илк сонлари катта форматда икки бет кўринишида бўлган [22, б.73]. Газета ўзбек ва туркман тилларида нашр этилган [6, б.11]. 1930 йиллардан бошлаб туманларда ҳам газеталар чоп этила бошлайди. 1930 – 1940 йилларда болалар газетаси сифатида чиқаётган “Бўл тайёр” газетаси чиқа бошлаган [3, б.10-11]. Ўлкада кейинчалик фаолияти йўлга қўйилган газета ва журналлар ҳам бўлиб, улар “Қизил Хоразм”, “Маориф” журналлари ва “Хоразм хабарлари”, “Ёрдам”, “Хунармандлар чўкичи”, “Қизил ёшлар овози”, “Ишчилар товуши”, “Қопқон” газеталари эди. Қолаверса, 1923-1925 йилларда республикада деворий газеталар фаолияти ҳам анча кенгайганлигини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, “Инқилоб куёши” газетасининг 1927 йил 16 май сонидан қизларнинг “Умид ёлқини”, “Мазлумлар озодлиги” деворий газеталари чиқиб, 5 майда Хивада ўтказилган матбуот кунидан 22 деворий газета қатнашиб, кўргазма очилганда 4 та газета қизларники бўлган [3, б.7].

1920 йили ХХСР ҳукумати вакиллари Б.Салимов раҳбарлигида Москвага ташриф буюради, бу воқеаларни ёритиб ўтган “Советская Сибирь” газетасининг 1920 йилнинг 10 августдаги сонидан Хоразмда “Инқилоб куёши” газетаси чоп этилаётгани ҳақида таъкидлаб ўтилган [15, б.1].

“Инқилоб куёши”нинг дастлабки нашрлари тошбосма ўлчамида 30 x 42,5 ҳажмда бўлиб, ҳафтада бир маротаба чоп қилинган [1, б.108]. Ушбу газетанинг 1924 йилдаги 5 март сонидан тиражи 300-400 нусхада чоп этилгани айтилади [13, б.54]. Тошбосмада ишлаш қулай бўлмаганлиги сабабидан, бир маротаба нашр этилган. Жумладан, Оғир қолип (тош)ни кўлда босмага тайёрлаш, навбатдаги саҳифа тошни ўзгартириш, литография ўқини икки матбаачи

мутахассис айлантириши, босиш учун бўёқ тайёрлаш ишлари матбаачидан жуда оғир қўл меҳнатини талаб қилар эди [1, б.108]. 1922 йилдан бошлаб “Инқилоб қуёши”нинг ҳафтада 2 мартадан нашр этила бошланганини кўрамиз, 1940 йилда газета кундалик чоп қилинганлигини ҳисобга олсак, ёки дастлабки нашр ҳафтада бир мартаба бўлганлигидан келиб чиқиб, газетанинг йигирма йиллик нашр фаолиятидаги ютуқлари ҳақиқатда кўзга кўринарли эканлигини ҳисобга олсак арзийди. Газетанинг биринчи муҳаррири мулла Бекжон Раҳмонов бўлган. Бекжон Раҳмонов Нозирлар Кенгашида зиёлилар вакили бўлиб, “Ёш хиваликлар” ҳаракати аъзоси, ўз даврининг маърифатпарварларидан бири бўлган [14, б.118].

“Хоразм ҳақиқати”нинг ўтмишдоши ҳисобланувчи “Инқилоб қуёши” газетаси илк сонлариданок ўлканинг ижтимоий ҳаётига оид материаллар ёритила бошлайди. Жумладан, 1920 йилнинг 16 август сонидан “Хоразм ёшлари” биринчи марта шанбалик ўтказиш учун 16 август куни почта олдидаги майдонга 100 киши келиб, текислаш ишларини олиб боргани, олти соатлик иш давомида майдонда тупроқ-текислаш ишлари ўтказилгани ҳақида хабар беради. Ёки 27 август сонидан шу ойнинг 15 санасида Хивада муаллимлар тайёрловчи 3 ойлик курс очилгани, меҳнаткаш хунармандларни, деҳқонларни, уларнинг болаларини ўқитиб, илмга ўргатиш учун муаллимлар зарурлиги сабаб эски саводли кишилар курсга келатганлари айтилади [16, б.36].

1923 йилда ХНСРда “Инқилоб қуёши”, “Хоразм хабарлари”, “Қизил ёшлар овози”, “Қизил Хоразм маорифи” каби газеталар чоп этилган [6, б.16].

“Инқилоб қуёши” газетасининг 1924 йил 5 май сонидан Хивада Халқ музейи очилади. Бу музейга Москвадан 285 тарихий экспонат келтирилгани хабар берилади [13, б.54]. Газетада саводсизликни йўқотиш мактаблари ҳақида доимий хабарлар чоп этилган. Газетанинг 1924 йил 7 январдаги сонидан бундай мактабларнинг сони 30 га етгани ҳақида хабар берилган [21, б.64]. 1924 йилнинг 15 март сонидан Хива шаҳар марказий клуби ёнида ўзбекча театр ташкил этилиб, аъзолари бирлик билан иш олиб бораётгани, айти шу сонда 8 март байрами муносабати билан хотин-қизлар учун тўй ясаиб, турли барамона томошалар ўтказилгани ёритилган [16, б.36]. Шундай байрамлардан “Пахта байрами” билан боғлиқ ҳолат бўйичаям хабарларни учратиш мумкин, яъни келаси йили пахта экиш ишини янада авж олиши учун пахта очилган вақтда “Пахта байрами” ўтказилади. Бундан мақсад бир томондан пахта экиш ишларини кенг йўлга қўйиш, иккинчи томондан деҳқонларни пахтачиликни ривожлантиришга рағбатлантиришда муҳим аҳамиятга эгаллиги, келгуси йил Хоразм деҳқони бир таноб ўрнига беш таноб пахта экиб, бир таноб пахтадан беш таноб жугарининг, икки ярим таноб буғдойнинг ҳосилидек ҳосил олиши [16, б.36-37] учун ўзига хос “мотивация” бериши кераклигига урғу берилади.

Даврий матбуотда ижтимоий, маънавий-маърифий XX асрнинг 20-йилларидаги масалалар ҳам ўрин олган, жумладан, 1920 йилларнинг бошида Хоразмда 10 та янги усул мактаблари очилиб, 1 та мактаб интернат, ўқитувчилар семинарияси, битта шифокор ҳамда икки нафар фельдшердан иборат 50 кишига мўлжалланган шифохона иш бошлаган. Хоннинг қароргоҳларидан Тошҳовли маданият ва маърифат марказига айлантирилади [14, б.124]. 1924 йилга келиб эса Хоразмда 24 та мактаб ва битта ҳаммом бўлган. Матбуотда биринчи ўн йилликда Хоразмдаги мактаблар сони 12 мартага ошганлиги ҳақида маълумотлар келтирилади [18, б.3]. 1925 йилда маданий-маърифий тадбирлар учун давлат бюджетининг 22, 4% сарфланган, 1935 йилда бу соҳага давлат бюджетининг 42,2 % сарфланади [18, б.3].

Газетанинг илк сонларидан биз кўриб чиқаётган 1945 йил ва ундан кейинги Совет Иттифоқи даврида асосий ёритилган кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши масалалари етакчилик қилганлигини кўрамиз. Умумиқтисодиёт тараққиётида аграр соҳа азалдан салмоқли ўринни эгаллаб, пахта ва бошқа турдаги хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш, қайта ишлаш, хом ашё кўринишида 5 йиллик режани бажариш масалалари шунинг учун ҳам матбуотнинг марказида турган масалалардан бўлган. Шу сабабдан кишлоқ хўжалиги, ерга ишлов бериш жараёнларига тўсқинлик қилган ҳар қандай ҳолат “Инқилоб қуёши”да қаттиқ танқид остига олинганлигини учратамиз, 1928 йилнинг 22 апрелидаги сонидан округга темир ва чўянларнинг вақтида етиб келмаганлиги сабабли темирчилар томонидан маҳаллий

асбобларни экишга тайёрлаш ишлари бироз заиф ҳолда бораётгани, 3000 дона капчага заявка берилган бўлсада, 1500 дон тайёрлагани, шунчалик кетмонга талаб бўлгани ҳолда 500 дона тайёрланган. 2000 дона поза (омоч) ўрнига 1000 донаси ҳозирлангани таъкидлаб ўтилган [16, б.37].

“Инқилоб қуёши” Хива шаҳрида 1928 йилнинг июнь ойи охиригача чоп қилинади. 1921 йил мартдан 1922 йил майгача “Хоразм хабарлари” номи билан нашр этилган. Нашриёт 1928 йил июлидан Урганч шаҳрида иш фаолиятини бошлайди. Газета ўз фаолиятини бошлаган даврларда, таҳририятда – Зокир Бекчурин, Мадраҳим Сайдашев, Ҳабиб Самигуллин, Муҳаммад Зокиров, Умар Қурбонийлар фаолият олиб боришган [17, б.39].

1921 йилнинг июлидан “Марказий Ижроия Комитети Хабарлари” (“Известия полномочного представителя РСФСР в ХНСР”) газетаси нашр этила бошлайди, газета уч тилда: ўзбек, рус ҳамда туркман тилларида чоп этилган [13, б.54]. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек бу газетанинг Ўзбекистон миллий кутубхонасида 1921 йили нашри амалга оширилган № 1-16 сонлари (июль-август) сақланмоқда. Газетада Хоразм республикасининг кундалик турмушига оид жараёнлар ёритиб борилган. Газетанинг дастлабки сонидан “О налоге [7, б.1]” деган хабар остида Хоразм республикаси Ижро Қўмитаси томонидан деҳқонлардан турли маҳсулотлар, хом-ашё ва тери маҳсулотларидан ундириб олинган солиқ ҳақида хабар берилади. Бу солиқ тури республикада биринчи марта жорий қилинаётган бўлиб, куздан яъни йиғим-тери бошланган пайтдан ундирилиши ҳақида айtilган, солиқни ундиришдан мақсад эса “халқ озодлиги” учун курашаётган армияни таъминлаш дея кўрсатилади. 1921 йил 15 июльдаги №5 сонидан “К сдаче Гулям-Али [9, б.2]” мақоласида ХХСР Нозирлар Кенгашида туркманлардан уруғ бошлиғи [14, б.117] ҳисобланган Ғулом Алининг ХХСР ҳукуматига таслим бўлганлиги ҳақида хабар берилади. Газетада хориж хабарлари “За красным рубежом” рукни остида эълон қилинган. РСФСР даги воқеалар “По Советской России”, Туркистондаги жараёнлар “Красный Туркестан”, вилоят хабарлари “Красный Хорезм” рукнларидан жой олган. Газета муҳаррирлари сифатида И.Бик, М.Альфин, Р.Нюринлар келтирилади. Умумий тиражи 800 нусхани ташкил этган. И.Бик, М.Альфин, Р.Нюринларнинг газета сонларида хабарларни РСФСР идеологияси доирасида таҳлил қилинган шаклдаги мақолалари нашр этилиб борилган. Айниқса, М.Альфиннинг “Миллатлар лигаси” ташкилотини танқид қилган мақоласи [8, б.1], ёки пролетарит ва буржуазия таққосланиб таҳлил қилинган Р.Нюрин мақола [10, б.1]ларида акс этган. Газетанинг ўзига хос жиҳати, баъзи сонларда газета чоп этилган сана билан сарлавҳа кўйилган ўзига хос “Кириш сўз” вазифасини бажарган совет тузуми билан бевосита боғлиқ бўлган мақолалар билан бошланган. Газетани ўрганиш жараёнида 5-сон [9, б.1], 14-сон [10, б.1], 15-сон [11, б.1], 16-сон [12, б.1]ларида шундай ҳолни кузатдик. Вилоятнинг илк газеталаридан бўлса ҳам дастлабки сонлариданоқ Эълонларни учратиш мумкин. Бу эълонлар асосан ҳукумат эълонлари бўлган, сақланиб қолган сонларда эълонлардан сўнг “Советский календарь” номли тақвим чиқарилган, унда милодий ҳамда хижрий саналар яъни газетанинг нашри амалга оширилган шу сон санаси ва кейинги сон нашрига қадар бўлган саналар келтирилган. Ҳафтада 3 маротаба нашр этилганлигини ҳисобга олсак 2 кунлик тақвим (жума кунги сонда 3 кунлик тақвим) ва шу саналарда содир бўлган муҳим воқеалар қайд этилган.

4. Хулосалар.

Мақолада таҳлил этилган “Инқилоб қуёши” газетаси тарихи ХХСР давридан бошланиб, кейинчалик Ўзбекистон ССРнинг Хоразм округи даврий матбуоти намунаси сифатида фаолият олиб борганлигини, газетанинг илк сонларидан асосий ёритилган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши масалалари етакчилик қилганлигини кўрамиз. Умумиқтисодиёт тараққиётида аграр соҳа азалдан салмоқли ўринни эгаллаб, пахта ва бошқа турдаги хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш, қайта ишлаш каби масалалар матбуотнинг марказида турган масалалардан бўлган. Ўлка тарихини ёритишда “Известия” газетаси ҳам катта ўрин эгаллаган, асосан сиёсий аҳамиятга эга мақолалани учратиш мумкин, лекин Хоразм тарихининг ижтимоий ҳаётига оид материаллар бўйича ҳам манба сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Бобохонов А. Асрдан ошган зиё масканлари. Т., “Ўзбекистон”. 2011. (Boboixonov A. Centuries of enlightenment. T., “Uzbekistan”. 2011.)
2. Бобохонов А., Ҳасанов С. Отажон матбаачи. Гулистон. №10. 1974. (Boboixonov A., Hasanov S. Otajon litographer. Guliston. №10. 1974.)
3. Бекмухаммедов У. Гурлан тумани. Т., Янги аср авлоди. 2011. (Bekmuhammedov U. Gurlan district. T., New Age Generation. 2011.)
4. Эрназаров Т.Э., Акбаров А.И. История печати Узбекистана. Т., “Ўқитувчи”, 1977. (Ernazarov T.E., Akbarov A.I. History of the press of Uzbekistan. T., “The teacher”, 1977.)
5. Ҳаёт. Тошбосма иш бошлаганда. № 4. 28 январ – 3 феврал 2010 йил. (Life. When the stonework begins. № 4. January 28 - February 3, 2010.)
6. Иноят Х.Ш. История Хорезмской Народной Советской республики (1920-1924 гг.). Т., “Фан”. 1976. (Inoyatov Kh.Sh. History of the Khorezm People's Soviet Republic (1920-1924). T., Fan. 1976.)
7. Известия (“Известия полномочного представителя РСФСР в ХНСР”). О налоге. №.1. 6 июля 1921 г. (Izvestia (“News of the Plenipotentiary Representative of the RSFSR in KhNSR”). About tax. No.1. July 6, 1921)
8. Известия (“Известия полномочного представителя РСФСР в ХНСР”). Национальная политика РСФСР. №.3. 11 июля 1921 г. (Izvestia (“News of the Plenipotentiary Representative of the RSFSR in KhNSR”). National policy of the RSFSR. No. 3. July 11, 1921)
9. Известия (“Известия полномочного представителя РСФСР в ХНСР”). О налоге. №.5. 15 июля 1921 г. (Izvestia (“News of the full representative of the RSFSR in KhNSR”). About taxes. No. 5. July 15, 1921)
10. Известия (“Известия полномочного представителя РСФСР в ХНСР”). Хива, 8 августа 1921 года. №.14. 8 августа 1921 г. (Izvestia (“Izvestia of the Plenipotentiary Representative of the RSFSR in the KhNSR”). Khiva, August 8, 1921. No.14. August 8, 1921)
11. Известия (“Известия полномочного представителя РСФСР в ХНСР”). Хива, 10 августа. №.15. 10 августа 1921 г. (Izvestia (“News of the Plenipotentiary Representative of the RSFSR in KhNSR”). Khiva, 10 August. No.15. August 10, 1921)
12. Известия (“Известия полномочного представителя РСФСР в ХНСР”). Хива, 12 августа. №.16. 12 августа 1921 г. (Izvestia (“News of the Plenipotentiary Representative of the RSFSR in KhNSR”). Khiva, 12 August. No.16. August 12, 1921)
13. Насыров Б.Ф. Из Истории политико-массовой и культурно-просветительной работы в Хорезме. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. № 4. Т., “Фан”, 1967. (Nasyrov B.F. From the history of political-mass and cultural-educational work in Khorezm. Humanities in Uzbekistan. No. 4. T., "Fan", 1967.)
14. Погорельский И.В. История Хивинской революции и Хорезмской Народной Советской Республики 1917 – 1924 гг. Ленинград., Издательство Ленинградского университета. 1984. (Pogorelsky I.V. History of the Khiva Revolution and the Khorezm People's Soviet Republic 1917 - 1924. Leningrad., Leningrad University Press. 1984.)
15. “Советская Сибирь”. Приезд Хивинской делегации. № 177. 20 августа 1920 г. (“Soviet Siberia”. Arrival of the Khiva delegation. No. 177. August 20, 1920)
16. Тарих садоси. Воҳа солномаси. Урганч. “Хоразм”. 2010. (The sound of history. Oasis's Chronicle. Urgench. "Khorezm". 2010.)
17. Тошпўлатова Д. Матбаачилик тарихидан. Воҳа солномаси. Урганч., “Хоразм”. 2010. (Toshpulatova D. From the history of printing. Oasis's Chronicle. Urgench., “Khorezm”. 2010.)
18. Хорезмская правда. Под’ем народного хозяйства Хорезма за 20 лет. № 251. 24 декабря 1944 г. (Khorezm truth. The rise of the national economy of Khorezm in 20 years. No. 251. December 24, 1944)
19. Хоразм ҳақиқати. Отажон Абдоллов туғилганига 125 йил. 1982 йил 22 январ.(The truth of Khorezm. 125 years since the birth of Otajon Abdolov. January 22, 1982.)


20. Язбердиев А. Избранные статьи. V том. Ашхабад. 2014. (Yazberdiev A. Selected Articles. Volume V Ashgabat. 2014.)
21. Юлдашев Н. Начало строительства Советской культуры в ХНСР. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. № 2. Т., “Фан”, 1970. (Yuldashev N. The beginning of the construction of Soviet culture in KhNSR. Humanities in Uzbekistan. No. 2. T., “Fan”, 1970.)
22. Зиё Саид. Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар (1870 – 1927). – Тошкент-Самарқанд: Ўздавнашр, 1927. (Ziyo Said. Materials on the history of the Uzbek periodical press (1870 - 1927). - Tashkent-Samarkand: Uzdavnashr, 1927.)



Феруза Эркиновна Атажанова,
Тошкент Тиббиёт Академияси Урганч филиали
Ижтимоий-фанлар кафедраси катта ўқитувчиси
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ХОРАЗМДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР (1991-2017 ЙИЛЛАР)

For citation: Feruza E. Atajanova. REFORMS IN THE FIELD OF HIGHER EDUCATION DEVELOPMENT IN KHOREZM (1991-2017). Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.80-87

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Мақолада мустақиллик йилларида Хоразм вилоятида олий таълимни ривожлантириш соҳасидаги ислоҳотлар ва бу борада амалга оширилган ишлар ва соҳадаги муаммолари таҳлил қилинган бўлиб, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланганидек, 2017-2021-йилларда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш дастурини ишлаб чиқиш, ўқув дастурларини янада такомиллаштириш, пуллик хизматлар кўрсатиш ва молиялаштиришнинг кўшимча манбаларини излашда олий ўқув юртларининг ваколатларини кенгайтириш йўли билан уларнинг мустақиллиги босқичма-босқич мустақамланиб бориши тўғрисида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Олий таълим, университет, талаба, доцент, фан номзоди, педагог, таълим тизими, таълим-тарбия. бакалавурият, магистратура, таълим сифати.

Феруза Эркиновна Атажанова,
старший преподаватель кафедры общественных наук
Ургенчского филиала Ташкентской медицинской
академии доктор исторических наук (PhD)

РЕФОРМЫ В ОБЛАСТИ РАЗВИТИЯ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В ХОРЕЗМЕ (1991-2017 ГГ.)

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются реформы в сфере развития высшего образования Хорезмской области за годы независимости, а также проделанная работа в этой сфере и проблемы в этой области.

Как отмечается в Стратегии действий, разработка программы кардинального совершенствования системы высшего образования на 2017-2021 годы, дальнейшее совершенствование учебных планов, оказание платных услуг и поиск дополнительных источников финансирования являются опорой высшего образования. образование.

Ключевые слова: Высшее образование, вуз, студент, доцент, кандидат наук, преподаватель, система образования, образование. бакалавриат, магистратура, качество образования.

Feruz E. Atazhanova,
Senior Lecturer, Department of Social Sciences,
Urgench Branch of the Tashkent Academy
of Medicine Doctor of Historical Sciences (PhD)

REFORMS IN THE FIELD OF HIGHER EDUCATION DEVELOPMENT IN KHOREZM (1991-2017)

ABSTRACT

The article analyzes the reforms in the field of higher education development in Khorezm region during the years of independence, as well as the work done in this area and the problems in the field.

As noted in the Action Strategy, the development of a program for the radical improvement of the higher education system in 2017-2021, the further improvement of curricula, the provision of paid services and the search for additional sources of funding are the mainstays of higher education.

Index Terms: Higher education, university, student, associate professor, candidate of science, teacher, education system, education. bachelor's, master's, quality of education.

1. Долзарблиги:

Мамлакатимизда ёш авлод тарбияси, таълим тизимини, илм-фан соҳаларини янада тараққий қилдириш ва салоҳиятли кадрлар етиштириб чиқариш давлат сиёсатининг ўта муҳим йўналишларидан бирига айланган. Замон талаби ва халқимизнинг хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб таълим тизимида ҳам улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, умумий ўрта таълим соҳасида 11 йиллик тизимга ўтилди, академик лицей ва касб-хунар коллежлари оптималлаштирилмоқда, олий таълим тизимида энг замонавий технологиялар амалиётга татбиқ этилмоқда, янгидан олий таълим муассасаси ва филиаллари ташкил этилмоқда, сиртки, махсус ва иккинчи мутахассислик таълим йўналишлари ташкил қилинди, олий ўқув юртли ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопарклар ташкил этилмоқда, илмий ва илмий-тадқиқот муассасаларининг моддий-техник базаси тубдан ривожлантирилмоқда. Мактабгача таълимни тарихда бўлмаган янги даражага олиб чиқиш мақсадида кенг қўламли ислохотлар давом этмоқда. Мазкур ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда таълим соҳаси ва илм-фаннинг ривожлантирилиши масалаларини Хоразм вилояти мисолида кўриб чиқиш, ҳолисона ва танқидий таҳлил қилиш, уни тўлиқ очиб бериш танланган мақоланинг долзарблигини белгилайди.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар: тарихийлик, манбавий қиёсий-манتيқий таҳлил, кетама-кетлик, ҳолислик, тизимлаштириш ҳамда фанлараро ёндашувлар асосида ёритилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Мустақиллик арафасида Хоразмда ягона олий ўқув юрти ҳисобланган Хоразм давлат педагогика институти асосан ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ишларини амалга ошириб келмоқда эди. 1935 йилда ўқитувчилар тайёрлаш институти сифатида ташкил этилган ушбу таълим муассасаси шарафли йўлни босиб ўтди. 1944 йилда ўқув юртига педагогика институти мақоми берилди, Жамоадаги профессорлар Отаназар Мадраҳимов, Нуриддин Қаландаров, Ражаб Жуманиёзов, Ахмад Нурматов, Матяқуб Матниёзов, Абдулла Сатлиқов, Олланазар Собиров, Фарход Ражабов, доцентлар Мунаввара Салаева, Янгибой Ражабов, Абдулла Худойқулов каби фидойи педагоглар ўзларининг бутун ҳаётини, билим ва тажрибаларини, маҳоратини ёшларга таълим ва тарбия беришга бахшида этдилар.

1991–1992 ўқув йилида Хоразм давлат педагогика институтида 4800 нафар талабалар сабоқ олдилар ва уларнинг 2900 нафари кундузги ва 1900 нафари сиртки бўлимларда ўқидилар. Институтга ҳар йили ўртача 1000 талаба қабул қилинарди. [1,195]

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 1992 йил 28 февралдаги Фармонида асосан Урганч Давлат университети ташкил этилди [2,3]. Ўқув муассасасининг мавқеи ошганлиги сабабли эндиликда педагогика йўналиши билан бир қаторда инженер–техника, химия–технология, архитектура ва қурилиш, иқтисодиёт каби янги факультетлар очилди. Дастлабки йиллардан ўқув юртининг моддий–техника базасини мустақамлаш, уни компьютер, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш ишларига жиддий эътибор қаратилди.

Университет кафедралари қошида илмий–методологик семинарлар ташкил этилиб, фаннинг долзарб муаммолари муҳокама этиб турилди. Анъанавий илмий-амалий конференциялар ўтказилиб, уларда ал-Хоразмий, ал-Беруний, Алишер Навоий, Бобур, Феруз, Замахшарий, Нажмиддин Кубро каби буюк сиймолар мероси чуқур тарғиб ва таҳлил қилинди. Иқтидорли талабалар учун 20 та илмий тўғарақлар ташкил этилди. Талабалар илмий конференциясида 400 га яқин маърузалар тингланди.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти шароитида мустақил ишлашга қодир, рақобатбардош, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш — кадрлар тайёрлаш миллий моделида олий таълимнинг асосий мақсадларидан бири сифатида белгиланган. Шу мақсаддан келиб чиқиб олий таълим бакалавр ва магистрлар тайёрлайдиган икки босқичли қилиб белгиланди. Йўналишлари ва ихтисосликлари классификатори асосида бакалавриятнинг 251 та йўналиши бўйича янги ўқув режалари ва дастурлари ишлаб чиқилиб, таълим соҳасига жорий этилди [3,2,4].

Хоразмда амалга оширилган кенг кўламли тадбирлар натижасида талабалар сони кескин равишда ошиб борди. Жумладан, 1992 йилда Олий ўқув юртларида таълим олаётган 7460 талабага 506 профессор–ўқитувчилар (21 фан доктори, 18 профессор, 171 фан номзоди, 4 академик, 48 доцент) 32 мутахассислик йўналиши бўйича сабоқ бергандилар. Шу билан бир қаторда мамлакатимиз олий ўқув юртларида 11, 5 минг хоразмлик йигит ва қизлар таълим олардилар.

Профессор–ўқитувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш мақсадида таянч ўқув юртлари белгиланди. Шу билан бир қаторда 1998 йилда "Устоз" жамғармаси грантлари бўйича 71 нафар ўқитувчи чет элларда ўқиб қайтди. 980 нафар ўқитувчи жамғарманинг Тошкентдаги "Ахборот-ресурс маркази" (АРМ) да чет эл мутахассислари жалб этилган ҳолда ўз малакасини оширди. Улар орасида мустақиллик шарофати билан Хоразмда фаолият юрита бошлаган Урганч давлат университети ва Биринчи Тошкент тиббиёт институтининг филиалида ишлаётган ўқитувчилар ҳам бор эди. [4,7]

Кейинги йилларда амалга оширилган тадбирлар натижасида Хоразм вилоятида олий ўқув юртларининг сони ошиб борди.

Вилоятдаги олий ўқув юртлари орасида Урганч давлат универси-тетининг нуфузи баланд эди. Истиқлолнинг дастлабки йилларида пойтахт олий ўқув юртларидан кўплаб тажрибали ва ёш профессор–ўқитувчилар Урганч Давлат университетига ишга таклиф этилди. Ўқув юрти профессор–ўқитувчилари жамоасининг сифат даражаси ва моддий-техника базаси яхшиланди. Янги мутахассисликлар очилиб, бир қанча кафедра ва факультетлар ташкил этилди. Илм даргоҳида фақат педагоглар эмас, иқтисодчи, архитектор, инженер-механик, технолог, қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича мутахассислар етишиб чиқди. Университетда илмий–тадқиқот ишларини янада кучайтириш мақсадида аспирантура бўлими ташкил қилинди. Аспирантура бир қанча ихтисосликлар бўйича етук мутахассислар тайёрланди.

1995 – 1998 йилларда университет таркибида Тошкент иқтисодиёт университети ва 1-Тошкент тиббиёт институтининг Урганч филиаллари фаолият кўрсатди. Кейинчалик “Тиббиёт маркази” мустақил бўлиб чиққан бир шароитда, иқтисод университетининг бўлими УРДУ иқтисод факультети сифатида ўз фаолиятини давом эттирди.

2000 йилда УРДУ талабалари сони 4700, 2001 йилда – 5600, 2002 йилда – 6300, 2003 йилда – 7500, 2004 йилда – 7500, 2004 йилда – 8100, 2005 йилда – 8700 нафарни ташкил қилди.[5,195]. 1996 йилда университет талабаларидан Қудрат Жуманиёзов, 2003 йилда Насиба Собирова ва Исоқжон Исмоилов Президент стипендиясини олишга муяссар бўлдилар.[6,9]

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2002 йил 30 майдаги "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида" ги Фармони ва унинг ижроси ҳақидаги Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги қароридан келиб чиқиб университетда инфор­мацион инфраструктураларини шакллантириш ва таълимнинг электрон ўқув базасини яратиш мақса­дида бир қатор ишлар амалга оширилди. Қисқа муддатларда ахборот технологиялари ва масо­фавий ўқитиш йўналишида муваффақиятларга эришилди.

2003 йилда университетнинг барча факультет ва кафедраларида 166 та компьютер бор эди. 2007 йилга келиб эса жами компьютерлар сони 532 тага етди ва ҳар 10 талабага биттадан тўғри келди. Шу йили яна 3 та янги замонавий компьютер синфлари ташкил қилинди ва ўқув жараёнига ва илмий изланишларда фойдаланиш имконияти яратилди. Компьютерларнинг 165 таси локал тармоққа уланган бўлиб, Интернет хизматидан фойдаланиш учун Бош бино в­стибюлида ҳам компьютерлар ўрнатилди. Улардан ўқув машғулотларидан бўш ва танаффус вақтларида талабалар кенг фойдаландилар.[7,16]

ТЕМПУС АРЕСО лойиҳаси маблағи ҳисобига университетда “Экология таълим маркази” ташкил қилинди ва унга 14 та компьютер, лазер принтер, сканер ва проекторлар олиб келиб ўрнатилди. Марказда янги ташкил қилинган Физикавий экология мутахассислиги магистрлари, профессор ўқитувчилар ва талабалар “Экология” йўналиши бўйича илмий изланишлар олиб бордилар.

Университетда “Мультимедия маркази” фаолият кўрсатди ва унда замонавий ахборот технологияларини тадбиқ қилинган бўлиб, рақамли видео камера ва фотоаппарат, видеопроектор, видео кассетадаги видео лавҳаларни компьютерга киритиш қурилмалари, видеомагнитофон каби мультимедия техникавий воситалари мавжуд эди. Улардан профессор ўқитувчилар ва ходимлар университет ва факультет ҳаётига оид лавҳалар тайёрлашда, маъруза матнлари электрон версиялари учун видео лавҳаларини тайёрлашда, электрон қўлланмалар ишлаб чиқишда фойдаландилар.[8,16].

2008 – 2009 ўқув йилида Урганч Давлат университетида жами 7894 нафар талаба таҳсил олди. Шундан 5320 нафари кундузги, 2426 нафари сиртқи бўлимда, 148 нафари магистрантлар эди. Ўқув даргоҳидаги 10 та факультет, 35 та кафедра, махсус сиртқи бўлими фаолият кўрсатди. Профессор-ўқитувчилар сони 420 нафар бўлиб, уларнинг 55 нафари ўриндошлик асосида ишлади. Университет ўқитувчилари орасида 1 нафар академик, 18 нафар фан доктори ва профессорлар, 158 нафари фан номзоди ва доцентлар, 146 нафари катта ўқитувчи, 202 нафар ўқитувчилар бор эди [9,2].

Университетда ташкил этилган 14 та спорт секцияларида 700 га яқин талабалар шуғулландилар. 2007 йил 20 – 24 июн кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган “Универсиада 2007” спорт мусобақаларида Хоразм вилояти ёшларидан УрДУнинг 131 та талабаси ва 17 нафар мураббийси умумжамоа бўлиб қатнашди. Бу қизгин мусобақаларда университет жамоаси фахрли 4 ўринни эгаллади. Талаба Нурбек Искандаров кураш бўйича олтин, 19 талаба кумуш ва 34 талаба бронза медалларига сазовор бўлдилар.[10,15]

2007 йилнинг “Ижтимоий ҳимоя йили” деб эълон қилиниши муносабати моддий ёрдамга муҳтож профессор-ўқитувчилар, талабалар ва ходимлар рўйхати тузилди. Натижада 17 нафар чин етим, 209 нафар отаси йўқ, 43 нафар онаси йўқ, 34 нафар ногиронлар борлиги аниқланди. 2007 йилда муҳтожларга кўрсатилган ёрдам 104 миллион сўмдан ошди. Урганч шаҳридаги 72 нафар кекса ёлғизларга, 300 га яқин талаба ғамхўрлик гуруҳи аъзоси сифатида 600 минг сўмдан ортиқ моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. [11,8]

“Бугунги талаба маънавий қиёфаси” номли анкета-сўровномаси натижалари талабаларнинг ҳар жабҳада фаол маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук эканлигини кўрсатди. Кейинги ўн йилда университетда 7 нафар Президент стипендияси совриндори етишиб чиқди. 2002 йилда ўтказилган республика олий ўқув юртлари театр-студиялари танловида университетнинг “Феруз” театр-студияси олий ўринни эгаллади. 2003 йилда эса “Кувноқлар ва зукколар” танлови университет жамоаси 2-ўринни, 2005 йилда “Заковат” телевизион фестивалида ҳам 2-ўринни банд этгани фахрланишга арзигулик иш бўлди.

Спорт соҳасида ҳам университет талабалари йилдан йилга юсак марраларни забт этиб бордилар. “Универсиада – 2004” мусобақаларида Урганч давлат университети жамоаси 7-ўринни эгаллашган бўлса, 2007 йилги мусобақаларда 4-поғонани банд этди. Кураш, дзю-до, кўл тўпи, футбол, енгил атлетика каби спорт турларида хоразмлик талабалар жуда катта муваффақиятларни кўлга киритишди. 2004 йилда талаба Алишер Қурязов ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони ва Осиё чемпионати учинчи ўрин соҳиби бўлди. Талаба Нурбек Искандаров Ҳиндистонда ўтган халқаро турнир ғолиби, “Универсиада – 2007” чемпионлигини кўлга киритди. Орзигул Қиличева эса енгил атлетика бўйича “Универсиада – 2004, 2007” мусобақаларининг кумуш ва бронза медаллари совриндори бўлди.[12,10]

Мустақиллик талабаси чинакам маънода бунёдкор бўлмоғи лозим. Ёшларни бунёдкорликка, меҳнатга ўргатиш таълим муассасалари, ёшлар ташкилотининг муҳим вазибаларидан бири бўлди. Қарийб 2 йил ёзги таътил вақтида бунёдкор талабаларнинг меҳнат отрядлари ўз фаолиятини олиб бордилар. 2007 йилда университет талабаларидан 385 нафари фермер хўжаликларида, 35 нафари қурилиш отрядларида кўнгилли равишда меҳнат қилдилар. Улар учун махсус кийим, иссиқ овқат, яхши иш ва меҳнат шароитлари ташкил этилди, кўнгилли дам олиб, хордиқ чиқаришлари учун маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Талабаларни мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, уларни зарарли ҳолатлардан асраш, Ватанга мухаббат, миллий кадриятларимизга ҳурмат, фидоийлик руҳида тарбиялашда ҳамда иродаси мустаҳкам, ҳаётда ўзининг аниқ фикрига эга бўлган баркамол авлодни тарбиялашда ўқитилаётган махсус курсларнинг аҳамияти катта бўлди. Жумладан, “Мустақиллик дарслари”, “Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари”, “Гиёҳвандликнинг зарарли оқибатлари”, “Хоразм Маъмун академияси тарихи ва унинг дунё илм-фани тараққиётидаги ўрни” каби махсус курслар самараси катта бўлди.

Университет профессор-ўқитувчиларининг вилоятдаги меҳнат жамоаларида ўтказилиб келинаётган маънавий-маърифий тадбирлардаги фаол иштирокини алоҳида таъкидлаш лозим. Улар вилоят ички ишлар бўлими, солиқ ва божхона бошқармалари ходимларининг маърифат дарсларини ўтказишда, чегара ҳудудларда тарғибот ва ташвиқот ишларида, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, ҳокимликлар томонидан ташкил қилинган ўқув семинарларда фаоллик кўрсатдилар.

Университетнинг "Феруз" номли бадий ҳаваскорлик тўғараги ва вокал чолғу ансамблида 60 га яқин талабалар қатнашди. Бадий ҳаваскорлик тўғарагига республикада хизмат кўрсатган артист Шермат Файзуллаев ва доцент Пўлат Раҳмонов раҳбарлик қиладилар. Улар етакчилигидаги иқтидорли ёшлар нафақат республикада, балки чет элларда танилди. [13,9]

Ўзбекистон Миллий университетининг математика факультети талабаси, Урганч туманида туғилган Хоразм фарзанди Ҳақимбой Эгамберганов қаторасига уч йил – 2014, 2015, 2016 йилларда математика бўйича чет мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро фан олимпиадаларида олтин медални кўлга киритган.

2014 – 2015 ўқув йилида университет таркибида жами 8 та факультет ва 30 та кафедра бўлиб, уларда бакалавриятнинг 56 йўналиши, магистратуранинг 13 мутахассислиги бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрланди. Профессор-ўқитувчилар сони жами 517 нафарни ташкил қилиб, шундан 493 таси асосий штатда, улардан 12 нафари фан докторлари, профессорлар, 138 нафари фан номзодлари, доцентлар, 2 нафари чет элда ёклаган; 367 нафар катта ўқитувчилар ва ассистент ўқитувчилардан иборат. Университетда 2014 ўқув йилида институтида 8 та йўналиш бўйича катта илмий изланувчиларни тайёрлаш йўлга қўйилган бўлиб, 13 нафар катта илмий ходим изланувчи таҳсил олишди. Талабалар контингенти жами 6765 нафарни (бакалаврият - 6649), (магистратура-119) ташкил қилди.[14,9]

2015 – 2016 ўқув йилида университет таркибида 10 факультет (Физика-Математика, Филология, Табiiй фанлар ва География, Педагогика, Тарих ва ҳуқуқ, Жисмоний маданият, Техника, Туризм ва иқтисод), Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, Академик лицей, 33 кафедра, Маънавият ва маърифат, Халқаро алоқалар, Ноширлик, Магистратура

бўлимлари, Ахборот технологиялари марказлари, 18 та ўқув лаборатория хоналари, "Ижодкор", "Технолог", "Рассомлик" ўқув устахоналари, Спорт мажмуаси иш олиб борди. Ахборот Ресурс марказида 170 мингдан ортиқ асар сақланади (2015). Университетда 45 та йўналиш [тарих, иқтисодиёт (макроиқтисодиёт), касбий педагогик тайёргарлик (бухгалтерия ҳисоби ва аудит), бошланғич таълим ва тарбиявий иш, чизмачилик, тасвирий ва амалий санъат, манзарали амалий санъат ва халқ хунармандчилиги, пед. ва психология, мусиқа таълими ва эстетик тарбия, касбий таълим (меҳнат таълими), математика, амалий математика ва информатика, ахборот ва ахборот технологияси, физика, география, кимё, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, меъморчилик, роман-герман филологияси ва бошқа] бўйича бакалаврлар, 16 ихтисослик [лингвистика (ўзбек тили, немис тили, инглиз тили), адабиётунослик (ўзбек адабиёти, рус адабиёти), умумий тарих, математик таҳлил, дифференциал тенгламалар, биоэкология, иқтисодий ва ижтимоий география, макроиқтисодиёт ва бошқа] бўйича магистрлар тайёрланди. 2015/16 ўқув йили университетда 6950 талаба таълим олди, 112 магистр, 8 докторант илмий фаолият олиб борди, 480 дан ортиқ ўқитувчи, жумладан, 1 та Ўзбекистон ФА академиги, 21 фан докторлари, 240 га яқин фан номзоди ва доцент ишлади. Ташкил бўлгандан то 2016 йилгача 40 мингга яқин мутахассис тайёрланди.

2016 – 2017 ўқув йилига келиб, Урганч Давлат университетида 9 та факультет, 30 та фан кафедралари, магистратура бўлими, 300 минг нусхали китобга, ахборот-коммуникация технологияларига эга бўлган 2 та ахборот-ресурс маркази, замонавий жиҳозланган ўқув хоналари, лабораториялар, 1058 ўринга эга бўлган Талабалар турар жойи мавжуд эди. 2015 – 2017 йилларда университетнинг 10 та биноси капитал таъмирланди, 1 та янги ўқув биноси ва ошхона қурилди. Улар замонавий анжомлар билан жиҳозланди. Бунинг учун 37, 4 миллиард сўм маблағ сарфланди.

2016 – 2017 ўқув йилида университетда бакалавриятнинг 54 та йўналиши ва магистратурада 13 мутахассислик бўйича педагогик кадрлар тайёрланди. Мазкур ўқув йилида 7000 нафардан ортиқ талаба ва магистрантлар таҳсил олди. Уларга 573 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар илм сирларини ўргатдилар. Уларнинг 1 нафари академик, 13 нафари фан докторлари, профессорлар, 143 нафари фан номзодлари, доцентлар, 68 нафар катта ўқитувчилар, 300 га яқини ўқитувчилардир.

Урганч Давлат университетида 2017 – 2018 ўқув йилида 8538 талаба, 79 магистрант таҳсил олган бўлиб, шулардан 2566 талаба шартнома асосида, 561 талаба эса давлат грантлари асосида, 35 та магистрант шартнома асосида, 19 магистрант давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди. Шу ўқув йилида 1260 талаба шартнома асосида, 547 талаба давлат гранти асосида олийгоҳни битирган бўлса, 65 та магистрантдан 20 таси давлат гранти асосида битирган.

Олий таълим муассасасида таълим олаётган талабаларнинг 56, 1 фоизи қиз болалар, 43, 9 фоизини эса ўғил болалар ташкил қилган. Олийгоҳни 2017 йилда битирувчиларнинг 825 таси ўғил болалар, 1048 таси қиз болалардир. 2017 йилда олийгоҳда 135 та фан номзоди, 12 та фан доктори, 6 та профессор, 50 та доцент илмий фаолият олиб борган.

Ўзбекистоннинг бугунги куни учун иқтисодиётнинг инновацияларга асосланган ривожланишини таъминлаш вазифаси турмоқда. Шунинг учун Ўзбекистонда таълим тизимидаги ислохотлар иқтисодиётдаги янги ўзгаришлар пайдо бўлиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон таълим тизимида кейинги 20 йилда қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Шу билан бирга Ўзбекистон таълим тизимида яқин вақтда ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Масалан, Ўзбекистонда талабалик ёшидаги аҳолининг олий таълим билан қамраб олиниши даражаси 9 фоиз бўлиб, бу Марказий Осиёда ва жаҳон миқёсида анча паст кўрсаткичдир. Олий таълимга давлат ғазнасида молиялаштириш мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг атиги 0,4 фоизини ташкил этади. Бу жаҳонда энг паст кўрсаткичлардан биридир.

Ўзбекистонда давлат бюджетидан ҳар бир талабага тўғри келувчи харажат Россияга нисбатан 2 марта, Туркияга нисбан 3 марта, Малайзияга нисбатан 7 марта кам.

2000 йилдан бери олий таълимни молиялаштиришнинг умумий миқдорида давлат газнасидан харажатлар 60 фоиздан 35 фоизгача камайди. Давлат харажатлари камайиши билан олий ўқув юртлари кўпроқ таълим учун тўловлар ҳисобига молиялаштиришга ўтмоқда.

Ўзбекистон олий таълими тизимида харажатларнинг жорий тақсимоли ҳам олий таълим сифати юқорироқ бўлган мамлакатларга мос келмайди. Талабаларга бериладиган стипендиялар улуши ҳаддан кўп (олий ўқув юртлари бюджетининг деярли 40 фоизи). Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига кирувчи мамлакатларда бу кўрсаткич 10 фоизни ташкил этади. Олий таълимни молиялаштиришдаги ушбу камчиликлар олий таълим муассасалари моддий техника базасининг ночор аҳволга тушишига сабаб бўлди. Боз устига, Ўзбекистон олий таълими тизимида илмий даражали ўқитувчилар миқдори 20 йил ичида 52 фоиздан 35 фоизгача камайди. 2014/15 ўқув йилида ҳар 100 талабага компьютерлар сони 13 та, Интернетдан фойдаланиб дарс ўтаётган ўқитувчилар сони 35 фоизни ташкил этди.

Олий ўқув юртлари битирувчиларининг билими ва малакаси сифатидан иш берувчиларнинг 33 фоизи қаноатланган бўлса, 36 фоизи норози эканлигини билдирган. Бу хусусда, олий ўқув юртлари битирувчиларининг анча қисми (турли мутахассисликлар бўйича 30 – 50 фоизгача) ўз йўналиши бўйича ишламаётганини кўрсатиш жоиз.[15]

Олий таълимни ислоҳ қилиш Ўзбекистоннинг фуқаролик ва иқтисодий тараққиёти учун зарур. Мамлакат тараққиётининг ҳозирги ҳолати юқори малакали мутахассисларга талабни кучайтирмоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, 2017 йил 20 апрелда ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастури қабул қилинди.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланганидек, 2017 – 2021-йилларда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш дастурини ишлаб чиқиш, ўқув дастурларини янада такомиллаштириш, пуллик хизматлар кўрсатиш ва молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини излашда олий ўқув юртларининг ваколатларини кенгайтириш йўли билан уларнинг мустақиллиги босқичма-босқич мустаҳкамланиб борди.

4. Хулоса:

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Урганч Давлат университетида ҳам мавжуд муаммоларни бартараф этиш, университетнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва шу асосда таълим-тарбиянинг сифатини ошириш, илмий даражали ўқитувчилар миқдорини янада ошириш борасида қатор ишлар қилинди. Инсон капиталига эътибор кучайиб, университетда таълим сифатини ошириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.


Республикадаги олий таълим соҳасидаги ислохотлар айнан университетнинг янги сиёсий-иқтисодий ўзгаришларга мослашишини назарда тутмоқда. Шу билан бирга Урганч Давлат университетида илғор хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш орқали олий таълим сифатини ошириш, ўқув дастурларини такомиллаштириш ва замонавий педагогик технологияларни жорий этиш, профессор-ўқитувчилар учун яратилган шароитлар, қўлланилаётган таълим-тарбия усуллариининг таъсирчанлигига ҳолисона баҳо бериш, таълим сифати устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш каби вазифаларни ҳал қилиш бўйича катта ишлар қилинмоқда.

Буларнинг натижаси ўлароқ Урганч Давлат университети келгусида жаҳон миқёсида олий таълим муассасалари ичида халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг биринчи 1 000 талигига кириш, кейинги йилларда эса 500 таликка киришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Иқтибослар / сноски / references:

1. Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги статистик тўплами. – Урганч: Хоразм вилоят статистика бошқармаси, 2006. – Б. 195.(Uzbekistan 15 yilligin static ball. - Urgench: Khorezm region statistics bashkarmasi, 2006. - B. 195.)

2. Университетим – фахрим менинг. Тўплам. — Т., 2005. – Б. 3.(My university is my pride. Collection. - T., 2005. - What? 3)
3. Университетим – фахрим менинг. – Б. 4; Урганч Давлат университетида 2006 – 2007 ўқув йилида амалга оширилган маънавий–маърифий ишлар ҳақида ҳисобот. — Урганч, 2008. – Б. 2.(University-pride my. - B. 4; university Urgench state manavii-marifii work carried out in the year of 2006-2007 shkuv, as well as in the field of Medicine. - Urgench, 2008. B. 2.)
4. Урганч Давлат университети олимлари. Тўпловчи ва тузувчилар: Б.Абдуллаев, Б. Рўзметов, А.Абдуллаев.-Тошкент: “Lesson Press” МЧЖ. 2017. Б. 7.(Scientists from Urgench State University. Takers and builders: B.Zire " Lost In Test Match Ra'zmetov, A.Abdullaev.- Tashkent: "Lesson Press" LLC. 2017. B. 7.)
5. Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги статистик тўплами. – Урганч: Хоразм вилоят статистика бошқармаси, 2006. -Б. 195.(Statistical package of the 15th anniversary of Uzbekistan's independence. - Urgench: Khorezm regional statistics department, 2006. - What? 195.)
6. Урганч Давлат университети олимлари. – Урганч, 2017. -Б. 9.(. Scientists from Urgench State University. - Urgench, 2017. - What? 9.)
7. Урганч Давлат университетида 2006–2007 ўқув йилида амалга оширилган маънавий–маърифий ишлар ҳақида ҳисобот. -Урганч, 2008. (Report on spiritual and educational work carried out in 2006-2007 academic year at Urgench State University. - Urgench, 2008.)
8. Урганч Давлат университетида 2008 – 2009 ўқув йилида амалга оширилган маънавий–маърифий ишлар ҳақида ҳисобот. -Урганч, 2010. -Б. 2. (Report on spiritual and educational work carried out in 2008-2009 academic year at Urgench State University. - Urgench, 2010. - What? 2.)
9. Урганч Давлат университетида 2006 – 2007 ўқув йилида амалга оширилган маънавий–маърифий ишлар ҳақида ҳисобот. – Урганч, 2008. -Б. 15.(Report on spiritual and educational work carried out in 2006-2007 academic year at Urgench State University. - Urgench, 2008. - What? 15)
10. Урганч Давлат университетида 2006 – 2007 ўқув йилида амалга оширилган маънавий–маърифий ишлар ҳақида ҳисобот. – Урганч, 2008. -Б. 8. (Report on spiritual and educational work carried out in 2006 – 2007 academic year at Urgench State University. - Urgench, 2008. - What? 8.)
11. Урганч Давлат университетида 2004 – 2007 ўқув йилида амалга оширилган маънавий–маърифий ишлар ҳақида ҳисоботлар. -Урганч, 2008. – Б. 10.(Reports on spiritual and educational work carried out in 2004-2007 academic year at Urgench State University. - Urgench, 2008. - What? 10.)
12. Урганч Давлат университети олимлари. 2017. -Б. 9.(Scientists from Urgench State University. 2017. B. 9.)
13. Урганч Давлат университетида амалга оширилган маънавий–маърифий ишлар ҳақида ҳисобот. - Урганч, 2015. -Б. 9.(Report on spiritual and educational work carried out at Urgench State University. - Urgench, 2015. - What? 9.)
14. Хўжаев Ғ. Олий таълим муаммолари: таққос ва статистика. // <https://kun.uz/67316320/03.07.2017>.(Khujaev G'. Problems of higher education: background and statistics. // <https://kun.uz/67316320/03.07.2017> you know what?)



Жасурбек Зокиржонович Ахмедов,

Камолиддин Бехзод номидаги

Миллий рассомлик ва дизайн институти

Музейшунослик кафедраси мудири, т.ф.ф.д. (PhD)

E-mail: jasur184@list.ru


Иқбола Турсунмуродовна Қудратова,

Р.М.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган

музыка мактаби ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН МУЗЕЙЛАРИДА САҚЛАНАЁТГАН АЙРИМ ОСТАДОНЛАРНИНГ ШАКЛ БЕЗАКЛАРИ ХУСУСИДА

For citation: Jasurbek Z. Akhmedov, Ikbola T. Kudratova. ABOUT THE FORM OF DECORATION OF SOME OSSUARIES VAULT IN MUSEUMS IN UZBEKISTAN. Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.88-93

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистон музейларида сақланаётган оstadонларнинг шакл безаклари, хусусан, рельеф композицияларининг турли туманлиги, бадий қиммати ва ясаиш технологияси ҳамда хом ашёлари илмий ёритилган. Оstadонлар кулоллар томонидан лойдан кесма нақшли тарзда ясаиб, махсус хумдонларда пиширилганлиги ва турли ҳажмда бўлганлиги, Ўрта Осиё халқлари орасида оstadонга солиб кўмиш одати зардуштийлик дини хос удумлардан бири эканлиги ифода этилади.

Калит сўзлар: Оstadон, музей, шакл, безак, рельеф, сопол, тасвир, композиция, сўғд.

Жасурбек Зокиржонович Ахмедов,

Преподаватель Национальный институт художеств и

дизайна имени Камалиддина Бехзода

доктор философии по истории (PhD)

E-mail: jasur184@list.ru

Иқбола Турсунмуродовна Қудратова,

Преподаватель Республиканская специализированная

музыкальная школа им. Р.М.Глиэра

О ФОРМЕ УКРАШЕНИЯ НЕКОТОРЫХ ОССУАРИЕВ ХРАНИЛИЩЕ В МУЗЕЕВ УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье научно освещены различные формы рельефных композиций в музеях Узбекистана, в частности, разнообразие рельефных композиций, художественная ценность и

технология изготовления, а также сырье. Рассказывают, что остоны изготавливались гончарами из глины в виде поперечного сечения, обжигались в специальных кувшинах и различных размеров, и что обычай закапывать их в остоне у народов Средней Азии является одной из традиций Зороастризм.

Ключевые слова: Осуари, музей, форма, украшение, рельеф, керамика, изображение, композиция, согд.

Jasurbek Z. Akhmedov

Head of department Museology
of the National Institute of Fine art
and design named after Kamoliddin Bekhzod,
Doctor of Philosophy in Historical Sciences (PhD)
E-mail: jasur184@list.ru

Ikbola T. Kudratova

Lecturer of the Republican specialized music school
named after R.M.Gliera

ABOUT THE FORM OF DECORATION OF SOME OSSUARIES VAULT IN MUSEUMS IN UZBEKISTAN

ABSTRACT

This article scientifically highlights various forms of relief compositions in the museums of Uzbekistan, in particular, the variety of relief compositions, artistic value and manufacturing technology, as well as raw materials. They say that stadons were made by potters from clay in the form of a cross section, fired in special jugs and of various sizes, and that the custom of burying them in stadon among the peoples of Central Asia is one of the traditions of Zoroastrianism.

Index Terms: Ossuaries, museum, form, decoration, relief, ceramics, image, composition, Sogd.

1. Долзарблиги:

Зардуштийлик динида вафот этган одамларнинг суяклари остодонларга жойлаштирилиб, махсус наосларда сақланган. Остодон, ассуарий (лот. os – суяк) – зардуштийлик динига мансуб халкларда мархумнинг суяги солинган сопол, тош ёки ганч идиш, суякдон. Зардуштийларда мархумни ерга дафн этиш ман этилган. Бунда улар: “Она ер мукаддас, у барча жонзотнинг боқувчиси, тупрокнинг таркибини бузмаслик керак” – деган ақидага риоя қилишган. Шунинг учун ҳам хар бир қишлоқ, туман, шаҳарда, тоғ ён бағри ёки баланд тепаликда махсус супалар ясаб, мархумни ўша ерга элтиб бараҳна (яланғоч) тарзда қўйишган. Ҳайвон ва паррандалар мурда гўштлирини еб кетгач, суякларини йиғиштириб олиб, алоҳида жойда асрашган.

Айрим қавмларда мурда куйдирилиб, кули йиғиштирилиб, эъзозлаб асралган. Жамоада ажодлар руҳини авайлаб, ана шу суякларнинг баъзи қисмини, кулни сақлаш мақсадида қопқокли хумга ўхшатиб остодонлар (суякдон) ясашган. Улар лойдан кулоллар томонидан кесма нақшли тарзда ясашиб, махсус хумдонларда пиширилган ва турли ҳажмда бўлган. Бош суяклар сақланадиган остодонларнинг қопқоғи туткичига мархум калласининг тасвири туширилган. Остодон ўта мукамал ишланган.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Ўрта Осиё халқлари орасида остодонга солиб қўмиш одати мил. ав. 1-минг йилликнинг 1-ярмида шаклланиб, милодий VIII асргача, яъни исломий дафн русумлари қабул қилингунча давом этган. Соҳа олимларининг фикрига кўра, Ўрта Осиё халқларида остодонга солиб қўмиш одати мил. ав. 1-минг йилликнинг 1-ярмида шаклланиб, томилодий VIII асргача давом этган. Хоразмдан топилган қадимги остодонлар ҳайкал шаклида бўлиб, мархумларни илоҳийлаштиришни ифодалаган. Ўрта Осиё, Эрон, Фаластин, Миср ва бошқа жойлардан қўплаб остодонлар топилган бўлиб, улар ерга ёки наусларда сақланган. Зардуштийлик дини шаклангач, бу удум барҳам топган. Зероки мурдани куйдириш ҳавони булғаса, мурда

гўштини еган парранда ёки қушлар дарё, ариқ ва ҳовузлардан сув ичиб, ҳар хил юқумли касалликларнинг вужудга келишига сабаб бўла бошлайди. Бундан ташқари, оташ (олов) маздопарастларда муқаддас саналиб, покиза одамни куйдирмаслиги керак бўлган.

Натижада ушбу дин уламолари атроф-муҳит, сувнинг тозалиги, наслининг асл бўлишини кўзлаб, мархумни кафанга ўраб, маълум чуқурликка кўмиш, захкаш мавзеларда эса, сағаналарда сақлашни жорий қилганлар. Остодонлар энг кўхна удумларни ўрганишга, аждодлар амалий санъатининг нозик қирраларини аниқлашга кўмаклашади.

3. Тадқиқот натижалари.

Остодонлар шакли ҳар хил бўлиб, асосан тўртбурчак, қопқоғи эсатурли шаклларда, хатто одам боши ёки қомати шаклида, баъзан хумга ўхшатиб, баъзан ўтирган одам шаклида ясалган. Остодонларнинг юзаларига эса бўртма тасвирлар ишланган ёки расм чизилган. Бу тасвирларда ўша даврлардаги одамлар урф-одати, масалан, аза тутиш воқеалари акс эттирилган.

Остодонларнинг турли кўринишда ясаилиши ва безатилиши ҳар бир ҳудудда ўзига хос бўлиб, улар бир-биридан шакли, ҳажми, ясаилиш услуби, бўртма рельефларда ишланган тасвир композицияси, меъморий безак элементларининг қўлланилиши билан фарқ қилади.

XX асрнинг бошида Б.В.Кастальский томонидан Каттақўрғон яқинидаги Биянайман қишлоғидан топилган кўплаб остодон фрагментлари ўзига хос рельеф тасвирлар билан қопланган(1).

Н.И.Веселовский томонидан биринчи маротаба Афросиёбдан 1885 йил топилган сопол тобут тавсифидан бошланган. Кейинчалик, яъни 1900 йил у аввал қўлланилган “урна”, “тобут” термини ўрнига биринчи бўлиб “ossuarium”, “суякдон” терминини қўллади ва фанга киритди(2).

V – VI асрларда сопол буюмларнинг махсус тури остодонлар тайёрлаш ривож топди. Остодонларни безашда тасвирий мавзулардан кенг фойдаланилган: аждодлар, ҳомийлар ва худолар, паррандалар, шунингдек дарахт ва бошқалар ишланган.

Марказий Осиё остодонларини ўрганишга бағишланган адабиётларда тадқиқотчилар, асосан остодон вазифасининг ўзига хослигига, турларига ва иконографиясига эътиборни қаратишади(3). Улар томонидан илмий ишларида Остодон деворларини безашда кенг ишлатилган меъморий безак элементлариманбаи ўрганилган. Илк ўрта асрларда қадимги усталарнинг севимли мотиви мерлон ва антификс бўлиб, биноларни қуришда, черков ва саройларнинг тантанаворлиги ҳамда дабдабасига диққатни тортиш учун қўлланган. Шу қаторда мерлонларни остодонларда ҳам кўриш мумкин(4).

Остодонларнинг турли типларини бирлаштирувчи умумий хусусияти композицияларнинг уч қисмлилигида. Идиш паст қисмида қандайдир қурилиш ёки бирор бинонинг деталлари ҳар доим тасвирланган. Остодонларнинг тузилишидаги яна бир муҳим нарса кириш жойи ва эшигининг ўсимлик новдалари, гуллар бошоғи ва ўсимликлар билан тасвирлангани. Тошкент Остодонларида юза қисми икки табақали эшик, дарвоза кўринишида бўлиб, утўртта баргли розетка (гул) безаклари билан безалган(5).

Сўғдда ҳам мархумни остодонларга солиб дафн этиш кенг тарқалган. Сўғд остодонларининг шакли ва тузилиши ҳар бир туманда ҳар хил бўлганлигини кўришимиз мумкин. Марказий Сўғд остодонлари тўғри тўртбурчак шаклда бўлиб, унинг деворларида ҳар хил тасвирлар, баъзи ҳолларда худолар тасвири билан безатилади. Тасвирларда рамзийлик, афсонава диний мавзулар кенг ёритилган бўлишига қарамай, антропологик дунёни ҳаққоний акс эттирилиши марказий ўринни эгаллайди.

Самарқанднинг ғарбида Зарафшон дарёсининг иккига бўлинган жойида Сол дарё ва Қора дарё Мианкал деб аталган. Бу жойдан кўплабархеологик топилмалар топилган. 1979 йилда Ўзбекистон археологик экспедициясининг Мианкал гуруҳи археологик топилмаларини ўрганишга киришди. Кўплаб синиб, суяклари ичидан чиқиб қолган остодонлар топилган. Чуқурлиги 1,82 метргача бўлган қазилма ишлари Г.А.Пугаченкова раҳбарлигида олиб борилди. Ҳамма топилган остодонлар нақшларга бой кулолчилик услубида ишланган. Кейинчалик Мулло Кўрғон қишлоғида бир тепалик қазилганида унинг тагидан ҳеч жойи бузилмаган, яхши сақланган остодон топилган. Иштихон, Биянайман, Самарқанддан Катта

Кўрғонгача худудларда топилган остадонлар, бир-бирига ўхшаш, шунинг учун ҳаммасини умумлаштириб “Мианкал остадонлари” дейилади(6).

1908 йилда рус харбий инженери Б.Н.Касталский Иштихонда катта остадонлар мазорини топган. Бу остадонлар жуда майда бўлақларга бўлиниб кетган. Иштихон остадонлари тўғри бурчакли бўлиб, ўлчами 50x28x30 см. Деворининг қалинлиги 10-15 мм. Остадонларнинг қопқоғи бўлинган ҳолда бизнинг давримизгача етиб келган(7).

И.В.Савицкий номидаги Нукус давлат санъат музейидаги VII – VIII асрларга оид остадоннинг, бошқалардан фарқи шундаки, унга бўртма тасвирлар эмас, рангтасвирни кўришимиз мумкин. Остадонда дафн маросими билан боғлиқ хикоя қилувчи композиция ишланган. Қопқоғининг тепа қисми марказида илоҳий рамзлар, икки томон пастроғида аёллар тасвирланган. Останоннинг ўзига тобут атрофидаги ўтирган ва турган ҳолатдаги одамлар тасвири образли қилиб ифодаланган. У тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, оёқлари аркасимон тарзда бир-бирига туташган.

Шу музейдаги яна бир остадоннинг кўриниши анча содда бўлиб, фақат қопқоғининг ушлагичи қўй бошили қилиб ишланган. Бу остадон ҳам VII асрга тегишли бўлсада олдингисидан кескин фарқ қилади.

Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи коллекциясидаги остадонлар ҳам жуда ажойиб композицион ечимга эга. Самарқанд вилоятидан топилган, қопқоғининг ушлагичи антропоморф тасвирли остадон, VI – VII асрларга оиддир. У овалсимон кубба кўринишида бўлиб, геометрик ва ўсимликсимон нақшлар билан безатилган ва ганч лойданишланган.

Шу музейдаги на бир остадон юқоридагиларга умуман ўхшамайди, яъни от кўринишида ганч лойдан қилинган ва ҳеч қандай безаклари йўқ, V – VI асрларга оид. Фақат отнинг бўйин қисми гир айлантриб ўйма хошия қилинган. Отни шакли ҳам стилизация қилинган.

Хоч кўринишидаги шабака услубда безатилган остадон ҳам мазкур музей экспозициясидан жой олган. У Самарқанд вилоятидаги Кофирқалъадан топилган бўлиб, VI – VII асрларга оид. Шуни таъкидлаш жоизки, хоч тасвири кўплаб остидонларда учрайди. Бу эса исломгача бўлган даврда Ўрта Осиёда христиан динининг жуда катта таъсири бор бўлганлигидан далолат беради.

Ушбу музей коллекциясидан VII – VIII асрларга оид Муллакўрғондан топилган терракота остадони ҳам жой олган. Унинг деворлари марказида рельеф услубида олов ибодатхонаси ва икки четида қохинлар образи тасвирланган. Деворларининг тепа қисми учбурчак зигзагсимон шакллар билан безатилган. Қопқоғида эса, иккита аёл илоҳ ва тепа қисмида фалакнинг гардиши рельефи ишланган. Таъкидлаш жоизки, Эронда остадонлар безатилмаган ва бу услуб фақат Ўрта Осиё халқларига мансубдир. Шунинг учун Сўғдиёна остадонлари яҳудийларникига ўхшаб кетади деган тахминлар мавжуд. Худди шунга ўхшаган тасвирларни Қадимги Хоразмдан топилган остадонда ҳам кўриш мумкин. Улардаги тасвирлар бир хил, лекин иккинчисини рельефлари саёзроқ қилинган.

Кейинги остадон Дўрмон-тепа шахристонидан топилган бўлиб, эрамизнинг VII асрига таълуқли. Унинг деворларига хикоя қилувчи, тасмасимон композиция рельеф услубида ишланган. Қопқоғининг атрофларидаги стилизацияланган ўсимликсимон орнаментлар мавжуд. Тепа қисмида эса, одам боши ҳайкали тасвирланган. Бу уччалаостадондаги одам тасвирлари анатомик жиҳатдан соддароқ ишланганлигини кўриш мумкин.

Сўғддан топилган остадондаги рельефлар эса юқоридагиларга нисбатананча мукамал қилинган. Унинг деворларидаги устма-уст тасмасимон ишланган хикоя қилувчи икки ўлчамли композициянинг пастки қисмида ҳайвонлар, тепа қисмида илоҳ, маъбуда, арфа чалаётган мусиқачи ва елпиғич кўтарган хизматкорлар тасвирланган. Унда биз марҳумнинг қисман ҳаётидаги воқеаларни кўрамиз. Куббасимон қопқоғида, юқоридаги остадонлардан фарқ қилган ҳолда, ҳеч қандай тасвир ишланмаган.

Хоразм вилоятидаги Қўй қирилган қалъа ёдгорлигидан топилган ва эрамизнинг I-II асрларига мансуб остадонларда одам ҳайкали тасвирланган. Уларнинг биринчиси, ингичка белли, озғин эркак ҳайкали кўринишида. Эркакнинг сочлари калта қирқилган, соқоли эса кулоқ чаккаси чети билан иякнинг пастки қисмида ингичка кўринишда давом этган.

Кўзлари катта-катта қилиб, образли ишланган. Унинг юзидан характерини илғаб олса бўлади. Бўйнида кўчқор тасвири сармат санъатига хос тақинчоғи бўлиб, бу ўша худуд аҳолисига хос жиҳатлардан биридир(8).

Москвадаги Давлат Шарқ санъати музейи коллекциясида сақланаётган эрамизнинг I – II асрларига мансуб орастадон олдингисидан тубдан фарқ қилади. Умумий кўриниши жуда содда ишланган, анатомик жиҳатдан пропорциялари нотўғри қилинган. Ярим белидан ишланган портрет кўринишидаги бу орастадон қизил лойдан ишланган. Тасвириланувчи каскасимон бош кийимда, кўзлари катта, лаби кичкина, соқоли қалин, калта қирқилган. Юз тузилишида образ, маъно йўқ. Қўллари белига қадалган ҳолатда тасвириланган.

Мазкур музейдаги яна бир орастадон эрамизнинг I – II асрларига мансубдир. У юқоридаги орастадонлардан шакл ва ишланиш услуби жиҳатидан кескин фарқ қилади. Меъморий иншоот кўринишидаги бу орастадон, хумга ўхшайди. Лекин барча деталлари меъморчиликдан олинган. Қопқоғи ўша давр қалъа деворларининг тепа қисмидаги элементларга ўхшайди.

Тошкент вилояти Тўйтепадан топилган орастадон VI – VII асрларларга оид бўлиб, овалсимон, тўғри тўртбурчак шаклида қилинган (инвентарь № 76/148). У лойдан ясалиб, пиширилган, оқ ангоп ишлатилган. Қопқоғи майдонига арчасимон чизиқлар ўйилиб, нақш қилинган ва ушлагичига одам боши ҳайкали ишланган. Орастадоннинг узунлиги - 52 см, эни – 33,2 см, бўйи – 40 смдан иборат. Корпусининг периметри бўйича бироз бурчак остида тасма ёпиштирилган, тасма кунгурачалар ва чимдимлар билан безатилган. Олд томони учта квадрат қисмга бўлинган. Унинг ҳар бири ичида саккизта учли хоч ва тешиқлар бор. Квадратларни ажратиб турган элементлар содда ишланган орастадоннинг умумий бадиий кўринишини бойитган.

VI – VII асрларга мансуб Бешкапа орастадони овалсимон, тўғри тўртбурчак шаклда қилинган (инвентарь № 76/147). У ҳамлойдан ясалиб, пиширилган, оқ ангоп ишлатилган. Орастадоннинг узунлиги - 52 см, эни – 37 см, бўйи – 42 смдан иборат. Корпусининг майдони вертикал тасмалар билан тенг қисмларга бўлинган. Ҳар бир қисм ичида юза чуқур кўндаланг кертиклар тирналган, ҳар бирининг марказидаги йирик вертикал тасманинг икки томонида ҳаракатланаётган иккитадан эркак тасвири рельеф услубида ишланган. Унинг фони ўйилган катакларга ажратилган. Корпусининг периметри бўйича тўлқинсимон тасма ёпиштирилган. Қопқоғи овал шаклида бўлиб, майдонига баргли новдалар кўринишидаги нақш туширилган.

Ўзбекистон тарихи давлат музейидаги орастадонларнинг катта қисмини С.П.Толстов томонидан ташкил этилган Хоразм экспедициясидан келтирилган орастадонлар ташкил қилади. Ўтирган ҳолатдаги аёл ҳайкали кўринишидаги орастадон Қўй қирилган қалъадан топилган бўлиб, милоддан аввалги II асрга тегишли (инвентарь № 76/91). У лойдан ясалиб, пиширилган. Орастадоннинг бўйи – 71,7 см, эни – 22 см, узунлиги – 35 смдан иборат. Аёл ҳайкали тўғри тўртбурчак шаклдаги қутининг устида оёқларини пастга тушириб, ўтирган ҳолатда ишланган. У узун, пастки қисми жимжимадор қилинган кўйлақда бўлиб, кийимларининг тепа қисми деталлари сақланиб қолмаган. Қўлларининг тирсақдан тепароқ қисми қолган ҳалос. Кенг, дўмбоқ юзли ва ўрама сочли бу аёлнинг жуда примитив тасвирида этник хусусиятлар сезилмайди. Шундай бўлсада, унинг юзидаги хиёл табассум, ҳайкалнинг образли чиқишига ёрдам берган.


Қорақалпоқистон Республикасининг Тоққалъа худудидан топилган ва V-VII асрларга мансуб орастадоннинг (инвентарь № 76/17) синган жойларидаги пуфакчаларга қараганда, яхши ишлов берилмаган лойдан ясалиб, пиширилган. Тўғри тўртбурчак қути кўринишига эга. Унинг узунлиги – 57,5 см, эни – 29 см, бўйи – 42,5 смдан иборат. Қопқоғи ясси тўғри тўртбурчак шаклида.

4. Хулосалар.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон музейларида сақланаётган орастадонлар шакли, безаклари, рельеф композицияларининг турли туманлиги, бадиий қимматининг юқори даражадалиги билан ажралиб туради. Орастадонлардаги космогоник, зооморф, антропоморф тасвириларнинг барчаси рамзий маънога эга.

Иқтибослар/Литературы/References:


1. Кастальский Б.Н. Биянайманские оссуарии. - Ташкент, 1909. (Kastalsky B.N. Biyanaiman ossuaries. - Tashkent, 1909)
2. Веселовский Н.И. О находках глиняных гробов в Самарканде. ЗВОРАО, т.13. СПб., 1900. (Veselovsky N.I. About the finds of clay coffins in Samarkand. ZVORAO, v.13. SPb., 1900.)
3. Рапопорт Ю.А. Из Истории религии древнего Хорезма (оссуарии). -М., 1971. (Rapoport Yu.A. From the History of Religion of Ancient Khorezm (Ossuaries). -M., 1971.)
4. Пугаченкова Г.А. Мианкальские оссуарии // Из художественной сокровищницы Среднего Востока. - Ташкент, 1987. (Pugachenkova G.A. Miankal ossuaries // From the Artistic Treasury of the Middle East. - Tashkent, 1987.)
5. Абдуллаев К.А. К символике архитектурных деталей на оссуарных рельефах. С. 117-123. (Abdullaev K.A. On the symbolism of architectural details on ossuary reliefs. pp. 117-123.)
6. Пугаченкова Г.А. Из художественной сокровищницы Среднего Востока. – Т. 1987. – С. 89. (Pugachenkova G.A. From the Artistic Treasury of the Middle East. - Т. 1987. - S. 89.)
7. История открытия оссуариев изложена в кн. М.Е.Массон. Три эпизода, связанные с Самаркандскими памятниками старины. - Ташкент, 1972. - С. 4. (The history of the discovery of ossuaries is described in the book. M.E.Masson. Three episodes connected with the Samarkand monuments of antiquity. - Tashkent, 1972. - S. 4.)
8. Скалон К.М. Изображение животных на керамики сарматского периода. – Труды отдела истории первобытной культуры Государственного Эрмитажа, Т. I, - Л.: - С.174-185. (Skalon K.M. Image of animals on ceramics of the Sarmatian period. - Proceedings of the department of the history of primitive culture of the State Hermitage, vol. I, - L.: - P.174-185.)



Феруза Хаятовна Бобожонова,
Бухоро давлат университети доценти,
тарих фанлари номзоди
bobojonova.feruza.71@mail.ru

БУХОРОДАГИ МИР-АРАБ МАДРАСАСИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

For citation: Feruza Kh. Bobojonova. A LOOK AT THE HISTORY OF MIR-ARAB MADRASA IN BUKHARA. Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.94-102

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Бухоро амирлигида энг машхур ва нуфузли олий ўқув юрти бўлган Мир Араб мадрасаси, меъморий тузилиши, хаттот усталар, қурилиш тўғрисидаги ривоятлар, ундаги талабаларнинг моддий аҳволи, таъминоти, талабалар сони, уларга берилган маош ва нафақалар, дарсхоналар, ўқитиладиган дарслар, фанлар ва илмлар, имтиҳон олиш жараёнлари, дарс берган Бухоро амирлари ва ҳозирги кунга келиб Мир Араб мадрасасидаги таълим жараёни манбалар асосида атрофлича ёритиб берилган. Шунингдек, Мир Араб мадрасаларнинг молиявий харажати вақф даромадидан ажратилган қўшимча маблағ ҳисобига қопланганлиги, вақфномада мадрасанинг чиқими, ундаги хизматчилар: мутавалли, мударрис, хофиз, нақиб, фаррош, ошпаз ва бошқалар тўғрисидаги маълумотлар баён этилган.

Калит сўзлар: мадраса, хужра, талаба, мутавалли, мударрис, вақф, кутубхона, тарих, дарс, дарсликлар, хофиз, нақиб, фаррош, ошпаз, ҳукмдор, архитектура.

Феруза Хаятовна Бабаджанова,
Доцент Бухарского государственного университета,
кандидат исторических наук

ВЗГЛЯД НА ИСТОРИЮ МЕДРАСЕ МИР-АРАБ В БУХАРЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается медресе Мир Араб, самый известный и престижный медресе Бухарского Эмирата, его архитектурное строение, каллиграфы, легенды о строительстве, финансовое положение студентов, снабжение, количество студентов, зарплаты и пособия, аудитории, классы, науки, экзаменационный процесс, эмир бухарский, который преподавал, и учебный процесс в медресе Мир Араб на сегодняшний день подробно освещаются на основе источников. Кроме того, финансовые расходы медресе Мир Араб покрываются за счет дополнительных средств, выделяемых из доходов фонда, в вақфноме содержится информация о расходах медресе, его сотрудников: мутавалли, мударрис, хафиз, нақиб, фаррош, повар и др.

Ключевые слова: медресе, келья, ученик, попечитель, учитель, фонд, библиотека, история, уроки, учебники, хафиз, накиб, уборщик, повар, правитель, архитектура.

Feruza Kh. Bobojonova

Associate Professor of Bukhara State University,
Candidate of Historical Sciences

A LOOK AT THE HISTORY OF MIR-ARAB MADRASA IN BUKHARA

ABSTRACT

This article discusses the Mir Arab Madrassah, the most famous and prestigious madrassah of the Bukhara Emirate, its architectural structure, calligraphers, construction legends, the financial situation of students, supplies, the number of students, salaries and benefits, audiences, classes, sciences, the examination process, the Emir of Bukhara, who taught, and the educational process in the Mir Arab Madrasah today are covered in detail based on sources. In addition, the financial expenses of the Mir Arab madrasah are covered by additional funds allocated from the income of the fund, the waqfnom contains information on the expenses of the madrasah, its employees: mutawalli, mudarris, hafiz, naqib, farrosh, cook, etc.

Index Terms: madrasa, cell, student, trustee, teacher, foundation, library, history, lessons, textbooks, hafiz, naqib, cleaner, cook, ruler, architecture.

1. Долзарблиги:

Бухоро мадрасалари ҳақидаги илк маълумот Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида берилиб, Бухоро шаҳридаги Форжак номидаги мадрасанинг 937 йилги ёнғин пайтида ёниб кетгани[4;84] айтиб ўтилади. “Мадраса” сўзи луғавий жиҳатдан “дарс берадиган жой”, “билимгоҳ”, “ўқиш жойи” деган маъноларни англатган. Ўрта асрларда Бухоро мадрасалари илм маскани сифатида нафақат Мовароуннаҳрда, балки Марказий Осиё, мусулмон шарқида ҳам машҳур эди. Мадрасани муваффақиятли битирганлардан мамлакат бошқаруви, ҳуқуқ-тартибот ва таълим муассасалари учун кадрлар, уламолар етишиб чиққан.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мавзуни ёритишда тарих фанининг тарихийлик холислик, муаммоли хронологик, кетма-кетлик, қиёсийлик, таққослаш, оддийдан мураккабга томон изчиллик сенгретика методларидан умумий фойдаланилди ҳамда унда Бухоро амирлигидаги мир Араб мадрасасининг қурилиши, моддий-хўжалик таъминоти ва фаолиятини ташкил қилиш масалалари илмий ёритилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Қадимдан Бухоро ўзининг кўплаб мадрасалари билан ном таратган. У турли ерлардан илм таҳсили учун талабалар ташриф буюрадиган шаҳар ҳисобланган. Бухоро амирлигида энг машҳур ва нуфузли олий ўқув юрти бу Мир Араб мадрасаси бўлган. Шарқ меъморчилигининг гўзал намунаси саналган “Мир Араб” мадрасаси XVI асрда барпо этилган ва дунёга машҳур диний уламоларни етиштирган Марказий Осиёда узоқ вақт зиё тарқатиш билан машғул бўлган ислом оламининг нуфузли илм даргоҳидир.[7;212]

Мир Араб мадрасасини бутун оламга машҳур қилган нарса мадрасадан етишиб чиққан забардаст алламолар ва улар мерос қолдирган буюк асарлардир. Мир Араб мадрасасининг вақфномасида қайд этилишича, бу ердан жуда ҳам кўп олим ва уламолар етишиб чиққан. [2] Бу мадрасада турли даврларда олимлар, мударрислар таълим бериб келдилар. Масалан, яқин асрларда бу мадрасада Аҳмад Дониш, Садриддин Айний, муфтий Эшон Бобоҳоннинг устозлари Миён Бузрук ҳам шу ерда таҳсил олиб, кейин мударрислик қилганлар.

Асрлар синовидан ўтган улуғ даргоҳ Мир Араб мадрасаси мусулмон дунёси уламолари, мактабдор, мударрис, қозилар масжид имомлари ва турли даражадаги давлат амалдорлари тайёрлайдиган олий даражали ўқув юрти ҳисобланган.[6;363]

Мадрасанинг номи ҳам уни қурдирган шайх, нақшбандия тариқатининг улуғ пири муршиди, соҳибқаромат авлиё ҳазрат Мир Араб номи билан боғлиқ бўлиб, унинг тўлиқ исми

Мир Араб Абдуллоҳ ал-Яманий бўлган. Абдуллоҳни “Мир Араб Яманий” дейишларига сабаб, у кишининг миллати, амирлиги ва туғилган жойларига ишорадир.[1] Халқ орасида Мир Араб (Араб амири) номи билан машхур бўлган Саййид Абдуллоҳ ал-Яманий Яманда туғилганлар. Бухорога кела солиб, дастлаб, ҳазрат хожа Абдулхолиқ Гиждувоний равзасини зиёрат қилади. Убайдуллоҳхон бу воқеани эшитиб, давлати устунлари ва сарой аъёнлари билан бирга ул соҳиби иқболни кутиб олиш учун шаҳардан ташқари чиқиб, Гиждувон томон йўналади ва ул бузруквор суҳбатига фойз асарли мазор устида эришади. Соҳиби насаб амир у ердан Бухоро томон йўлга тушади. Соҳиби одоб хоқон ҳазрат Амирнинг оти жиловини ушлаб, ўз давлати устунлари ва саройи аъёнлари билан биргаликда давлат ва иқбол каби ул қутлуғ фолли олийжаноб узангиси ёнида пиёда юриб боради. Шайбонийлар сулоласига мансуб ўша замон Бухоро хони, мумтоз шоир Убайдуллоҳон Мири Арабни ўз устози деб билган. Восифий “Бадоеъ ул вақоеъ” асарида ёзишича, Убайдуллоҳоннинг пири Ҳазрат Мир Араб бўлган. Ўша пайти Нажми Соний бошчилигидаги 80 мингга яқин эрон қўшини Бухоро билан Самарқандга хужум қилади.

Бухоро аскарлари сони ўшанда бор-йўғи тахминан 10 ёки 15 минг киши эди. Бироқ улар душманнинг улкан қўшинини енгади. Шундай катта қўшинни енгишда Бухоро хонига ҳазрат Мир Арабнинг доно маслаҳатлари ва йўл-йўриқлари катта ёрдам берган дейишади. Тез орада Мир Араб Бухоро уламолари ўртасида шуҳрат қозониб, Убайдуллоҳонга маслакдош, хонга пирлик мартабасига эришганлар. Зайниддин Маҳмуд Восифийнинг ёзишича, жангдан кейин Бухоро хони Мир Араб ҳазратларига мурожаат қилиб: “Душмандан қолган отлар, қурол-яроғлар ва барча бойлик сизники...”, – деб айтганида, Мир Араб: “Менга пул керак эмас, менинг ўзимга етарли пул бор. Шофирконда Хожа Ориф Ревгарийнинг қабрлари бор, ўша жой хароб бўлиб қолган, ўша жойни обод қилишимиз, Шофирконга сув олиб бориш учун катта бир ариқ қазийшимиз керак”,–дейдилар. Тасаввуф илмини чуқур эгаллаган, маънавий дунёқараши кенг бўлган Мир Араб хондан мадраса қурмоқ учун Шаҳристондан ер ажратиш беришни сўрайди. Тилаги бажо келтирилади. Мир Араб милодий XVI асрда Бухоро шаҳрида яманлик жума намозининг имоми бўлган экан.

Мири Араб номида барпо этилган мадрасанинг қурилишига сарф қилинган маблағнинг катта қисмини Убайдуллоҳон берган. Убайдуллоҳон инъом этган маблағ ҳисобига мадраса қурилиши бошланган. 1530 йилдан Мир Араб ҳазратлари мадраса қуришга киришадилар. Афсуски, мадраса қурилиши битмай туриб Мир Араб 1536 йилнинг бошида вафот этади ва унинг васиятига кўра куёви Шайх Закариё қурилишни охирига етказган. Мадраса биносини милодий 1530–1536 (ҳижрий 936–942) йиллари қурилган.[10;363]

Мир Араб мадрасаси – Бухородаги Минораи калоннинг қаршисида жойлашган меъморий ёдгорлик. Ушбу мадраса шаҳар марказида, қадимий Шаҳристонда жойлашган бўлиб, икки улкан гумбази билан бошқа тарихий бинолардан ажралиб туради.

Мадрасанинг кириш қисми кунботар томонда. Дарвоза улкан пештоқ остида жойлашган. Мадраса биноси тўртта пештоқдан иборат. Айниқса, шимолий ва жанубий пештоқлар баланд қилиб қурилган. Бу шимол билан жанубдан эсадиган шамолдан сақлаш ҳамда мадраса ҳавосини тозалаб туриш имконини беради. Пештоқларнинг баландлиги тахминан ўттиз икки метр. Ғарбий ва шарқий томонда жойлашган пештоқлар пастроқ қурилган. Буларнинг ҳаммаси бино ичида ўзига хос микроклим яратади.[2]

1530 йилда бунёд этилган бу мадраса шаҳарнинг марказий қисмида қурилган, унинг баланд пештоқлари ва гумбазлари бўлиб, шимолий гумбази ярим кошин билан қопланган, жанубий гумбази эса безатилмаган. Кошинларга кам миқдорда тилла, кумуш, мис, кўрғошин қўшилган. Буларнинг ҳаммаси кўп йиллар хизмат қила оладиган ҳамда сифатлилиги билан ажралиб турадиган кварц қумига аралаштириб ишлатилган.

Мадрасага ҳашаматли баланд пештоқдан қурилган. Бир вақтлар пештоқлар жуда баланд бўлган. Тузилиши жиҳатидан нақшинкор. Пештоқнинг дастлабки қиёфаси сақланиб қолган, бу нақшларнинг таркибий қисмида юлдузсимон безаклар учрайди. Ундаги безакларнинг

сақланиб қолган айрим парчаларидан нақшлар ғоят нафис ва нозик бўлганлигини билиш мумкин.

Бино тўрт қаватдан иборат бўлиб, унда 114 та хона бор. Мадрасанинг меъморий шакли тўртбурчак – Қуръон китобини эслатади. Хужраларининг 114 талиги эса Қуръон суралари сонига мос келади.

Мадрасанинг меъморий тузилиши Мир Арабнинг тушида зоҳир бўлган. Уйқусида кўрган кошона тасвирини қурувчи-усталарга сўзлаб бериб, қиёмат қойим бўлгунга қадар илму маърифат зиёсини тарқатадиган мадраса бунёд этмоқни буюрган. Қўли гул усталар буни қиёмига етказиб бажаришган. Мир Арабнинг ўзи бир кечада мадраса пештоқи тархини чизиб берган экан. Хатто у кишининг руҳлари жаннатга бориб, ўша ердан нусха олган, деган ривоятлар ҳам юради. Бундан ташқари, мазкур мадрасанинг бино бўлишида кўп уламолар, авлиёларнинг руҳий меҳнати синган табаррук маскан, деб айтишади.

Мадрасанинг ғарбий томони Масжиди Калон номи билан аталган масжидга туташган. Мадраса билан масжид орасида шаҳар аҳолиси юрадиган йўл бўлган. Мадрасанинг режаси ва ундаги бинолар худди Улуғбек мадрасасидагидек жойлаштирилган. Мадрасага кирганда гўрхона ҳам мавжуд бўлиб, дабдабали қилиб безатилган. Мири Араб мадраса шимолидаги гумбаз остида дафн этилади, чап томонда унинг қариндошлари, шунингдек унга яқин бошқа кишилар дафн этилган гўрхона жойлашган. Мири Арабнинг оёқлари томонида ўз васиятига биноан Амир Убайдуллоҳон дафн қилинган.[2]

Мадрасанинг ички қисми ҳам ажойиб тарзда лойиҳалаштирилган. Хужраларни тўртта улкан пештоқ ажратиб туради. Мадраса ҳовлисининг чор атрофи икки қаватли хужралар билан ўралган. Хужралар иккига бўлинган. Айрим хужраларнинг олд томонига кичкина айвон солинган ва унда қишга керакли ўтин, кўмир, озиқ-овқат махсулотлари сақланган. Айрим хужраларнинг айвони ичкарида бўлган, у ерда зарур захира буюмлар сақланган.

Ҳовлининг бурчакларидаги хужраларга кириладиган қулай равоқли эшиклар, киррадор косасимон тоқчалар, мураккаб ироқи безаклар буларнинг ҳаммаси XVI аср мадрасаси типини эгаллайди. Катта хоналарнинг ичи айниқса, диққатга сазовор: тўрт тарафда баланд равоқли чорси хона, тепаси равоқлар кесишини оқибатида қалқонсимон ироқи шакли жойлашган. Гумбаз ўртаси эса фонусдек. Майда дарчалар орқали тушган ёруғлик хонага улуғвор кўриниш бахш этади. [11;27]

Мадраса хужраларига кичкина қозонхона (уни мури деб ҳам аташган) ҳам ўрнатилган. Унда бир ёки икки кишилик овқат пишириладиган ўчоқ бўлган. Ўчоқда овқат пиширилгандан кейин оловнинг чўғи қиш кезлари сандалга солинган. Ҳам уй исиган, ҳам овқат пишган. Мадрасадаги 114 хужра муштари бир-бирига пайвандлаб туташтирилганлиги боис, олов ёқилганда, хужраларни тутун босмаган.[1]

Мадрасага киришнинг ўнг томонида дарс тайёрлаш, машғулотлар ўтказиш хонаси мавжуд бўлган. Бу қадимий усталарнинг авлодлари Бухоро тош солномасини янги ажойиб саҳифа билан беаганлигидир.

Хаттот уста Мирали Фатҳободий – Бухорий ушбу форсий қитъани Мадраса дарвозасига ёзган: Мавлоно Мир Али Котиб Ҳеравий-Фатҳободий бу борада демиш:

Мир араб фаҳри ажам онки сохт,
Мадрасаи олий баче булажаб.
Булажаб он аст ки таърихи у
“Мадрасаи олияи Мир араб.” (942)

Мазмуни:

Ажам ўлкаси фаҳри, араб амири,
Ажаб бир олий мадраса курдирди.
Ажаброғи шуқим, унинг таърихи
“Араб Мирининг олий мадрасаси.”

Қизиғи муки, унинг тарихи бўлди: “Мадрасаи олии Мир Араб”. Охирги мисралардаги тарих моддаси бўлган сўзлар абжад ҳисобида ҳижрий 942 (милодий 1536) йилни, яъни мадраса бунёд этилган йилни англатади.

Бош тарзи улкан пештокли, дарвозаси орқасида 5 гумбазли миёнсарой, икки ёнида баланд гумбазли кенг дарсхона ва масжид, гўрхона жойлашган. Мири Араб мадрасасининг гўрхона ва мадрасага кирганда ўнг қўлда жойлашган дарсхонаси устида иккита мовий гумбаз кад кўтарган. Кошинкори нақшлар ёзувлар билан уйғунлашган (сақланмаган). Гўрхона ичи гумбаз ости бағали қалқонсимон мукарнасли, шипи ва деворлари ганч ўймакорлигида безатилган, изораси ранг-баранг кошинли. Гўрхонада Убайдуллахон (1537 й. в. э.)нинг ёғочдан хотамкори усулида ишланган сағанаси ва Мир Араб, унинг қариндошлари қабрлари бор. Мадрасанинг умумий тарҳи 68,5x51,8 м, ҳовли 35,4x31,3 м, дарсхона 8x8 м.

Ҳовлиси тўртбурчак шаклида бўлиб, атрофини олди равокли, икки ошёнли хужра ўраб туради. Томонлар ўртасидаги 4 баланд пештокли дарсхона – айвон ҳовли маҳобатини оширади. Тузилиши жиҳатидан нақшинкор. Пештоқнинг дастлабки қиёфаси сақланиб қолган, бу нақшларнинг таркибий қисмида юлдузсимон безаклар учрайди. Ундаги безакларнинг сақланиб қолган айрим парчаларидан нақшлар ғоят нафис ва нозик бўлганлигини билиш мумкин.

Мадраса қурилганда унинг фақат баланд ва чиройли бўлиши эмас, балки бино ичидаги ҳавонинг алмашиши, оқава сувини шаҳар ташқарисига чиқариб юбориш ва бошқа шу каби масалаларга ҳам жиддий эътибор берилган. Ривоятларга кўра, мадраса асоси чуқур қилиниб, тоғ тошлари билан мустаҳкамланган, қор, ёмғир сувини қочириш учун тазарлар ишланган, улар орқали сувлар шаҳар кўрғонидан ташқарига чиқарилган. Мир Араб мадрасасида Ўрта Осиё диний мактаблари қурилишига хос анъанавий лойиҳа ва мужассамот ўз ифодасини топган. Бухоронинг 2500 йиллиги муносабати билан мадраса пештоғи ва гумбазларидаги тўкилиб кетган кошинкори нақшлар ва ёзувлар қайта тикланди.

Мадрасани безашда, асосан, оқ, сарик, яшил ранглардан унумли фойдаланилган. Қизил ранг кишининг қон босимини кўтаради, деб ҳисоблашган. Бундан ташқари, Бухоро иссиқ худуд бўлганлиги боис бу ранг одамларга кўп ҳам ёқмаган.

Мадрасанинг ички ҳовлисида тўпланиб қоладиган қор, ёмғир сувлари чиқиб кетиши учун ташнав қилинган. Ташнав шаҳардаги оқава сувлар чиқиб кетадиган тазар - канализацияга уланган. Тазар орқали ортиқча сувлар шаҳар ташқарисидаги захкашга бориб тушган.

Мир Араб мадрасаси пештоқларининг баланд қилиб қурилиши астрономик кузатишларни олиб бориш имконини берган. Шу тариқа мадраса олий ўқув даргоҳи сифатида мударрис, олим, адабиётчи, амалдор, элчи, ҳарбий, имом, сиёсий арбоб ва ҳатто маърифатпарварларни етиштирадиган олий ўқув юртига айланиб борган.

Мир Араб мадрасаларнинг молиявий харажати вақф даромадидан ажратилган қўшимча маблағ ҳисобига қопланган. Ҳар бир мадрасанинг ўз вақф мулки ва вақфнома хужжати бўлган. Вақфномада мадрасанинг чикими, ундаги хизматчилар: мутавалли, мударрис, ҳофиз, муҳри, нақиб, фаррош, ошпаз ва бошқалар, шунингдек, талабалар сони, уларга берилган маош ва нафақалар аниқ кўрсатилган. Вақф хужжатида мадраса учун ажратилган кўп сонли деҳқончилик ер майдонлари, бутун қишлоқлар ва бошқа мол-мулклар бирма-бир санаб берилган. [12;23]

Мир Араб мадрасасининг вақфномаси ҳар ўн йилда янгиланиб борилган. Мир Араб мадрасасининг бир вақфномасида: “Ҳар ўн йилда мутавалли катта-катта олим ва фузалоларни мадрасада йиғиб, мажлис қилиб, вақфномада ёзилган нарсаларни мажлис аҳлига тақдим қилсин. Ва эълон қилсинки, ўша шаҳарнинг ислом қозисининг амри бажарилади. Ўша мажлисда қозининг ҳукми билан вақфнома қайта янгилансин. Ёзувчи ва қоғозларнинг ҳақини мадраса ёки вақфлардан ҳосил бўлган маблағдан берсин. Янгиланган хужжат қозининг дафтарида қайд қилинсин,” – деб ёзиб қолдирилган. Вақф қилувчидан бошқа ҳеч бир кишининг вақфни ўзгартиришга ҳақи бўлмаган. [9;85]

Йирик мадрасалардан бири ҳисобланган Мир Араб мадрасасининг вақф маблағи эса қуйидагича тақсимланган: мутаваллига бериладиган маош вақфлардан ҳосил бўладиган маблағларнинг ўндан бирини ташкил этган. Қолган маблағни мадраса биносига, агар зарурат бўлса ва маблағ ортиб қолса, учдан бири мадрасанинг ходимларига (мадрасани доим муҳофазасида қоим бўлган, сув билан таъминлаб берган кишиларга) берилиши керак бўлган.

Муфтийлар, муаззинлар, имомлар ва мадрасада шаръий илмлардан дарс берадиган мударрисларга вақфдан йил давомида тушган маблағнинг учдан биридан ҳосил бўладиган олтидан бир улуши берилган. Муфтийларга бир йилда (уч муфтийнинг ҳар бирига) бир мисқол, 100 нуқра тангаси берилган.[8;12] Шунингдек, вақф маблағидан имом, мутавалли ва муаззинга маош ажратилган. Шулардан ортиб қолган маблағ мадрасада таълим олувчи толиби илмларга берилиши кўрсатилган.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, вақф қилувчи вақфномада ўзининг ўғил-қизлари ва қариндошлари манфаатини ҳам ўйлаган. Масалан, Мир Араб мадрасасининг вақфномасида: “Ана шундан ортиб қолган маблағнинг учдан иккисини вақф қилувчи ҳазратларининг ўғил ва қиз фарзандларига, ҳар бир ўғил ҳақини икки қиз ҳақи бараварида тақсимлаш, вақф қилувчининг авлодларидан биронтаси ўлса, унинг ҳақини фарзандларига берилиши, вақф қилувчининг авлодларидан биронтаси фақирлик ҳолига тушса, мутавалли барчасига ҳақларини бергандан кейин ортиб қолган пуллардан фақирларнинг ҳақиға риоя қилиб яна кўшиб бериши ҳақида ёзиб қолдирилган.[12;302]

“Вақт” журнаliga кўшимча қилиб чиқарилган “Шўро” журналининг берган батафсил маълумотларига қараганда, Биринчи жаҳон уруши арафасида Бухоро мадрасаларининг вақфларидан келган даромадлар катта маблағни – 4.742.000 тангани ташкил этган. Бундан ташқари, энг улкан ҳисобланган Мир Араб мадрасаларининг йиллик даромади 150 минг тангага етган. Шунинг учун ҳам домлалар шу даргоҳларда таълим беришга, талабалар эса таҳсил олишга интиланлар.[13;145]

Мир Араб мадрасасидаги мударрисларга йилига 150 тангадан берилган, яъни вақф маблағининг учдан бир қисми маош учун ажратилган. [3] Ҳар бир мадрасанинг ўз мутаваллиси бўлган. Мутавалли ходим ва талабаларга тўланадиган ҳақ, вақф ерларида ишни ташкил этиш, мардикорлар ёллаш, ижарачилар ва ҳиссадорлар билан шартнома тузиш, дўконлар, тегирмонлар ва мадрасанинг вақф мулкига кирувчи бошқа объектлардан ижара ҳақини ундириш ва ундан бошқа ишларга масъул бўлган. Шунингдек, мадраса хизматчилари, мударрислари ва талабаларга бериладиган йиллик маош миқдори нақд пул ва озуқалик дон ҳисобидан ажратилган.[13;86]

Мутаваллига мадрасадаги хизмат кўрсатувчи ходимлар (ўқитувчи- мударрислардан ташқари) фаолиятини, айрим ҳолларда эса талабаларнинг дарсга қатнашиш даволатларини назорат қилиб туриш юкланган. Унинг лавозими отадан болага мерос тариқасида ўтиши йўлга қўйилган. Вақф даромадлари мадраса талабалари, мударрислар, мутавалли ва хизмат кўрсатувчи ходимлар ўртасида шариат кўрсатмалари асосида тақсимланган.

Ўз навбатида мутаваллига ҳам маълум ваколат берилган: Хусусан, “Мазкур вақфларнинг бирор-бир ходими шариатда катта гуноҳ деб ҳисобланган ишни қилса, мутавалли уни уч мартагача огоҳлантиради, агар қайтмаса, унинг ўрнига бошқа бир кишини тайинлайди”. Бундан ташқари, агар мутавалли янги ходимни ишга олмоқчи бўлса, юқоридаги шартларни маълум қилиши ва ҳар йили мазкур шартларни бошқа ходимларга ҳам эслатиб туриши лозим бўлган. Мир Араб мадрасасининг вақфномасида: “Мутаваллига бериладиган маош вақфлардан ҳосил бўладиган маблағларнинг ўндан бирини ташкил этиши” кўрсатилган.[2]

Мадрасаларда кўнгилхушлик қилишга руҳсат берилмаган. Масалан, Мир-Араб мадрасасининг вақфномасида келтирилишича, вақфини ўйин-кулгу, кўшиқ, куй эшитиш билан ёки беҳуда амал билан машғул бўлиб, бемаъни нақш ва расмлар чизиб, вақфини зое кетказганлар беъмани ишлари учун огоҳлантирилиши, шунда ҳам улар қайтмаса, мадрасадан чиқарилиши алоҳида таъкидланган.

Мир Араб мадрасасида мадраса таҳсили 21 сентябирдан то 21 мартга қадар, яъни, олти ой давом этган. Наврўз арафасида хоннинг таътил ҳақидаги фармони чиққач, ўқиш тугатилган ва талабалар олти ой давомида таътилда бўлганлар. Бу пайтда талабалар тирикчилик ишлари билан шуғулланганлар. Мадрасаларда ўқиш бир ҳафтада тўрт кун, яъни, шанба, якшанба, душанба, сешанба кунлари бўлган. Қолган уч кунда, яъни, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари мутолаа билан шуғулланиб, олинган сабоқлар такрорланган. Дарс соат саккиздан бошланиб соат ўн иккигача давом этган. [1]

Мадрасада дарслар катта-катта гуруҳларда олиб борилган. Гуруҳлар эллик, олтмиш, етмиш талабадан таркиб топган ва дарслар мадрасанинг катта-катта хонларида ўтказилган. Жамоа дарсларидан ташқари бошлангич араб тили дарслари ўргатадиган дарсхоналар ҳам амал қилган.

Мадраса дастурига кўра, дарслар икки гуруҳга, яъни, улуми нақлия (исломий) ва улуми ақлия (дунёвий) илмларга ажратилган. Улуми нақлияда- Қуръони Карим, ҳадиси шариф, фикҳ илмлари, уларга ёзилган шарҳлар ўргатилган. Улуми ақлияда дунёвий фанлар-фалакиёт, риёзиёт, илми нужум, ал-жабр, кимё, геометрия, география, тарих, фалсафа. Адабиёт, мантиқ, араб тили грамматикиси, мусиқа, хаттотлик санъати ва ахлоқ-одоб илмлари ўргатилган. Талабалар она тилидан ташқари, форс ва араб тилларини мукаммал эгаллаганлар. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мадраса турли сулолалар ва ҳукмронликлар даврида ўз мавқеини йўқотмаган.

Бухоро мадрасаларида асосан қуйидаги илмлар ўқиртилари. Араб тилининг сарфу наҳви, мантиқ, ақоиди исломий (илми калом), ҳикмат, фикҳи исломий: таҳорат, намоз, рўза, жаноза, ҳаж, закот, никоҳ, талоқ, савдо сотиқ, қул сақлаш ва қул озод қилиш каби масалалар ўргатилган.

Мадрасани битириш олдида талабалар Бухоро Арки майдонида Наврўз байрами куни имтиҳон топширганлар. Имтиҳондан муваффақиятли ўтган кишига: “Сиз олим бўлдингиз”, – деб амирлик томонидан “дахяк” – юз йигирма кумуш танга (буғдой билан ўлчаганда тахминан 850 кг. ни ташкил этган; Бухоро амирлигида 128 кг. буғдой 18 танга турарди) пул мукофоти берилган. Улардан Бурҳониддин Марғинонийни “Ал-Хидоя” китобини ёд олиш талаб этилган. Энг иқтидорли талабалар Регистон майдонида Бухородаги эътиборли мударрислар қаршисида имтиҳондан ўтганлар. [14;23]

Ўқув йили охирида талабалар ўтилган фанлар юзасидан бевосита ота-оналар иштирокида махсус имтиҳонлар топширган. Мадрасани муваффақиятли тамомлаган талабаларга шаҳодатнома – диплом берилган. Ҳатто аъло баҳоларда ўқиган талабалар амир томонидан турли совға ва нақд пул мукофоти билан тақдирланган. Масалан, қўшрабтлик талаба Камолиддин Мир Араб мадрасасини аъло баҳолар билан якунлагач, унга амир Абдулаҳад сарпо кийгизиб, “Қуръони карим” ва “Ал-Жомеъ ас-сахих” китобларини совға қилиб саройда ишлашга тақлиф этган.

Садриддин Айнийнинг: “Мир Араб мадрасасидаги “зиёратчи” талабалар мадрасада яшаб, ҳар куни тонгда амир саройидаги “Меҳмонхонаи Раҳимхоний”га ўтириб Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳақларига салавот ва дуолар ўқиб қайтганлар. Улар давлатдан ҳар ой 30 танга маош олишган. Бундан ташқари, ҳар кун битта нон ва майиз олишган”, деган фикрини исботлайди.[5;167]

Мадрасада минглаб китобларга эга кутубхона ишлаб турган. Бу ерда тиб, илми нужум, мантиқ, хаттотлик, балоғат илмлари, математикага оид китоблар бўлган. Китоблар талабаларга маълум муддатга берилган ва бу муддатлар қайд этиб борилган. Мадрасага китоблар хайрий мақсадларда берилган, улар қайта кўчирилиб илми толибларга тарқатилган. Яхши хаттотлар икки юз бетлик китобни шогирдлари ёрдамида бир кечада кўчириб тугатишган. Бундай китобнинг нархи тахминан 60 – 70 танга бўлган.

Бу мадрасанинг асрлар давомида илм маскани бўлиб, зиё нури таратиб келаётганига яна бир сабаб бу мадрасага асос солган улуғ зот нақшбандия тариқатининг улуғ пири Мири Араб саййид Абдуллоҳ Яманийнинг шарофати ва барокотларидан десак ҳеч муболаға қилмаган бўламиз. Зеро ривоятларда айтилишича, шайх Мир Араб ҳазратлари, мадраса қиёматгача илм ва таълим маскани бўлиб қолишлигини сўраб дуо қилган эканлар.

Садри Зиё (1865-1932 йй.)нинг маълумотида кўра, Шохмурод Мир Араб мадрасасининг битта ҳужрасида кеча-кундуз риёзат чекиб илм олиш билан шуғулланган ва халқ орасида “Амир Жаннатмакон” лақаби билан танилган. Амир Ҳайдар ҳам шу ерда таҳсил олган. Амир Шохмурод мадраса талабаларига солиқлардан тушган даромад ҳисобидан нафақа (стипендия) тўлашни жорий этган.

Бухоро шаҳридаги Мир Араб мадрасаси салкам 500 йиллик тарихга эга. Шарк меъморчилигининг гўзал намунаси саналган бу гўшада ислом оламининг нуфузли илм даргоҳларидан бири саналган Мир Араб ўрта махсус ислом билим юрти фаолият юритиб келмоқда.

Бухорода барча замонларда қурилган катта-кичик мадрасалар ичида Мири Араб мадрасаси ҳозиргача ўз фаолиятини давом эттириб келаётган (1924 – 1945 йилгача бўлган давр бундан мустасно) мадрасадир. Бу мадраса Шўролар даврида бутун Иттифок ҳудудида амалда бўлган ягона ислом илоҳиёти илмини ўрганиш маскани эди. Кейинги даврда етишиб чиққан кўпгина таниқли уламолар айнан Мири Араб мадрасасида таҳсил олишган.

Мадраса қарийб беш асрдан буён Шарку Ғарбга илм нурина таратишдек эзгу йўлда хизмат қилаётир. Фақат ўтган асрнинг 30-йилларида унинг фаолияти бир неча йил тўхтатиб қўйилди. 1943 йилга келиб, собиқ иттифокда ягона ислом ўқув юрти сифатида яна иш бошлаган. Замонасининг етук олимларидан Миён Малик, у кишининг шогирди, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати асосчиси Эшон Бобоҳон ибн Абдулмажидхон, Қози Асқар, Домла Иқромча, Сулаймон Хўжа, Домла Изомий, Домла Қосим, Мухторжон Абдуллаев, Абдуғани Абдуллаев, Юсуфжон Шокиров ва бошқалар шу мадрасанинг талабалари бўлишган. Илм масканида кўшни Афғонистон, Эрон, Марказий Осиё мамлакатлари, Россия ва Хитойдан ҳам жуда кўп талабалар таҳсил олишган. Улар орасида замонасининг етук олимлари бўлиб етишганлари оз эмас.

Ҳозирги кунга келиб Мир Араб мадрасасида 4 йил давомида диний фанлар билан бир қаторда умумтаълим фанлари ҳам ўқитилади. Билим юртида 30 нафар маълумоти олий ва малакали ўқитувчи-мударрислар 130 га яқин талабаларга дарс бериб келмоқдалар. Мадрасада талабаларнинг илм олиш ва яшашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳозир билим юртида юздан ортиқ талаба ўқийди. Уларга йигирма уч нафар малакали мударрис ва ўқитувчи таълим-тарбия беради. Мадрасани битирувчиларга исломшунос, имом-хатиб ва араб тили ўқитувчиси мутахассисликлари бўйича диплом берилади.

Ўқув дастури Давлат таълим стандарти талаблари асосида ташкил этилган. Талабалар Қуръони Карим, ҳадис, фикх, Ислом тарихи, араб тили, сарф ва наҳв, шунингдек, она тили ва адабиёт, инглиз тили, физика-математика, жуғрофия, астрономия ҳамда информатика каби фанларни ўрганишади. Замон талабларига жавоб берадиган синфхоналар, интернетга уланган компьютер маркази талабалар хизматида. Мадраса кутубхонасида йигирма мингдан ортиқ китоб бор. Айниқса, кутубхонанинг нодир кўлёмалар бўлимида сақланаётган манбалар маънавий меросимиз дурдоналари саналади. Мадрасани битирганларга исломшунос, имом-хатиб ва араб тили ўқитувчиси мутахассислиги бўйича шаҳодатнома берилади.

4. Хулосалар:

Хулоса тарзида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

1. Ислом оламининг нуфузли илм даргоҳларидан бири саналган Мири Араб мадрасаси илм маскани сифатида нафақат Мовароуннаҳрда, балки Марказий Осиё, мусулмон шарқида ҳам машҳур бўлган.

2. Бухородаги Мир Араб мадрасаси нафақат ўқув юрти, балки ўзига хос меъморий ёдгорлик обидалари ҳисобланади.


3. Йирик мадрасалардан бири ҳисобланган Мир Араб мадрасаларининг ислом оламидаги нуфузи жуда юқори бўлиб, унда таълим олган уламоларнинг диний масалалардаги сўзлари Миср ва Ҳижозда ўқиганларнинг сўзларидан кўра мўътабарроқ ҳисобланган.

4. Ҳозирги даврда салкам 500 йиллик тарихга эга Мир Араб мадрасаси Бухоронинг боқийлик тимсолларидан бири саналади. Шунинг учун Мир Араб мадрасаси маданий ёдгорлик сифатида давлатимиз томонидан кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келинмоқда.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. UzMA, 3rd fund, 1st list, 361th case, 21st sheet.
2. UzMA, fund 323, list 1, case 1, sheet 1.


3. The manuscript fund of the Bukhara State Architecture and Art Museum-Reserve. N11006 / 11 inventory.
4. Abu Bakr Muhammad ibn Jafar Narshahi. Bukhara history. Translated from Persian-Tajik 24 A. Rasulov. - Tashkent: Fan, 1966. - P. 84.
5. Ainiy S. Memories // Works, 5 vols. - Tashkent: Fiction, 1965. -P. 167.
6. F.Bobojonova. Bukhara madrassas are a masterpiece of spirituality.2021– 364. p.
7. F.Bobojonova. Stroitelstvo, material obespechenie and organization deyatelnosti buxarskogo medrase. 2021-S-82.
8. F.Bobojonova. Late XIX – early XX centuries Madrasa system in the Emirate of Bukhara. 2021-B-30.
9. F.Bobojonova. Issues of construction, material security and organization of activities of madrasas in the Emirate of Bukhara.2020.-B-213.
10. F.X.Bobojonova. Bukhara madrassas are a masterpiece of spirituality. SCIENTIFIC PROGRESS VOLUME 2 | ISSUE 1 | 2021 ISSN: 2181-1601 2021.R-362-366.
11. F.Bobojonova. The issues of construction of the bukharan madrassas, their material and organization of their activity. - P. 27.
12. Feruza Khayatovna Bobojonova. Issues of the education system in the Emirate of Bukhara. Scientific progress volume 3 | issue 3 | 2022 issn: 2181-1601. - P. 302.
13. Rempel L. I. Far and near. Bukhara records. - Tashkent: Literature and Arts, 1981. - P. 4.
14. Fitrat A. Board of Amir Alimkhan. - Tashkent: Minhoy, 1992. - p. 23.



Элбек Ботиров,
Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси
elbekalisherovich91@gmail.com

ТУРКИСТОН АССР БОЖХОНА ТАРИХИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИ ФОНДЛАРИ ТАВСИФИ

For citation: Elbek Botirov, CHARACTERISTICS OF THE FUNDS OF THE NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ON THE HISTORY OF THE CUSTOMS OF THE TURKESTAN ASSR. Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.103-108

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТОЦИЯ

Мазкур мақолада ЎзМАда сақланаётган архив ҳужжатлари асосида Туркистон АССР божхона иши тарихи бўйича тўпланган маълумотлар таҳлил қилиб берилган. Божхона иши тарихига оид асосий ва қўшимча ҳамда тўлдирувчи фондларни ўрганиш асосида бошқарув, бож-тариф, ноқонуний товарлар транзити, контрабандага қарши кураш, кадрлар масаласи каби масалалар очиб берилган. Туркистон АССР божхона иши тарихини ёритиб берадиган фондларни тўпланиши каби қизиқ маълумотлар бор. Шунингдек, архив ҳужжатларининг мазмунан турлари, техник жиҳатлари ва қайд этиш масалалари ҳамда ҳужжатларнинг йўналиш жиҳатидан, иш юритиш ҳужжатлари каби турлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: архив, Туркистон АССР, фонд, божхона инспекцияси, бож-тариф, катрабанда, инвентар, Р-330, қўшимча архив фондлар, божхона иши.

Элбек Ботиров,
Преподаватель Национального университета Узбекистана
elbekalisherovich91@gmail.com

ХАРАКТЕРИСТИКА ФОНДОВ НАЦИОНАЛЬНОГО АРХИВА УЗБЕКИСТАНА ПО ИСТОРИИ ТАМОЖЕН ТУРКЕСТАНСКОЙ АССР

АННОТОЦИЯ

В данной статье анализируются данные, собранные по истории таможенного дела Туркестанской АССР на основе архивных документов, хранящихся в Национальный архив Узбекистана. На основе изучения основного, дополнительного и пополняемого фондов истории таможенного дела раскрываются такие вопросы, как управление, тарифы, транзит нелегальных товаров, борьба с контрабандой, кадровые вопросы. Есть интересные сведения, такие как сбор фондов, проливающих свет на историю таможенного дела в Туркестанской АССР. Также освещаются виды содержания архивных документов, технические аспекты и вопросы оформления, а также направления документов, виды бланков служебных документов.

Ключевые слова: архив, Туркестан АССР, фонд, таможенный инспекция, таможенный тариф, катрабанда, опись, Р-330, дополнительные архивные фонды, таможенное дело.

Elbek Botirov,

Teacher at the National University of Uzbekistan
elbekalisherovich91@gmail.com

CHARACTERISTICS OF THE FUNDS OF THE NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ON THE HISTORY OF THE CUSTOMS OF THE TURKESTAN ASSR

ABSTRACT

This article analyzes the data collected on the history of the customs business of the Turkestan ASSR on the basis of archival documents stored in the National Archives of Uzbekistan. Based on the study of the main, additional and replenished funds of the history of customs, such issues as management, tariffs, transit of illegal goods, the fight against smuggling, personnel issues are revealed. There is interesting information, such as the collection of funds that shed light on the history of customs in the Turkestan ASSR. It also highlights the types of content of archival documents, technical aspects and design issues, as well as the direction of documents, types of forms of official documents.

Index Terms: archive, Turkestan ASSR, fund, customs inspection, customs tariff, smuggling, inventory, R-330, additional archival funds, customs.

1. Долзарблиги:

Архив ҳужжатлари жаҳон ва минтақа тарихини тиклашда аҳамияти муҳимдир. Ҳужжатлардаги маълумотларни саралаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ҳужжатларнинг тарихий манбавий аҳамиятини ошириш, соҳага оид янги яширинган тарихни, мавжуд тузумларни асл моҳиятини очиб беришда ўрни бекиёсдир. Шунингдек, даврий ҳужжатлар жамият, давлат ва шахсий муносабатлар ҳамда зиддиятли жараёнларни холисона баҳолаш имкониятини тақдим қилади. Тарихнинг бирор бир даврига тегишли сақланаётган ҳужжатлар маълум вақт ўтганда жамият тамонидан фойдаланилган тақдирда кадр-қиймати ошиб боради ёки аксинча, аҳамияти камаяди, тарихий манба сифатида истеъмолдан чиқарилиши мумкин. Архивларда сақланаётган ҳужжатларни қачонки, оммалаштирилиб, илмий муомалага киритилса, тарих учун аҳамияти ошиб боради.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Туркистон АССР божхона иши тарихини ўрганиш учун махсус тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Рус тарихчиларидан Кисловский Ю.Г., Абсеметов М, Александров Д. А., Дмитриев С, Берков Е. А., Галанжин Е.Ф., Блинов Н. М., Дзюбенко, Бойко А. И., Родина Л. Ю., Ежуков Е. Л., Ионичев Н. П. [1] каби рус тарихчилари Россиянинг қадимги, ўрта асрлар, XIX-XX асрлар иқтисодий тарихини ёритишда, ижтимоий-сиёсий жараёнларда божхонанинг ўрнини тушунтириб ўтганлар. Архив ҳужжатларини олиб ўрганиш ва бир макон тушунчасини ишлатилмаганлиги Туркистон АССР даври божхона муассасалари ва бошқарув органлари тарихини ёритиб берадиган ҳужжатларни аҳамиятини оширишга хизмат қилди. Туркистон АССР божхона иши тарихи асосан архив ҳужжатлари асосида объективлик, қиёсий таҳлил тамойиллари асосида далиллар билан изоҳлаб берилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Совет ҳокимиятини ўрнатилиши даврида мамлакатда ташқи дунё билан савдо-сотик муносабатларини тартибга солиш мақсадида божхона бошқарув муассасалари ташкил қилинди. Дастлабки вақтларда Туркистон АССР ҳудудида Туркистон божхона округи идораси ташкил қилунгунга қадар Тошкент божхона инспекцияси мавжуд эди [2]. Инспекциянинг ташкил қилиниши бўйича тўлиқ ҳужжатларни йўқлиги сабабли, аниқ шаклланиш санасини аниқлаб бўлмади. 1918 йил 1 январдан телеграф орқали марказий ҳукуматнинг қарорлари,

буйруқлари тақдим қилиниши ва ижро ҳужжатларини юритилиши натижасида божхона инспекциясининг 1917 йил декабрдан-1919 йиллардаги фаолиятига тааллуқли дастлабки ҳужжатлар йиғила бошланди. Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 30 майдаги 170-сон буйруғида кўрсатилган бандларга биноан, Туркистон ўлкасида мавжуд бўлган барча божхона муассасалари РСФСР Саноат ва савдо халқ комиссарлиги таркибига киритилган, шунинг учун божхона инспекцияси РСФСР Халқ Молия Комиссарлигига бўйсунган [3].

Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси Туркистон ишлари бўйича комиссиясининг 03.03.1920 йилдаги 18-сонли фармони асосида Тошкентда РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссарлиги қошидаги божхона назорати бошқармаси ташкил этилди [4]. Натижада божхона назоратига оид 1920-1921 йилларга оид ҳужжатлар йиғила бошланди. Божхона назорати бошқармаси негизида Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси Туркистон ишлари бўйича комиссиясининг 1922-йил 31-мартдаги 6-сонли қарори билан Туркистон божхона округи ташкил этилди [5]. Божхона муассасаларини бошқариш Туркистон божхона округи бошқармаси зиммасига юклатилди. Лекин округнинг бошқаруви таркибий қисмлари йўқ эди. Маъмурият ўз ҳаракатларида РСФСР Савдо ва савдо халқ комиссарлигининг Ўрта Осиёдаги ваколатхонасидан олинган умумий ҳуқуқий қоидалар ва буйруқларига амал қилган. Бўлим маҳаллий божхона органлари томонидан божхона соҳасига оид барча қарорлар, қарорлар, фармойишлар, кўрсатмаларнинг тўғри ва аниқ бажарилиши устидан назоратни амалга оширди, туман таркибига кирувчи барча божхона муассасаларининг шахсий таркибига раҳбарлик қилди.

Идоранинг юрисдикцияси остида божхона ва назорат масканлари мавжуд эди. Ўрганиш жараёнида ҳужжатларни йўқлиги сабабли идорани тугатишнинг аниқ санасини аниқлаб бўлмади, аммо РСФСР ташқи савдо халқ комиссарлигининг 23.05.1924 йилдаги 48-сон буйруғидан [6] ва фонднинг бошқа ҳужжатларини таҳлил қилиш жараёнида Туркистон божхона округи ва унинг бўлими 1924-йил май ойида тугатилганлигини билиб олишимиз мумкин.

Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган Туркистон АССР божхона тарихига оид ҳужжатларни таҳлил қилиш жараёнида уларни 2 қисмга ажратиб олишимиз мумкин: асосий маълумот берувчи фондлар ва қўшимча маълумот берувчи фондлар;

Асосий, муҳим маълумот берувчи фондларга 1924 йилда тугатилган Туркистон божхона округи ва бўлимларидан йиғилган ҳужжатлар, 1975 йил 30 июнда №41 сонли далолатнома билан сараланган ҳужжатлар ҳамда 1980 йилда шакллантирилган инвентарлар асосида, Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган ягона Р-330 жамғармасида йиғилган. Дастлаб 330-сонли фонд 3 та инвентардан, яъни 1-сонли инвентарь 34 та, 2-сонли инвентарда 238 та, 3-сонли инвентарда 49 та ишлардан иборат эди. 1980 йилда инвентарь сарлавҳалари яхшиланди. Олиб борилган ишлар натижасида 30.06.1975 йилдаги №41 сонли далолатнома билан илгари ҳисобдан чиқарилган ишлар қайта ҳисобга киритилди. Хусусан, 1-сонли инвентарга: 8, 9, 24, 256 ва 276 ишлар, 2-инвентарга: 42, 43, 44 ва 80 ишлар; 3-инвентарга 22а иш қайта 330-фонда киритилди. 3-сонли инвентарга кўра, 22а иш якуний ёзувда кўрсатилмаган.

1928 йил учун 2-инвентардан ушбу фондга тегишли бўлмаган 244-саҳифа СССР Иттифоқи Бош божхона бошқармасининг 1703-Ўрта Осиё бўлими фондига 1-рўйхат 1-ишга ўтказилди. РСФСР Ташқи савдо халқ комиссарлиги Туркистон бўлими қошидаги божхона назорати бошқармасига тегишли 331-сонли фонддан 14 та ҳолатда бир хил фонд яратувчиси сифатида 330-фондга бирлаштирилди. Ишлар қайтадан тизимлаштирилади. Янги инвентарь хронологик тартибда тузилди. Фонд 1917-1924 йилларда божхона муассасалари фаолияти, умумий иш юритиш ва ходимлар бўйича ҳужжатларни ўз ичига олган 338 та иш ва жами 34 594 та саҳифани ташкил қилади. Жамғармани илмий-техникавий қайта ишлаш жараёнида ишларнинг сарлавҳалари таҳрир қилинди, муқаддима, қисқартирилган сўзлар рўйхати, таржима жадваллари тузилиши каби ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган Туркистон АССР божхона иши тарихига оид мазкур фонд (Р-330) таркибидаги ҳужжатларни маълумотлар қайд этиш хусусиятига кўра қўлёзма (далолатномалар, билдиргилар, қоралама хатлар, графиклар, жадваллар, текширув хулосалари) ва босма (қарорлар, циркулярлар, ҳукумат ва маҳаллий органлар баённомалари, суд қарорлари, идорага оид форма ҳужжатлари, ҳисоботлар, иш режалари) ҳужжатларга бўлиш мумкин.

Туркистон АССР божхона фаолияти давомида тўпланиб борган ҳужжатларни 4 гуруҳга ажратиш бўлиши мумкин: 1-гуруҳга марказий ва маҳаллий ҳукумат органлари тамонидан қабул қилинган ҳужжатлар (декрет, қонун, қарор, буйруқ, йўриқнома, циркуляр) [7]; 2-гуруҳга божхона фаолиятига тааллуқли бўлган, доимо хизматчиларда мавжуд бўлган ҳужжатлар (низом, ҳаражатлар сметаси, импорт ва экспорт товарлар рўйхати) [8]; 3-гуруҳга эса божхона фаолияти вақтида давомида ёзиладиган ҳужжатлар (баённома, далолатнома, хабарнома, ҳисобот) [9]; 4-гуруҳга эса кадрлар масаласи ва ходимлар тўғрисида 28 йиғмажилддаги ишлар (шахсий анкеталар, ходимларни лавозимга тайинлаш бўйруқлари, сафар хизматлари ҳаражатлари, ҳарбий сафарбарлик ҳужжатлари) [10] келтириб ўтилган.

Қўшимча, тўлдирувчи маълумотлар берувчи фондларга 8, 17, 20, 25, 27, 38, 39, 41 фондларининг қисман ишларида Туркистон АССР божхона тарихига оид ҳамда 1, 13, 16, 18, 21, 25, 91, 93, 111, 132, 306, 608, 2075 фондлари берилган маълум ишларда эса соҳага оид қўшимча маълумотларни учратиш мумкин. Қўшимча, тўлдирувчи маълумотлар берувчи фондларни тавсифлайдиган бўлсак, асосан марказий ва маҳаллий ҳукумат томонидан юборилган қарорлар, буйруқлар, циркулярлар, статистик маълумотлар, турли маърузалар, бож-тарифлар рўйхати каби ҳужжатлар ўрин олган. Ҳужжатларни ўрганиш асосида, қизиқарли далиллар ҳам очиқлана бошлади. Хусусан, санъат намуналарини худуддан олиб чиқиб кетиши билан боғлиқ тақиқлар [11], контрабандага қарши курашдаги усуллар [12], чегарада атрофида яшовчи маҳаллий аҳолини қўшни давлат худудларига рўзғор учун ёки хўжалик ҳаётини йўлга қўйиш учун доимий равишда кесиб ўтишнинг қонуний ечимлари [13], гиёҳванд моддалар транзити ва савдоси [14] каби қизиқарли маълумотлар божхона тарихини ўрганишда ёрдамчи маълумотлар бўла олади. СССР Ташқи савдо алоқалари Халқ Комиссарлиги Ўрта Осиёдаги ҳужжатлари жамланган фондида (Р-8) ҳам Туркистон АССР божхона иши фаолиятининг бошқа совет бошқарув органлари билан боғлиқ ҳужжатлар алмашуви ёки субординация ҳужжатлари, ҳисоботлар, статистик маълумотлар, тезкор ва ўта муҳим бўлган телеграммалар, Ташқи савдо халқ комиссарлиги билан ёзишмалар, божхона муассасалари ҳаражатлар дафтарлари каби маълумотлар берилган бир нечта ишлар мавжуд.

Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган Туркистон АССР божхона иши тарихига оид ҳужжатларни палеографик жиҳатдан ўрганиш давомида тўпланган маълумотлар Туркистон худудида 1917-1924 йилларда иш юритиш қандай ривожланганини акс эттиради [15]. Хусусан, божхона иши тарихига оид ҳужжатлар ёзилишига кўра, қўлёзма, машинкада ёзилган ва босма нашр турларига бўлинади: форма №2 ҳужжатлари, бошқармадан телеграф орқали юборилган декретлар, қонунлар, низоми кабилар. Шунингдек, ЎЗМА да сақланаётган ТАССР божхона иши тарихига оид фондлардаги ҳужжатларни йўналишлар бўйича:

- 1) божхона муассасалари фаолиятини ташкил этилиши билан боғлиқ ҳужжатлар;
- 2) импорт ва экспорт товарларни чегарадан ўтказиш, уларга бож-тарифларнинг ўз вақтида қўлланиши, сақлов омборхоналари вазифалари ҳақида ҳужжатлар;
- 3) Марказий ва маҳаллий ҳукуматдан ажратилган ҳаражатлар ва ойлик маош учун кредитлар сметаси каби ҳужжатлар;
- 4) контрабанда товарларини чегарадан ушлаб қолиш ва жойида тузилган далолатнома ва баённомалар;
- 5) ноқонуний товарлар айланмаси ва контрабандасига қарши суд қарор ҳужжатлари;
- 6) божхона муассасаси кадрларга оид ҳужжатлардан таркиб топган.

Ҳужжатларни ўрганиш фақатгина юқоридаги йўналишлар билан чекланиб қолмай, Туркистонда АССРда давлат иш юритиш тизимида ҳам ўзгаришларни аниқлаб бериш мумкин бўлади [16].


4. Хулоса:

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Туркистон АССР божхона иши тарихига доир ЎзМА 330-фонд хужжатларини ўрганиш мазкур давр қийин ижтимоий-сиёсий жараёнлар исканжасида бўлган Туркистон диёрида божхона муассасаларини тарихий ҳаётини тўлиқ ёритиб беришга хизмат қилади. Чор Россияси даврида фаолият олиб борган кам сонли божхона ходимлари мазкур қийинчилик даврларида ҳам совет раҳбарияти билан келишган ҳолда ўз ишларини давом эттирдилар. Чегаралар муҳофазасида божхона ходимлари етишмаслиги натижасида совет кўшини аскарлари ҳам доимий равишда божхона-назорат масканларида ўз вазифаларидан ташқари кўшимча ишларга жалб қилинди. ЎзМАда сақланаётган мазкур фонд хужжатлари ҳозирги кунгача ўрганилмаётгани, илмий муомалага киритилмагани ТАССР божхоналари фаолияти тарихини ўрганиш ишларига тўсиқ бўлиб келмоқда.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Кисловский. Ю.Г, История таможенного законодательства России о контрабанде (конец XIX — начало XX в.). М, 2000., Абсеметов М. Таможенное дело Казахстана: (История, опыт, перспективы). 568-2001. Астана, 2001; Александров Д. А., Дмитриев С. С. Таможенное дело в СССР. М, 1949; Берков Е. А., Галанжин Е. Ф. Таможенное дело (1726-1986). М., 1988; Таможенная политика России X—XX вв. М, 1997. Блинов Н. М., Дзюбенко; Бойко А. И., Родина Л. Ю. Контрабанда. История, социально-экономическое содержание и ответственность. Ростов н/Д, 2001; Ежуков Е. Л. Становление и развитие пограничной охраны России (XV - начало XX в.). М., 1991; Ионичев Н. П. Внешние экономические связи России (IX — начало XX в.). М., 2000; Таможенное дело в России. X — начало XX в.: Исторический очерк. Документы. Материалы. СПб., 1995; Российская таможня в документах. Т. 1—2. М., 2001; Шапошников Н. Н. Таможенная политика России до и после революции. М.; Л., 1924 (Kislovsky. Yu.G. History of customs legislation of Russia on smuggling (late XIX - early XX century). М, 2000., Absemetov M. Customs of Kazakhstan: (History, experience, prospects). 568-2001. Astana, 2001; Alexandrov D. A., Dmitriev S. S. Customs in the USSR. М, 1949; Berkov E. A., Galanzhin E. F. Customs (1726-1986). М., 1988; Customs policy of Russia X—XX centuries. М, 1997. Blinov N. M., Dzyubenko; Boyko A.I., Rodina L.Yu. Smuggling. History, socio-economic content and responsibility. Rostov n/a, 2001; Ezhukov E. L. Formation and development of the border guard of Russia (XV - early XX century). М., 1991; Ionichev N. P. External economic relations of Russia (IX - beginning of XX century). М., 2000; Customs business in Russia. X - beginning of XX century: Historical essay. Documentation. Materials. SPb., 1995; Russian customs in the documents. Т. 1-2. М., 2001; Shaposhnikov N. N. Customs policy in Russia before and after the revolution. М.; L., 1924)
2. Сборник декретов и приказов СНК Туркеспублики 1917-1918 г. г. стр.47 (Collection of decrees and orders of the Council of People's Commissars of the TurkRepublic 1917-1918, p. 47)
3. Ботиров, Э. (2021). МАРКАЗИЙ ОСИЁ БОЖХОНА ИШИ ЭВОЛЮЦИЯСИ: САВДО ЙЎЛЛАРИ, НАЗОРАТ МАСКАНЛАРИ ВА БОЖ ЙИФИМЛАРИ ТАРИХИДАН. ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, (SI-3). (Botirov, E. (2021). CUSTOMS EVOLUTION IN CENTRAL ASIA: FROM THE HISTORY OF TRADING ROADS, POSTS AND CUSTOMS TARIFFS. LOOKING INTO THE PAST, (SI-3).
4. Сборник декретов и приказов ТАССР за 1920 г. стр.5 (Collection of decrees and orders of the TASSR for 1920 p.5)
5. Собрание узаконений ТАССР за 1922 г. №14 стр.15 (Collection of legalizations of the TASSR for 1922 No. 14 p.15)
6. ЎзМА, 330-фонд, 1-рўйхат, 18-йиғмажилд, 35-варақ (National Archive of Uzbekistan, Fund 330, List 1, Case 18, Page 35)


7. ЎзМА, 330-фонд, 1-рўйхат, 2, 5, 6, 7, 29, 38-39, 41, 99, 160-164, 169, 241-243-йиғмажилд хужжатлари (National Archive of Uzbekistan, Fund 330, List 1, Documents of case 2, 5, 6, 7, 29, 38-39, 41, 99, 160-164, 169, 241-243)
8. ЎзМА, 330-фонд, 1-рўйхат, 1, 17, 23, 37,47, 54, 56, 59, 75-76, 112, 135, 200-206, 278-279, 303-йиғмажилд хужжатлари (National Archive of Uzbekistan, Fund 330, List 1, Documents of case 1, 17, 23, 37,47, 54, 56, 59, 75-76, 112, 135, 200-206, 278-279, 303)
9. ЎзМА, 330-фонд, 1-рўйхат, 4, 8, 16, 19, 26, 48, 52, 63, 74, 84, 94-96, 101-107, 118-126, 136-139, 158, 168-169, 184-198, 211-242, 258-263 йиғмажилд хужжатлари (National Archive of Uzbekistan, Fund 330, List 1, Documents of case 4, 8, 16, 19, 26, 48, 52, 63, 74, 84, 94-96, 101-107, 118-126, 136-139, 158, 168-169, 184-198, 211-242, 258-263)
10. ЎзМА, 330-фонд, 1-рўйхат, 61, 74, 82, 109, 140, 159, 165, 177, 187, 245 250, 254, 278, 284-290, 311-338-йиғмажилд хужжатлари (National Archive of Uzbekistan, Fund 330, List 1, Documents of case 61, 74, 82, 109, 140, 159, 165, 177, 187, 245 250, 254, 278, 284-290, 311-338)
11. ЎзМА, 16-фонд, 1-рўйхат, 16-йиғмажилд, 35-36-варақлар (National Archive of Uzbekistan, Fund 16, List 1, Case 16, Pages 35-36)
12. ЎзМА, 38-фонд, 2-рўйхат, 463-йиғмажилд, 31-варақ; 39-фонд, 2-рўйхат, 258-йиғмажилд, 161-варақ; 93-фонд, 1-рўйхат, 73-йиғмажилд, 114-121-варақлар (National Archive of Uzbekistan, Fund 38, List 2, Case 463, Page 31; Fund 39, List 2, Case 258, Page 161; Fund 93, List 1, Case 73, Pages 114-121;)
13. ЎзМА, 8-фонд, 1-рўйхат, 112-йиғмажилд, 3-варақ; 143-йиғмажилд, 8-варақ; 185-йиғмажилд, 80-86-варақлар; 39-фонд, 1-рўйхат, 175об-йиғмажилд, 180-варақ; 132-фонд, 1-рўйхат, 41-йиғмажилд, 29-32-варақ; (National Archt ive of Uzbekistan, Fund 8, List 1, Case 112, Page 3; 143 volumes, 8 pages; 185 volumes, pages 80-86; Fund 39, List 1, Case 175, Page 180; Fund 132, List 1, Case 41, Pages 29-32;)
14. ЎзМА, 330-фонд, 1-рўйхат, 1-йиғмажилд, 60-варақ; 222-йиғмажилд, 14, 18, 24-35, 45-48, 53-60, 75-79, 85-114, 116-145, 161-200, 204-234, 236-248-варақлар (National Archive of Uzbekistan, Fund 330, List 1, Case1, page 60; Case 222, pages 14, 18, 24-35, 45-48, 53-60, 75-79, 85-114, 116-145, 161-200, 204-234, 236-248)
15. Ботиров, Э. (2021). МАРКАЗИЙ ОСИЁ БОЖХОНА ИШИ ЭВОЛЮЦИЯСИ: САВДО ЙЎЛЛАРИ, НАЗОРАТ МАСКАНЛАРИ ВА БОЖ ЙИҒИМЛАРИ ТАРИХИДАН. ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, (SI-3). ((Botirov, E. (2021). CUSTOMS EVOLUTION IN CENTRAL ASIA: FROM THE HISTORY OF TRADING ROADS, POSTS AND CUSTOMS TARIFFS. LOOKING INTO THE PAST, (SI-3).)
16. БОТИРОВ, Э. А. (2021). РОССИЯ ТУРКИСТОНИДА БОЖХОНА СИЁСАТИ ТАРИХИДАН (1917-1924 ЙИЛЛАР). In Uzbek Conference Publishing Hub (Vol. 1, No. 01, pp. 194-197). (BOTIROV, E. A. (2021). FROM THE HISTORY OF CUSTOMS IN RUSSIAN TURKESTAN (1917-1924). In Uzbek Conference Publishing Hub (Vol. 1, No. 01, pp. 194-197))



Завкиддин Буриев,
Навоий давлат кончилиги ва
технологиялар университети тадқиқотчиси

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ КАСПИЙОРТИ ВИЛОЯТИДА МАЪМУРИЙ- ХУДУДИЙ СИЁСАТИ ҲАҚИДА

For citation: Zavkiddin Buriev, ON THE ADMINISTRATIVE-TERRITORIAL POLICY OF THE CASPIAN REGION OF THE RUSSIAN EMPIRE. Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.109-114

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Россия империяси томонидан босиб олинган Каспийорти вилояти бошқинга қадар уруғ зодагонлари бошқарувига асосланган бўлиб, мустамлака маъмурияти ҳам минтақа маъмурий тузилиши ва бошқаруви. “Каспийорти вилоятини бошқариш тўғрисидаги Вақтли Низом”, Каспийорти вилоятини Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилиши, хуудлардаги маҳаллий маъмуриятни ҳарбий губернаторлар томонидан бошқарилиши ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Туркистон генерал-губернаторлиги, Каспийорти вилояти, Каспийорти вилоятини Туркистонга қўшиш масаласи, Каспийорти вилояти бошлиғи А.Н.Куропаткин, Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом, Россия империясининг Каспийортидаги маъмурий сиёсати, Туркистоннинг эгалланиши, Оренбург ҳарбий губернатори, Ҳарбий вазирлик.

Завкиддин Буриев,
Навоийский государственный
горно-технологический университет,
исследователь

ОБ АДМИНИСТРАТИВНО-ТЕРРИТОРИАЛЬНОЙ ПОЛИТИКЕ ПРИКАСПИЙСКОЙ ОБЛАСТИ РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ

АННОТАЦИЯ

Прикаспийская область, оккупированная Российской империей, основывалась на управлении родовой знатью до вторжения, а колониальная администрация также управляла административной структурой и управлением региона. В “временном Положении об управлении Прикаспийской областью” приводятся ценные сведения о включении Прикаспийской области в состав Туркестанского генерал-губернаторства, об управлении местным самоуправлением на территориях военными губернаторами.

Ключевые слова: Туркестанский генерал-губернатор, Прикаспийская область, вопрос о присоединении Прикаспийской области к Туркестану, глава Прикаспийской области А. Н.

Куропаткин, Устав Туркестанской области, административная политика Российской империи на Каспии, оккупация Туркестана, военного губернатора Оренбургского, Военного министерства.

Zavkiddin Buriev,
Navoi State Mining and
Technology University, Researcher

ON THE ADMINISTRATIVE-TERRITORIAL POLICY OF THE CASPIAN REGION OF THE RUSSIAN EMPIRE

ABSTRACT

The Caspian region occupied by the Russian Empire was based on the administration of the ancestral nobility before the invasion, and the colonial administration also managed the administrative structure and administration of the region. The “provisional Regulation on the administration of the Caspian region” provides valuable information on the inclusion of the Caspian region in the Turkestan Governor-General, on the management of local self-government in the territories by military governors.

Index Terms: Turkestan Governor-General, Caspian region, the issue of annexation of the Caspian region to Turkestan, the head of the Caspian region A. N. Kuropatkin, the Charter of the Turkestan region, the administrative policy of the Russian Empire in the Caspian, the occupation of Turkestan, the military governor of Orenburg, the Ministry of War.

1. Долзарблиги:

Тарихий тараққийётнинг юқори босқичига қадам қўйиб янгиланаётган Ўзбекистонда давлат ва жамият турмуши, илм-фаннинг барча йўналишларида бўлгани каби тарих фани соҳасида ҳам миллий юксалиш талаблари ҳамда халқаро миқёсда кечаётган жараёнларга мутаносиб равишда туб ва кенг қамровли ўзгаришларга катта эҳтиёж бор. Бу борада XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларидаги Туркистон генерал-губернаторлиги Каспийорти вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий тарихи масалаларини ёритиш муҳим аҳамият касб этади.

XIX асрнинг 60- йилларида Туркистоннинг эгалланиши Россиянинг Европадаги энг асосий рақиби бўлган Англияга қарши қурол вазифасини ўтади. Россия қўшинларининг Туркистонга кириши “Британия империясининг дурдонаси бўлмиш” – Ҳиндистонга хавф солиши мумкин бўлган плацдарм бўлиб хизмат қилган.

2. Методлар:

Россия империясининг Каспийорти вилоятида маъмурий-худудий сиёсати тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда, тарихийлик, изчиллик, узвийлик, холислик ва қиёсий таҳлил методлардан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинди.

3. Тадқиқот натижалари:

Рус қўшинларининг муваффақиятли хужумлари оқибатида Александр II нинг фармони билан 1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги тузилди.

Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурий жиҳатдан вилоятларга бўлиниб, ҳар бир вилоятнинг хусусият ва жойлашуви ҳисобга олинган ҳолда идора қилинган. Генерал-губернаторликдаги бошқарув моҳиятини тушунишда унинг географияси ва маъмурий тузилишини аниқлаш муҳим масала ҳисобланади. Каспий денгизининг шарқида жойлашган Туркистон генерал-губернаторлиги шимолдан ғарбий Сибир тепаликлари ва жанубдан Ҳиндикуш тоғлари орқали Эрон ва Афғонистон билан чегарадош бўлган.

Туркистон табиатининг ўзига хослиги ва халқининг маданияти жиҳатидан тадқиқот учун жуда муҳим объектни ташкил этади[1].

1890 йил 6 февралда “Каспийорти вилоятини бошқариш тўғрисидаги Вақтли Низом” тасдиқланиши билан Каспийорти вилояти Кавказ ҳарбий округи таркибидан чиқарилиб, бевосита ҳарбий вазирлик ихтиёрига ўтказилган. Лекин тез орада ушбу икки вилоятнинг

Туркистонга кўшиш масаласига яна қайтилади. Бош штаб Осиё қисми бошлиғи А.П.Проценконинг ёзишича, 1895 йилда император Николай II Каспийорти вилоятини Туркистонга кўшиш масаласига қизиқиб қолган. У Каспийорти вилояти бошлиғи А.Н.Куропаткин билан шахсан олиб борган суҳбатида ҳарбий шароитларда ушбу иккала худудни бирлаштириш мумкинлиги ҳақида фикр билдирган.

Куропаткин 1886 йилги “Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги низом”ни муҳокама қилган вазирликлараро комиссия аъзоси бўлган. Айнан шу ерда у Каспийорти вилоятини Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритиш мумкинлиги ҳақида илк маротаба фикр билдирган. Унинг фикрича, бу худудда алоҳида бошқарув аппаратини яратиш борасида ҳукумат ҳаражатларини четлаб ўтиш имконини берарди. Бундай қарор Бухоро ва Хива хонлигининг мустақиллигини тугатишга олиб келади, деган фикрлар билан Куропаткиннинг таклифи рад этилганди.

Каспийорти вилояти алоҳида маъмурий бирлик сифатида ҳарбий вазирликка бўйсундирилгач, Куропаткин унинг бошлиғи этиб тайинланган (1890-1898). Ҳарбий вазирликка тўғридан-тўғри бўйсунуш Куропаткинга вилоятда анча мустақил маъмурий сиёсат олиб бориш имкониятини яратган. Шу боис Куропаткин Каспийортини Туркистонга ўтказиш ҳақидаги фикрларга қарши чиқа бошлаган. Ўз қарашини Каспийортидаги мураккаб муаммолар Туркистондаги масалалар ечимини секинлаштиради, деб асослаган. Ундан ташқари, вилоятда Эрон ва Каспийорти орасида кўчиб юрадиган ва қароқчилик қиладиган туркман қабилалари мавжуд бўлганлиги туфайли Каспийортида кучли ҳарбий ҳокимият зарурлигини уқтирган. Лекин император билан бўлган суҳбатдан сўнг ўз қарашларини ўзгартирган. Вазирлар комитетининг таъкидлашича, Туркистон учта фронт: Афғонистон, Ғарбий Хитой, Эронга нисбатан мудофаа ва ҳужум қилиш мажбуриятларига эга фаол районга айланган. 1897 йил 26 декабрда императорнинг фармони билан Еттисув ҳамда Каспийорти вилоятлари Туркистон ўлкаси таркибига киритилган[2].

Худудлардаги маҳаллий маъмуриятни ҳарбий губернаторлар бошқарган. Уларнинг кўлида маъмурий, полиция, суд ва ҳарбий ҳокимият мужассам эди. Пристав бевосита вилоят губернаторига, Каспийортида вилоят бошлиғига бўйсунган. Дастлабки паллада Каспийорти бошлиғига иккита пристав бўйсунган (Манғишлоқ ва Красноводск). Пристав худуддаги тартибга жавоб берган. Ўзидан қуйи поғонада турган старшиналар фаолиятини бошқарган, солиқларни тўплаш ва турли тўловларга масъул бўлган. Полиция назоратини олиб борган. Аҳолига тааллуқли ҳар қандай маълумотни Вилоят бошлиғига етказиб турган. Сиёсий жиҳатдан ишончсиз деб топилган фуқароларни жаримага тортган, лекин приставнинг асосий вазифаси кўчманчи аҳоли сонини аниқлаш бўлган. Бу бажарилиши қийин вазифа эди. Ўтовлар сони ва уларнинг қаерда жойлашганлиги ўтов солиғи миқдорини аниқлаш учун ҳамда худуддаги маъмурият бошқарувининг фаолияти учун зарур эди[3].

1865, 1867, 1886 йилларда Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низомлар қабул қилинади. 1886 йилги янги Низом ўлкадаги маъмурий, суд ва хўжалик муносабатларини тартибга солди. Унга биноан Туркистон генерал-губернатори ҳузурида ўлка бошқаруви, ер, солиқ ва мажбуриятларга оид масалалар билан шуғулланган кенгаш тузилган. Низомга мувофиқ ўлка генерал-губернатор ваколатларининг бир қисми Бош штабнинг (Ҳарбий Вазирлик) Осиё бўлими назоратига ўтган. Туркистон генерал-губернатори канцелярияси генерал-губернаторликнинг ижро органи бўлган. Ўз фаолиятида канцелярия Россия империяси қонунларига асосланган[4].

Генерал-губернатор барча турдаги бошқарув органлари устидан умумий назоратни амалга оширган. Давлат назорат органлари ҳамда судлар генерал-губернаторга бўйсунмаган. 1906 йил 17 апрелдан эътиборан ўлкада бошқарувнинг умумимперия маъмурий тизимини жорий этиш имкониятлари кўриб чиқилади.

Туркистон чегаралари умуман олганда, табиий бўлган: биринчи навбатда мамлакат шарқида Марказий Осиё тоғ тизмалари, иккинчи навбатда (жануб ва ғарбда) дарёлар ва Каспий денгизи жойлашган. Шимолда Туркистон ва қирғиз даштлари ўртасида Урал, Тўрғай, Акмолинск ва Семипалатинск каби чегара вилоятлар жойлашган.

Россия империяси 1834 йилдан бошлаб Каспийорти ерларига 83 йил давомида эгалик қилди (1917 йилнинг баҳорига қадар). Ушбу давр мобайнида Каспийорти ҳудуди бирин-кетин учта генерал-губернаторлик таркибида бўлган (Оренбург, Кавказ, Туркистон) ва маълум вақт тўғридан-тўғри империя Ҳарбий вазирлигига бўйсундирилган алоҳида маъмурий бирлик ҳисобланган[5].

Россия империясининг Каспийортида бўлажак маъмурий сиёсатининг бош тамойилларига асос солинди. Стратегик жиҳатдан ўта ноқулай Ново-Александровск истеҳкомининг 1846 йилда Манғишлоқ яриморолига кўчирилиши Оренбург босқичи даврининг энг муҳим воқеаларидан бири бўлган. Қалъа жойлашуви жиҳатидан денгизда ҳам куруқликда ҳам ҳеч қандай аҳамият касб этмаган. Шунинг учун янги Оренбург ҳарбий губернатори генерал В.А.Обручев (1795-1866) 1846 йил Манғишлоқ яриморолидаги янги истеҳкомга кўчган. Янги истеҳком дастлаб Новопетровск, кейинчалик эса Форт-Александровск деб қайта номланган.

Маъмурий жиҳатдан Форт-Александровск унга тегишли ҳудудлар билан аввал Оренбург губерниясига, сўнгра 1868 йилдан бошлаб Оренбург генерал-губернаторлигининг Урал вилоятига қарашли бўлган[6].

1870 йилнинг февралдан Каспий денгизининг бутун шарқий соҳили Кавказ ноиблиги тасарруфига (1870 феврал-1890 феврал) ўтказилган. Даставвал Каспийортидаги приставликлар ўзаро боғлиқ бўлмаган. Манғишлоқ приставлиги Доғистон ҳарбий губернатори, Красноводск приставлиги эса Кавказ армияси қўмондонлиги штаб бошлиғи тасарруфида бўлган. Бундай ҳолат 1874 йил 15 мартдаги фармойиш билан бартараф этилган. 1874 йил 9 мартда янги тузилган Каспийорти ҳарбий бўлимини бошқариш ҳақидаги Вақтли Низомга биноан Кавказ ҳарбий округи таркибида икки приставликдан –Манғишлоқ ва Красноводскдан иборат Каспийорти ҳарбий бўлими ташкил этилган.

Каспийорти вилояти бошлиқларининг раҳнамолари бўлмиш Кавказ ноибларидан даставвал М.С.Воронцов ва А.И.Барятинскийлар, кейинчалик император Александр II нинг кичик укаси княз Михаил Николаевич бўлганлиги Каспийорти вилояти бошлиқларининг нуфузини оширган[7].

1890 йилнинг февралда Каспийорти вилояти тарихида ҳудуднинг маъмурий-ҳуқуқий мақоми ривожланишининг 1899 йил июлигача давом этган янги даври бошланди. 1890 йил 6-февралда тасдиқланган вақтли низом асосида вилоят Кавказ ҳарбий округи таркибидан чиқарилиб, янги алоҳида маъмурий ва ҳарбий бирликни ташкил этган. Унинг бошлиғи тўғридан-тўғри Ҳарбий вазирлик Бош штабининг Осие бўлимига бўйсунадиган тартиб ўрнатилган[8].

Вилоят бошлиқлари тез-тез алмашиб турган. Бундан кўзланган асосий мақсад империя ҳукмрон доиралари маҳаллий аҳолининг норозилигини вақтинчалик юмшатишга эришиш, иккинчидан, аҳоли кўз ўнгида оқ подшонинг путур кетган обрўйини тиклаш, учинчидан, маълум тартибни ўрнатиш, бусиз эса мустамлака ўлкани бошқариш мумкин бўлмаган[9]. Вилоят Россия Ҳарбий вазирлигига тўққиз ярим йил давомида бўйсунган. Вазирлар Қўмитасининг 1899 йил 11-июнда тасдиқланган қарорига биноан вилоят Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилган.

Вилоятнинг (1899 июл-1917 феврал) оралиғида бевосита Туркистон генерал-губернаторига бўйсунган. У ҳали ҳам аввалги «Вақтли низом» асосида бошқарилган. Ҳукумат ва ҳарбий бошқарув тизимининг «хонлик» усулидан воз кечиб Туркистонни умумроссия бошқарув тизимига қўшиш масаласини кўндаланг кўйган. Гарчи вилоят 1899 йил Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилган бўлса-да, вилоят бошқаруви алоҳида низом асосида юритилган. Империя маркази томонидан тузилган Тошкент комиссияси вилоятни Туркистон генерал-губернаторлиги бошқарувининг умумий қоидаларига яқин келажакда бўйсундиришнинг ҳеч қандай имкони йўқ, деган хулосага келган. 1901 йилда А.Н.Куропаткин вилоят бошқаруви низоми (1890 йил) ни яна 5 йил амал қилишини сўраб ҳукуматга мурожаат қилган (1906 йил 18-декабр). 1906 йил 9-июнда вазирлар кенгашининг қарори билан бу муддат 1908 йил 1 январгача чўзилган[10]. Бу ерда ҳокимиятнинг янги тури моҳиятига кўра

умумимперия маъмурияти ва анъанавий маҳаллий институтлар қўшилишидан иборат бўлган. Россия империя маъмурияти вилоятда юритган сиёсатининг Туркистон генерал-губернатори К.К.Кауфманнинг сиёсатига муқобиллигини кўриш мумкин. Амалда эса Каспийорти вилоятининг ўлка таркибига киритилиши ва вилоятдаги ҳолатнинг Туркистон генерал-губернаторидаги қондаларга мослаштиришдаги чексиз уринишларда намоён бўлди.

1913 йил бошида «оқ подшо» Вазирлар кенгаши ишлаб чиққан Туркистон ўлкаси бошқарув тизимини ислоҳ қилиш асосий тамойилларини тасдиқлади. Бироқ қарор амалга оширилиши охирига етказилмаган. Ушбу масала Давлат кенгаши ва Давлат думаси муҳокамасига олиб чиқилмаган.

Масала бўйича қонун лойиҳасини тузиш бўйича жонланиш 1916 йил августда А.Н.Куропаткинни генерал-губернатор этиб тайинланишидан бошланган. 1917 йил баҳорига келиб Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги низом лойиҳасининг асосий қисми ишлаб чиқилган эди[11].

Хулосалар:

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, Каспийорти вилояти маъмурий-ҳуқуқий бошқаруви бир неча бор ўзгаришларга дуч келган: 1) Оренбург босқичи (1834-1870 феврал) 2) Кавказ босқичи (1870 феврал-1890 феврал) 3) Алоҳида маъмурий бирлик босқичи (Россия Ҳарбий вазирлиги. Бош штабнинг Осиё бўлими таркибида) (1890 феврал-1899 июл) 4) Туркистон босқичи (1899 июл-1917 феврал).

Бу ўзгаришлар билан Ҳарбий вазирликнинг мақсади Туркистон ўлкасининг чегараларини ўзгартириш эмас, балки бу муаммо ташқи сиёсий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда Сибир ва Марказий Осиё ҳарбий округлари чегараларини ислоҳ қилиш каби муҳим масаланинг бир қисми бўлган. Ҳарбий вазирлик нуқтаи назаридан Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурий чегараларининг ўзгартирилиши улкан аҳамиятга эга бўлган. Натижада ушбу ўзгаришлар Туркистон ҳарбий округи қўшинларини бутун ўлка бўйлаб эркин жойлаштириш имконини берган.

Ҳарбий вазирлик 1897 йил Туркистон генерал-губернаторлигига Каспийорти ва Еттисув вилоятларини қўшиш ҳақидаги қарори билан унинг маъмурий-ҳудудий тузилишини ўзгартиради. Туркистон ўлкасининг чегараларини ўзгартириш Ҳарбий вазирлик ҳал қилиши керак бўлган ягона муаммо бўлмасдан, у ташқи сиёсий масалалардан келиб чиққан ҳолда Сибир ва Ўрта Осиё ҳарбий округлари чегараларини ислоҳ қилиш масаласининг бир қисми эди. Империя Вазирлар комитетининг таъкидлашича, Туркистон учта фронт: Афғонистон, Ғарбий Хитой, Эронга нисбатан мудофаа ва ҳужум қилиш мажбуриятларига эга фаол районга айланган.


Россия империяси томонидан босиб олинган Каспийорти вилояти босқинга қадар уруғ зодагонлари бошқарувига асосланган бўлиб, мустамлака маъмурияти ҳам минтақа маъмурий тузилиши ва бошқарувида буни ҳисобга олган. Уруғ зодагонларининг ўз худудидаги бошқарувда юқори мансабдор сифатида сақлаб қолиниши бунга асос бўлган.

Хуллас, Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятлари ва Каспийорти вилояти маъмурий-ҳудудий тузилишида табиий-географик омиллар муҳим ўрин эгаллаган. Мустамлака маъмурияти жой номларини руслаштирган бўлса-да, лекин географик омиллар бу масалада бирламчи турган. Россия империяси Туркистонни эгаллаб жаҳон сиёсий майдонида катта ғалабага эришди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Schultz A. Die natürlichen Landschaften von russisch Turkestan. – Hamburg: 1920. – S. 1.
2. Еттисув вилояти Омск ҳарбий округи, Дашт генерал-губернаторлиги ва Ички ишлар вазирлигидан чиқарилиб Туркистон ҳарбий округи, генерал-губернаторлигига киритилиб Ҳарбий вазирлик ихтиёрига ўтказилган.// Шушкова М.Е. Организация управления Туркестаном в начале XX века. ...- С.73 (Ettisuv region was removed from the Omsk Military District, Dasht Governor-General and the Ministry of Internal Affairs and


- transferred to the Military District, Governor-General of Turkestan and transferred to the Ministry of Defense .. // Shushkova M.E. Organization of management of Turkestan in the beginning of the XX century. ... - P.73)
3. Bachner Ch. Das Vordringen des zaristischen Rußlands nach Zentralasien und der Aufbau der russischen Verwaltung von 1865 bis 1890. -Lengthal bei Dingolfing.2001. – P.164-169
 4. Эргашев Б. Делопроизводственная деятельность канцелярии Туркестанского генерал-губернаторства (историко-источниковедческий анализ). – Ташкент: 2015.-С.20 (Ergashev B. Office work of the office of the Turkestan Governor-General (historical and source analysis). – Tashkent: 2015.-p.20)
 5. Аминов И.И. Этапы развития правового статуса Закаспийской области в составе Российской империи (1834-1917гг.) // Исторические, философские, политические и юридические науки, культурология и искусствоведение. -Тамбов.2013. №2.Ч. 1. – С.12. (Aminov I.I. Stages of development of the legal status of the Transcaspian region within the Russian Empire (1834-1917) // Historical, philosophical, political and legal sciences, cultural studies and art history. -Tambov.2013. No. 2.Ch. 1. – P.12.)
 6. Историческая справка о развитии края//Обзор Закаспийской области за 1899 год. – Асхабад, 1900. – С.3. (Historical information about the development of the region//Overview of the Transcaspian region for 1899. - Askhabad, 1900. - P.3.)
 7. «Центральная Азия в составе Российской империи».–Москва, 2008. ил.(Авторский коллектив:С.Н. Абашин, ДЮ. Арапов и другие) – С.117. ("Central Asia as part of the Russian Empire". - Moscow, 2008. ill. (Authors: S.N.6. Abashin, DYu. Arapov and others) - P.117.)
 8. Пален К.К. Краевое управление. Отчёт по ревизии Туркестанского края. – С-Петербург, 1910. – С 33. (Palen K.K. Regional administration. Report on the revision of the Turkestan region. - St. Petersburg, 1910. - From 33.)
 9. 1891 йилда маъмурий жихатдан қуйидаги ўзгартиришлар киритилади: Марв уездининг Отамиш ва Тўхтамиш ерларини вақтинчалик бошқариш учун Ҳарбий вазирлик томонидан иккита офицер юборилади; худудининг нисбатан катталиги сабабли Асхабад уездидан Атек приставлиги, Марв уездидан Сарахс приставлиги ажратиб олиниб Тежен уезди таркибига киритилади (Қаранг: Давлетов Дж. Туркменский аул в конце XIX–начале XX века. ... – С. 55). (In 1891, the following administrative changes were made: Two officers were sent by the Ministry of War to temporarily manage the lands of Atamish and Tokhtamysh in Merv County; Due to the relative size of the territory, the Atek prefecture was separated from the Ashgabat district, and the Sarakhs prefecture was separated from the Marv district and included in the Tejen district (see Davletov Dj. Davletov J. Turkmen aul in the late 19th–early 20th century... – p. 55)
 10. Пален К.К. Краевое управление. Отчёт по ревизии Туркестанского края. – С-Петербург, 1910. – С.33-34. (Palen K.K. Regional administration. Report on the revision of the Turkestan region. - St. Petersburg, 1910. - From 33-34.)
 11. Аминов И.И. Этапы развития правового статуса Закаспийской области в составе Российской империи(1834-1917гг.). // Исторические, философские, политические и юридические науки, культурология и искусствоведение. –Тамбов: 2013. № 2.Ч. 1. – С.15. (Aminov I.I. Stages of development of the legal status of the Transcaspian region within the Russian Empire (1834-1917) // Historical, philosophical, political and legal sciences, cultural studies and art history. -Tambov.2013. No. 2.Ch. 1. – P.15.)



Азад Хасанович Ваисов,
Урганч давлат университети
тадқиқотчиси,
vaisovazad@gmail.com

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

For citation: Azad Kh. Vaisov, CHANGES IN THE ECONOMIC LIFE OF KHOREZM REGION DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE. Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.115-123

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола мустақиллик йилларида Хоразм вилоятининг иқтисодий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ўсиб борагани, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, эришилаётган ютуқлар мамлакат тараққиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилаётгани каби долзарб масалаларга бағишланган. Мустақилликнинг ўтган йиллари ўзбек халқи тақдирида туб ўзгаришлар даври бўлганлигини, амалга оширилган ишлар туфайли мамлакат қиёфаси ўзгариб бораётгани, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига мос ишлаб чиқариш муносабатлари шаклланиб, ислохотлар ва янгиланиш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт масалаларини ҳар томонлама ўрганиш, мазкур соҳада қўлга киритилган ютуқларни тарихий жиҳатдан илмий таҳлил қилиш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, Хоразм вилояти, иқтисодий ҳаёт, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, ўзбек халқи, бозор иқтисодиёти, инвестиция, миллий тараққиёт, иқтисодий ислохотлар, кичик бизнес, қўшма корхона, тадбиркор, микрокредитбанк, халқ билан мулоқот, инсон манфаатлари.

Азад Хасанович Ваисов,
Ургенчский государственный университет,
исследователь
vaisovazad@gmail.com

ИЗМЕНЕНИЯ В ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЖИЗНИ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ ЗА ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена таким актуальным вопросам, как изменения в экономической жизни Хорезмской области за годы независимости, рост социально-экономической активности населения, продолжающаяся созидательная работа, достижения которой вносят весомый вклад в развитие страны. Он отметил, что минувшие годы независимости стали

периодом коренных перемен в судьбе узбекского народа, главной целью которого является научный анализ.

Ключевые слова: Новый Узбекистан, Хорезмская область, экономическая жизнь, социально-экономические преобразования, узбекский народ, рыночная экономика, инвестиции, национальное развитие, экономические реформы, малый бизнес, совместное предприятие, предприниматель, микрокредитный банк, связи с общественностью, интересы человека.

Azad Kh. Vaisov,
Urgench State University researcher,
vaisovazad @ gmail.com

CHANGES IN THE ECONOMIC LIFE OF KHOREZM REGION DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE

ABSTRACT

This article is devoted to topical issues such as changes in the economic life of Khorezm region during the years of independence, the growing socio-economic activity of the population, the ongoing creative work, the achievements of which make a significant contribution to the country's development. He noted that the past years of independence have been a period of radical changes in the fate of the Uzbek people. scientific analysis is the main goal.

Index Terms: New Uzbekistan, Khorezm region, economic life, socio-economic changes, Uzbek people, market economy, investment, national development, economic reforms, small business, joint venture, entrepreneur, microcredit bank, public relations, human interests.

1. Долзарблиги:

Мустақилликнинг ўтган йиллари ўзбек халқи тақдирида туб ўзгаришлар даври бўлди. Амалга оширилган улкан ишлар туфайли мамлакат қиёфаси ўзгарди, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига мос янги хўжалик тизими ва ишлаб чиқариш муносабатлари шаклланди, бу жараёндаги ислохотлар ва янгиланиш, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт масалаларини ҳар томонлама ўрганиш эҳтиёжи туғилди. Мамлакатда, шу жумладан, унинг таркибий қисми бўлган Хоразм вилоятида мазкур соҳаларда қўлга киритилган ютуқларни тарихий жиҳатдан илмий таҳлил қилган ҳолда, ўтмишдан сабоқ олиш ва тарихий-илмий хулоса бериш долзарб вазифалардан биридир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида “Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва тарғиб қилишни янада ривожлантириш”[1] мақсади кўйилган. Зеро, “ўтмишдаги ютуқ ва ғалабалардан куч-қувват олиб, хато ва мағлубиятларидан хулоса ва сабоқ чиқариб яшайдиган халқ ўзининг тараққиёт йўли ва келажagini тўғри белгилай олади”[2.288], деб тўғри таъкидлади Президент Ш.Мирзиёев. Шу боисдан ҳам, мустақилликнинг ўтган йиллари давомида Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий ҳудуди ҳисобланган Хоразм вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги ўзгаришларни ҳаққоний ўрганиш долзарб вазифалардандир.

Бугунги кунда Ўзбекистон эришаётган, дунё тан олаётган улкан натижаларнинг негизида турган асосий омил, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Янги Ўзбекистонни барпо этиш – яқин ва олис тарихимиз, бетакрор ва ноёб маданий бойликларимизни янада чуқур ўрганиб, уларга таяниб, мустақил миллий тараққиёт йўлимизни янги босқичда давом эттириш”[3.31]дан иборат. Бу жараёнда ўтган йиллар давомида “халқимизнинг онгу тафаккури, ҳаётга, ўз тақдири, мамлакатимиз келажакига муносабати тубдан ўзгарганини ҳаммамиз кўриб турибмиз”[4.249]. Мустақиллик йилларида халқимизнинг фикрлаши, маънавий олами, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётгани барча ютуқлар пойдеворида, куч-қудрат манбаига айланганлигини, айниқса, юртимизда амалга

оширилаётган бунёдкорлик ишлари, эришилаётган ютуқларнинг негизда инсон омили ҳал килувчи роль ўйнаётганини кузатиш мумкин.

Бу давр, бир томондан, ижтимоий-иқтисодий муаммолар, демографик вазият ва ишсизликнинг кўпайиб бориши, экология танглиги, халқнинг маънавий жиҳатдан ҳақоратланиши оғир аҳволни вужудга келтирган асоратларни бартараф этиш, иккинчи томондан эса, тараққиётнинг янги босқичида барча соҳалардаги мавжуд муаммоларни ҳал этишдан иборат муҳим вазифалар тўпланиб қолаётган вазият эди. Бу борада барча вилоятлардаги каби Хоразм вилоятида ҳам халқ манфаати ва аҳолини кучли химоялашга оид кўплаб ислохотлар олиб борилди. Булар қаторида Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: "...истиклол йилларида босиб ўтган оғир ва машаққатли, тарихан қисқа бир даврда ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал этиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш борасида улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритганимизни фахр билан тилга оламиз"[5]. Шу боис, республика вилоятлари орасида ўзига яраша ўрни ва салоҳияти бўлган Хоразм вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз берган ўзгаришларни яқин ўтмиш билан қиёсий таққослаган ҳолда ўрганиш долзарбдир.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мустақил Ўзбекистон тарихшунослигида вилоятлар тарихи алоҳида тадқиқот объекти сифатида кам ўрганилган. Жумладан, Хоразм вилоятининг мустақиллик даври тарихи алоҳида, яхлит тадқиқот иши сифатида тўлиқ ўрганилмаган. Мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётини турли соҳа олимлари маълум даражада ўрганиб, мавзуга қисман тўхталиб ўтганлар. Шу боис, Хоразм вилоятининг мазкур даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришларни ўрганиш ва чуқур таҳлил этиш муҳим илмий аҳамиятга эга.

XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида кўпгина олимлар учун Қуйи Амударё худуди, жумладан, Хоразм вилояти асосий мавзуга айланди. Мазкур гуруҳлар мавзулар йўналиши ҳамда Қуйи Амударё худуди ижтимоий-экологик муҳитининг муҳим масалаларини очиб бериш усули билан фарқ қилади. Аксарият адабиётларда ушбу худуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг фақат ижобий томонлари акс этган. Муаммо коммунистик мафкура нуқтаи назаридан ёритилган бўлса-да, улардаги тарихий жараёнлар моҳияти очиб берилгани муҳим"[6.53]. Олимлар кўплаб ҳужжатли манбаларни илмий муомалага киритиб, қисман бир тизимга солишга эришганлар.

Мустақилликка эришиш арафасида ва мустақиллик йилларида чоп этилган асарларда Орол денгизи атрофидаги экологик вазият, унинг ижтимоий ҳаётга таъсири ёритилган. Жумладан, ижтимоий-иқтисодий ҳамда экологик вазият Л.Максакова, Р.Убайдуллаева, Р.Аминова, Ф.Камилова асарларида қисман ёритилган. Уларда мустақил фикрлаш, холис баҳо бериш ҳамда Ўзбекистон ҳаётидаги салбий ҳолатларни қисман бўлса-да, акс эттириш руҳи сезилади"[7.143].

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида аҳоли бандлиги, ижтимоий химоялаш ва миграция масалаларини ўрганишга Л.Максакова, Д.Бобожонова, Э.Аҳмедов ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар. Жумладан, Д.Бобожонова "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар" номли қўлланмасида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, демографик жараёнлар, аҳоли бандлиги масалаларини таҳлил қилган[8.160].

Юқорида келтирилган асарлар XX аср охирларида республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз берган тарихий ўзгаришлар ҳақидаги фикр ва тасаввурларни янада кенгайтириш имконини беради. Айниқса, тадқиқотлардаги кўплаб фактик маълумотлар катта қизиқиш уйғотади. Ушбу тадқиқотларнинг илмий қиммати Ўзбекистондаги демографик вазият, урбанизация жараёнлари билан боғлиқ масалаларнинг атрофлича ёритилганлигидадир, бироқ мазкур тадқиқотларда мустақиллик йилларида Хоразм вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий аҳвол мавзуси яхлит ўрганилмаган. Бироқ, тадқиқотларда келтирилган фактик маълумотлар бу даврдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни қиёсий ўрганишда муҳим илмий аҳамиятга эга.

Мустақиллик йилларида Қуйи Амударё минтақаси аҳолисининг ижтимоий-экологик муаммолари бўйича иқтисодчи ва географ олимлардан З.Абдалова, Р.Жўраев, Н.Айимбетов ва М.Ҳамроевлар тадқиқот ишлари олиб бордилар”[9.24]. Мазкур тадқиқотларда Қуйи Амударё худуди шаҳарлари аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, Хоразм вилоятидаги ижтимоий-экологик вазият, аҳоли саломатлиги масалалари ўрганилган.

Мустақиллик йилларида Хоразм вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий аҳвол мавзуси яхлит тадқиқот сифатида алоҳида ўрганилмаган ҳамда мазкур мавзуда илмий тадқиқот иши яратилмаган. Шу боис, мавзунинг тадқиқ этиш муҳим ва долзарб ҳисобланади.

Мутахассисларнинг тадқиқотлари натижаси Хоразм вилоятида мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий аҳволни ҳаққоний баҳолашда назарий манба бўлиб хизмат қилди. Мазкур адабиётлар ва тадқиқотларнинг таҳлили шундан далолат берадики, бу даврда Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий худуди, хусусан Хоразм вилояти ижтимоий-иқтисодий ҳаётида содир бўлган туб ўзгариш ва янгиланишлар ҳамда мулкчиликнинг шаклланишини кенг ёритиб берувчи махсус илмий тадқиқот иши яратилмаганлиги боис, Орол денгизи фожеси билан боғлиқ экологик муаммолар марказида жойлашган мазкур вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳа ютуқ ва муаммоларини тарихий жиҳатдан илмий таҳлил қилиб, тажрибасидан хулоса чиқариш, илмий нуқтаи назардан ўрганиш тарих фани олдида турган долзарб вазифалардандир.

3.Тадқиқот натижалари:

Ўз табиати, саҳоватли тупроғи, кўҳна тарихи ва бой маданияти, мана шу ерда ҳар қандай қийинчилик ва синовларга бардош бериб, она юртига садоқат билан яшаётган, ўз кучига ишонган, матонатли одамлар юрти эканини, самимийлик, қандай аччиқ бўлмасин, ҳақиқатни очик айтиш, мавжуд вазиятни ҳаққоний баҳолаш каби хусусиятлар айнан шу Хоразмга мансублигини таъкидлаб, Президент Ш.Мирзиёев: “ўзининг қадимий тарихи мобайнида кўп синов ва машаққатлардан ўтган, ҳаётнинг маъноси, инсоннинг қадр-қимматини яхши англайдиган Хоразм аҳли”нинг бундай фазилатларини юқори баҳолаб: “бутун халқимиз қаторида гўзал ва бетакрор Хоразм вилояти аҳлининг тинч, эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш, унинг эзгу орзу-ниятларини амалга ошириш йўлида бутун борлиғимни аямасдан хизмат қилишни ...юксак шараф деб биламан”[10.271-272], деди.

Мустақиллик республикага ўз халқининг фаровонлигини яхшилашдек ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этиш имконини бергани боис, Ўзбекистон “том маънода улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди”[11]. Унда Хоразм вилоятининг ҳам муносиб ўрни бор. Бутун мамлакатда бўлгани каби, вилоятда ҳам ўсиш суръатлари таъминланиб, ютуқлар қўлга киритилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин мамлакат олдида, мавжуд қийинчиликлардан ташқари, кўплаб янги муаммолар ҳам юзага қалқиб чиқди. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий соҳаларига оид қатор долзарб муаммолар ўз ечимини кутарди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида амалга оширилган ислохотлар таҳлили шунини кўрсатдики, сохта инқилобий сакрашларсиз, фожиали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш йўли жонланди. Мамлакат иқтисодиётининг таянчи моддий ишлаб чиқариш соҳаси ҳисобланар экан, унинг тараққиёт йўлини нафақат амалий, балки назарий жиҳатдан англаб олишда Президент фармонлари ва қарорларининг аҳамиятини алоҳида эътироф этиш лозим. Бу борада Президент Ш.Мирзиёевнинг фикрларини келтириш ўринли: “Иқтисодий мустақилликка эришмасдан сиёсий мустақилликни таъминлаб бўлмайди”, деган тамойил ва энг муҳим устувор вазифани амалга ошириш стратегик масала”[12.5] эди. Зеро, ушбу белгиланган вазифаларда муҳим стратегик қоидалар тасдиқланиши баробарида ислохотларнинг асосий мафқураси ва амалга оширилишининг муҳим босқичлари акс этган[13.19]. Ушбу нуқтаи назардан ёндашганда, мустақиллик йилларида, Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 6 марта ўсди. Унда саноатнинг улуши 14 фоиздан 34 фоизга кўтарилди”[14.5]. Айниқса, бу изчил ривожланишнинг иккинчи ўн йиллигида Хоразм вилоятида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилди, жумладан, хорижий сармоя иштирокида Урганч туманида “Хоразм Нуртоп”, Ҳазораспда “Унихо”,

“Гурлантекс” ва бошқа бир қанча корхоналар бунёд этилди[15.6]. Кўплаб янги қурилишлар, автомобилсозлик заводи ва бошқа янги қувватлар ишга туширилди, инвестициялар жалб қилинди, минглаб янги иш ўринлари яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасига 1994-1996 йилларда жалб қилинган хорижий инвестициялар миқдори 300895,0 минг АҚШ долларини ташкил этган бўлса, шундан Хоразм вилоятига ушбу миқдорнинг 2129,4 минг АҚШ доллари жалб қилинди[16.84].

Дунёдаги ҳар бир мамлакат ўзига хос бўлган сиёсатига, иқтисодий-ижтимоий, геополитик ва табиий географик шароитига эга. Ишлаб чиқилган миллий моделда Ўзбекистоннинг нафақат умумий ўзига хосликлари, балки вилоятлар, ҳатто ҳар бир шаҳарнинг айнан ўзига хос хусусиятлари, миллий-маҳаллий анъаналари, ишлаб чиқариш воситалари ҳисобга олинган, чунки уларнинг ҳар бири иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳаларда бир-биридан ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилиниши ана шундай ўзига хос хусусиятларга эга бўлган Хоразм тарихида ҳам янги саҳифалар очди. Вилоят иқтисодиётида улкан ўзгаришлар рўй берди. 1991 йилга келиб, Хоразм вилоятида кўпи билан 1,5-2 минг корхона ва ташкилот, 2 та банк мавжуд бўлган бўлса[17.7-8], 2011 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, вилоят иқтисодиётининг реал секторида 25 та йирик саноат корхоналари, микрофирма ва кичик корхоналар эса 11634 тани ташкил қилди[18.48]. Қисқа даврда бундай ўзгаришлар рўй беришида вилоятнинг меҳнаткаш, фидойи халқининг муносиб ҳиссаси борлиги кузатилади.

Маълумки, мамлакат иқтисодиётининг таянчи моддий ишлаб чиқариш соҳаси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, мустақиллик йилларида вилоят иқтисодий ҳаётида ижобий ўзгаришлар рўй берди, кўплаб янги қурилишлар, янги қувватлар, саноат корхоналари ишга туширилди, инвестициялар жалб қилинди, ишчи ўринлар яратилди, янги маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. 1991-1999 йилларда Хоразм вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига назар ташланса, вилоятда ўсиш 1996 йилда 1995 йилга нисбатан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 102,9 фоизни, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш 134,3 фоизни ташкил қилди[19.3].

1995 йили Ўзбекистонга киритилган хорижий инвестициялар ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 6204,9 млн.сўмни ташкил этган бўлса, шунинг 68,1 млн. сўмлик миқдори Хоразм вилояти саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган. Бу республикада ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 1,1 фоизига тенг[20.85]. 1996 йили Хоразм вилоятига киритилган чет эл инвестициялари ҳажми 384,8 минг сўм миқдорида озиқ-овқат, 41,1 минг сўм миқдорида экспорт ва 493,8 минг сўм миқдорида импортни ташкил этган бўлса, импорт ва экспорт сальдоси – 452,7 минг сўмни ташкил этди[21.86].

1999 йилга келиб, биргина Урганч шаҳрининг ўзида 13 та кўшма корхона фаолият олиб борганлиги мустақиллик шарофати эканлигини кўрсатади[22.53]. Мисол учун, 1992 йил 20 февралда вилоят юрак қон-томир касалликлари диспансери, 1993 йил сентябрида вилоят саноат-қурилиш банкининг янги биноси фойдаланишга топширилди. 1994 йил май ойида Хоразм вилоятининг Дўстлик шаҳридаги Автомобиль заводида Германиянинг машҳур “Мерседес-Бенс” юк машиналари ишлаб чиқарила бошлади. Шу йили август ойида Бўғот туманида тиббиёт пахтаси ишлаб чиқаришга мўлжалланган Ўзбекистон-Россия-Буюк Британия “Хива”, 1995 йил 18 январда Хивада “Хоразм-Мавера-Пласт” Ўзбекистон-Туркия кўшма корхоналари, 1995 йил декабрь ойида республикада иккинчи бўлиб подшипник корхонаси иш бошлади. 1997 йил апрелида Гурлан туманида Туркиянинг “Язекс” фирмаси билан ҳамкорликда “Гурлантекстиль” пахта толасини қайта ишлаб, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган замонавий тўқимачилик мажмуаси[23.160], шу йили 20 октябрда Урганчда Кока-Кола заводи, 1998 йил сентябрда мамлакатда энг йирик ҳисобланган, суткасига 3 минг тонна қанд лавлагини қайта ишлайдиган, йилига 45 минг тонна шакар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган Ҳазорасп шакар заводи ишга туширилди. 1999 йил июнь ойида Урганч шаҳрида халқаро аэропортнинг янги биноси ишга туширилди. Айни пайтда, шу ерда пойафзал ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон-Италия “Даритал” кўшма корхонаси, 1999 йил октябрида “Хонқа-дон” ҳиссадорлик жамияти қошида мевалардан

турли экспортбоп шарбатлар ишлаб чиқариш корхонаси очилди. Шу йили декабрда Урганч шаҳрида “Хоразм-Феруз” ХЖ базасида чет эл технологиясига асосланган тикувчилик бўйича “Бизинтруд” МУЖ корхонаси ишга тушди. 2000 йил август ойида Урганч тумани Ғайбу кишлоғида замонавий Мини сут заводи ва июнь-ноябрь ойларида “Боғот-дон” хиссадорлик жамияти қошида мевалардан турли хил шифобахш шарбат ишлаб чиқарувчи корхона фаолият кўрсата бошлади[24. 154-173].

Мустақиллик йилларида Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг регионал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, юқори самарали саноат ва ишлаб чиқариш тизимини шакллантириш ҳукумат иқтисодий сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бирига айланди. Хоразм вилояти аҳолиси эришган муваффақиятларда республика ҳукуматининг вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга катта эътибор қаратаётганлиги асосий омил бўлди.

4.Хулосалар:

Ўзбекистонда ўзининг иқтисодий салоҳияти билан муҳим ўрин тутадиган Хоразм вилояти ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлардан хулоса шундан иборатки, ислохотларнинг дастлабки босқичида тинчлик, барқарорлик, фуқаролар тотувлиги ва миллий тотувлик сақланганлиги сабабли бозор иқтисодиётига ўтиш босқичма-босқич амалга оша борди.

Хоразм вилоятида автомобиль ва темир йўлларнинг узайиши ва тармоқлашуви минтақа иқтисодиётининг ривожланишига катта ҳисса қўшиш имконини берди. Аҳолини иш билан таъминлаш, чет давлатларга чиқиш, мамлакатнинг транзит ролини кенгайтди. Маҳаллий саноатда, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида хусусийлаштиришнинг амалга оширилиши сифатли саноат маҳсулотларни ишлаб чиқарилишини, рақобат муҳитини яратишга, хизмат кўрсатиш турларининг кўпайишига олиб келди. Вилоятда товар ва хизмат кўрсатиш бозорининг таркибий қисми бўлган Гурлан ва Шовот деҳқон бозорларининг иқтисодий самараси, яъни олинган фойданинг ҳаражатларга нисбатан кўрсаткичи 2008 йилда Гурлан деҳқон бозорида 76,6 фоизни, Шовотда эса 78,8 фоизни ташкил қилганидаги устунлик савдосотиқ, пуллик хизмат ва тадбиркорлик каби омилларнинг ижобий таъсири натижасидир[25.14]. Вилоятда 2011-2016 йилларда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 1,6 баробар ошган, унда саноатнинг улуши 25,5 фоизга етган, жумладан, шу даврда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,5 баробар, истеъмол товарлари 3,3 баробар, қурилиш ишлари 1,8 баробар ўсган[26.250].

Умуман олганда, 1991-2021 йилларда Ўзбекистон шимолий қисмида жойлашган Хоразм вилояти иқтисодиётида замонавий ёндашувларни жорий этиш натижасида кенг қўламли ишлар олиб борилди. Деярли барча корхоналарда эски жиҳозлар ўрнига янги техника ва технологиялар олиб келинди. Мустақил тараққиёт йиллари давомида бу ишларнинг барчаси минтақа аҳолисининг саноат маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш, маҳсулот сифатини яхшилашга эришиш, оғир қўл меҳнати шароитида ишлаётган саноат корхоналарини ҳамда қишлоқ хўжалигини янги замонавий техника билан жиҳозлаш имконини берди. Шу билан бирга, вилоятнинг экологик вазияти оғир минтақада жойлашганлиги, марказдан узоқлиги, аҳоли ва меҳнат ресурсларининг ўсаётганлиги, ишлаб чиқаришда қишлоқ хўжалигининг салмоғи юқорилиги товарлар ва хизматлар бозорининг ривожланишида бир қанча муаммоларнинг ҳам мавжудлигини кўрсатди.


Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони/ <https://lex.uz/pdfs/5841063>. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-60 of January 28, 2022 "On the Development Strategy of the New Uzbekistan for 2022-2026" / <https://lex.uz/pdfs/5841063>)

2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси.–Тошкент:Ўзбекистон, 2021–Б.288. (Shavkat Mirziyoev. Strategy of the new Uzbekistan.–Tashkent: Uzbekistan, 2021–P.288.)
3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. – Toshkent Toshkent:O'qituvchi MU MCHJ, 2021.– Б.31. (Shavkat Mirziyoev. New Uzbekistan is becoming a country of democratic change, wide opportunities and practical work. - Tashkent Tashkent: Teacher MU LLC, 2021.– P.31.)
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.249. (Shavkat Mirziyoev. We will build our great future together with our brave and noble people. - Tashkent: Uzbekistan, 2017. - P.249)
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма олти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи//XXI ASR, 2017 йил 1 сентябрь. (Speech of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the solemn ceremony dedicated to the twenty-sixth anniversary of independence of the Republic of Uzbekistan // XXI Century, September 1, 2017)
6. Алимов Т., Рафиқов А. Экологик хатолик сабоқлари.–Тошкент:Меҳнат, 1991.–53 б. (Alimov T., Rafiqov A. Lessons of ecological error. – Tashkent: Mehnat, 1991. – 53 p.)
7. Максакова Л. Демографические проблемы занятости в УзССР.–Ташкент: Ўзбекистон, 1989.–175 с.; Убайдуллаева Р. Социально-демографическое развитие трудообеспеченных районов СССР.–Москва:Наука, 1989. –206 с.; Аминова Р. Қайта куриш шароитида Ўзбекистонда социалистик ривожланишнинг долзарб муаммолари.– Тошкент: Фан, 1991.–48 б.; Камилова Ф. Демографический потенциал Узбекистана.– Ташкент:Ўзбекистон, 1991.–143 с. (Maksakova L.P. Demographic problems of employment in the USSR. - Tashkent: Uzbekistan, 1989. - 175 p .; Ubaydullaeva R. Sotsialno-demograficheskoe development of labor-intensive districts of the USSR (sb. Stat.). - Moscow: Nauka, 1989. - 206 p .; Aminova R. Current problems of socialist development in Uzbekistan in the context of reconstruction. - Tashkent: Fan, 1991. – 48 p .; Kamilova F. Demographic potential of Uzbekistan. - Tashkent: Uzbekistan, 1991. - 143 p.)
8. Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 160 б. (Bobojonova D. Socio-economic relations in Uzbekistan. - Tashkent: Sharq, 1999. - 160 p.)
9. Абдалова З. Социально-экономические условия развития городских поселений Нижнеамударьинского района: Дисс. ... канд. экон. и социал. геог. наук. – Ташкент, 1995. – 156 с; Джураева Р.Трансформация хозяйственных систем в условиях экологического кризиса (РеспубликаКаракалпакистан и Хорезмская область): Автореф.дисс...канд. экон. наук.–Ташкент.1999.–23 с; Айимбетов Н. Мураккаб экологик вазият шароитида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни моделлаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида): Иқт. фан. докт. дисс... автореф. -Тошкент, 2000. –38 б; Ҳамроев М. Хоразм вилояти ижтимоий экологияси ва аҳоли саломатлигининг географик хусусиятлари. Геог. фан. номзод.дисс....автореф. – Тошкент, 2009.– 24 б. (Abdalova Z. Sotsialno-ekonomicheskie usloviya razvitiya gorodskix poseleniy Nizhneamударьинского rayona: Diss. ... cand. ekon. and social. geog. nauk.– Tashkent, 1995. - 156 p .; Djuraeva R.Transformation of economic systems in the conditions of ecological crisis (Republic of Karakalpakstan and Khorezmskaya oblast): Avtoref.diss ... kand. ekon. nauk. – Tashkent.1999. – 23 s; Ayimbetov N. Modeling of economic and social processes in a complex environmental situation (on the example of the Republic of Karakalpakstan): Iqt. fan. doct. diss ... avtoref. -Tashkent, 2000. – 38 p; Hamroev M. Geographical features of social ecology and population health of Khorezm region. Geog. fan. nomzod.diss avtoref. - Tashkent, 2009.– 24 p.)
10. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.271 -272. (Shavkat Mirziyoev. We will build our great future together with our brave and noble people. - Tashkent: Uzbekistan, 2017. - P.271 -272.)
11. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон

- Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси//Халқ сўзи, 2017. 8 декабрь. (The Constitution is a free and prosperous life, a solid foundation for the further development of our country. Speech by President Shavkat Mirziyoyev at the solemn ceremony dedicated to the 25th anniversary of the adoption of the Constitution of the Republic of Uzbekistan // People's speech, 2017. December 8.)
12. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Ўзбекистон:НМИУ, 2017. – Б.5. (Shavkat Mirziyoyev. We will resolutely continue our path of national development and raise it to a new level. Volume 1 - Uzbekistan: NMIU, 2017. - P.5.)
 13. Эркаев А. Ўзбекистон йўли. – Тошкент: Маънавият, 2011. – Б.19. (Erkaev A. The way of Uzbekistan. - Tashkent: Manaviyat, 2011. – P.19.)
 14. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Ўзбекистон:НМИУ, 2017. – Б.5. (Shavkat Mirziyoyev. We will resolutely continue our path of national development and raise it to a new level. Volume 1 - Uzbekistan: NMIU, 2017. - P.5.)
 15. Бобожонов Б., Мадрахимов Қ. Асрга тенг йиллар. Хоразм вилояти мустақиллик йилларида. 2-китоб. – Тошкент:YANGI NASHR, 2011. – Б.6. (Bobojonov B., Madrahimov Q. Years equal to a century. Khorezm region in the years of independence. Book 2. - Tashkent: YANGI NASHR, 2011. – P.6.)
 16. ЎЗМА, М-20-фонд, 1-рўйхат, 10-йиғма жилд, 84-варақ. (UzMA, fund M-20, list 1, collection 10, page 84.)
 17. Бобожонов Б. Асрга тенг йиллар. Хоразм вилояти мустақиллик йилларида.–Тошкент: Истиқлол, 2001.–Б.7-8. (Bobojonov B. Years equal to a century. Khorezm region in the years of independence. – Tashkent: Istiqlol, 2001. – P.7-8.)
 18. Бобожонов Б., Мадрахимов Қ. Асрга тенг йиллар. Хоразм вилояти мустақиллик йилларида. 2-китоб. – Тошкент:YANGI NASHR, 2011. – Б.48. (Bobojonov B., Madrahimov Q. Years equal to a century. Khorezm region in the years of independence. Book 2. - Tashkent: YANGI NASHR, 2011. – P.48.)
 19. Хоразм вилояти Статистика бошқармаси жорий архиви.1991-2000 йиллар тўплами. – Урганч, 2000. – Б.3. (Current archive of the Statistics Department of Khorezm region. Collection of 1991-2000. - Urgench, 2000. – P.3.)
 20. ЎЗМА, М-20-фонд, 1-рўйхат, 10-йиғма жилд. Объем продукции предприятий с иностранными инвестициями Республики Узбекистан в разрезе областей. 85-варақ. (UzMA, M-20 fund, list 1, collection 10. The volume of production of enterprises with foreign investments in the Republic of Uzbekistan in the region. Page 85.)
 21. ЎЗМА, М-44-фонд, 1-рўйхат, 10-йиғма жилд. Объем продукции, работ, услуг, экспорта и импорта предприятий с иностранными инвестициями Республики Узбекистан за 1996 г. 86-варақ. (UzMA, Fund M-44, List 1, Volume 10. The volume of production, work, services, export and import of enterprises with foreign investment in the Republic of Uzbekistan for 1996 Page 86.)
 22. Бойжонов И. Хумо қўнган шаҳар. – Урганч: Хоразм, 1999. – Б. 53. (Boyjonov I. The city where Humo landed. - Urgench: Khorezm, 1999. – P. 53.)
 23. Ўзбекистон худудлари мустақиллик йилларида. – Тошкент: Шарқ, 1996. – Б.160. (Territories of Uzbekistan in the years of independence. - Tashkent: Sharq, 1996. – P.160.)
 24. Бобожонов Б. Асрга тенг йиллар. Хоразм вилояти мустақиллик йилларида. – Тошкент: Истиқлол, 2001.– Б.154-173. (Bobojonov B. Years equal to a century. Khorezm region in the years of independence. - Tashkent: Istiqlol, 2001.– P.154-173.)
 25. Худайбергенов Д. Иқтисодий тиричилик ривожлантиришда товарлар ва хизматлар бозори самарадорлигини ошириш имкониятлари (Хоразм вилояти мисолида). Дисс.автореф.иқт.фан. номз. – Самарқанд, 2010. – Б.14. (Xudayberganov D. Opportunities to increase the efficiency of the market of goods and services in the development of the


- economy (on the example of Khorezm region). Diss.avtoref.iqt.fan. nomz. - Samarkand, 2010. – P.14.)
26. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажгимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.250. (Shavkat Mirziyoev. We will build our great future together with our brave and noble people. – Tashkent: Uzbekistan, 2017. – P.250.)



S.I.Gabrielyan,
Tarix fanlari nomzodi,
Jahon tarixi kafedrasini dotsenti
Mirzo Ulug'bek nomidagi
O'zbekiston Milliy Universiteti
gabsofya@yandex.ru

XX ASR BOSHLARIDA ANGLIYA JAMOATCHILIK FIKRINING FORSDAGI BUYUK BRITANIYA SIYOSATIGA MUNOSABATI

For citation: S.I.Gabrielyan, THE ATTITUDE OF ENGLISH PUBLIC OPINION TO THE POLICY OF GREAT BRITAIN IN PERSIA AT THE BEGINNING OF THE 19 CENTURY. Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.124-131

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

ANNOTATSIYA

Maqola XIX asr oxiri- XX asr boshlarida Eronda Britaniya va Rossiya siyosati bo'yicha Britaniya siyosatchilari va parlament tashkilotining g'oyalariga bag'ishlangan. Yigirmanchi asrning boshlarida ikki mamlakat o'rtasidagi munosabatlardagi asosiy muammo Angliya-Rossiya Konvensiyasi 1907 yil atrofida to'plangan, O'rta Sharqda ta'sir doiralarini ajratish to'g'risida, uning imzolanishi natijasida eski g'oyalar va stereotiplar Rossiya va Buyuk Britaniyaning ikki tomonlama munosabatlarini rivojlantirish uchun muayyan tormoz bo'lib xizmat qildi, bu ikki imperiya o'rtasidagi munosabatlarni mustahkamlashga to'sqinlik qiladigan o'zaro shubha, ishonchsizlik va ortiqcha ehtiyotkorlik manbai bo'lib xizmat qildi. Britaniya parlamentida hukumat faoliyati, ularning Farsiyaning beyyaraf zonasiga, hatto Rossiya ta'siri ustuvor bo'lgan shimoliy tumanlarga kirish bo'yicha strategiyasi va taklifi keng muhokama qilindi.

Kalit so'zlar: Buyuk Britaniya, Rossiya, Fors, O'rta Sharq, Angliya-Rossiya konvensiyasi 1907, parlamentdagi munozaralar, mehnat partiyasi, konservatorlar.

С.И. Габриэлян,
Кандидат исторических наук,
Доцент кафедры всемирной истории
Национального Университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека
gabsofya@yandex.ru

Мўғуллар давридаги овқатланиш ва қўшинни озиқ-овқат билан таъминлаш кейинчалик темурийлар даврида анча такомиллашиб борди. “Амир Темур қўшини билан бирга қассоблар, баковуллар қоврулган ва пиширилган гўшт билан савдо қилувчилар, арпа ва мева сотувчилар, новвойлар ҳам кўчиб юрган. Қўшин учун озиқ-овқат жамлаш муҳим аҳамият касб этар эди. Бу вазифа Аллоҳдод, Оқ Темур баҳодир сингари саркардалар зиммасига юклатилар эди”[8]. Улар қўшинни жанг олдида керакли озиқ-овқат билан таъминларди.

1391 йилда Амир Темур Тўхтамиш билан бўлган жангда қуйидаги чора тадбирларни кўришни лозим топди. Юриш олдида ўзига тегишли бўлган ерлар хавфсизлигини таъминлади, жангдаги тахмин қилинаётган юришлар йўналиши бўйлаб дон ва бошқа экинларни экишни буюриб, катта озиқ-овқат захирасини тўплаб қўйди. 1391 йил 19 январда 3 ойлик чўл сафаридан сўнг қўшинлар озиқ-овқатдан қийнала бошладилар ва шу сабабли Амир Темур қуйидагича фармон берди: катта-кичик барчага қаттиқ жазо бериш шarti билан лаззатли таомлар истеъмол қилишни таъқиқлади, кундузги таом миқдорини камайтириш, фақатгина ун, ўт ёки тарик пояси билан аралаштирилган майда қилиб тўғралган гўшт бўлаклари билан озиқланишни буюрди. Ҳар бир киши истеъмол қилиш учун мўлжалланган ун миқдори ҳам камайтирилиб, 25 фунт ун 60 кунлик истемол учун тайинланди. Бу чоралардан ҳам қоникмаган Темур қўшинларга қаттиқ жавобгарлик остида ўз озиқ-овқат захираларини ўртада тенг бўлишга мажбур этди. Бундан ташқари жангчиларга тановул қилиш мумкин бўлган ўтларни, қуш тухумларини йиғшни умуман ҳайвон ва қушларни ушлаш учун умумий ов уюштиришни буюрди. У даврларда қўшинни ов қилиб ушланган ҳайвон ва парранда гўшти билан боқиш оддий бир ҳол эди[9]. Юқоридаги келтирилган маълумотдан шундай хулосага келинадики, Амир Темур қўшинни жазолаш тури сифатида ҳам озиқ-овқатдан фойдаланишган, шунингдек рағбатлантириш мақсадида ҳам бу усулдан фойдаланган. “Тўхтамишга қарши жангдаги ғалабадан сўнг Амир Темур ўз одати бўйича жасорат кўрсатганларни тақдирлаб, жангчиларни турли ноз-неъматлар билан зиёфат қилди ва қимматбаҳо идишларга қуйилган қимиз билан сийладилар[10]”.

Бизга маълумки, ҳар қандай меҳмон аввало чиройли дастурхон ёзиш билан кутиб олинади, бу ҳол барча замонлар учун хос бўлган ҳолатдир. Ҳар қайси мамлакат меҳмонни ўзининг миллий таомлари билан сийлашга ҳаракат қилади, туркий халқлар учун гўшт маҳсулотлари ва мева-сабзавотлар ҳар доим асосий таом ҳисобланиб келган. Амир Темур давлатида зиёфатда ейилмай қолган таомларни меҳмонларнинг хизматкорлари уйига олиб кетардилар. Таомни олмаслик ҳурматсизлик сифатида қараларди. Испания элчиси Клавихо ўз “Эсталиклар”ида биргина давлат зиёфатининг ўзидан бутун элчихона ҳодимларини олти ой мобайнида боқишга етадиган озиқ-овқат олиб кетганлигини хабар қилади.

“Май масаласига келганда, - дея ёзганди архиепископ Жон, - бутун сарой аҳлига уни ичиш таъқиқланганди. Фақат насронийларгина бундан мустасно бўлиб, тушлик чоғи улар май ичишлари мумкин эди, аммо тушликдан сўнг улар чанқасалар сув ёки қимиз ичишлари лозим бўларди”[11]. Бундан кўриниб турибдики, темурийлар саройида майхўрлик қаттиқ назоратга олинган, шу билан бирга бошқа дин вакиллариининг ҳуқуқлари ҳам ҳурмат қилиниб, уларга мумкин бўлган исимлик ва озиқ-овқат маҳсулотларини истемол қилишга руҳсат этилган.

Зарафшон водийси ва унинг атрофидаги яйлов ва далалар шаҳарни озиқ-овқат билан мўл-кўл таъминларди. Уй ҳайвонлари, балиқ, овланадиган қушлар ва уй паррандалари эса зотли эдилар. Машҳур ҳисори қўйлари камида йигирма кодоқ тош босарди. Қўйлар шу даражада кўп эдики, Темур лашкарлари аскаргоҳда турган маҳалларида бир дукатга (дусат Италияларнинг олтин ёки кумушдан ясалган қадимий пул бирлиги) ҳатто иккита қўй харид қилиш мумкин бўларди. Водий жуда катта миқдорда ғалла ҳосили етиштирган бир неча пенсга

(пенс инглизларнинг 1/12 шилинга тенг майда чақаси) бир ярим бушел (инглизларнинг 36,4 кг га тенг) арпа сотиб олса бўларди. Нон ҳамма жойда сероб, гуручни ҳар қанча микдорда арзон-гаровга сотиб олса бўларди. Бутун шаҳар бўйлаб очик дўконларда қоврулган ёки димлаб пиширилган тайёр гўшт сотиларди, тановул қилишга тайёрлаб қоврулган товуклар, ғозлар ва умуман ёввойи паррандаларни харид қилиш мумкин эди. Бу ноз-неъмат ва озиқ-овқатлар дид билан ва покиза шароитда сотиларди, савдо сотиқ кун бўйи ва ҳатто тунда ҳам давом этарди...”[12]

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўзининг “Бобурнома” асарида юртимизнинг турли хил ноз-неъматлари, мевалари, полиз маҳсулотларини таърифлаб, уларнинг маззасини бошқа юртларда учратмаганлигини келтириб ўтадилар. Темурийлар давридаги овқатланиш ва меҳмон кутиш тартиби кейинчалик Бухаро, Хива ва Қўқон хонликларида ҳам давом этган. Бу даврдаги овқатлар ҳақидаги маълумотларни кўплаб хорижий сайёҳларнинг асарларида ҳамда эсталикларида кузатишимиз мумкин 1842 йили Хива хони билан учрашган эронлик элчи Алихон Ғафур ўз кундалигида шундай тасвирлайди: “Хон ҳазратнинг овқатлари, асосан, от гўшtidан тайёрланади, хон отнинг дурқуни ва нафсини ейди. Қаерда от ёки ёбу суйсалар, уларнинг дурқуни ҳамда нафси ул жанобникидир. Ҳеч кимнинг уни ейишга ҳаққи йўқ, фақат хон ҳазратлари учунгина йиғиб келтирилади. Хон уларни ўз қўли билан тозалайди, майдалайди ва пишириб ейди. Бу унинг энг яхши ва тансиқ таомидир...”[13]

Кўплаб адабиёт ва тарихга оид мерос бўлиб қолган асарлар орасида Эронлик элчи Ризоқулихон томонидан нашр эттирилган Хива хонлиги элчилигига доир “Сафоратномаи Хоразм” номли хотира китоби ҳам мавжуддир. У хон амалдорларининг ўзига берилган зиёфатини шундай тасвирлайди: “ дастурхон келтириб қўйдилар, уларнинг қонунини бўйича ноннинг бир четидан ушатиб, оғзимга солдим. Сўнг чой келтирдилар. Шундан кейин таом тортдилар. Таомлари хусусида ҳам айталик: гурунчини кунжут ёғи билан қайнатиб сўнг дамлайдилар. Шу қозонда пиширилган қўй гўштини ҳам дастурхонга алоҳида тортадилар. Фаррош боши таомларни дастурхонга териб чиқади. Хизматчи белининг чап томонига боғлаганча осилтириб қўйган пичоқ билан гўшtlарни суягидан ажратиб, таом устига қўяди. Туёқ суякларини уй эгаси олдига қўяди. Мабодо, ўтиришда жуда азизроқ бир киши бўлса, ўшанинг олдига қўяди. Қовуриб ва қайнатиб пиширилган сабзи ҳам шу таом устига қўйилади. Гурунчга бироз сут қўшиб ош пиширадилар. Тортганда устида кунжут ёғи, унинг ичида эса куриган ўрик ва бухоро олуси ва шунга ўхшаш нарсалар солинган бўлади (менимча бу ерда гап “ширгуруч” ҳақида кетмоқда). Хўришига гўшт ҳам пишириб қўйилади. Қовун, узум ёки анжир, ўрик каби қайси пишган мевадан бўлмасин, гоҳо уларнинг хоми, яъни довуччасини ҳам дастурхонга қўяверадилар. Катта-катта рус қанди, оқ новвот ва гулобни битта катта баркашга териб, дастурхон ўртасига қўядилар. Гўштни пиёз билан аралаштириб қовурсалар, уни чалов дейдилар ва бу уларнинг энг яхши овқатидир. Хуллас, мен ул вилоятнинг энг яхши полиз меваси бўлган қовундан озгина ва нондан ҳам бир бўлагини синдириб, олма мураббоси билан едим. Сўнг дастурхон йиғиштирилиб, қўлларини ҳам шу дастурхонга артдилар. Ёнимда олиб борганим офтоба (кумфон) ва лаган бор эди, хизматкорларим дарров ҳозир қилишди. Қўлимни ювиб, сочикча билан артдим. Шундан сўнг қўлимни юзим ва соқолимга тортиб, фотиҳа ўқидим[14].

Темурийларда бўлгани каби хонликларда ҳам “Дастурхончи – хон дастурхонига, умуман, ошхонасига жавобгар сарой мансаби” бўлган.

Озиқ-овқат ва ичимлик маҳсулотлари ҳар бир хонликда деярли бир хил бўлишига қарамадан бир-бирлари билан озиқ-овқат айирбошлаш мунтазам давом этиб турган. “Хива хонлигида озиқ-овқат маҳсулотлари қўшни Бухоро амирлигига қараганда қимматроқ, аҳолининг пули кам эди. Қишда туркманлар Хива бўйлаб кезиб, гўшт эвазига нон сотиб олишган. Маҳаллий деҳқонлар – сартлар буғдой, арпа, боғдорчилик экинлари етиштирган[15]”.

Хонликларнинг Подшо Россияси томонидан босиб олиниб, пахта етиштирувчи ҳудудга айлантирилиши ғалла ва озуқабоп экинлар ҳамда яйловларнинг қисқартирилишига олиб келди. Ўзбекистон ун, гўшт, сут маҳсулотлари ва бошқа энг муҳим озиқ-овқат моллари, халқ

истеъмоли товарлари, тайёр маҳсулотларни четдан келтиришга маҳкум этилган эди. Бу эса озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар нархини кескин ошириб юборди. 1918-йил бошларига келганда очарчилик авж олиб кетди. Озиқ-овқат муаммоси бу пайтга келиб Туркистон республикасидаги энг ўткир муаммолардан бирига айланган эди. Большевиклар маҳаллий аҳоли кўлидаги ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини тортиб олиш учун қатъий чораларни белгилашди. 1918-йил 9-майда РСФСРда озиқ-овқат диктатураси жорий қилинди. Бу масала Марказнинг ўзида ҳам қаттиққўллик билан амалга оширилди. 15-июньда Туркистонда уч кишидан иборат ўлка озиқ-овқат директорияси ташкил қилинди. Умуман олганда, бу даврда оддий халқ ҳаёти қийинлашиб, шу вақтгача бўлиб келган озиқ-овқат серобгарчилиги йўқолди, одамлар уйида турли ноз-неъматларни сақлашга кўрқиб қолган эди. Бу ҳол Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳам давом этди, уруш йиллари вазият янада оғирлашади, ўзбек халқи ҳар тамонлама қаҳрамонлик кўрсатди, халқимиз жанглардаги аскарлар учун уйидаги бор озиқ-овқатини етказиб бериб, далада тинмасдан меҳнат қилди. Бундан ташқари жанг майдонларида ҳам ошпазларимиз ўзларининг моҳирона қобилиятлари билан жангчиларга овқатлар қилиб, уларнинг ҳурматиغا сазовар бўлишди. Шундай ошпазлардан бири Самарқандлик Тоҳир Саидовдир: “қишнинг совуқ кунлари ёзнинг жазиралари, об-ҳавонинг ҳар хил найрангларида қатъий назар Тоҳир Саидов ўа вазифасини ҳалоллик билан бажариб келди. Қисмда Самарқандлик бу йигитнинг ўз кўли билан ҳозирлаган ёғли борш, коврорма шўрва, суюқ ошларини, шавла, рагу, бутқа, катлет половларини, қатлама ва сомсаларини, куюқ фамил чой ва ширин компотларини тотмаган жангчи ва офицер йўқ. Қайси жойда ва қандай шароитда бўлмасин жангчилар иссиқ ва тамли овқат билан таъминланган[16]”. Уруш йилларида давлатга сабзавотлар, полиз экинлари, мевалар, гўшт, ғалла каби озиқ-овқат маҳсулотлари ортиги билан топшириб турилди. Хусусан 82 млн пуд дон, 1,1 млн тонна шоли, 57,5 минг тонна мева ва узум, 159,3 минг тонна гўшт ва бошқа маҳсулотлар, шаҳарларда озиқ-овқатга карточка тизими жорий этилиб, хизматчиларга 400-500 граммдан, оила аъзоларига 300-400 граммдан нон берилди[17].

Урушдан кейинги йилларда ҳам мустабид совет ҳукумати олиб борган сиёсат туфайли пахта ҳосилини ошириш кетидан қувиш республикада озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш имкониятларини чеклаб қўйди. Натижада республикада аҳоли жон бошига гўшт, сут, картошка, сабзавот ва полиз экинларини истеъмол қилиш анча камайди. “1950 йили Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари 1940 йилга нисбатан деярли икки баробар қиммат эди. 1980-1987 йилларда гўшт ва гўшт маҳсулотлари тегишли равишда 31 кг дан 26 кг га, сабзавот ва полиз маҳсулотлари 177 кг дан 172 кг га, картошка 29 кг дан 26 кг га тушиб қолди ва бошқа истеъмол маҳсулотларини етиштиришда аҳвол бундан ҳам паст бўлди[18]”.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган 1991-йилнинг 31-августидан бошлаб юртимизда ҳар бир соҳада ижобий ўзгаришлар бошланди, аҳоли турмуш тарзи яхшиланди, озиқ-овқат эркинлиги, ғалла эркинлигига эришилди. Ҳар бир соҳада хорижий давлатлар билан ўзаро икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилиб келмоқда.

Бугунги кунда барча соҳаларда бўлгани каби туризм, хусусан, гастрономик туризм соҳасида ҳам кўплаб амалий ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрда «Умумий овқатланиш ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш ва ходимлар малакасини ошириш бўйича» Қарори[19]га асосан Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси қошида миллий ошпазлик санъати халқаро Маркази ташкил этилди. Ушбу қарор билан унинг ваколати кенгайтирилди ҳамда мустаҳкамланди. Узоқ тарихга эга анъаналарнинг борлиги ва миллий таомларнинг турлитуманлиги ўзбек ошпазчилигининг хорижий мамлакатларда кенг оммалашшишига олиб келиши ушбу ҳужжатда ўз аксини топган. Бунинг учун бизда мавжуд қадимдан шаклланган, экологик тоза ва инсон организмни тетик қиладиган миллий таомларимиз дегустациясини ташкил қилиш лозим бўлмоқда. Бунда антиқа миллий таомларимиз орқали гастрономия туризмни қишлоқ туризми билан боғлаш имконияти яратилмоқда.

Дарҳақиқат, вилоятларда жойлашган қишлоқларда фақат шу жойга хос бўлган миллий таомлар мавжуд бўлиб, унинг мазаси ва таркиби бошқа вилоят қишлоқларида

такрорланмайди. Айнан шу жиҳати билан бундай таомлар хорижий туристлар ва маҳаллий аҳоли учун ҳам мазали ҳисобланади. Юртимизда йилнинг турт фаслига мос келадиган, ўзига хос қадимий тарихига эга бўлган, шунингдек инсонлар ҳаёти учун зарур бўлган барча таомлар ва ичимликлар мавжуд, масалан, баҳорда қаймоқ кўшилган редискали газак, шовул шўрва, сумалак, халим, кўк чучвара, кўк сомса, коваток палов (ток оши), қовурма гулқарам, ялпизли мошхўрда истеъмол қилинади. Ёзда эса помидор кабоб, қарам дўлма, думбил шўрва, қалампир дўлма, лағмон, қатикли угра оши, сузмали газак, чалоп, гўжа оши, буғлама кабоб, гўшти димлама, сабзавотли димламалар, айрон, яхна чой, мева компотлари ва ҳоказолар хуш келади. Кузда қовурма балиқ, лакка кабоб, барра гўшт, калла шўрва, бедана кабоб, беҳили палов, картошкали манти, асалли беҳи, кесма лағмон, ошқовоқ сомса қабилар кўпроқ дастурхонлардан аримайди. Аёзли кунларда қазии-қарта, пўстдумба, кўй ёғли палов, карт думба палов, қазили палов, барра кабоб, турпли салат, қовурма шўрва, мошкичири, қишга сақланадиган мевалар, уларнинг мураббо, компот, қоқилари, сирқаланган ва тузланган сабзавотлар истеъмол қилинади[20]. Ўзбекистон гастрономик туризм йўналишида МДХ ва яқин чет эл мамлакатлари рейтингда кучли бешликдан жой олган мамлакат ҳисобланади. Биламизки, миллий таомларнинг тайёрланиш жараёни билан ўша таомларнинг ватанида танишиш сайёҳлар учун доим қизиқарли бўлиб келган. Унинг бугунги кундаги оммалашшига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади:

- ҳозирда озиқ-овқатга бўлган эҳтиёж инсоннинг бирламчи физиологик эҳтиёжидир;
- аҳоли даромадларининг ўсиши ва овқатланиш, дам олиш нархларининг ошиши;
- озиқ-овқат бу – туризм ва меҳмондўстлик саноатининг асосий хизмат кўрсатувчи соҳаси;
- соғлом овқатланиш ва органик маҳсулотларнинг машҳурлиги.

Шу боис “Ўзбекистон ошхонаси” брендини жаҳон миқёсида оммалаштиришда жамоат ташкилотлари, хусусан, 2008 йилда ташкил топган Ўзбекистон ошпазлар уюшмасининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбек миллий таомларини дунёга танитиш, мамлакатимизга сайёҳлар оқимини кўпайтириш мақсадида, Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси, 2010 йилда Бутунжаҳон бош ошпазлар ҳамжамияти уюшмасига, 2017 йилда Бутунжаҳон Ислом давлатлари пазандалар уюшмасига аъзо бўлган. Натижада, кўплаб хорижий фестиваллар, саммит ва мусобақаларда ўзаро тажриба алмашиб, юксак марраларга эришмоқда. Хусусан, 2018 йилда “National Geographis” журнали ўтказган “National Geographis Traveler” мукофотида “Гастрономик туризм” номинацияси бўйича Ўзбекистон биринчи ўринни эгаллади. 2019 йил август ойида Туркияда бўлиб ўтган 33-Халқаро “Менген” фестивалида, 13 та давлат, жумладан, Германия, Нидерландия, Кипр, Озарбайжон, Малайзия, Украина, Миср, Босния ва Герцоговина, Саудия Арабистони ва бошқа давлатлар қаторида “Ўзбекистон” миллий ошхонаси стенди ташкил этилди ва мусобақада 3-ўринга сазовор бўлди.

2019 йил 6 августда Ўзбекистон Гастрономик туризм ассоциацияси ташкил этилди[21]. Ассоциация ҳар йилнинг ноябрь ойида мунтазам равишда “Лаззатли Ўзбекистон” халқаро миллий таомлар фестивалига мезбонлик қилади. Ушбу ташкилот томонидан ҳозирги кунгача кўплаб илмий семинарлар, давра суҳбатлари, турли хил тадбирлар ўтказилиб келинмоқда, жумладан пандемия бўлишига қарамасдан 2020 йилнинг 26 майидан 2020 йилнинг 15 июнигача бўлган вақтда Ўзбекистон туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон гастрономик туризм ассоциацияси томонидан юртимизнинг туристик салоҳиятини янада яхшилаш, юқолиб бораётган ноёб таомларни қайта тиклаш ва уларни дунёга танитиш мақсадида “Ўзбекистоннинг ноёб таомлари” танлови эълон қилинди. Танлов, унинг жараёни ва иштирокчилари ҳақида маълумотлар бериб бориш учун махсус online-turizm.uz ва gastroturizm.uz сайтлари ташкил этилди[22]. 2020 йил 14 апрель куни Ливия ва Тунисдан 20 га яқин меҳмон юртимизга келди ва Бухорода бўлган ташриф давомида вилоят туризмни ривожлантириш департаменти ташаббуси билан шаҳардаги “Хўжа Насриддин” чойхонасида меҳмонлар машҳур бухороча “Оши софи” ҳамда “Қозон кабоб” таомларини тайёрлаш жараёнида бевосита иштирок этиши ва миллий таомларимизга жуда юқори баҳо бериши.

2021 йил 7 апрель куни Россия Федерациясининг Доғистон Республикасида “Имомлар юртига саёҳат” йўналишидаги тарғибот ишлари бошланди. Жумладан, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Халқаро ислом академияси, Ошпазлар уюшмаси вакилларида иборат делегация мамлакатнинг Россия Федерациясидаги элчихонаси ҳамда Ростов-Дондаги бош консуллиги кўмагида Доғистоннинг Маҳачқалъа шаҳрига ташриф буюрди. Ўзбекистон ошпазлар уюшмасининг моҳир ошпазлари томонидан миллий таомимиз бўлмиш палов тайёрланди ва доғистонликлар палов таъмини юқори баҳолашди[23]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги “Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида асосан “Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди[24]. Албатта, бу каби ташаббуслар тўхтаб қолгани йўқ, бу каби мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин, аммо, шу билан бирга бу соҳадаги қилиниши керак бўлган ишлар юзасидан биз ҳам ўз таклиф ва тавсияларимизни келтириб ўтмоқчимиз.

4. Хулоса:

Ўйлайманки, биз келтириб ўтмоқчи бўлган таклиф ва тавсиялар ҳам гастрономик туризм фаолиятини яхшилашга хизмат қилади, чунки бизнинг юртимизда қадим-қадимдан шифобахш ва тўйимли бўлган таомлар тайёрланиб келинганлигига юқорида мисоллар келтириб ўтдик ва бу жараён туристлар эътиборини тортиши табиийдир. Бу соҳани янада ривожлантириш мақсадида:

- уюштирилган сайёҳлардан фарқли равишда, мустақил уюшадиган туристлар йўл-йўлакай овқатланишни, диққатга сазовор жойларда яқин турган кафе ва барлар хизматидан фойдаланишни хуш кўради шуни эътиборга олиб, умумовқатланиш шаҳобчаларини (фаст-фуд) сонини кўпайтириш;

- бу борада махсус мутахассисларни тайёрлаш, сертификатлаш, махсус ҳудудлар ташкил этиш, гастрономик туризм хавфсизлик даражасини юқори қилиш, ошхона экскурсияси лойиҳасига киритилган ресторанларнинг хизмат кўрсатувчи ходимлари чет тилларини ва улар тайёрланадиган идишлар, ичимликлар ва маҳсулотлар ҳақида керакли маълумотларни билишлари шарт. Официантлар ошхона қўлланмаларининг қўшимча ролини деярли тўлиқ бажаришлари керак. Шунингдек, сайёҳлар гастрономик ёдгорликлар ва ушбу ҳудудда машҳур бўлган маҳсулотларни сотиб олишлари мумкин бўлган жойларни яхши таниши керак;

- миллий таомларни тайёрлаш жараёнида сайёҳларини бевосита иштирок этиши ва уларни жойида тановул қилиши хорижликларда жуда катта қизиқишни уйғотмоқда. Шуни инобатга олиб, шаҳар ҳамда туман марказлари ва қишлоқ жойларида ҳар йили “ҳосил байрам”ларини, қовун, қовоқ ҳамда нон сайлларини ўтказишни мусобақа тарзида ташкил қилиш керак, шаҳар гастрономик туризмида ҳам кўплаб ресторан сафари, қандолат фабрикаларига ташриф буюриш мумкин;

- ошхоналаримизда хизмат кўрсатаётган ходимларимиз ҳар бир овқат билан боғлиқ бўлган маълумотларга тўлиқ эга бўлиши зарур. Бунинг учун ўқув дастурларни реклама роликларни кўпайтириш зарур, бугунги кунда телевиденияларда кўрсатилаётган рекламаларда доривор таомларимизни олиб чиқсак, бизнинг ватанимизда кўплаб касалликларга даво бўлувчи меваларимиз, ичимлик сувларимиз, гўшт ва сут-қатик маҳсулотларимиз, турли хил кўкатларларимиз ва бошқа кўплаб таомларимиз мавжуд. Бу соҳа реклама тадбирлари билан фаол шуғулланишга арзийди. Ҳозирда туризм тармоғи рекламаси билан банд бўлган каналлар сони санокли ҳисобланади, ахборот таъминотининг боғлиқлигини кенгайтириш керак;

- миллий ошхона анъаналари ёки меҳмонхонадаги ресторан ошпазидан маҳорат дарсларини ташкил этиш;


- ошхоналарда қўйиладиган куй-қўшиқлар ҳамда кўрсатувлар мазмун-моҳияти, уларнинг ҳаммабоп (кичик ва катта ёшдагилар учун) бўлиши юзасидан ҳам маълум бир қоидалар ишлаб чиқиш;

- овқатланиш жиҳозларини мунтазам янгилаб боровчи алоҳида цехлар ташкил этиш;

- ўз навбатида, сайёҳлик компаниялари, гастрономик турларни сотиш билан ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим бўлади;
- хавфсизликка алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ресторанларнинг барча хавфсизлик ва сифат талаблари ва мезонларига мувофиқлигини тасдиқловчи меъёрий ҳужжатлар текширилиши керак;
- ҳар бир мамлакатда ўзига хослиги туфайли гастрономик диққатга сазовор жойлар мавжуд, шундай экан барча туроператорлар, маҳаллий ҳокимият ва аҳоли ушбу нисбатан янги турни ривожлантириш имкониятларидан кенг фойдаланиши зарур.

Иктибослар/Сноски/References:


1. Stanley, J. & Stanley, L. (2015). Food Tourism: A Practical Marketing Guide. Croydon: CPI Group. p. 3
2. Qosimova R.A. Turizm va uni o'qitish metodikasi. (o'quv qo'llanma). - T.: "Aloqachi" nashriyoti, 2008, 7 bet.
3. <https://hozir.org/hoqonlikning-tashkil-topishi-vi-asr-ortalari.html> 2022 йил 10 - февраль.
4. M. Ivanin "Ikki buyuk sarkarda Chingizxon va A. Temur". –Toshkent: "Fan", 1994.
5. Usha asar 209-b.
6. Usha asar 31-b
7. Xilda Xukxem. "Yetti iqlim sultoni", Toshkent- 1999 y. 40-b.
8. Ziyoyeva D. X. "O'zbekistonda harbiy ish tarixidan". – Toshkent: "Sharq", 2012 y. 93-b.
9. M. Ivanin "Ikki buyuk sarkarda Chingizxon va A. Temur". –Toshkent:"Fan", 1994 y. 169-b
10. Usha asar 151-b.
11. Usha asar 76-b.
12. Xilda Xukxem. "Yetti iqlim sultoni", Toshkent- 1999 y. 177-b.
13. <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/mirpanjiyning-asirlikdagi-xotiralar-asariga-ilovalar-yoxud-xiva-xonligi-tarixidan-ilovalar.html> 2022 йил 20 - февраль
14. <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/mirpanjiyning-asirlikdagi-xotiralar-asariga-ilovalar-yoxud-xiva-xonligi-tarixidan-ilovalar.html> 2022 йил 12 - февраль
15. <https://kfdvgtu.ru/uz/opisanie-hivinskogo-hanstva-hivinskoe-hanstvo-horezm/> 2022 йил 12 – февраль
16. "Совит жангчиси" 5-сентябрь 1943 йил № 61
17. Rajabov Q. "O'zbekiston tarixi" T.: 2017 y, 93 bet.
18. <https://hozir.org/ozbekistonda-50-70-yillarda-paxta-yakka-xokimligining-kuchayish.html> 2022 йил 22- февраль
19. "Umumiy ovqatlanish tashkilotlarining faoliyatini yanada takomillashtirish va xodimlarining kasbiy darajasini oshirish chora- tadbirlari to'g'risida" O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2012-yildagi 289-sonli Qarori
20. Boltabayev M.R., Tuxliyev I.S., Safarov B.Sh., Abduxamidov S.A.Turizm: nazariya va amaliyot. –T.: «fan va texnologiya», 2018 y. 257 bet.
21. <https://kun.uz/uz/news/2019/08/07/ozbekistonda-gastronomik-turizm-assotsiatsiyasi-ochildi?q=%2Fnews%2F2019%2F08%2F07%2Fozbekistonda-gastronomik-turizm-assotsiatsiyasi-ochildi>
22. <https://uza.uz>tourism> O'zbekiston 2021 йил 13- декабрь>
23. <https://uzbektourism.uz/uz/newnews/view?id=1676> 2022 йил 24- январь
24. file:///C:/Users/User/Downloads/https___yuz.uz_file_newspaper_086255203d2896b894386c bde8cd7f14.pdf 2021 йил 22 декабрь



Temur Shavkat o'g'li Zaripov,
Madaniy meros agentligi
Muzeylarni rivojlantirish, yodgorliklarni
muzeylashtirish va Milliy muzey fondi
davlat katalogini yuritish boshqarmasi boshlig'i

MUZEY - JAMIYAT TARAQQIYOTI UCHUN XIZMAT QILUVCHI MUASSASA SIFATIDA

For citation: Temur Sh. Zaripov, MUSEUM AS AN INSTITUTION SERVING SOCIAL DEVELOPMENT. Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.146-149

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada muzeylarning mustaqillik yillarida boy o'tmish merosimizni o'rganish, saqlash va uni keng xalq ommasiga targ'ib etish borasidagi o'rni va roli yoritilgan. Xususan, muzeylar faoliyatini yaxshilash va takomillashtirishga qaratilgan me'yoriy xujjatlar hamda mamlakatimizda mavjud ayrim muzeylar faoliyati ilmiy tahlil etilgan.

Kalit so'zlar: muzey, eksponat, ko'rgazma, madaniyat, meros, targ'ibot, saqlash, ma'naviyat.

Темур Шавкат угли Зарипов,

Глава управление Агентство культурного наследия,
Управления развитие музеев, музеефикация памятников и
ведение государственного каталога Национального музейного фонда

MUZEY - KAK UCHREZHDENIE SLUZHASHIY OBSHCHESTVENNOMU RAZVITIYU

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещена роль музеев в изучении, сохранении и популяризации наследия нашего богатого прошлого в годы независимости. В частности, проведен научный анализ нормативных документов, направленных на улучшение и совершенствование деятельности музеев, а также деятельность некоторых действующих в стране музеев.

Ключевые слова: музей, экспонат, выставка, Культура, наследие, пропаганда, сохранение, духовность.

Temur Sh. Zaripov,

Head of the Department of Cultural Heritage Agency,
Management of the development of museums, museumification of monuments and
maintenance of the state catalog of the National Museum Fund

MUSEUM AS AN INSTITUTION SERVING SOCIAL DEVELOPMENT

ABSTRACT

This article highlights the role of museums in the study, preservation and promotion of the heritage of our rich past in the years of independence. In particular, a scientific analysis of normative documents aimed at improving the activities of museums, as well as the activities of some museums are operating in the country, was carried out.

Index Terms: Museum, exhibit, exhibition, Culture, heritage, propaganda, preservation, spirituality.

1. Долзарблиги:

Tarixiy merosni asrab-avaylash, o'rganish va avlodlardan avlodlarga qoldirish davlatimiz siyosatining eng muhim ustuvor yo'nalishlaridan biridir. Yangi tahdidlar, jumladan, «ommaviy madaniyat» xavfi va boqimandalik kayfiyati paydo bo'layotgan, odob-axloq, qadriyatlarning yo'qolish xavfi yuzaga kelayotgan hozirgi globallashuv sharoitida bu g'oyat muhim ahamiyat kasb etmoqda(1).

2. Metodlar va yrganilganlik darajasi:

Xalqimiz qadim zamonlardan beri o'z tarixining shonli sahifalariga oid noyob osori-atiqalarini asrab-avaylab keladi. Ulug' insonlar, tabarruk allomalar hamda xalq qahramonlaridan esdalik bo'lib qolgan buyumlar, tarixiy manbalar afsonalarga aylanib, avloddan-avlodga o'tib kelgan. Keyinchalik, masalan, temuriylar davrida saroylarda, boshqa xazinalarda shunday noyob buyumlarni bir joyga to'plab, aziz mehmonlarga namoyish etish odat tusiga kira borgan. Tarixchilarning asarlarida hazrat Sohibqiron Amir Temur vafotidan so'ng uning qurol-aslahalari, sovg'alar va qator harbiy o'ljalari maqbara ichiga qo'yilganligi hamda bu narsalar haqida ziyoratchilarga so'zlab berilganligi qayd etiladi. Maqbaraga qo'yilgan har bir buyum nodir tarixiy va madaniy yodgorlik hisoblanar edi. Mamlakatimiz madaniy hayotida shu davrdan boshlab muzeylar faoliyati shakllana boshlagan desak bo'ladi. Buxoro amiri Abdul Ahadxon saroyida tarixiy buyumlarni mehmonlarga namoyish etadigan maxsus xonalar bo'lgan. Bu xonalar "Moziygo" deb atalib, tom ma'noda hozirgi muzey tushunchasiga to'g'ri keladi. Shuningdek, Xiva xoni Muhammad Rahimxon Feruz saroyida ham shunday "Ajoyibxona" bo'lgan.

3. Tadqiqot natijalari:

Mamlakatimizning uzoq uch ming yillik buyuk davlatchilik tarixi shundan dalolat beradiki, har doim ham o'zbek yurti o'zining betakror iqtisodiy salohiyati bilan tabiiy ravishda ko'plarni o'ziga rom etib kelgan. Keyingi bir yarim asr mobaynida xalqimiz o'zining behisob iqtisodiy-moddiy, madaniy-ma'rifiy boyliklaridan judo bo'ldi. Biroq, mazkur tazyiqlarga, yo'qotishlarga qaramasdan, o'zbek xalqi asl o'zligini saqlab qola bilganligiga ham tarix guvohlik beradi. Shu davrlarda xalqimiz tarixini aks ettiruvchi ko'plab noyob osori atiqalarimiz talon-taroj qilinib, yurtimizdan tashqariga tashib ketildi. Sho'rolar davriga kelib muzeylarimiz kommunistik mafkurani targ'ib etadigan siyosiy o'choqlarga aylantirildi.

Mustaqillik tufayli o'zbek xalqi o'z qaddini rostladi, uning xalqaro nufuzi kun sayin ortib bormoqda. Dunyo mamlakatlarining turli millat va xalqlarning O'zbekistonga, o'zbek xalqiga munosabatining o'zgarishi bu – ildizlari asrlar qa'riga, ko'hna tarixiga tutashgan taqdirimizga bo'lgan ehtiromdir. O'zbekistonning mustaqillikka erishishi iqtisodiy va siyosiy hayotning barcha jabhalarida bo'lganidek madaniy sohada, shu jumladan, boy o'tmish merosimizni o'rganish, saqlash va uni keng xalq ommasiga targ'ib etish borasida ham tub burilish yasadi. Mustaqillik yillarida diyorimizda bunyod etilgan turli muzeylar shubhasiz ana shu ezgu niyatlarni ro'yobga chiqarish borasida muhim qadam bo'ldi, desak mubolag'a qilmagan bo'lamiz.

Mustaqil vatanimizda milliy o'zlikni tiklashga alohida e'tibor berilmoqda. Zero, bizning yurt ajdodlarining tarixda ko'rsatgan buyuk xizmatlarini xolis o'rganish va targ'ib etish alohida ahamiyat kasb etadi.

Sobiq sho'rolar davrida faqat «Qizil imperiya» mafkurasiga xizmat qilgan muzeylar endilikda milliy o'zlikni anglashga xizmat qilib kelmoqda. Bugun muzeylar ishiga alohida e'tibor berilmoqda-

ki buning bir qancha omillari bor. Xususan, mustamlakachilik yillarida ongimizdan o'chirib tashlangan milliy tuyg'ularni qayta tiklash, milliy g'urur, milliy ongni yuksaltirish uchun unutilgan tariximizni qayta tiklash, ajdodlar xurmatini joyiga qo'yish, yosh avlodni ajdodlar nomi va merosi bilan faxrlanishga o'rgatish, milliy g'ururini yuksaltirish, buyuk an'analarning davomchisi etib tarbiyalash hamda milliy qadriyatlarimiz bizga demokratik, xuquqiy, qudratli Yangi O'zbekiston davlatini barpo etish uchun xizmat qilmoqda. Chunonchi, milliy qadriyatlarimiz mamlakatimizning jahon hamjamiyatidan munosib o'rin egallashi, kelgusi avlodlarga ozod va obod Vatan qoldirish uchun kerak.

Ana shu maqsadlar hukumat siyosiy tadbirlarida o'z ifodasini topmoqda. Xususan, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 11 dekabrda «2017-2027 yillarda davlat muzeylari faoliyatini takomillashtirish va moddiy-texnika bazasini mustahkamlash bo'yicha kompleks chora-tadbirlar dasturini tasdiqlash to'g'risida»gi 975-sonli qarori qabul qilindi.

O'zbekiston hududida qadimdan shakllangan muzeylar tizimini yanada takomillashtirish, ularning xalqning ma'naviy-axloqiy kamolotida tutgan o'rnini oshirish, muzey fondlarida saqlanib kelayotgan xalqimizning boy tarixini mustaqilligimizning odimlarini aks ettiruvchi, noyob, nodir eksponatlarni avaylab asrash, o'rganish, boyitib borish, dunyoga olib chiqish va targ'ib qilish, ulardan xalqimizning ongida milliy g'urur va iftixor, istiqbol va Vatanga sadoqat tuyg'ularini kuchaytirish yo'lida keng foydalanish, muzeylarning zamon talablariga mos yuqori malakali mutaxassislar bilan ta'minlash, moddiy texnika bazasini mustahkamlab, jahon muzeyshunosligi tajribalarini qo'llashga zarur sharoitlar, chora-tadbirlar tashkil etildi. Bugungi kunda mamlakatimiz hududidagi turli muassasalar, korxonalar, qurilish tashkilotlari, qishloq, jamoa boshqaruv xo'jaliklari qoshida, shahar, tuman, viloyat markazlarida, xalq ta'limi tizimida 1200 dan ortiq muzeylar bo'lib, ularning eng yiriklari poytaxtimizda joylashgan. SHu bilan birga, o'nlab yozuvchilar, shoirlar, rassomlar, olimlar va mashhur san'at arboblari uy muzeylari mavjud.

«Muzey – bu inson va atrof muhitning moddiy dalillarini ta'lim va ma'naviy xordiq chiqarish maqsadlarida to'plash, saqlash, tadqiqot va targ'ibot qiluvchi hamda omma uchun ochiq bo'lgan, jamiyat va uning taraqqiyoti uchun doimiy asosda faoliyat yurituvchi notijorat muassasa» hisoblanadi(2).

Muzeylar xalqimizning uzoq tarixidan hikoya qiluvchi, moziydan sado beruvchi ma'naviyat maskanlari bo'lib, milliy mafkura va tafakkurni rivojlantiruvchi, yoshlarda milliy g'urur va iftihorni yuksaltirishda ulug' qadamjolar bo'lib qolmoqda.

Mavjud barcha muzeylar fondidagi eksponatlarni yagona ro'yxatini tuzish, eksponatlarni doimiy himoya qilish sharoitlarini yaxshilash, saqlanayotgan eksponatlarning qat'iy nazoratini ta'minlash, ilmiy konsepsiyalar ishlab chiqish, xorijiy mamlakatlardagi muzeylarda saqlanayotgan tariximizga va ma'naviy boyligimizga oid osori-atiqalarni, shuningdek, qadimiy qo'lyozmalarni ro'yxatga olish, ularni xalqimizga tanishtirish, muzeylardagi nodir eksponatlarni dunyoga olib chiqish, jahon xalqlariga tanishtirish sohasida tegishli tashkilotlar bilan hujjatlar ishlab chiqish, shartnomalar tuzish ishlarini olib bormoqdalar.

1996 yil 1 sentyabrda davlatimiz mustaqilligining 5 yillik to'yida Toshkentda O'zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti I.A.Karimov va Xalqaro Olimpia Qo'mitasi raisi X.A.Samaranch Olimpia shon-shuhrat muzeyining tantanali ravishda ochdilar. Muzeyni ochilish marosimida sportchilar, murabbiylar, Jismoniy tarbiya va sport davlat qo'mitasi, O'zbekiston Olimpia qo'mitasi, sport klublari va jamoalari vakillari ishtirok etishdi.

O'zbekiston Milliy Olimpia qo'mitasining barpo etilganligi, mamlakatimizda olimpiya g'oyalarining taraqqiy etganligi, Olimpia o'yinlarining o'tkazilishi va shu o'yinlarda g'olib sovrindor bo'lib chiqqan O'zbekiston sportchilarining ishtirok etayotganligi haqida hikoya qilinadi. Muzeyga tashrif buyurganlar XX asr Olimpia o'yinlarining shonli tarixida o'z nomlarini qoldirgan bir qator sportchilar bilan tanishdilar. G.SHamray (gimnastika), S.Babanina, N.Ustinova (suzish), V.Duyunova, L.Pavlova (vollebol), R.Kazakov, A.Fadzayev, aka-uka Xadarsevlar (kurash), R.Risqiyev (boks), S.Ro'ziyev (qilichbozlik), R.Gataulin (langarcho'p bilan sakrash), L.Axmedov, A.Xan (chim ustida xokkey), Yambulatov(miltiqdan otish), N.Muhammadiyorov (og'ir atletika), O.Chusovitina, R.G'aliyev (gimnastika), L.Cheryazova (fristayl)lar shular qatorida o'rin olgan.

Ekspozitsiyalarda mustaqil O'zbekiston terma jamoasining 1996 yili Atlanta shahrida (AQSH) Olimpia o'yinlarida ishtirok etgani to'g'risidagi qiziqarli ma'lumotlar alohida o'rin tutadi. Horijiy mutaxassislarining e'tirof etishlariga ko'ra mamlakatimizning sportchilarining musobaqalarda birinchi marta ishtirok etganliklari muvaffaqiyatli chiqqan; A.Bagdasarov (dzyudo) kumush medaliga, K.To'laganov (Boks) bronza medaliga sazovor bo'lishdi, O.Chusovitina (gimnastika), R.Galiyev (engil atletika), R.Islamov, A.Ochilov (kurash) o'z yuksak mahoratlarini qo'rsatishdi.

O'zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti I.A.Karimovga taqdim etilgan Olimpiya oltin nishoni va Osiyo Olimpiya Kengashi nishoni muzeyning eng noyob ekspонатlaridan hisoblanadi, shuningdek, turli xil boshqa mukofotlar, sovrinlar, medallar, fristayl bo'yicha jahon chempioni L.Cheryazovaning shaxsiy sport jihozlari, Xalqaro Olimpia Qo'mitasi Prezidenti X.A.Samaranchning muzey ochilishida topshirgan esdalik sovg'alari, rang-barang nishonlar, ayniqsa, diqqatga sazovordir.

Mustaqillik davrida buyuk tarixiy siymolarga atalgan muzeylar qurildi. Jumladan, 1996 yilning 18 oktyabr kuni mamlakatimiz poytaxti Toshkentda buyuk sarkarda va davlat arbobi Amir Temurga atab Sharq Milliy me'morchiligining noyob va mo'jizaviy namunasi sifatida bunyod etilgan Temuriylar tarixi davlat muzeyining tantanali ochilish marosimi bo'lib o'tdi.

Umumiy maydoni 5 ming kv. metrni tashkil ettan bu muzey 6 oy davomida qurilib bitkazilgan. Muzey qurilishida butun mamlakat mutaxassislari ishtirok etgan. Toshkentlik qo'li gul quruvchilar, chinnisoz va kulollar, «Mikond» korxonasining mohir hunarmandlari, «Usta» birlashmasi va boshqa o'nlab mehnat jamoalari bu ishga munosib hissa qo'shganlar.

2017 yilning Davlat statistika qo'mitasining ma'lumotiga ko'ra O'zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi ro'yxatidan o'tgan muzeylarda jami 2 372 nafar xodim ishlaydi, ularning 716 tasi ilmiy xodim va ekskursovodlar, ulardan 160 nafari muzeyshunoslik ta'lim yo'nalishi bo'yicha oliy ma'lumotga ega bo'lganlar(3).

Хулосалар:

Muxtasar qilib aytganda, muzeylarning yangi qiyofasini yaratish, reklama faoliyatini yaxshilash, har bir muzeyning o'ziga xos obrazini yaratish, muzeyning brend ekspонатlari asosida imidjini shakllantirish orqali tashrif buyuruvchilar e'tiborini qozonish va sonini orttirishga erishish mumkin. Ajdodlarimizdan meros qolgan noyob yodoriqlarni asrab-avaylash, asrlar osha bizgacha yetib kelgan asori atiqalarni saqlash, hamda kelajak avlodlarga bus butun yetkazishda madaniy muassasa bo'lgan muzeylarning o'rni va roli beqiyos.

Иқтибослар/Сноски/References:


1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2020. – 48 б. (Mirziyoev Sh.M. From national revival to national uplift. - Tashkent: NMIU "Uzbekistan", 2020. - 48 p.)
2. Ключевые понятия музеологии / Сост. Andre Desvallees и Francois Mairesse. – ИКОМ России, 2012. – 105 с. (Key concepts of museology / Comp. Andre Desvallees and Francois Mairesse. - ICOM Russia, 2012. - 105 p.)
3. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Музейлар ва кутубхоналарни ривожлантириш бошқармасининг 2017 йил учун ҳисоботи. – Б.4. (Report of the Department of Museums and Libraries Development of the Ministry of Culture of the Republic of Uzbekistan for 2017. - B.4.)
4. Альмеев Р.В. Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития. Ташкент, 2007. (Almeev R.V. Museums of Uzbekistan and socio-cultural prospects for their development. Tashkent, 2007.)
5. Бекмуродов М., Рашидова М. Музейшунослик. Тошкент. «Ворис Али», 2006. (Bekmurodov M., Rashidova M. Museology. Tashkent. "Voris Ali", 2006.)
6. Курязова Д. Ўзбекистонда музей иши тарихи. -Т.: Санъат, 2010. –Б.72. (Kuryazova D. History of museum work in Uzbekistan. -T. : Art, 2010. –P.72.)



Фарходжон Одилжонович Исматуллаев,
Тошкент давлат педагогика университети,
тарих фанлари номзоди, доцент
farhod.ismatullayev@mail.ru

ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ БЎЙИЧА ЯНГИ СТРАТЕГИЯСИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

For citation: Farhodjon Ismatullayev, SOME REFLECTIONS ON THE EUROPEAN UNION'S NEW STRATEGY FOR CENTRAL ASIA. Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.150-160

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегиясини қабул қилиниши ва унинг асосий йўналишлари таҳлил этилган. Муаллиф стратегияни муҳим йўналишлари жумладан, транспорт алоқалари, энергетика, рақамли тармоқлар яратиш, халқ дипломатиясини мустаҳкамлаш, шериклик муносабатларини йўлга қўйиш, турли молиявий воситалардан фойдаланган ҳолда барқарор молиялаштиришни ривожлантириш каби соҳалардаги ҳамкорлик масалаларини тадқиқ этиб, бу борада ўз мулоҳазаларини билдирган.

Калит сўзлар: Европа Иттифоқи, Марказий Осиё, янги стратегия, Шериклик ва ҳамкорлик битими, стратегик ҳамкорлик, транспорт алоқалари, энергетика, Трасека, рақамлаштириш, халқ дипломатияси, шериклик муносабатлари, молиявий ташкилотлар, савдо алоқалари.

Фарходжон Одилжонович Исматуллаев,
ТГПУ имени Низами,
кандидат исторических наук, доцент
Электрон почта: farhod.ismatullayev@mail.ru

НЕКОТОРЫЕ РАЗМЫШЛЕНИЯ О НОВОЙ СТРАТЕГИИ ЕВРОПЕЙКОГО СОЮЗА ДЛЯ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется принятие новой стратегии Европейского Союза по Центральной Азии и ее основные направления. Автор исследует и комментирует ключевые направления стратегии, в том числе транспорт, энергетику, цифровые сети, укрепление публичной дипломатии, построение партнерских отношений и развитие устойчивого финансирования за счет использования различных финансовых инструментов.

Ключевые слова: Европейский Союз, Центральная Азия, новая стратегия, Соглашение о партнерстве и сотрудничестве, стратегическое партнерство, транспортные

отношения, энергетика, Трасека, цифровизация, публичная дипломатия, партнерские отношения, финансовые институты, торговые отношения.

Farhodjon Ismatullayev,
TSPU named after Nizami,
Doctor of Philosophy(PhD), dotsent.
e-mail: farhod.ismatullayev@mail.ru

SOME REFLECTIONS ON THE EUROPEAN UNION'S NEW STRATEGY FOR CENTRAL ASIA

ABSTRACT

The article analyzes the adoption of a new European Union strategy for Central Asia and its main directions. The author explores and comments on key areas of the strategy, including transport, energy, digital networks, strengthening public diplomacy, building partnerships and developing sustainable financing through the use of various financial instruments.

Index Terms: European Union, Central Asia, new strategy, Partnership and Cooperation Agreement, strategic partnership, transport relations, energy, Traseka, digitalization, public diplomacy, partnerships, financial institutions, trade relations.

1. Долзарблиги:

Европа Иттифоқи қарийб етмиш йилдан буён шаклланиб, ривожланиб келаётган ноёб интеграцион ташкилот саналади. Ушбу Иттифоқнинг бошқа халқаро ташкилотлардан фарқи, бу унинг интеграция борасида эришган муваффақиятларидир. Унга аъзо бўлган йигирма етти давлатда умумий божхона, ягона валюта, бир хил таълим тизими каби инсонлар манфаатларига йўналтирилган натижаларга эришилган. Бундай ижтимоий ва иқтисодий қулайлик ва натижалар ер юзининг бошқа бирор бир қитъа ёки материгида учрамайди. Европа Иттифоқи бугунги кунда умумий савдо-товар айланмаси жиҳатдан дунёда биринчи ўринда туради. Жаҳондаги 130 дан ортиқ мамлакатлар билан дипломатик алоқа ўрнатган. БМТ да кузатувчи мақомига эга[1].

Ушбу ташкилот ягона сиёсий бирлашма сифатида юқорида қайд этилганидек, жаҳоннинг юздан ортиқ давлатлари билан икки ва кўп томонлама ҳамкорлик муносабатларини ҳам йўлга қўйиб келмоқда. Қолаверса, Европа Иттифоқи ўзининг манфаатлари нуктаи назаридан турли минтақалар билан тизимли алоқаларни ҳам йўлга қўйганки, бу муносабатлар ҳамкорликка киришган давлатлар учун ҳам жуда самаралидир. Чунки, янги технологияларни жорий этишда, таълимдаги ютуқлар билан танишишда ва инсон ҳуқуқлари борасида Европа Иттифоқи давлатлари тажрибасини ўрганиш ҳозирги ривожланаётган давлатлар учун муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда таъкидлаш ўринли бўлган жиҳат ҳам борки, бу – Европа Иттифоқининг энергияга, инсон ресурсларига ва бозорга эҳтиёжи бўлса, иккинчи томондан ҳозирги давр учун жуда глобал бўлган хавфсизлик борасида ҳам муносабатларни йўлга қўйишни хоҳлайди. Демак, Европа Иттифоқи ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бу – Марказий Осиё мамлакатлари билан икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобланади. Ушбу минтақа билан қарийб ўттиз йилдан буён ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириб келаётган Европа Иттифоқи ўзининг ташқи сиёсатида устувор ҳисоблаган айрим йўналишлар доирасида алоҳида стратегияларини қабул қилиб, шу асосда янада истиқболли муносабатларни йўлга қўймоқда.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар – тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, анализ, синтез, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсати ва янги стратегиясини қабул қилинишига оид масалаларининг айрим жиҳатлари ёритилган.

Мақолани тайёрлашда даврий матбуот нашрлари, расмий ижтимоий тармоқлар, турли маҳаллий ва хорижий илмий журналлардаги мақолалардан фойдаланилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивнинг М-2 фондидаги ҳужжатлардаги маълумотлар мақолада муҳим ўрин эгаллайди.

Сўнгги йилларда Европа Иттифоқи билан Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ёритилишига катта этибор қаратиб келинмоқда. Айниқса, Марказий Осиё давлатларидаги туб ўзгаришлар Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатларни минтақага бўлган қизиқишини янада орттириб, янги андозадаги ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқишга ундамоқда. Ушбу ўзгаришлар ва янги стратегия йўналишларига оид кўплаб илмий тадқиқотлар маҳаллий ва хорижий мутахассислар томонидан олиб борилмоқда.

Ана шундай тадқиқотлар сирасига Ўзбекистонлик олим ва экспертларидан Ю.Кутбиддинов, М.Раҳимов, Э.Нуриддинов, Г.Мўминова ишларини ҳам киритиш мумкин. Хусусан, Ю.Кутбиддиновнинг илмий мақолалари Европа Иттифоқининг Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлиги ва унинг натижаларига бағишланган. Шу билан бирга унинг тадқиқотлари Европа Иттифоқи томонидан ишлаб чиқилган янги стратегия ва унинг асосий йўналишлари ҳамда янги стратегияни олдинги стратегиялардан фарқли жиҳатлари таҳлил қилинганлиги билан аҳамиятлидир[4].

Шу билан бирга, олим Э.Нуриддиновнинг илмий тадқиқотларида ҳам Европа Иттифоқи ва унга аъзо мамлакатлар билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар йўналишлардаги ҳамкорлик алоқаларини ривожланиш жараёнларига катта урғу берилган[2]. Муаллиф Г.Мўминова эса, ўзининг илмий тадқиқотларида асосий эътиборни Европа Иттифоқи билан Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатларини ёритишга қаратган[3].

Ушбу масалага хорижлик олимлар, жумладан, В.Г.Шемятенков, В.Абатуров, Л.Виноградовалар ҳам ўз илмий асар ва мақолаларида тахлилий жиҳатдан ёндашганликларини кўрамаиз. Масалан, В.Г.Шемятенков ўз асарларида кўпроқ Европа Иттифоқининг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва мавқеини ортиб бориши, интеграция жараёнларини эволюцияси каби масалалар ҳақида маълумотлар беради[4]. Европа Иттифоқининг ТРАСЕКА, яъни Европа-Кавказ-Марказий Осиё транспорт йўлагини яратишга оид истиқболли лойиҳалари ҳақида В.Абатуров бир нечта илмий мақолаларини нашр қилган[5]. Л.Виноградова тадқиқотларида эса кўпроқ Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, жумладан, Марказий Осиёдаги интеграция жараёнларига оид масалалар устуворлик қилади[6]. Умуман олганда, уларнинг илмий тадқиқотлари Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ва уларнинг хронологик ривожланишига бағишланганлиги билан қимматлидир.

3. Тадқиқот натижалари:

Марказий Осиё давлатлари бўлган Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ушбу ташкилот билан турли даврларда ўз манфаатларидан келиб чиқиб битим ва шартномаларни имзолаган. Ва шу ҳуқуқий асослар ҳозирги ҳамкорлик муносабатларини давомийлигини таъминлаб келмоқда.

Жаҳон ҳамжамияти учун қайта очилаётган Ўзбекистон, унинг халқаро ва минтақавий барқарорликка эришишга қаратилган ташқи, ички сиёсати Марказий Осиёда ривожланишнинг янги даврини бошлаб берди. Умумий мақсад ва биргалиқдаги интилишлар сабаб минтақа мамлакатлари ягона макон ва мақсад сари бирлашмоқда. Айни ушбу жараён ривожланган давлатларнинг Марказий Осиё бўйича ўз қарашлари, ёндашув ва ҳамкорлик стратегиясини қайта кўриб чиқишни тақозо қилмоқда. Зеро, минтақавий ҳамкорликнинг бугунги босқичида замон талабига мос ғоя ва интилишлар ўзаро манфаатли шерикликни самарали рўёбга чиқариши мумкин. Орадан ўн икки йил ўтиб, 2019 йилда Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегияси қабул қилинди[7]. Янги стратегия “Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё: ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги янги имкониятлар” деб номланиб, унда истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган масалалар акс этган.

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё учун янги стратегияси сўнги бор 2007 йилда қабул қилиниб, “Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё: янги ҳамкорлик амалда” деб номланган эди. Ўн икки йил давомида амал қилган ҳужжат Европа Иттифоқининг Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан кўплаб соҳалар бўйича ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев хорижий давлатлар билан ҳамкорлик ҳақида фикр билдириб, жумладан Франция ва Германия каби Европа Иттифоқи давлатлари Ўзбекистоннинг ишончли ва истиқболли шерикларидан эканлигини алоҳида таъкидлайди[8]. Шундан келиб чиқиб, хорижий инвестициялар ҳажмини янада ошириш иқтисодиёт соҳасида долзарб йўналиш ҳисобланиб, айти пайтда Германия, Буюк Британия, Франция, Италия ва бошқа технологик жиҳатдан ривожланган мамлакатлардан сармоялар жалб қилишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Демак, Ўзбекистон ҳам Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатлар билан алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдордир. Европа Иттифоқи томонидан қабул қилинган ушбу янги стратегия Ўзбекистон учун ҳам фойдали бўлади.

Европа Иттифоқи расмий вакилларининг фикрича, янги стратегияни қабул қилиш зарурати минтақада юзага келган янги геосиёсий воқеалик, ҳамкорликни кенгайтиришга бўлган бугунги кун талаби ва бу борадаги имкониятларнинг юқорилиги билан белгиланади. Стратегия 2016 йилда қабул қилинган Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат ва сиёсий хавфсизлик бўйича глобал стратегиясига мувофиқ, Еврокомиссия ҳамда Европа Иттифоқи ташқи ишлар ва сиёсий хавфсизлик бўйича Олий вакили томонидан 2018 йилда ишлаб чиқилган кўшма ахборотга боғлиқ ҳолда тайёрланган[9]. Яна шуни таъкидлаш ўринлики, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар бўйича расмий вакили бўлган Федерико Могерени Марказий Осиё давлатлари, жумладан Ўзбекистонга бир неча марта ташриф буюриб, ушбу янги стратегияни шакллантиришда асосий иштирокчилардан бўлди.

Ҳамкорлик алоқаларини узвий давоми сифатида Тошкентда 2018 йил 23 ноябрида Европа Иттифоқи комиссияси вице-президенти, ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакил Федерико Могерени билан Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиловнинг шерикчилик ва ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги битим бўйича расмий музокараларни ўтказилганлигида ҳам кўриш мумкин[10]. Музокара давомида “Охирги йилда икки марта Ўзбекистонда бўлиб, мамлакатда олиб борилаётган кенг миқёсли ислохотлар ҳамда минтақа ривожига Ўзбекистоннинг конструктив ролига шахсан гувоҳ бўлдим”, - дея эътироф этди Федерико Могерени.

Бугун биз “Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтиришга биргаликда тарафдор эканлигини қатъий намоён этишга”, - дея фикрини давом эттирди. Унинг сўзларига кўра, янги битим Евроиттифоққа Ўзбекистондаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш, сиёсий ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда умумий камчиликлар устида биргаликда ишлашга имкон беради. Бўлғуси битим 1999-йил 1-июлда имзоланган амалдаги келишув ўрнини эгаллайди. Унда асосий эътиборни сиёсий ҳамкорлик, савдо ва инвестицион алоқалар, барқарор ривожланиш ва ўзаро алоқалар ҳамда инсон ҳуқуқлари ва бошқарув соҳаларига қаратилиши кутилмоқда.

К числу элементов ландшафта, оказывающих влияние на эстетику парковых пространств и непосредственно формирующих представление об уровне комфортности для человека, относятся малые архитектурные формы и парковые сооружения. С частью из них человек соприкасается непосредственно (включая скамьи, лестницы, игровые устройства для детей), другие способствуют улучшению условий использования парков (светильники, перголы, навесы), третьи вносят существенное разнообразие в композицию садово-паркового ландшафта (трельяжи, декоративные ограждения, водные устройства, подпорные стенки).

Как показывает практика, часть из этих компонентов среды, испытывая постоянное воздействие посетителей, подвержена разрушению в случае непродуманного конструктивного и дизайнерского исполнения. Учитывая известный недостаток средств на проведение поддерживающего ремонта малых форм и парковых сооружений, последствия вандализма могут длительное время отрицательно сказываться на эстетических и функциональных качествах среды для отдыха и создавать определенный диссонанс с другими элементами ландшафта. В связи с этим одной из важных составляющих концепции устойчивости среды становится устройство малых архитектурных форм и парковых сооружений на основе таких конструктивных решений, которые могли бы обеспечить их долговременное использование с минимальными расходами на поддержание.

Каким путем можно этого достигнуть?

1. Применение материалов, сохраняющих свои конструктивные и декоративные качества при систематическом интенсивном воздействии;
2. Антивандальное исполнение малых форм и парковых сооружений с дополнительной защитой наиболее уязвимых элементов;
3. Выбор дизайнерского решения в соответствии с требованиями продолжительного использования компонентов паркового ландшафта;
4. Оптимальное размещение малых форм и парковых сооружений с учетом взаимодействия с другими компонентами среды.

Современная практика построения парков демонстрирует постоянное обновление подходов к трактовке малых архитектурных форм и парковых сооружений не только с позиций обеспечения их длительного использования, но и с точки зрения повышения роли в построении композиции пространства на основе взаимосвязи с природным окружением. Отказ от традиционного силуэта и упрощенной формы искусственных сооружений все чаще позволяет достичь определенного эстетического эффекта, сознательно концентрируя внимание



посетителя парка на их оригинальных очертаниях и нетрадиционном конструктивном решении. Эмоциональное воздействие подобных парковых объектов усиливается за счет объединения искусственных и естественных компонентов ландшафта с использованием дизайнерского подхода.

2. Методы:

Статья раскрывается на основе принятия всеобщих методов - исторического, сравнительно логического анализа, последовательности и объективизма. В ней раскрываются вопросы о ландшафтном дизайне в городской среде.

3. Результаты исследования:

Подчеркнутая облегченность конструкции многих малых форм, в частности, пергол, достигается путем применения металлических элементов небольшого сечения, включая тонкий стальной трос как несущий контур для размещения растительности. "Вплетение" в ажурный пространственный каркас из металла вьющихся растений, зрительно "поглощающих" несущую конструкцию, дает возможность создать озелененные поверхности произвольной формы, внося живописное разнообразие в парковую среду.



Примеры устройства пергол из металла в современных садах и парках, в частности, парке Сен Серж в Анже, Саду Атлантики в Париже, саду при городском музее в Берлине дают представление о дизайнерской интерпретации малых форм как художественных компонентов среды. Выбор характерной силуэтной линии в очертаниях каждой из этих пергол превращает их в средство эмоциональной ориентации парковых пространств, фокусируя или направляя зрительное восприятие на определенные фрагменты ландшафта.

Не меньшим художественным смыслом в организации среды обладают парковые сооружения, выразительность которых во многом зависит от композиционного взаимодействия с природным окружением. По существу, современные архитектурные, дизайнерские решения способствуют трансформации традиционного представления о парковых сооружениях как объектах "замкнутых", статичных, в сторону объектов открытых, динамичных. Выражается это в появлении новых пространственных форм и комбинаций из линий и поверхностей, обладающих качеством "прозрачности" за счет прерывистой трактовки внешнего контура сооружений со свободным размещением компонентов природы в их структуре. К разнообразию объемных и плоскостных параметров архитектурных составляющих парковой среды подобный подход прибавляет широкий диапазон пластических возможностей растительности, усиливающей своей живописностью эффект геометрической упорядоченности форм конструкции.



Так, при создании архитектурно-ландшафтной композиции из фрагментов стен, стилизованных скал и декоративной растительности в Саду Атлантики в Париже был использован прием "многослойного" построения пространства с градацией его восприятия в различных направлениях. Композиция то раскрывается как ряд картин через контур стены, то предстает в виде серии живописных фрагментов ландшафта.

Между уходящими вглубь сада вертикальными поверхностями из гранита.

Активную роль в формировании парковой среды играют, наряду с объектами преимущественно зрительного воздействия, сооружения различного функционального назначения, включая навесы над концертными площадками, детские игровые комплексы и другие. Наличие оригинальной дизайнерской идеи позволяет превратить каждое из них не

только в удобные с точки зрения использования, но и в художественно выразительные элементы паркового ландшафта.


Приоритет "прозрачного" каркаса с включением природных компонентов и отказ от массивных поверхностей примитивной геометрической формы определяют основное направление развития композиции парковых сооружений. Так, при создании детского игрового комплекса в Парке Буга в Котбусе (Германия), поставленный на шаровую опору перевернутый конус из деревянных конструкций был использован и как характерный композиционный элемент, и как основной объект для игр детей, динамичное перемещение внутри которого сопровождается его раскачиванием и звуковыми эффектами.



Благодаря индивидуальному подходу к проектированию парковых сооружений значительно расширяется возможность объединения каждого из них с другими компонентами ландшафта, в частности, с водой. Использование ее декоративных свойств, в статичном и динамичном состоянии, обретает определенное художественное содержание в результате дизайнерской трактовки водных зеркал и устройств, взаимодействующих с разнообразными архитектурными формами. Прибегая к игре геометрических линий, предстающих в композиции парка то в виде строгих очертаний водных поверхностей, то в качестве динамично изогнутых контуров водных каскадов, удастся получить набор элементов, наполняющих пространство необычными смысловыми акцентами.

Одним из примеров подобного композиционного подхода является создание системы архитектурных сооружений, называемых Гротами нимф, вдоль канала в центральной части парка Ситроен в Париже. Определенные ассоциации с местами нахождения представительниц античной мифологии создаются путем размещения в повторяющихся объемах из серого гранита водных устройств в виде каскадов и фонтанов, создающих специфическую атмосферу с характерной эмоциональной установкой. Находясь внутри полузамкнутого пространства, "пронизанного" движением воды, посетитель оказывается вовлеченным мысленно в сферу влияния символических сил природы, уносящих его за пределы традиционного паркового ландшафта.

Для современного ландшафтного дизайна характерна связь реального и абсолютного, прозаического и возвышенного. И это предполагает одинаково внимательное отношение, как к трактовке концептуальных аспектов, так и к решению вопросов утилитарных. С точки зрения в таких малых формах, как лестницы, светильники, скамьи, урны и других неотъемлемых компонентах парковой среды заключен, наряду с очевидным функциональным содержанием, не менее важный эстетический смысл. Столь привычные для многих наших современных парков застывшие в своем развитии малые формы, слабо вписываются, в концепцию динамичного ландшафтного дизайна и откровенно диссонируют, с международной практикой обновления эстетики парковых пространств.




Движение к устойчивой среде трудно представить без изменения отношения к проектированию всех компонентов паркового ландшафта с учетом реально существующего вандализма. Поэтому вместо еще встречающихся подходов к дизайну малых форм, в результате которых металлические опоры остаются без осветительных фонарей, остовы скамей – без деревянной обрешетки, а урны скорее напоминают бетонную скульптуру в стиле "ретро" с минимальной эстетикой, целесообразно распространить многочисленные достижения современной технологии и на эту область проектирования паркового ландшафта.

Как показывает опыт, формирование ландшафта для пребывания человека невозможно без постоянного обновления дизайнерских подходов к организации среды и учета в связи с этим как новых возможностей, так и прибавляющихся проблем. Становится очевидным, что, чем больше такие перемены отвечают разумным интересам человека и реальной способности природы само поддержанию, тем больше появляется предпосылок для сохранения устойчивости среды.

Иктибослар/ Сноски/ References:


1. Агранович А. Проблемы формирования прирельсовых территорий города // Архитектура. Стр-во.Дизайн. -1998. -№2 (8). - С. 40-45. (Agranovich A. Problems of formation of railroad territories of the city // Architecture. Construction.Design. -1998. -No. 2 (8). – P. 40-45.)
2. Андреева. Е.Г., Добрин В. Ю. Жилье: спрос и предложение // С- Петерб. панорама. – 2000. – Июнь.– С. 6-7. (Andreeva. E.G., Dobrin V. Yu. Housing: supply and demand // St. Petersburg. panorama. –2000. - June. – P. 6-7.)
3. Буга Ю. П., Короев Ю. И. Методика предпроектного визуального анализа архитектурно-пространственной среды города//Изв. вузов. Стр-во. - 1998. – №9. – С. 103–111. (Buga Yu. P., Koroev Yu. universities. Construction - 1998. - No. 9. – P. 103–111.)
4. Бреннан Д. Зеленая архитектура еще не созрела // Зодчество мира. – 1999. – №2. - С. 30–33. (Brennan D. Green architecture has not yet matured // Architecture of the world. - 1999. - No. 2. – P. 30–33.)
5. Вергунов А. П. Архитектурно–ландшафтная организация крупного города. – Л.: Стройиздат. Ленингр.отд-ние, 1982. - 134 с: ил. (Vergunov A. P. Architectural and landscape organization of a large city. - L. : Stroyizdat. Leningrad department, 1982. - 134 p: ill.)
6. Груб Г. "Зелень между домами"." Операция зелень": Идеи, концепции, примеры введ. Элементов природы в произв. среду / Пер. [с нем.] и ред. Л. Демьянова, Н. Чибиревой (6. Grub G. "Green between houses." "Operation green": Ideas, concepts, examples. Elements of nature in production. Wednesday / Per. [from German] and ed. L. Demyanova, N. Chibireva.)
7. Забелина Е.В. Поиск новых форм в ландшафтной архитектуре: учеб. пособие /Е. В. Забелина-М.: Архитектура-С, 2005. 158с. (Zabelina E.V. Search for new forms in landscape architecture: textbook. allowance /E. V. Zabelina-M.: Architecture-S, 2005. 158p.)
8. Жирарде Г. Устойчивые города. Пока так. Будет ли иначе ?//Зодчество мира. – 1999. – №2. – С. 23–27. (Girardet G. Sustainable cities. Let it be for now. Will it be otherwise?//Architecture of the world. - 1999. - No. 2. – P. 23–27.)
9. Таити Ф. Чтение пейзажа// Семиотика пространства. – Екатеринбург, 1999. – С. 193–207. (Tahiti F. Reading the landscape // Semiotics of space. - Yekaterinburg, 1999. – P. 193-207.)
10. Baljon L. Paris als Laboratorium fur den Park des 21. Jahrhunderts = Paris as Laboratory for the park of the 21 st century//ТОПОС, European Landscape Magazine. - 1997. - №19. - P. 75-82. (Baljon L. Paris als Laboratorium fur den Park des 21. Jahrhunderts = Paris as Laboratory for the park of the 21st century//ТОПОС, European Landscape Magazine. - 1997. - No. 19. – P. 75-82.)
11. Jirku A., Schroder T. Berlin - cine Stadt am Wasser//Garten + Landschaft. - 2000. - №2. – P. 9-16



Муҳаббат Мадиримовна Махмудова,
Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали
“Ички касалликлар” кафедраси катта ўқитувчиси
фалсафа фанлари доктори (PhD),
mukhabbat-makhmudova@mail.ru

ХОРАЗМИЙЛАР ТИЛИ ВА ЁЗУВИНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИДАН

For citation: Mukhabbat M. Makhmudova, FROM THE HISTORY OF STUDYING THE KHOREZMIAN LANGUAGE AND SCRIPT. Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.173-176

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўзбек тилининг таркибий қисмига кирган, аммо ўзига хос шева сўзлари билан бироз ажралиб турадиган қадимги хоразм тилининг пайдо бўлиши, шаклланиш босқичлари ва “ўлик тиллар” қаторига ўтиб кетиши билан боғлиқ тарихий жараёнлар ҳақида фикр юритилади. Чунки хоразм тили ва ёзувини ўрганиш ўтмиш сирларини очиш ва кадрятлармизни тиклашда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда хоразм тилини археологик ва лингвистик асосда ўрганишга ҳисса қўшган олимларнинг хизматлари алоҳида ҳурмат билан қайд қилинади.

Калит сўзлар: алифбо, археолог, лингвистик, ёдгорлик, мутафаккир, олим, архив, шева.

Муҳаббат Мадиримовна Махмудова,

Старший преподаватель,
кафедры «Внутренних болезней» Ургенчского филиала
Ташкентской медицинской академии,
PhD доктор философии,
mukhabbat-makhmudova@mail.ru

ХОРЕЗМСКИЙ ЯЗЫК И ПИСЬМЕННОСТЬ ИЗ ИСТОРИИ ИЗУЧЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена освещению истории возникновения и основных этапы формирования древнехорезмийского языка, которая является одним из составных частей современного узбекского языка. Несмотря на то, что хорезмийский язык с XIV века входит в состав так называемых «мертвых языков», многие его выражения и слова поныне широко употребляются жителями Приаральского региона. Авторы с выражением глубокого уважения отмечают заслуги археологов и лингвистов в изучении хорезмийского языка, которого необходимо приумножить в условиях национальной независимости.

Ключевые слова: алфавит, археолог, лингвистик, памятник, мислитель, учонный, архив, наречие.

Mukhabbat M. Makhmudova
senior teacher of department "Internal diseases"
Urgench branch of the Tashkent medical academy, PhD
mukhabbat-makhmudova@mail.ru

FROM THE HISTORY OF STUDYING THE KHOREZMIAN LANGUAGE AND SCRIPT

ABSTRACT

The Article is dedicated to illumination to histories of the origin and the main stages of the shaping древнехорезмийского language, which is one of the component parts of the modern tie-бекского of the language. In spite of the fact that хорезмийский language with XIV age to be included in so named "dead of the languages", is avenged-гие of his(its) expression and word until now broadly is used zhi-body Priaraliskogo region. The authors with выражением глупо-who respects note заслуги archeologist and linguist in изу-чении хорезмийского of the language, which необходимо приумножить in condition of national independence.

Index Terms: alphabet, archeologist, linguist, monument, thinker, scholar, archivist, dialect.

1. Долзарблиги:

Куйи Амударё хавзасида қадимдан яшаб келаётган хоразмликларнинг бир вақтлар ўз она тили ва ёзуви мавжуд бўлган. У ҳозирги ўзбек тили ва унинг алифбосидан фарқ қилган ҳолда, милоннинг XIV асрга келиб, "ўлик тиллар" гуруҳига қўшилиб кетган. Ҳар бир халқнинг тил ва ёзувининг шаклланиши мураккаб ижтимоий жараён бўлиб, у уруғ-қабиланинг халқ-элат бўлиб бирлашиши, давлат тузилмасининг пайдо бўлиши ва узоқ-яқинга ахборотларни узатиш заруратидан келиб чиқади [2].

Хоразмда дастлабки давлат бирлашмаси милондан олдинги VIII асрда шаклланган ва маҳаллий халқ ёзувининг ёшини ҳам 2800 йилга тенг деса бўлади. Иккинчидан, дастлабки Хоразм давлати тарихи шимолий-шарқий Эрон ҳудуди, яъни Хуросон билан боғлиқ эканлигини ҳисобга олсак, хоразмийларнинг тили ва ёзуви маҳаллий этник гуруҳлар ҳаёти билан бевосита боғлиқ бўлган деган хулоса келиб чиқади [1]. Хоразм тилининг шаклланишидаги эволюцион босқичлар ҳақида фикр юритганда бугунги кунда эронликлар форсча, хоразмликлар эса туркий тиллар қаторига кирган ўзбек тилида сўзлашишларини ҳисобга олишга тўғри келади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Кўпгина тилшунос олимларнинг фикрича, қадимги хоразмийлар тили Ҳинд-Европа тилларининг Эрон гуруҳи ва унинг шарқий шаҳобчасига мансуб ҳисобланади. Шу билан бир қаторда шарқшунос олим Н.Норкулов "Хоразм ёзуви Суриянинг қадимий хетти-орамей ёзувига ўхшар экан ва унинг таъсирида ихчамлашган", - деб ёзади. Ўз навбатида орамей ёзуви милондан олдинги XIV-VIII асрларда Иккидарё оралиғи – Месопотамияда мавжуд бўлган кучли кулдорлик давлати Осуриянинг ёзуви бўлиб, бу давлат шарқдаги халқлар қатори хоразмликларни ҳам ўзига бўйсундирган. Натижада янги мустамлака ҳудудда орамей ёзуви таъсирида маҳаллий халқнинг ўзига хос янги ёзув усули шаклланган [1, 8]. Шу билан бир қаторда орамей ёзувидан фарқли ўлароқ Хоразм алифбосида 22 та ҳарф ўрнига 20 та ҳарф ишлатилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Хоразм ёзувининг шаклланиш даври тахминан қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: 1. Милондан олдинги VIII–IV асрлар (Хоразм давлатининг пайдо бўлиши ва унинг Осурия, Мидия, Аҳмонийлар давлатларига қарамлиги даври); 2. Милондан олдинги IV – милоннинг III асрлари (Хоразм мустақиллигининг тикланиши, унинг Қанға ва Кушон подшоликлари таркибида бўлиши); 3. Милондан кейинги III-VIII аср (Хоразмшоҳ-африғийлар ҳукмрнлиги

даври); 4. Милодан кейинги VIII-XI аср (Хоразмнинг Араб халифалигига бўйсундирилиши ва мустақиллигининг қайта тикланиш даври) [5,6].

Хоразм тили ва ёзуви қўшни мамлакатлар халқлари ва узоқ-яқиндан келган босқинчиларнинг тили ва ёзуви таъсирида бироз ўзгариб, инқироз ва юксалиш босқичларини бошидан кечирди. Айниқса, араблар истилоси унга ҳалокатли зарбани берди. Абу Райҳон Беруний ўзининг "Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар" асарида қайд қилишича, араб лашкарбошиси Қутайба ибн Муслим буйруғи билан Хоразм ёзуви ва тилдаги қўлёмалар ёқилган, ақлли, фаросатли ва билимдон инсонлар нобуд этилган. Араб халифалигининг кўпгина ҳудудлари каби Хоразмда ҳам араб имлоси жорий қилинди. Шу сабабли янги алифбода ижод қилишга мажбур бўлган, аммо асли Хоразмда камол топган Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний каби кўпгина буюк алломалар араб олимлари қаторида саналиб келинган [3, 10].

VI-XI асрларда Ўрта Осиёга шарқдан туркий халқларнинг кўплаб вакиллари кўчиб кела бошлади. Жумладан, XI асрда Хоразмда ўғуз лаҳжасида гаплашувчи қабилаларнинг пайдо бўлиши оқибатида маҳаллий аҳоли тили ва шеvasида кескин ўзгаришлар руй берди. Мўғул-татарлар истилоси даврида эса Хоразмда кипчоқ лаҳжаси кенг тарқалди.

Хоразм тили ва ундаги иборалар XIII аср бошларида ҳам кенг ишлатилганлиги ҳақида қонуншунос мутафаккир Нажмиддин ал-Ҳазиний қимматли маълумотлар қолдирган. Унинг ислом қонуншунослиги – фикҳ илмига бағишланган асарида хоразмийларнинг 3 мингдан зиёд сўз ва иборалари учрайди. Олим шевадаги кўпгина сўзларга шарҳ бериб, уларнинг мазмунини ҳам тушунтириб ўтган. XIII аср бошларидаги мўғул-татарлар истилоси ва уларнинг Ўрта Осиёни мустамлакага айлантиришлари натижасида Хоразм ёзуви ва тили аста-секин муомаладан чиқарилиб, XIV асрда у ўлик тиллар гуруҳига кириб қолади.

1936 йилда Астраханда тадқиқотлар олиб борган Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти илмий ходими С.А.Олимов Нажмиддин ал-Ҳазинийнинг қўлёмасини топган ва уни Москвалик эроншунос олим, профессор А.А.Фрейманга юборган. Мазкур олим томонидан қўлёманинг узоқ вақт чуқур ўрганилиши ва бошқа тиллардаги яқин манбалар билан солиштирилиши натижасида, 1951 йилда "Хорезмийский язык" номли икки қисмдан иборат қизиқарли асар нашр қилинган.

50-йилларга келиб, археолог олимлар ҳам Хоразм тили ва ёзувига оид кўплаб ашёвий далилларни топдилар. 1947 йилда профессор С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археология-этнография экспедициясининг аъзолари африғийлар давлати пойтахти бўлган Тупроққалъани қазишни бошлади. Кўплаб ноёб ёдгорликлар қаторида қалъа деворлари, хум ва кўза бўлақлари, ёғоч ва терига битилган қадимги ёзув намуналари ҳам аниқландики, улар фанга янги хулосаларни кириш имконини берди. Тупроққалъадан топилган буюмлардаги "аъло нав ун", "ўн уч", "ўн тўққиз", "йигирма беш", "Наргва", "Рехимамака", "Ораштака", "252 йил", Арсамух I исмли подшо ва унинг хотини номидан зарб қилинган тангаларидаги сўзларни ўқиш мумкин бўлди.

1951 йилда Қўйқирилган қалъани қазиш вақтида топилган ёзувларни ўрганган академик С.П.Толстов қуйидагиларни ёзганди: "Бу ёзув фақат Хоразмдагина эмас, балки бутун Ўрта Осиёдан топилган ёзувлар орасида энг қадимийсидир. Ёзув хумга, унинг чамбари остига орамийчадан келиб чиққан, осонликча ўқиладиган хат билан ўйиб ёзилган эди. У "Аспабарак" ёки "Аспабадак" деб ўқилади. Шубҳасиз бу сўз эрончадир. Сўзнинг от ўзаги ҳам, феъл ўзаги ҳам, унинг охиридаги аффикс ҳам эрончадир. Сўзни "отда кетаётган" ёки "от миниб турган" деб таржима қилиш мумкин [2, 10]. Ҳар иккала ҳолда ҳам атоқли от бўлиб, хум эгасини ва унга қарашли отни ифодалайди. Бундан ташқари, сўнги йилларда 3 та хумга битилган ва аёл хайкалчасига тушурилган яна бир ёзув топилди. Бу ёзувлар Хоразмшоҳлар архивининг милоддан кейинги III асрга мансуб ҳужжатлари бўлиб, у қадимги Нисо шаҳри ҳаробаларидан топилган ва милоддан олдинги I асрга оид бўлган Парфия давлати архиви билан бирга Ўрта Осиё халқлари қадимги ёзувларининг тез тўлиб бораётган тарихи хазинасига ҳисса бўлиб қўшилади".

Кейинги йилларда қадимшунос олимларнинг Миздахқан, Айбуғурқалъа, Хумбузтепа ва бошқа ёдгорликларни қозиш вақтида хоразм ёзувининг янги намуналари топилди. Археологлар томонидан топилган Хоразм ёзувининг айрим намуналари Москвадаги Шарқшунослик институти музейида сақланади, Ҳозирги босқичда бу ёзув намуналарини ўрганиш устида ишлар давом эттирилмоқда [9, 11].

Хоразм тили ва ёзувини ўрганишга катта хисса қўшган олимлар орасида академик А.А.Фрейман, проф. И.М.Оранский, проф. З.Херзфельд, проф. С.Л.Волин, проф. В.Лившиц, проф. М.Исҳоқов, проф. Н.Қобулов, проф. А.Сағдуллаев, проф. С.Ҳасановларнинг асарларини қайд қилиш лозим. Бу ишда Хоразмлик тилшунос олимлардан Отаназар Мадрахимов ва Янгибой Дўсимов, ўлкашунос Комил Нуржоновнинг саъй-ҳаракатларини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлидир [6, 8, 9].


Хоразм шевалари тадқиқотчилари томонидан ўзбек тилининг бошқа ҳудудлардаги шеваларидан фарқ қиладиган 4 мингга яқин сўзлар борлиги аниқланди. Жумладан, Питнак, Карвак, Навхос, Пирнахос, Зинахос, така (ёстик), кунда (омоч), патик (шип), мезон (тарози), болар (балка), ўра (устун), карвуч (ғишт), долон (айвон), талак (томнинг остидаги омбор), жангал (тикан), хороз (тегирмон), ёп (арик), шиғир (арава изи), сархум (сув коса), пушти-пой (қалишнинг жуфти), кўшик (аёллар шоҳ супаси), катхудо (ёши улуг билимдон) каби сўзлар кўпроқ Хоразм, Туркменистон, Озарбайжон ва Осетиянинг айрим ҳудудларида учрайди.

4. Хулосалар:

Мустақиллик яратган имкониятлардан фойдаланган ҳолда ўтмиш қадриятларимизга эътибор ортиб бормоқда. Олимларнинг диққат марказида дастлабки Хоразм давлатининг ташкил топиши, "Катта Хоразм" муаммоси, қадимги қалъа ва қишлоқлардаги муодофаа иншоотлари, антик давр маданияти ва этнографияси каби ўнлаб қизиқарли илмий мавзулар билан бир қаторда маданиятимизнинг ажралмас бўлаги бўлмиш тилимизга ҳам эътибор ортиб бормоқда. Шу сабабли қадимшунос ва адабиётшунос олимларнинг ҳамкорлигида Хоразм тили ва ёзуви, унинг ноёб ёдгорликларини ўрганиш борасидаги тадқиқотларни давом эттириш ўтмиш сирларини очиш ва қадриятларимизни тиклашда муҳим аҳамият касб этади.

Иқтибослар/Сноски/References:


1. Freyman A. A., Khorezmian language, [part] 1, M. - L., 1951.
2. Bogolyubov M. N., Pronouns in the Khorezmian language, "Brief reports of the Institute of the Peoples of Asia", 1963, c. 67; Henning W. B., The structure of the Khwarezmian verb, «Asia Major», new series, 1955, v. 5, p. 1;
3. Humbach H., Neue chwaresmologische Arbeiten, «Zeitschrift der Deutschen Morgenlandischen Gesellschaft», 1973, Bd 123, H. 1.
4. Aliev A., Sodiqov Q. From the history of Uzbek literary language. - Т., Uzbekistan. 1994.
5. Borovkov A.K. Lexicographic tradition of the Chigatai language - "Lexicographic collection". IV. -M.1960, c. 156.
6. Mahmudov K. Historical phonetics of the Uzbek language. - Т., 2006.
7. Toychibaev B. Stages of development of the Uzbek language. - Т., Teacher. 1996.
8. Abdullaev F. How language develops. - Т., 1972.
9. Shukurov Sh. Development of Uzbek verb tenses. -Т., 1980.
10. Tursunov U.Urinbaev B. History of Uzbek literary language. - Т., 1982.
11. Hamza H.N. Selected Works, - Т., 1955.



Шавкатбек Махамадюнов,
Андижон давлат университети ўқитувчиси

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНГА ДЕПОРТАЦИЯ ҚИЛИНГАН ХАЛҚЛАР ТАРИХИНИНГ АРХИВ МАНБАЛАРИ

For citation: Shavkatbek Makhamadyunusov, ARCHIVAL SOURCES OF THE HISTORY OF PEOPLES DEPORTED TO UZBEKISTAN DURING THE SECOND WORLD WAR. Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.177-181

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга депортация қилинган халқлар тарихини ёритувчи архив манбалари таҳлил этилган. Уруш йилларида Фарғона водийсининг Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари шаҳар ва қишлоқларига жойлаштирилган қрим татарлари, месхети туркларлари, озарбайжонлар, греклар, болгарлар, чеченлар, ингушлар ва бошқа этник гуруҳларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти масалалари ақс этган архив фондлари ва уларнинг мазмуни ёритиб берилган.

Калит сўзлар: совет давлати, Иккинчи жаҳон уруши, депортация, депортацион сиёсат, махсус манзилгоҳлар, комендатура режими, архив фондлари, архив манбалари, қрим татарлари, месхети туркларлари, озарбайжонлар, этник гуруҳлар.

Шавкатбек Махамадюнов,
Андижанский государственный университет
Преподаватель

АРХИВНЫЕ ИСТОЧНИКИ ИСТОРИИ НАРОДОВ ДЕПОРТИРОВАННЫХ В УЗБЕКИСТАН В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ

АННОТАЦИЯ

В статье проанализированы архивные источники, освещающие историю народов, депортированных в Узбекистан в годы Второй мировой войны. Освещены архивные фонды отражающие вопросы социально-экономической и культурной жизни крымских татар, турков-месхетинцев, азербайджанцев, греков, болгар, чеченцев, ингушей и других этнических групп, размещенных в городах и селах Андижанской, Ферганской и Наманганской областей Ферганской долины.

Ключевые слова: советское государство, Вторая мировая война, депортация, депортационная политика, спецпоселение, комендатурный режим, архивные фонды, архивные источники, крымские татары, турки-месхетинцы, азербайджанцы, этнические группы.

Shavkatbek Makhamadyunusov,
Andijan State University Teacher

ARCHIVAL SOURCES OF THE HISTORY OF PEOPLES DEPORTED TO UZBEKISTAN DURING THE SECOND WORLD WAR

ABSTRACT

The article analyzed archival sources covering the history of peoples deported to Uzbekistan during the Second World War. Archival funds reflecting the issues of the socio-economic and cultural life of the Crimean Tatars, Meskhetian Turks, Azerbaijanis, Greeks, Bulgarians, Chechens, Ingush and other ethnic groups, located in the cities and villages of the Andijan, Ferghana and Namangan regions of the Ferghana Valley, were covered.

Index Terms: Soviet state, World War II, deportation, deportation policy, special settlement, komendaturny mode, archival funds, archival sources, Crimean Tatars, Meskhetian Turks, Azerbaijanians, ethnic groups.

1. Долзарблиги:

Ҳозирги кунда глобаллашаётган дунё ва энг янги тарих шароитида дунё миқёсида юз бераётган халқлар миграцияси ва унинг сиёсий-ижтимоий оқибатлари, миграция оқимларининг муайян минтақа этник жараёнларига таъсири масаласи замонавий тарих ва социология фанларининг энг асосий тадқиқот объектларидан бири ҳисобланмоқда. Шу жиҳатдан, XX асрнинг 30–40-йилларида тоталитар совет режими томонидан амалга оширилган депортация сиёсати ва унинг оқибатлари масаласи нафақат мажбуран кўчирилган халқлар учун, балки, совет давлати репрессив сиёсатидан жабр чеккан барча халқлар ва умуман, жаҳон ҳамжамияти учун ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир.

XX асрнинг 30–40-йилларида тоталитар совет режими томонидан амалга оширилган депортация сиёсати ва унинг оқибатлари масаласи бугунги кунда тарих фанининг энг долзарб мавзуларидан бири сифатида дунёнинг бир қатор ривожланган давлатлари илмий марказларида тадқиқ этилмоқда. Хусусан, ушбу мавзу Ўзбекистонда ҳам энг долзарб муаммолар сирасига киради. Чунки, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга ҳам жуда кўплаб халқлар депортация қилиб келтирилган, республика иттифоқдаги мажбурий кўчириш марказларидан бирига айланган.

Айниқса, 1944-1945 йиллар давомида Ўзбекистонга Қримдан қрим татарлари билан бир қаторда турли миллат вакиллари бўлмиш грек, румин, италян, поляк, болгарлар, Шимолий Кавказдан қолмиқ, чечен, ингуш, болқорлар, Грузиядан месхети турклари, озарбайжонлар, хемшелларнинг мажбуран ўз юртларидан кўчириб келтирилши, жойлаштирилиш масалалари, уларнинг ҳуқуқлари, колхозлардаги ва саноат корхоналаридаги меҳнат фаолиятлари, давлат томонидан уй-жой куриш учун ажратилган кредит маблағлари, томорқа участкалари, озиқ-овқат маҳсулотларини ҳамда тарихини ўрганишда архив маълумотлари муҳим аҳамиятга эгадир.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Ушбу мақолада тарихий тадқиқотлар олиб боришнинг объективлик, тарихийлик, изчиллик тамойиллари, қиёсий таҳлил, статистик таҳлил, миқдорий таҳлил, тизимлаштириш, муаммовий-хронологик методларидан фойдаланилди.

3. Тадқиқот натижалари:

Совет давлатининг халқлар депортацияси тарихини тадқиқ этишнинг бир қатор манбалари бўлиб, улар ичида архив манбалари алоҳида ўрин тутди. СССРдаги халқлар депортацияси муаммоси бўйича мавжуд манбаларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилишнинг янги босқичи ҳам айнан XX аср 80-йилларининг охири – 90-йилларининг бошларида СССР Олий Совети томонидан депортация қилинган халқлар реабилитацияси тўғрисида бир қатор ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишидан кейин юзага келди. Бу ҳужжатларнинг қабул қилиниши билан айрим халқларнинг доимий яшаш жойларидан мажбуран кўчиришга ва бегона юртларда яшашига асос бўлиб хизмат

қилган СССР давлат ҳокимияти юқори органларининг меъёрий ҳужжатлари бекор қилинди. СССР қонунчилик ҳужжатларига тегишли “Нашр учун мумкин эмас”, СССР Мудофаа Давлат Комитетининг қарорларидан махфийлик грифлари бекор қилинди [1].

Депортациялар тарихини тадқиқ этишга кенг йўл очиб берган умумиттифок аҳамиятидаги энг муҳим ҳужжатлар қуйидагилардир:

СССР Олий Советининг 1989 йил 16 январдаги “30-40-йиллар ва 50-йиллар бошида жабр кўрган қатағон қурбонларига нисбатан адолатни тиклаш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Фармойиши [2, 19];

СССР Олий Советининг 1989 йил 14 ноябрда қабул қилинган “Репрессия ва мажбурий кўчиришга учраган халқларга қарши татбиқ этилган ноқонуний ва жиноий репрессив ҳаракатларни тан олиш ва уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш тўғрисида”ги Декларацияси [3, 87-89];

СССР Президентининг 1990 йил 13 августдаги “20-50-йиллардаги барча сиёсий қатағон қурбонлари ҳуқуқларини тиклаш тўғрисида”ги Фармойиши [4, 26-28];

СССР Олий Советининг 1991 йил 7 мартдаги “СССР Олий Совети Декларациясида кўрсатилган қонунчилик актларини бекор қилиш тўғрисида”ги Қарори [5];

РСФСРнинг 1991 йил 26 апрелдаги “Қатағон қилинган халқларни реабилитация қилиш тўғрисида”ги Қонуни [6];

СССР Министрлар Советининг 1991 йил 6 июндаги 336-сон “Собиқ СССР Мудофаа Давлат Комитети қарорлари ва СССР ҳуқумати кўрсатмаларини бекор қилиш тўғрисида”ги Қарори [3, 93].

Юқоридаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар совет тузумининг турли даврларида депортацияга учраган ва ундан жабр чеккан халқларни реабилитация қилиш, мажбурий кўчиришларнинг сабаб-оқибатларини ёритувчи бирламчи манбалар бўлмиш “махфий” ва “ўта махфий” грифи билан сақланаётган архив ҳужжатларидан фойдаланиш имкониятларини юзага келтирди.

Депортацион сиёсат муаммоси манбаларининг иккинчи гуруҳи– маҳаллий партия ва совет ҳуқумати идораларининг архивларда сақланаётган иш юритиш ҳужжатлари, хилма-хил инфорацион маълумотлардир. Махсус кўчирилганларни жойлаштириш, маиший-хўжалик жиҳатдан уюштириш билан боғлиқ ҳужжатлар қаторига кўрсатма ва қарорлар билан бирга маҳаллий органларнинг республика марказий органлари билан ёзишмалари, маълумотномалар, ҳисоботлар, статистик маълумотлар, махсус кўчирилганларнинг шикоят-аризалари ҳам киради. Бу манбаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар мавзу бўйича нисбатан аниқроқ маълумот беради, улар ўз навбатида республика ва вилоят архивларида сақланади.

Мавзуга доир энг асосий архив манбалари қуйидагилардир: Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви ва вилоятлар архивларида сақланаётган ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети ва Марказий Ижроия Комитетининг махсус кўчирилганларни жойлаштириш, маиший турмуши ва меҳнат фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари; маҳаллий ҳокимият ва депортация қилинганлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи маҳаллий партия ва совет ҳокимиятининг меъёрий-маъмурий ҳужжатлари; депортация қилинган халқлар миқдори ва миллий таркибига оид махсус ахборот, маълумотнома ва статистик материаллар; айрим архив фондларида сақланиб қолган репрессия ва реабилитация бўйича қонунчилик ва меъёрий ҳужжат нусхалари ташкил қилди.

Ўзбекистонга, хусусан Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларига депортация қилинган халқлар тарихини тиклаш учун Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган, бугунги кунгача ҳеч бир тўпламларда эълон қилинмаган ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Кўриб чиқиладиган мавзу билан боғлиқ муҳим ҳужжатли материаллар Ўзбекистон Миллий архивининг Р-86-фонд (ЎзССР Марказий Ижроия Комитети), Р-837-фонд (ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети), Р-100-фонд, Р-90-фонд (ЎзССР Ер ишлари Халқ Комиссарлиги), Р-314-фонд (ЎзССР ХКС ҳузуридаги аҳоли эвакуацияси бўйича бошқарма) ларида сақланади.

Ўзбекистон Миллий архиви фондларидан олинган маълумотлар Ўзбекистоннинг турли вилоятларига депортация қилинган корейс, қрим татарлари, грек, месхети турклари, қолмик ва бошқа этник озчиликларнинг жойлаштирилиши, меҳнат фаолиятининг йўлга қўйилиши, маҳаллий партия ва совет органларининг махсус кўчирилганлар ўртасида олиб борган тарғибот-ташвиқот, маданий-тарбиявий характердаги тадбирларини тўла ёритиш имконини беради.

Муҳим манбавий материаллар орасида Ўзбекистон ССРга депортация қилинганларнинг ишчи кучидан саноат ва қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларида фойдаланилиш тўғрисидаги маълумотлар ва ҳисоботлар муҳим ўрин тутди. Депортация қилинган халқларнинг мамлакат иқтисодий ҳаётидаги иштироки ҳолати тўғрисидаги ҳисоботлар, хулосалар, НКВД махсус комендатуралари раҳбарларининг маълумотлари, Ўзбекистон ССРда 1960 йиллар бошларигача алоҳида районлар ва областларда махсус кўчирилганлар назорати бўйича комендатура тизими амал қилгани, махсус кўчирилганлар миллий таркиби, дислокацияси ва уларнинг миқдоридagi ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар алоҳида аҳамиятга эгадир. Улар орасида махсус кўчирилганлар ўртасида сиёсий тарбиявий ишларни ташкил этиш тўғрисидаги, меҳнат ва турмуш шароитларини акс эттирувчи тушунтирув ёзувлари, хатлар, касалланиш ва ўлим тўғрисидаги маълумотлар, янги келганлар, махсус кўчирилганлар ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги ўзаро муносабатлар аҳволи, махсус кўчирилганларнинг умумий кайфияти тўғрисидаги материаллар мавзу моҳиятини очиб беришда етакчи ўрин эгаллайди [7].

1944-1946 йилларда Фарғона области шаҳар ва районларига жойлаштирилган “махсус кўчирилганлар” миқдори ва миллий таркибига доир муҳим ҳужжат ва материаллар Фарғона вилоят давлат архивининг 1124-фонд (Фарғона област ижроия комитети), 8-фонд (Фарғона шаҳар Ижроия комитети), 477-фонд (Фарғона област статистика бошқармаси), 1125-фонд (Фарғона област ижроия комитетининг Халқ таълими бўлими) материалларидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архивининг Фарғона вилоят бўлимининг 1-фонди (ЎзКП(б) Фарғона област комитети) йиғма жилдларида сақланмоқда. Ушбу материаллар Фарғона вилояти шаҳар ва қишлоқ ҳудудларига жойлаштирилган қрим татар, месхети турклари ва бошқа халқлар ҳаёти ва меҳнат фаолиятини тўлақонли ёритиш имконини беради [8].

Андижон вилоят давлат архивининг 608-фонди (Андижон област ижроия комитети), Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Андижон вилоят бўлимининг 3-фонди (ЎзКП(б) Андижон област комитети), 106/3-фонди (ЎзКП(б) МК Андижон области бўйича ташкилий бюроси), 24-фонди (ЎзКП(б) Андижон област Жалақудук район комитети), 31-фонди (ЎзКП(б) Андижон област Чинобод район комитети), 84-фонди (ЎзКП(б) Андижон област Балиқчи район комитети) материаллари [9, 10, 11], шунингдек, Андижон вилояти Қўрғонтепа туман архивининг 32-фонди (Ворошилов район ижроия комитети), 40-фонди (Ойим район ижроия комитети), 139-фонди (Жалақудук район ижроия комитети), Шаҳрихон туман архивининг 3-фонди (Холдеванбек район ижроия комитети), Избоскан туман архивининг 28-фонди (Избоскан туман ижроия кўмитаси), 48-фонди (Пахтабод район ижроия комитети) ҳужжатлари орасида Андижон областининг турли районларига махсус кўчирилганларни жойлаштириш ва меҳнат фаолиятини ташкил этишга доир маълумотлар учрайдики, улар ҳам вилоятга кўчириб келтирилган халқлар тарихини очиб беришга хизмат қилади. Туман архивларида махсус кўчирилганлар ҳаёти билан боғлиқ ҳужжатларнинг муҳим жиҳати – уларда муайян оила ёки алоҳида шахслар тақдири билан боғлиқ шахсий ёзишмалар, ариза ва шикоятлар, тушунтириш хатлари каби алоҳида тафсилотларни ёритувчи материаллардир. Айни пайтда, туман архивлари ҳужжатлари орасида алоҳида оила ёки алоҳида кишиларга муайян колхоз ёки совхозлар маъмурияти томонидан томорқа, кийим-бош, озиқ-овқат маҳсулотлари кўринишида кўрсатилган ёрдам масалаларига доир кўплаб мисоллар учрайдики, булар маҳаллий аҳолининг мажбуран кўчириб келтирилган халқ вакилларига Икинчи жаҳон урушининг ўта оғир шароитларида ҳам ёрдам қўлини чўзгани, уларга юксак инсонпарварлик намуналарини кўрсатганини тасдиқлайди.


Наманган вилоят давлат архивининг 13-фонди (Наманган шаҳар ижроия комитети), 275-фонд (ЎзССР Олий Советининг Наманган области бўйича Ташкилий комитети) ҳужжатлари орасида 1945-1947 йилларда вилоят шаҳар ва районларида депортация қилинган халқларни жойлаштириш, махсус кўчирилганларнинг районлар кесимидаги миқдори, озик-овқат таъминоти тўғрисидаги муҳим материаллар ҳам борки, улар ушбу муаммони фактик жиҳатдан ёритиш ва манбавий асосларини бойитишда муҳим ўрин тутади [12].

4. Хулосалар:

Умуман, юқоридаги кўриб ўтилган архив ҳужжат ва материаллари шубҳасиз, совет давлатидаги депортациялар тарихини, депортацияга учраган халқларнинг янги яшаш жойларидаги тақдирини, муайян минтақа иқтисодиётини юксалтириш учун олиб борган меҳнат фаолиятини ўрганувчи тадқиқотчилар учун катта аҳамиятга эга. Бу манбалар сиёсий катағонлар динамикасини ва катағонга учраган халқлар ва этник гуруҳлар контингентининг ижтимоий манзарасини тиклашга имкон беради. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви ва минтақавий хусусиятга эга бўлган Фарғона водийси вилоятлари архивлари ҳужжатлари Ўзбекистонга мажбуран кўчириб келтирилган халқлар ва уларнинг миқдори, ижтимоий-иқтисодий муносабатлардаги иштироки масаласини атрофлича ёритиш имконини беради. Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви ва Фарғона водийси вилоятлари архивларидаги ҳужжатларни таҳлил қилиш асносида шундай хулосага келиндики, Ўзбекистонга депортация қилинган халқларни республиканинг шаҳар ва қишлоқларига жойлаштириш, маҳаллий шароитларга мослаштириш борасида Республика ҳукумати ва маҳаллий ижроия органлари томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилган.

Иқтибослар/Сноски/References:


1. Сборник законодательных и нормативных актов о репрессиях и реабилитации жертв политических репрессий. – Москва, 1993. (Collection of legislative and regulatory acts on repression and rehabilitation of victims of political repression. - Moscow, 1993.)
2. Ведомости Верховного Совета СССР. 1989. № 3. (Vedomosti of the Supreme Soviet of the USSR. 1989. № 3.)
3. Народы стран Балтии в условиях сталинизма (1940-1950-е годы). Документированная история. – Stuttgart: Ibidem-Verlag, 2005. (The peoples of the Baltic countries in the conditions of Stalinism (1940-1950s). Documented history. – Stuttgart: Ibidem-Verlag, 2005)
4. Ведомости Верховного Совета СССР. 1990. № 34. (Vedomosti of the Supreme Soviet of the USSR. 1990. № 34)
5. Известия, 1991 г. 14 марта. (Izvestia, 1991 March 14)
6. <https://base.garant.ru/10200365/>
7. Ўзбекистон Миллий архиви, Р-100-фонд, 1-рўйхат материаллари. (National Archive of Uzbekistan, materials R-100-fund, list 1)
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архивининг Фарғона вилоят бўлими, 1-фонд, 1-рўйхат материаллари. (Ferghana Regional Department of the Archive of the Presidential Administration of the Republic of Uzbekistan, Fund 1, List 1 Materials)
9. Андижон вилоят давлат архиви, 608-фонд, 1-рўйхат материаллари. (Andijan Regional State Archive, Fund 608, List 1 materials)
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Андижон вилоят бўлими 3-фонд материаллари (Andijan Regional Department of the Archive of the Presidential Administration of the Republic of Uzbekistan, Fund 3 Materials).
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Андижон вилоят бўлими, 106/3-фонд материаллари (Andijan Regional Department of the Archive of the Presidential Administration of the Republic of Uzbekistan, Fund 106/3 Materials).
12. Наманган вилоят давлат архиви, 13-фонд, 1-рўйхат материаллари. (Namangan State Archives, Foundation 13, List 1 Materials).



Дилобар Бахриддиновна Мирхусанова,
Маданий мерос агентлиги, музейларни ривожлантириш,
ёдгорликларни музейлаштириш ва Миллий музей фонди
давлат каталогини юритиш бошқармаси етакчи мутахассиси

ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР МУЗЕЙИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

For citation: Dilobar B. Mirhusanova, ISSUES OF CREATING AND DEVELOPING A CHILDREN'S MUSEUM IN UZBEKISTAN. Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.182-186

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада болалар таълим тарбиясида музейларнинг тутган ўрни, Ўзбекистонда болалар музейларини ташкил этиш ва уни ривожлантириш масалалари илмий ёритилган. Хусусан, Ўзбекистон тарихи давлат музейи қошида фаолият юритаётган “Мўъжизалар олами” болалар музейи фаолияти ёритилган. Бундан ташқари жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида ташкил этилган болалар музейлари ва уларнинг фаолияти, турлари ва йўналишларига ҳам тўхталиб ўтилган. Болалар музейи боланинг эмоционал мухити, яъни интеллекти, тафаккури, нутқининг ривожлантиришда муҳим роль ўйнаши эътироф этилади.

Калит сўзлар: болалар музейи, таълим, тарбия, музей педагогикаси, экспонат, тафаккур.

Дилобар Бахриддиновна Мирхусанова,
Ведущий специалист Агентство культурного наследия,
Управления развитие музеев, музеефикация памятников и
ведение государственного каталога Национального музейного фонда

ВОПРОСЫ СОЗДАНИЯ И РАЗВИТИЯ ДЕТСКОГО МУЗЕЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье научно освещается роль музеев в воспитании детей, организация и развитие детских музеев в Узбекистане. В частности, о деятельности Детского музея «Мир чудес», функционирующего при Государственном музее истории Узбекистана. Кроме того, обсуждались детские музеи, созданные во многих странах мира, их деятельность, виды и направления. Общеизвестно, что Детский музей играет важную роль в развитии эмоциональной среды ребенка, т.е. интеллекта, мышления, речи.

Ключевые слова: детский музей, образование, воспитание, музейная педагогика, экспонат, мышление.

Dilobar B. Mirhusanova,
Leading Specialist of the Cultural Heritage Agency,
Department of development of museums,
museumification of monuments and maintenance
of the state catalog of the National Museum Fund

ISSUES OF CREATING AND DEVELOPING A CHILDREN'S MUSEUM IN UZBEKISTAN

ABSTRACT

This article scientifically highlights the role of museums in the education of children, the organization and development of children's museums in Uzbekistan. In particular, about the activities of the Children's Museum "World of Wonders", functioning under the State Museum of the History of Uzbekistan. In addition, children's museums created in many countries of the world, their activities, types and directions were discussed. It is generally recognized that the Children's Museum plays an important role in the development of the child's emotional environment, i. intellect, thinking, speech.

Index Terms: children's museum, education, upbringing, museum pedagogy, exhibit, thinking.

1. Долзарблиги:

Маълумки, болалар таълим-тарбияси ҳар доим жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлаб келинган. Таъбир жоиз бўлса, болалар руҳиятини чиниктириш, дунёвий билимларни ўзлаштириш ва ўстиришда адабиётлар, оммавий ахборот воситалари, театрлар, кино ва музейларнинг алоҳида ўрни бор. Чунончи, болалар табиат сир-асрорлари, жамият ривожининг ҳар қандай жиҳатлари билан қизиқади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон тарихи давлат музейи қошида “Мўъжизалар оламида” болалар музейи фаолият кўрсатмоқда. Музейга 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг ташрифи мўлжалланган.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Янги йўналишдаги музей ишида янги экспонатларнинг болаларга эмоционал таъсир қила олишига эътиборни қаратиш зарурлигини ходимлар қандай тушунади, демак, унинг методикасини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Энг аввало музей тарбиячиларга “музей” сўзини болалар тафаккурига сингдириш ва осон тушунтириш имконини беради. Бундан ташқари, музей предметлари болаларда қизиқиш эмоциясини, у ҳақда янада кўпроқ маълумот олишга бўлган ҳоҳишини орттиради. Айниқса, экспонатлардан фойдаланишнинг ўзига хослиги шундаки, болалар уларни ушлаб кўриб, ҳис қилиш имконига эга бўлсалар, уларнинг тушунишлари осонроқ кечади ва музейнинг томошабинлари орта боради. Экспонатлар боланинг эмоционал муҳити, яъни интеллекти, тафаккури, нутқининг ривожланиши учун турли машғулотларда қўлланилади.

3. Тадқиқот натижалари:

Болалар музейи уларнинг тарихга бўлган қизиқишларини ривожлантириб, тарихий-воқеа ҳодисалар даврига тушиб қолишларига замин яратади. Муҳими болалар музейга кирганда экспонатларни нафақат томоша қилиши, балки турли машғулотларни бажариш ҳамда тенгдошлари билан ҳамкорликда ишлаш, қизиққан нарсаларини қўллари билан ушлаб кўришлари ёки баъзи бирларини махсус лойда яшашлари ҳам мумкин бўлади. Болалар музейида “Ёш археологлар”, “Ёш кулол”, “Ёзув тарихи”, “Ўзбекистон неъматлари” каби қизиқарли бўлимлар фаолият олиб бормоқда [1]. Музейга болалар оила аъзолари билан бирга ташриф буюришлари мумкин. Музей ходимлари аynи пайтда турли хил маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш орқали ташриф буюрувчиларни янада қизиқтириши ҳамда музейни маданий ҳаётининг ажралмас қисмига айлантиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган.

Фикримизча, ушбу музей базасида “Болалар музейи педагогикаси” лойиҳаси ишлаб чиқиш керак. Ўйлаймизки, бундай музейлар Ўзбекистоннинг ҳар бир вилоятида ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Болалар музейлари XX аср бошларида жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида ташкил этилганлигини эътироф этамиз. Ушбу музейларнинг замонавий йўналишларидан бири болалар музейи педагогикасини жорий қилган ҳолда фаолият кўрсатишидир. Демак, махсус болалар учун яратилган музейлар ўз тарихига, табиат ва жамият тарихига бўлган қизиқишини янада орттиришга, кичик ёшдан бошлаб дунёқарашини шакллантириш, тафаккурини бойитиш ҳамда мустақил фикрлаш имкониятларини очиб бермоқда.

Дарвоқе, сўнгги йилларда болалар музейларининг турлари ва йўналишлари кўпайиб бормоқда. Бу музейлар экспонатлари болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, воқеа ва ҳодисаларга бефарқ қарамаслик, энг асосийси ўз бой тарихий меросини асраб-авайлаш туйғуларини шакллантиришда асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Зотан, музейлар предметлари болаларнинг ўйинлари, ижод ва мулоқотлари орқали дунёни забт этишни ўргатади. Чунки мактабгача ва мактабдаги таълим-тарбия жараёнлари ўқув дастурига асосланган бўлиб, фақат билим даражаси назорат қилинади. Музейда эса аксинча, болаларнинг турли воқеа ва ҳодисаларга бўлган муносабати орқали ҳаётнинг сир-синоатларини билишга ҳамда уларни янада чуқурроқ ўрганишга кенг имкониятлар яратади. Вақт ва билим чегараси боланинг ҳоҳиш-иродаси билан боғлиқ бўлади. Бу албатта, болалар учун эркин ҳаракат, фикрлаш ва дунёқарашини кенгайтириш борасида ҳилма-хилликни яратди.

Фикримизча, болалар музейлари асосан ёшларнинг қизиқиши ва талабини қондирувчи, тарих билан юзма-юз туриб эркин мулоқотга киришга имкон берувчи мўъжизавий масканга айланиб бормоқда. Болалар музейларида фондлар, музей витриналари бўлмаслиги мумкин. Лекин музей предметларини қўлга олиб кўрса бўлади. Болалар музейи дастурлари болаларнинг фантазиясини, ижодий қобилиятини ва коммуникатив малакасини шакллантиришга қаратилганлигини қайд қиламиз.

Ҳозирги пайтда жаҳон бўйича болалар музейи 400 тадан ортиқ бўлиб, улар динамик ва машхур дунё музейлари қаторига киради. Бундай музейларнинг кўп қисми АҚШда жойлашган. Турли ўйинчоқлар коллекциялари, сув ости дунёси, бадиий устахоналар ва бошқа кўплаб қизиқарли жараёнларни уйғунлаштирган мўъжаз музейларнинг тўққизтаси “Forbes” журнали томонидан “энг яхши болалар музейлари” сифатида тан олинди(2).

Чехия мамлакатадаги Ўйинчоқлар музейи машхур чех режиссёри ва рассоми Иван Штайгер томонидан тўпланган ўйинчоқлар коллекцияси асосида яратилган бўлиб, ажойиб бой коллекцияга эгаллиги билан дунёда биринчи ўриндаги болалар музейи сифатида эътироф эътилмоқда. Бу музейнинг филиали Мюнхен шаҳрида ҳам фаолият олиб боради. Шунингдек, Шарл Перро қаср-музейи эса оилавий ташриф учун ажойиб маскан саналади. Бинода 160 га яқин мум ҳайкаллар мавжуд. Ҳайкаллар орасида Этик кийган мушук, даҳшатли Кўксоқол, Қизил шапкача каби машхур эртақ қахрамонларини учратиш мумкин[3].

Дунёдаги болалар меҳрини қозонган музейлардан бири Швециядаги Астрид Линдгрэн музейи саналади. Музей бир қанча тематик қисмларга бўлинган: турли ўйингоҳлар, эртақлар олами бўлими, Карлсон таомномаси асосидаги ошхона ва мўъжазгина китоблар дўкони мавжуд. Ўйингоҳ майдонида турли швед эртақлари қахрамонларининг уйчалари жойлашган.

Муми-трол (митти ер ости одамчалари) музейи Финляндиянинг Тампере шаҳарчасидаги кутубхона ертўласида ташкил этилган. Бу ерда муми-троллар ҳаётига бағишланган Льюиса Кэрролла и Ж. Р.Толкиен асарлари асосида 2000 дан ортиқ сураглар, эскизлар ва иллюстрациялар тўпланган[4].

Лондондаги Болалик музейи эса 20000 яқин буюмларни умумлаштирган бўлиб, шу коллекция асосида “болалик” тушунчасини тўлиқ ифодалай олади. Улар орасида фарфор, ёғоч, пластик ва мумдан ишланган кўғирчоқлар, турли ранг ва ҳажмдаги ўйинчоқлар, темир йўл макетлари, ҳарбий аскарлар гуруҳи, ўнга яқин кўғирчоқ уйчалари, кўғирчоқлар, айиқчалар, болаларнинг турли урфдаги кийимлари, болалар мебеллари, мактаб предметлари, турли стол ўйинлари мажмуалари мавжудлиги билан жаҳон болалари эътиборини тортган.

Рочестердаги Стронг ўйинлар музейи (Strong National Museum of Play) —Америка тарихидаги аҳамиятли миллий ўйинлар ва ўйинчоқларнинг тарихини тадқиқ этишга

бағишланган жаҳондаги ягона музей саналади. Музейнинг 500 000 дан ортиқ экспонатлари орасида дунёдаги энг катта кўғирчоқлар ва ўйинчоқлар коллекцияси мавжуд. Музейга ташриф буюрган ота-оналар ҳам экспозицияларнинг турфа хиллигини кузатган ҳолда, ҳаёлларига албатта, болалик онларида қандай ўйинчоқларни орзу қилишгани, яна қандай буюмларга эга бўлишлари керак, каби хотиралар келиши мумкин. Ўйинчоқлардан ташқари музейда 100 000 та роликли ва стол ўйинлари бор бўлиб, бу ўйинларни ўйнаш қоидаларини музейда ўрганиш мумкин(5).

Америкадаги ушбу машҳур музей сўнгги йилларда видео ўйинларга бағишланган янги экспозициялари билан жуда оммалашди. Музейдаги “Электрон ўйинлар тарихи” коллекцияси 15000 га яқин компьютер ва консоль ўйинларини умумлаштирган бўлиб, эски автомат ва ўйин жиҳозлари ҳам киритилган. Шундай қилиб, бу музей жаҳонда электрон ўйинлари дастури бўйича янги лойиҳалар устида иш олиб борган биринчи болалар музейи сифатида танилмоқда.

Музейлар амалиётида болалар психологияси ва педагогикасида янги ютуқларни амалга ошириш борасида жаҳон музейларида турли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Масалан, “Петербургда болалар куни” номли фестивалъ “Бола ва музей, бирга ўсамиз” шиори остида бир неча йилдан буён ўз ишини давом эттирмоқда. Ушбу дастур бўйича музейга индивидуал ташриф буюрувчилар, яъни оилалар кўллаб-қувватланади. Фестивалнинг мақсади болалар ва оилалар билан ишлашни такомиллаштириш, музейларда оилавий ижод ва муносабат учун шароит яратиш, ёш болалар ва ўсмирлар орасида музейларнинг маънавий-маданий фаолиятини таркиб топтиришдан иборат[6].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлдаги “Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиклигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ҳар йили 2-8 сентябрь кунлари республика микёсида “Музейлар ҳафталиги” ўтказилмоқда[7].

Унга кўра Тошкент шаҳри ва ҳудудлардаги музейлар, галериялар ҳамда уй музейларида турли мавзуларда янги кўرғазмалар ташкил этмоқда. Шу билан бирга танловлар, викториналар, ёзувчи, шоир ва рассомлар, ҳунарманд, ҳайкалтарош ва кулоллар билан давра суҳбатлари ва маҳорат дарслари ўтказилиши анъанага айланди. Тадбирларга мактаб ўқувчилари, институт ва университет талабалари, профессор-ўқитувчилар кенг жалб этилмоқда. Ташкил этилаётган тадбирлар ёшларни она юртга муҳаббат, азалий қадриятларимизга ҳурмат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўз маданий меросини асраш туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Яна шуниси эътиборга моликки, Музейлар ҳафталиги давомида барча давлат музейлари аҳолига бепул хизмат кўрсатмоқда.


4.Хулосалар:

Шундай қилиб, болалар музейлари муҳим таълим-тарбия маскани сифатида тарихимизни ўрганишлари ва Ватан туйғусини ўзлаштиришлари орқали ўзликни англашлари, истиқболни белгилашлари учун муддао эканлигини эътироф этамиз.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Ахмедов Ж., Мухамедова М. Болалар музейи – маънавий тарбия маскани // ЎзМУ хабарлари. 2016. №1/2. Ижтимоий гуманитар фанлар йўналиши. 4-6 бет. (Axmedov J., Muxamedova M. Children's Museum - a place of spiritual education // News of the National University of Uzbekistan. 2016. №1 / 2. The direction of the social sciences and humanities. P. 4-6.)
2. Исмаилова Ж., Нишанова К., Мухамедова М. Музей ва жамият. Тошкент, 2015. 113-б. (Ismailova J., Nishanova K., Muhamedova M. Museum and Society. Tashkent, 2015. P. 113.)
3. Исмаилова Ж., Мухамедова М – Замонавий жаҳон музейшунослиги. – Тошкент, 2014. 111-б. (Ismailova J., Muhamedova M - Modern world museology. - Tashkent, 2014. P. 111.)


4. Мухамедова М. Болалар музейлари – таълим-тарбия маскани. Маърифат. 2012 йил 3 март. (Muhamedova M. Children's museums are educational places. Enlightenment. March 3, 2012.)
5. www.museum.ru/future/Imp/web/archive/m-pro_5.pdf
6. Исмоилова Ж. Замонавий музейлар тараққиётида янги йўналишлар // “Музейлар замонавий Ўзбекистон маданияти тизимида” Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент, 2007. 15-б. (Ismoilova J. New directions in the development of modern museums // Materials of the Republican scientific-theoretical conference "Museums in the system of modern culture of Uzbekistan". Tashkent, 2007. P. 15.)
7. Исмоилова Ж. Музейлар – мозий мактабидир // Moziydan sado. Тошкент, 2014. №4. 6-б. (Ismoilova J. Museums are a school of history // Echo of history. Tashkent, 2014. №4. P. 6.)



Қабулжон Махамаджонович Насритдинов,
Андижон давлат университети
“Фуқаролик жамияти назарияси” кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди

**СОВЕТ ҲУКУМАТИ АГРАР СИЁСАТИДА ЕР-СУВ МАСАЛАЛАРИ ВА ДАСТЛАБКИ
ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ**
(Фарғона водийси мисолида)

For citation: Kabuljon M. Nasritdinov, LAND AND WATER ISSUES IN THE AGRARIAN POLICY OF THE SOVIET AUTHORITY AND THE IMPLEMENTATION OF TRANSFORMATIONS (On the example of the Ferghana Valley). Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.187-192

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Мақолада муаллиф, илмий-тарихий адабиётлар ва архив манбалари асосида Совет ҳокимияти томонидан Туркистон ўлкасида, жумладан, Фарғона водийсида аграр соҳада амалга оширилган дастлабки трансформацион жараёнларнинг моҳияти, жараёнлари тарихини ёритиб берган.

Шунингдек мақолада, совет ҳукуматининг синфий аграр сиёсатининг шаклланиш жараёни, йирик ер-мулкларни, тайёр қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини зўравонлик билан давлат ҳисобига мусодара қилиниши, қишлоқларда “Камбағаллар кўмитаси”, “Дехқон уюшмалари”, “Кўшчи иттифоқи” каби ерсиз деҳқонлар ташкилотларини ташкил этилиши мақсади ва фаолияти атрофлича таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Туркистон ўлкаси, Фарғона водийси, зироатчилик, суғориш, мусодара қилиш, пахта саноати, ер эгаллиги, “Камбағаллар комитети”, “Дехқон уюшмалари”, монополия, кўшчи, экстенсив тараққиёт йўли, ирригация, мелиорация.

Қабулжон Махамаджонович Насритдинов,
кандидат исторических наук, доцент кафедры
«Теории гражданского общества»,
Андижанский государственный университет

**ЗЕМЕЛЬНО-ВОДНЫЕ ВОПРОСЫ В АГРАРНОЙ ПОЛИТИКЕ СОВЕТСКОЙ
ВЛАСТИ И ОСУЩЕСТВЛЕНИЕ ТРАНСФОРМАЦИОННЫХ ПРЕОБРАЗОВАНИЙ**
(На примере Ферганской долины)

АННОТАЦИЯ

На основе научно-исторических литератур и архивных источников автор статьи показывает историческую картину трансформационных процессов осуществленных

советским правительством в земельно-водных отношений в Туркестанском крае на примере Ферганской долины.

А также в статье подробно анализируется процесс формирования классовой аграрной политики советской власти, национализация крупных земельных собственности и экспроприация готовой сельскохозяйственной продукции носильным путём в пользу государства, цели и основные функции образования крестьянских организации таких как, «Комитет бедноты», «Крестьянские товарищества», «Союз Кошчи».

Ключевые слова: Туркестанский край, Ферганская долина, земледелие, орошение, национализация, хлопковая промышленность, земельная собственность, «Комитет бедноты», «Крестьянские товарищества», монополия, экстенсивный путь развития, ирригация, мелиорация.

Kabuljon M. Nasritdinov,
Candidate of Historical Sciences,
Associate Professor of the Department
"Theories of civil society", Andijan State University

**LAND AND WATER ISSUES IN THE AGRARIAN POLICY OF THE SOVIET
AUTHORITY AND THE IMPLEMENTATION OF TRANSFORMATIONS
(On the example of the Ferghana Valley)**

ABSTRACT

On the basis of scientific and historical literature and archival sources, the author of the article shows a historical picture of the transformational processes carried out by the Soviet government in land and water relations in the Turkestan region using the example of the Ferghana Valley.

And also the article analyzes in detail the process of formation of the class agrarian policy of the Soviet government, the nationalization of large landed property and the expropriation of finished agricultural products by a wearable way in favor of the state, the goals and main functions of the formation of peasant organizations such as the "Committee of the Poor", "Peasant Associations", "Union Koshchi".

Index Terms: Turkestan Territory, Ferghana Valley, agriculture, irrigation, nationalization, cotton industry, land ownership, "Committee of the Poor", "Peasant Associations", monopoly, extensive development path, irrigation, melioration.

1. Долзарблиги:

1917 йил октябрь давлат тўнтарилишидан сўнг сиёсий ҳокимиятни эгаллаган совет ҳокимияти томонидан Туркистон ўлкасида, жумладан Фарғона водийсида қадимдан таркиб топган ер-сув муносабатлари ўрнига социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини қарор топтириш борасида амалга оширилган трансформацион чора-тадбирларни моҳияти муқаддам илмий истеъмолга олиб кирилмаган архив ҳужжатлари ва илмий-тарихий адабиётлар асосида илмий тадқиқ этилиши мустабид сиёсий тузум даврида амалга оширилган аграр сиёсат туб моҳиятини ўрганишда долзарб аҳамият касб этади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар тарихийлик, қиёсий-манتيкий таҳлил, кетма-кетлик, холислик, манбаларга танқидий ёндашув, тарихий жараёнларга давр нуқтаи назаридан холисона баҳо бериш тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда Совет ҳокимияти томонидан аграр соҳада амалга оширилган трансформацион жараёнларнинг моҳияти жараёни таҳлил этилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Совет ҳокимияти даврида сув хўжалиги маълум даражада ривожланди, катта гидроиншоотлар қурилди, суғорма деҳқончилик янги социал-иқтисодий ва техникавий асосга кўчирилди, лекин кўлами жиҳатидан бу катта ишлар талончилик, мустамлакачилик мазмунидаги сиёсатга бўйсундирилганди. Совет ҳукуматининг аграр сиёсати ҳам чор

маъмурияти ўтказиб келган сиёсатнинг мантикий давоми бўлди[1,226]. Бунинг учун совет ҳокимияти хўжалик ҳаётининг барча соҳаларида социалистик давлат мулкчилигини қарор топтиришга, халқ хўжалигига раҳбарликни марказлаштиришга, бошқаришда маъмурий буйруқбозлик усуллар билан иш юритишга қаратилган иқтисодий сиёсат жорий этила бошланди[2,244].

Шунинг учун ҳам биринчи навбатда ўлканинг ер ва ер ости бойликлари, ўрмон ҳамда сувлари мусодара қилинди. Мустабид сиёсий тузум йилларида ўлка хом-ашё базасига айлантирилди, пахта етиштириш миқдор жиҳатидан йилдан-йилга ортиб борди. Империя ҳукумати ҳукмронлиги даврида тамал тоши қўйилган пахта яккаҳокимлиги совет ҳокимияти даврида “пахта мустақиллиги учун кураш” ниқоби остида амалга оширилган сиёсати жараёнида тўла шаклланди. Суғорма деҳқончилик соҳаси, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришни кенгайтирилиши ҳам худди ана шу пахта ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган эди. Соҳада амалга оширилган барча ишлар “иттифок” марказий ҳукумати томонидан бошқарилди.

1917 йил октябрь ойидаги давлат тўнтаришидан сўнг сиёсий ҳокимиятга келган совет ҳукумати, улардан аввалги мустамлакачи империя ҳукуматининг Фарғона водийсидаги 40 йилдан ортиқ ҳукмронлиги даврида суғорма деҳқончилик соҳасида режалаштирилган, лекин амалга ошира олинмаган ишларини, яъни биринчи галда водийни марказ саноати учун хом-ашё етказиб берувчи база сифатида шакллантириш борасидаги сиёсатни давом эттириб ниҳоясига етказиш эди.

Аграр соҳада Совет ҳокимияти томонидан амалга оширилган дастлабки деформацион тадбир 1917 йил 26 октябрда эълон қилинган “Ер тўғрисида”ги декретда намоён бўлди[3,10]. Чунки, декретда илк бор “Ерга хусусий мулкчилик ҳуқуқи абадий бекор қилинади; ернинг сотилиши ҳам, сотиб олиниши ҳам, ижарага ёки гаровга қўйилиши ҳам ва бошқа бирон йўл билан олиниши ҳам мумкин эмас” деб қайд этилган эди.

Туркистон ўлкаси ва Ер ишлари халқ комиссарлигининг 1917 йил 9 декабрда чиқарган қарори билан эса Туркистон ўлкасидаги мавжуд кўчмас мулкларни, жумладан, ер, суғориш иншоотлари ва тармоқларини сотиш, гаровга қўйиш бўйича ҳар қандай кўринишлардаги келишувларни тақиқланиши билан ер тўғрисидаги декретда белгиланган вазифалар амалга оширила бошланди[4,170].

1918 йил январь ойидан бошлаб, Чор Россияси мустамлакаси даврида ташкил этилган вилоят, уезд ва волост ер-сув комитетлари тарқатилиб, ўрнига совет давлатига ҳайрихоҳ бўлган маҳаллий камбағал ерсиз деҳқон вакилларида янги комитетлар ташкил этила бошланди. Ушбу кўмиталарнинг асосий вазифалари ўз ҳудудларидаги ерларни рўйхатини тузиш ва ҳисобга олиш, қишлоқ аҳолисига ерларни мусодара қилинишининг мазмун-моҳиятини, катта ер эгаллигига барҳам берилганлигини эълон қилиш, мусодара қилинган ерларни тақсимланиши, асбоб-ускуналар билан таъминланиш тартиб-қоидаларини, қишлоқ хўжалигида коллективчилик асосларини тарғиб қилиш, коммуна ва қишлоқ хўжалик артелларининг афзалликларини тушинтириш ишларини олиб боришдан иборат эди.

Бу ишларнинг натижаси ўлароқ, 1918 йил апрелидан 1919 йил апрелигача Фарғона вилоятининг Андижон уездида Миркомилбой Мирмўминбоевнинг 407 десятина[5,42], Скобелев уездида эса 22 нафар бой хўжаликларнинг жами 12315 десятина ҳамда империя мустамлакаси даврида водийда “кўчириш” сиёсати туфайли кўчириб келтирилган рус деҳқонларидан ташкил этилган 50 та рус қишлоқларидаги[6] ўзига тўқ, бой деҳқон хўжаликларининг 75000 десятина ерлари[7,29] қишлоқ хўжалиги асбоб-анжомлари, иш хайвонлари, чорваси билан мусодара қилинди[8,86-87].

Ер кўмиталари томонидан мусодара қилинган ерларнинг асосий қисми махсус қарор билан камбағал ерсиз деҳқонларга, чорикорларга[9,40] бўлиб берилди.

Дарҳақиқат, 1917 йилда Фарғона водийсида олиб борилган қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, Андижон уезди пахтакор хўжаликларининг 32,2 фоизи, Марғилон уездининг 24,8 фоизи, Наманган уездининг 20,1 фоизи, Қўқон уездининг 12,7 фоизи чорикорлардан иборат бўлган[10,56].

Ўлкадаги ижтимоий, сиёсий-иқтисодий мураккаб ва зиддиятли оғир вазиятга қарамасдан совет ҳокимиятининг асосий мақсади пахта хомашёсини қўлга киритиб, марказ тўқимачилик саноатини пахта билан таъминлаш ва қизил армияни кийим-кечакка бўлган эҳтиёжини қондириш эди. Юқорида таъкидланганидек, Совет ҳукумати ўзининг амалга ошираётган аграр сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган ўлкада етакчи ҳисобланган пахтачилик тармоғини тўла назоратга олиш ва бошқаришни Олий Халқ Хўжалик кенгаши зиммасига юклаб, 1918 йил 12 январда “Пахтачилик ишларини монополияга айлантириш тўғрисида”ги қарорни қабул қилди[11,17]. Қабул қилинган қарор асосида, пахтачилик ва пахта савдоси билан боғлиқ барча масалалар, мамлакатдаги мавжуд пахта захиралари давлат мулкига айлантирилганлиги эълон қилинди.

Ушбу қарорнинг мантиқий давоми сифатида Туркистон ўлкасидаги тадбиркорлик жамиятларни тарқатиб юборилиши, бозор муносабатларини рад қилинишида намоён бўлиб, бу борада 1918 йил 21 январдан бошлаб ўлкада ғалла билан эркин савдо қилишни тақиқ қилиниб, хусусий мулк эгаларини текинхўрлар деб эълон қилинди[2,48].

1918 йил 26 февралда эса, Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлар Совети раиси Ф.Колесов томонидан “Ўлкадаги пахтани мусодара қилиш тўғрисида” ги декрет қабул қилинди[3,11].

Қабул қилинган Декретда, Туркистон ўлкасида мавжуд бўлган барча пахта, қандай кўринишда, қайси жойда бўлишидан қатъий назар, мусодара қилинади ва давлат мулки деб эълон қилинади. Барча советлар, темир йўли комитетлари бу декретни амалга ошириш, барча пахтани темир йўл станцияларига олиб келиш ва дарҳол Тошкент станциясига жўнатиш учун ўз вакилларини ажратади. Мабодо эгалари қаршилик кўрсатса жойида отишгача чоралар кўрилсин[3,11] деб таъкидланган.

Совет ҳокимияти аграр сиёсатини вилоятлар, уездлар, волост ва қишлоқлардан амалга ошириш учун “Камбағаллар комитети”, “Дехқон уюшмалари”, “Қўшчи” сингари деҳқонларнинг синфий ташкилотларни ташкил этдилар[2,280].

Ушбу ташкилотларнинг асосий вазифалари деҳқонлар ўртасида коммунистик ғояларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, камбағал деҳқонларни жипслаштириш, мулкдорларга қарши курашиш, қишлоқларда социал табақаланиш жараёнини жадаллаштириш, совет органларининг жойлардаги мавқеини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш ишларига амалий ёрдам беришдан иборат бўлди.

Бу амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижаси ўлароқ, 1918 йилнинг биринчи ярмигача ўлкадаги 330 дан ортиқ саноатнинг барча тармоқларига тегишли бўлган, жумладан, пахта тозалаш, ва ёғ-мой заводлари, пахта хомашё захиралари, ўлка иқтисодиётида етакчи тармоқлари ҳисобланган пахта тозалаш ва ёғ-мой заводлари, мавжуд барча пахта хомашё захиралари, темир йўллар, банклар барча конлар давлат фойдасига мусодара қилиниб, ишчи назорати ўрнатилди[12,33].

Дарҳақиқат, Совет ҳокимияти томонидан мусодара қилинган ушбу корхоналар 1914 йилга қадар ўлкада ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 80 фоизидан кўпроғини ишлаб чиқарган[13,103] бўлиб, уларнинг ўлкадаги товар-пул муносабатларидаги салмоғи жуда катта аҳамият касб этган.

Ушбу корхоналар давлат фойдасига мусодара этилиб, тўлалигича ишчилар назоратига ўтказилганидан сўнг, корхоналарда молиявий маблағлар ҳамда хомашёнинг йўқлиги, энг асосийси, назорат ишига раҳбарлик қилаётган “янги хўжайинлар”нинг бу борадаги малака кўникмаларига эга эмаслиги ҳамда уқувсизликлари оқибатида мазкур корхоналар ўз фаолиятларини олиб боришдан тўхтаган.

Декретга асосан, ўлкадаги мавжуд заводларга қисқа муддатда топширилган 3,4 млн пуд пахта толаси, 6 млн пуд хом пахта, 600.000 пуд пахта ёғи, 4 млн пуд чигит, 1,1 млн пуд кунжара давлат ихтиёрига бепул ўтди[2,248]. Деҳқонлар уйларида олиб кетилган, заводларга топширилган пахта учун лоақал, қатъий нархда бўлса-да, пул олмадилар[14].

Ўлка иқтисодий ҳаётида юзага келган ушбу ҳолат пахтанинг харид нархларини кескин пасайиб кетишига, деҳқон хўжаликларини қашшоқланишига, пахта етиштиришда моддий манфаатдорликни йўққа чиқарилишига сабаб бўлди.


4.Хулосалар:

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Совет ҳокимияти Туркистон ўлкасида, жумладан Фарғона водийсида азалдан шаклланган анъанавий ер-сув муносабатлари ўрнига хўжалик ҳаётининг барча соҳаларида социалистик давлат мулкчилигини қарор топтиришга, халқ хўжалигига раҳбарликни марказлаштиришга, бошқаришда маъмурий буйруқбозлик усуллар билан иш юритишга қаратилган иқтисодий сиёсат жорий этди. Ўлкадаги йирик мулкдорларнинг мол-мулклари давлат ҳисобига мусодара қилинди. Ўлка иқтисодиётида етакчи бўлган пахтачилик соҳасига тегишли бўлган барча тармоқларда давлат монополияси ўрнатилди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Edward Allworth. Central Asia. A century of Russian rule. -New York, 1967.-P.288.
2. Ўзбекистон тарихи. Биринчи китоб (1917-1939 йй.). -Тошкент: O'ZBEKISTON, 2019. - Б.560. (History of Uzbekistan. The first book (1917-1939).-Tashkent: Uzbekistan, 2019. - P.560.)
3. Декрет о Земле 26 октября 1917 года. В книге. Деятельность коммунистической партии и советского правительства по восстановлению и развитию хлопководства в Туркестане (1917-1924 гг.). Документы и материалы.-Ташкент: Узбекистан, 1986. -С.266. (Decree on the Earth October 26, 1917. In the book. Activities of the Communist Party and the Soviet government to restore and develop cotton growing in Turkestan (1917-1924). Documents and materials. - Tashkent: Uzbekistan, 1986. - P. 266)
4. Ирригация Узбекистана. Т. 1.-Ташкент: 1975. -С.352. (Irrigation in Uzbekistan. Т. 1.-Tashkent: 1975. -P.352)
5. Андижон вилояти Давлат архиви. 230-жамғарма, 2-рўйхат, 4-иш, 42-варақ. (State archive of Andijan region. Fond-230, inventory-2, file-4, sheet-42.)
6. Зикр этилган қишлоқлар ва ер майдонлари бутун водий ҳудудида жойлашган ҳамда бу даврда Фарғона вилояти таркибида бўлган. Уларнинг айримлари ҳозирда Қирғизистон республикасининг таркибига кирувчи Жалолобод, Ўш ва Боткен вилоятларнинг ҳудудларида жойлашган. (These settlements and territories of the Fergana Valley are now administratively part of the Jalalabad, Osh and Batkent regions of the Republic of Kyrgyzstan.)
7. Кунакова Л.З. Земельно-водная реформа в Узбекистане (1925-1929 гг.) -Фрунзе: Мектеп, 1967.-С.300. (Kunakova L.Z. Land and water reform in Uzbekistan (1925-1929) -Frunze: Mektep, 1967.-P.300.)
8. Ўзбекистон Миллий Архиви. 29- жамғарма, 3-рўйхат, 1516-иш, 86-87-варақлар. (National archive of Uzbekistan. Fund-29, inventory-3, file-1516, sheet. 86-87.)
9. Чорикор-мулкдор бойдан ерни ўзаро келишув асосида ижарага олиб ишловчи ерсиз деҳқон. Кўп ҳолларда етиштирилган ҳосилнинг 4-дан 1-қисми учун меҳнат қилувчи зироаткор. Батафсил қаранг; Насритдинов Қ. Суғорма деҳқончилик атамаларининг қисқача изоҳли луғати.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2008.-Б.48. (Choryakkor is a social stratum of landless peasants in Turkestan who are engaged in agriculture on an arandy basis. Nasritdinov K. Brief terminological dictionary on the history of irrigated agriculture.-Tashkent: Yangi asr avlodı, 2008, -P. 48.)
10. Раззақов А. Ўзбекистон пахтачилиги тарихи.-Тошкент: Ўзбекистон, 1994.-Б.304. (Razzakov A. History of cotton growing in Uzbekistan. -Tashkent: Uzbekistan, 1994.-R. 304.)
11. Эркаев Э.М. Совет даврида Ўзбекистоннинг пахта хом ашё базасига айлантирилиши ва унинг деҳқонлар ҳаётига салбий таъсири (1917-1940 йй.):Тарих фанлари номзоди...дисс.автореферати–Тошкент: 2011.-Б.30. (Erkaev E.M. Abstract of the dissertation on the topic: “The transformation of Uzbekistan into a cotton base in the Soviet


- period and its negative impact on the life of farmers (1917-1940)” for the degree of candidate of historical sciences. -Tashkent: 2011.-P.30.)
12. Ўзбекистон Миллий Архиви. 17- жамғарма, 1-рўйхат, 375-иш, Варақ-33. (National archive of Uzbekistan. Fund-17, inventory-1, file-375, -s. 33.)
 13. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустанлакачилиги даврида.-Тошкент: Шарқ, 2000.-Б.688. (New history of Uzbekistan. Second book. Uzbekistan in the period of Soviet colonialism. -Tashkent: Shark. 2000.-P.688.)
 14. Ражабов Қ. Туркистонда очарчилик ва унинг оқибатлари.// Turkiston, 2001 йил 28 ноябрь. (Radjabov K. Famine in Turkestan and its consequences. // Turkistan, 2001 November 28.)



Зумрад Рахмонкулова,
тарих фанлари номзоди, доцент
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
zumradrahmankulova@gmail.com

XIX АСР ЎРТАЛАРИДА ҚЎҚОН ВА ХИВА ХОНЛИКЛАРИНИНГ УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ БИЛАН ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДАН

For citation: Zumrad Rahmonkulova, FROM THE HISTORY OF DIPLOMATIC RELATIONS OF THE KOKAND AND KHIVA KHANATE WITH THE OTTOMAN STATE IN THE MIDDLE OF THE 19TH CENTURY. Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.193-198

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Қўқон хонлигининг Усманийлар давлати билан дипломатик муносабатлари, ўзаро элчилик алоқалари, элчиларининг фаолиятлари масалалари ёритилган. Шунингдек, икки давлат ўртасидаги муносабатларга Россиянинг таъсири масаласига тўхталиб ўтилган. Шунингдек, Муҳаммад Ҳақимхон «Мунтахаб ат-таворих» («Тарихдан сайланма китоб») асарида Усманийлар давлати тарихи, сиёсий ва маданий ҳаёти ҳақида муҳим манба сифатида кўрсатиб ўтилади. XIX асрнинг ўрталарига келиб, Англиянинг Усманийлар билан ҳамкорликда Ўрта Осиё хонликларининг ҳарбий иттифоқини вужудга келтириш борасидаги ҳаракатлари ҳеч қандай натижа бермаганлиги асосланди. XVIII аср охири - XIX аср ўрталарида Ўрта Осиё хонликлари ва Усманийлар давлати ўртасидаги сиёсий муносабатлар ҳар доим ҳам бир-бирининг манфаати билан мос тушавермади. Шундай бўлса-да, томонлар ўртасидаги элчилик алоқалари бутунлай тўхтаб қолмаганлиги кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Қўқон хонлиги, Усманийлар давлати, Қўқон хони Муҳаммадалихон, Элчи Зоҳид Хўжа, Муҳаммадалихон, Худоёрхон, дипломатик муносабатлар.

Зумрад Рахмонкулова
кандидат исторических наук, доцент
Национальный университет Узбекистана
имени Мирзо Улугбека
zumradrahmankulova@gmail.com

**ИЗ ИСТОРИИ ДИПЛОМАТИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ КОКАНДСКОГО И
ХИВИНСКОГО ХАНСТВО С ОСМАНСКИМ ГОСУДАРСТВОМ В СЕРЕДИНЕ XIX
ВЕКА**

АННОТАЦИЯ

В статье освещаются дипломатические отношения Кокандского ханства с Османской империей, посольские отношения, деятельность ее послов. Также обсуждался вопрос влияния России на отношения двух стран. Мухаммад Хакимхан также упоминается в «Мунтахаб ат-Таворикс» («Избранная книга по истории») как важный источник по истории, политической и культурной жизни Османского государства. К середине 19 века утверждалось, что усилия Великобритании по заключению военного союза среднеазиатских ханств с османами не дали результатов. В конце 18 — середине 19 вв. политические отношения между среднеазиатскими ханствами и Османским государством не всегда совпадали с интересами друг друга. Однако было показано, что посольские отношения между сторонами полностью не прекратились.

Ключевые слова: Кокандское ханство, Османское государство, Кокандский хан Мухаммадалихан, посол Захид Ходжа, Мухаммадалихан, Худоёрхан, дипломатические отношения.

Zumrad Rahmonkulova

Candidate of Historical Sciences, Associate Professor
National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek
zumradrahmankulova@gmail.com

FROM THE HISTORY OF DIPLOMATIC RELATIONS OF THE KOKAND AND KHIVA KHANATE WITH THE OTTOMAN STATE IN THE MIDDLE OF THE 19TH CENTURY

ABSTRACT

The article highlights the diplomatic relations of the Kokand Khanate with the Ottoman Empire, embassy relations, the activities of its ambassadors. The issue of Russia's influence on relations between the two countries was also discussed. Muhammad Hakimkhan is also mentioned in Muntahab at-Tavoriks (Selected Book of History) as an important source on the history, political and cultural life of the Ottoman state. By the middle of the 19th century, it was argued that Britain's efforts to forge a military alliance between the Central Asian khanates and the Ottomans had failed. At the end of the 18th - the middle of the 19th centuries. political relations between the Central Asian khanates and the Ottoman state did not always coincide with each other's interests. However, it was shown that embassy relations between the parties did not completely stop.

Index Terms: Kokand Khanate, Ottoman State, Kokand Khan Muhammadalikhan, Ambassador Zahid Khoja, Muhammadalikhan, Khudoyorkhan, diplomatic relations.

1. Долзарблиги:

XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё хонликлари мураккаб, нотинч даврни бошдан кечирар эдилар. Бу даврга келиб, Қўқон хонлиги кудрати кучайиб бораётган эди. Бухоро амири эса ўз мавқеини мустақамлаш мақсадида қўшилари билан урушлар олиб борар, Англия билан Россия ўлкага таъсирини мустақамлаш истагида ўзаро рақобатни давом эттирмоқда эди. Юзага келган вазият Хива, Қўқон хонлиги ва Бухоро амирликлари Истанбул билан элчилик алоқаларини давом эттиришига ижобий таъсир қилган. Ўрта Осиё хукмдорлари эса мактубларида ўзаро низолар тўғрисида умуман баҳс этмаган: фақат Россия босқини хавфи тўғрисидаги хавотирларини билдириб, уни бартараф этишда Усманийлар султонидан ёрдам сўраганлар. Усманийлар давлати мамлакат ичкарасидаги сиёсий инқирозни бартараф этиш учун курашаётган бир даврда Ўрта Осиё масаласига эътибор бермади.

Қўқон хони Мухаммадалихон (1822-1842) 1837 йилнинг баҳорида Истанбулга элчиси Зоҳид Хўжани юбориб, Усманийлардан қўшинни тактик жихатдан тайёрлаш учун ҳарбий мутахассис ва ҳарбий-ўқув асбоб усқуналар сўрайди[1].

Қўқон хони элчисини Усманийлар султони маслаҳатчиларидан бири диққат билан тинглайди. Улар элчига Ўрта Осиёдаги сиёсий аҳволга доир турли саволларни берадилар.

Элчи Зоҳид Хўжа Россиянинг Қўқон хонлиги чегара ҳудудидан қалъа қураётганлигини маълум қилади. Шунингдек, элчи хонлик қўшинида пиёдалар камчиликини ташкил қилиши тўғрисида ҳам маълумот беради. Элчи хонлик қўшинларини янада такомиллаштириш учун Муҳаммадалихоннинг куйидаги илтимосларини баён қилади: “Хонимиз султонга куйидаги илтимосларини билдиришимни буюрди: Икки пиёда, икки отлик ва икки тўпчи қўшинга таълим берувчи мутахассис, агар бунинг имкони бўлмаса, пиёда, тўпчи отлик аскарларга таълим беришга доир китобларни беришларингизни илтимос қилди” [2].

Усманийлар султони Қўқон хонига қилич, элчиларга йўл ҳаражатлари учун 50000 куруш, ҳамроҳларига эса 10000 куруш пул беришга фармон беради[3]. Шунингдек, Усманийлар султони Маҳмуд II Қўқон хони Муҳаммадалихонга қўшни хонликлар билан ўртадаги низоларни бартараф қилиш зарурлигини маслаҳат сифатида таъкидлаб ўтади. Муҳаммадалихоннинг ҳарбий мутахассислар тўғрисидаги илтимосига қандай жавоб берилгани тўғрисида бирон маълумот учратмадик.

Муҳаммадалихон даврида яшаган давлат арбоби, тарихчи олим ва саёҳатчи Муҳаммад Ҳакимхон Қора денгиз орқали Истанбулга боради. У Синоп, Қайсари, Ангор(Анқара), Лакатия каби шаҳарларда ҳам бўлади[4]. Муҳаммад Ҳакимхон «Мунтахаб ат-таворих» («Тарихдан сайланма китоб») асарида Усманийлар давлати тарихи, сиёсий ва маданий ҳаёти ҳақида муҳим маълумотларни келтириб, илғор фикр ва маданиятнинг ташвиқотчиси бўлиб танилади[5]. «Мунтахаб ат-таворих» асари Бухоро ва Қўқон хонликлари тарихига оид муҳим манба ҳисобланади.

Қўқон хони Худоёрхон 1846 йилнинг ноябрь ойида Ҳожи Рўзибек бошчилигидаги элчиларини Истанбулга юборади. Элчилар хоннинг куйидаги мактубини топширишади: «Худудимизда олтин, кумуш, фируза, мис ва бошқа турли табиий бойликлар мавжуддир. Бу ишларнинг устаси бўлмагани учун сизларни безовта қилишга мажбур бўлдик. Биродарим марҳум Муҳаммад Алихонга қилган ёрдамларингиз бизга маълумдир. Ер ости бойликларини казиб олишимизга ёрдам берадиган уста юборишингизни илтимос қиламиз» [6].

Шунингдек, бу мактубда Қўқоннинг мавқеи, географик ўрни, иқтисодиётига тўхталиб, Ўрта Осиёдаги сиёсий вазият тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилади.

XIX аср ўрталарида нафақат хонликлар ўртасида, балки, мамлакат ичкарасида амалдорлар ўртасида ҳам турли низолар авж олган эди. Қўқон хонлигидаги ички низолардан фойдаланган Россия 1853 йилда В.Перовский бошчилигида Окмачит қалъасига бостириб киради[7].

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолада Қўқон хонлиги ва Усманийлар давлати ўртасидаги дипломатик муносабатлар масаласи кўриб ўтилган. Шунингдек, Қўқон хонларининг элчиларининг фаолиятига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилади.

Қатъий қоидалардан яна бири шу бўлганки, агар элчи юборилган манзилга етиб боргунча, уни йўллаган ҳукмдор вафот этса, бу элчининг ваколати расмий кучини йўқотган ҳисобланган ва уни борган жойидаги ҳукмдор қабул қилмаган. Бундай ҳолларда элчилар вазибаларини адо эта олмасдан, орқага қайтишга ёки чопар орқали мактуб йўллаб, янги ҳукмдордан ўз ваколатини тасдиқловчи ҳужжат келгунга қадар ўша мамлакатда истиқомат қилиб туришга мажбур бўлганлар. Бунга мисол тариқасида, Муҳаммад Аминхон томонидан Истанбулга 1855 йилда элчи сифатида юборилган Шукрулло Оқо[8] билан юз берган воқеаларни келтириш мумкин. Шукрулло Оқо Усманийлар султони ҳузурига равона бўлиши билан бир вақтда Хива хони Серахс томонга юриш уюштиради ва жангда ҳалок бўлади. Элчи бу хабарни йўлда эшитса ҳам, ўз сафарини давом эттиради. Аммо Истанбулда уни Хива элчиси сифатида тан олмайдилар ва у султон ҳузурига киритилмайди. Шундан сўнг у Хоразмга мактуб йўллаб, ўзининг элчилик ваколатини янгидан тасдиқланишини сўрайди. Хива тахтига ўтирган Сайид Муҳаммад Баҳодирхон (1855-1865) Усманийлар султони Абдулмажидга (1839-1861) махсус мактуб йўллаб Шукрулло Оқонинг ваколатини тўла тасдиқ этганлигини таъкидлайди. Огаҳий «Гулшани-давлат»да ана шу воқеалар тафсилотини баён этади. Сайид Муҳаммад Баҳодирхон мактубида, жумладан куйидагилар битилган эди: «...Шукрулло

Оқониким, Муҳаммад Амин хони марҳумийнинг амри билан Рум вилоятига марсул бўлмиш эрди, ҳало Истамбул шаҳрида олий жаноблари хизматида таваккуф кўргизмишдур, ўз тарафимиздин вакил ва элчи қилдуқ. Онинг вакиллик ва элчилигини қабул этсунлар ва Муҳаммад Аминхон рамҳумий оқомизнинг юборгон номасида ҳарна сўз бўлса, бизнинг ҳам сўзимиз шулдур, эшитсунлар» [9]. Бу мактубдан сўнг Усманийлар султони Абдулмажид Шукрулло Оқони юксак ҳурмат ва эҳтиром ила қабул қилади. Хива хони мактубида Усманийлар ҳукуматидан руслар хужумини бартараф этишга ёрдам беришларини сўраган эди. Абдулмажид жавоб мактубида Хива хонига Россия билан дўстона муносабатлар ўрнатиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаб ўтади.

3. Тадқиқот натижалари:

Усманийлар султони Хива ва Қўқон хонларига Россия билан дўстона муносабатлар ўрнатишни маслаҳат беради ва улар ҳам қўлидан келадиган ёрдамни беришга ваъда беради.

XIX асрнинг 40 йилларида Усманийлар, Миср ва бошқа мустамлака ҳудудлардаги норозиликларга барҳам бериш билан шуғулланади. Бу даврда Усманийлар Россия билан дўстона алоқалар ўрнатишга ҳам ҳаракат қилди. Икки давлат бундай алоқалардан манфаатдор эди. 1846 йил 30 апрелда Россия ва Туркия ўртасида Балте-Лимане шартномаси имзоланди. Худди шундай шартнома Англия билан ҳам шу ерда тузилган эди[10]. 1848 йил 20 июлида султон Абдулмажид Николай I га ўз элчиларини юборади. Шундай экан, Усманийлар Россия билан эндигина яхшиланаётган муносабатларни ўзгартиришни истамас эди. Шунинг учун Хива хонига Россия билан бу масалани дипломатик йўл билан ҳал қилишни таклиф қилади. Шунингдек, Бухоро ва Қўқон хонликларига ҳам имкониятларни ишга солишни маслаҳат беради. Амир Насрулло каби амирлар мавжуд имкониятларни ишга солишга ҳаракат ҳам қилмади. У ҳукмронлигининг сўнгги давларида Усманийлар давлати билан яқиндан алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилди.

Ўрта Осиёлик ҳожилар ҳам Маккага боришда, кўпинча, Оренбург-Астрахан-Усманийлар ҳудудлари орқали узок, бироқ хавфсиз йўлни афзал кўрардилар[11]. Бу йўл Ўрта Осиё ва Усманийларнинг муносабатларида муҳим рол ўйнади. XIX асрнинг ўрталарига келиб, Ўрта Осиёда Россиянинг таъсири янада сезиларли бўлди.

1852 йилда Хива элчилари Оренбург генерал-губернатори В.Перовский билан музокаралар олиб борди. В.Перовский Хива хонлигининг Англия ва Усманийлар билан алоқаларига шаъма қилиб, «Хива ва Сирдарё оралиғидаги ерлар туркларга тегишлими ёки инглизларгами?» деган саволни беради[12]. 1851 йилда Хива хонлиги ўз элчиларини Истанбулга юборади. Натижада, Усманийлар Истанбулдан Хивага тўп ясовчи учта уста юборади. Бу усталарнинг иккитаси турк, биттаси инглиз эди[13]. Бу даврда Бухоро ва Хивада бошқа Англия ва Усманийлар фуқаролари ҳам фаол фаолият олиб бормоқдайди[14]. Россия ҳукумати ҳарбий вазирлиги 1862 йилда олган маълумотига кўра, Бухорога Англия вакиллари келиб, Амударёда пароход қатновини йўлга қўйиш учун тадбирлар ишлаб чиққан. 1863 йил 20 июлда Оренбург корпуси командири ташқи ишлар вазирига берган маълумотида ҳам Бухорога Англия вакиллари келганлиги, музокаралар тўғрисида аниқ маълумотлар ололмаганлигини, Амударё масаласи бўйича келганлиги тахмин қилинаётганлигини маълум қилади[15]

4. Хулосалар:

Шуни таъкидлаш жоизки, XVIII аср охири-XIX аср ўрталарида Ўрта Осиё хонликларининг Усманийлар давлатида доимий ваколатхоналари бўлмаган учун, давлатлар ўртасидаги бу алоқаларда изчилик кўзга ташланмайди. Ўрта Осиё элчилик алоқалари анъаналарига кўра, Усманийлар давлатидан келган элчиларга ҳам элчи қўшиб жўнатилган. Элчи ёлғиз қайтиб келган тақдирда, алоқалар маълум муддат, яъни зарурат туғилганга қадар узилиб турган. Ниҳоятда мулозамат ва муболаға билан ёзилган мактуб ва совға-саломларни топширишдан ташқари, мавжуд сиёсий вазиятдан хабардор бўлиш ва уни ўрганиш ҳам элчининг зиммасида бўлган. Айни вақтда элчилар орқали орадаги муносабатларни мураккаблашишига йўл қўймаслик мақсади ҳам назарда тутилган. Истанбулга кетаётган Ўрта Осиё элчилари олдиндан белгиланган режага кўра, Эрон шоҳи қабулида бўлиши, уни ўз ваколатидан огоҳ қилиши, Ўрта Осиё давлатлари ва Усманийлар ўртасидаги муносабатларни

намоиш этиши лозим бўлган. Ўрта Осиё давлатлари ҳукмдорлари юборган элчилик ёзишмаларида, одатда, элчи юборишдан кўзланган асосий мақсад атрофлича баён этилмаган. Кўпчилик ҳолларда, мактуб охирида «қолган гапларни элчининг ўзидан эшитурсиз», дейилган ибора киритилган. Бу, биринчидан, узоқ давом этган сафар давомида икки орадаги муносабатларга дахлдор масалалар тафсилотидан учинчи томоннинг, баъзан эса рақиб томоннинг огоҳ бўлиб қолиши мумкинлигини ҳисобга олиб қўлланган услуб бўлса, иккинчидан, юборилган элчининг ваколати юксак эканлигига ҳам ишора бўлган. Элчилик алоқалари ва дипломатик ёзишмалар ҳақидаги маълумотлардан шу нарса кўринадики, Хива хонлари ташқи сиёсатга оид ёзишмаларни давлат тили, яъни ўзбек тилида, Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги форс тилида ёзишган. Ўрта Осиё ҳукмдорлари мактублари ўша даврда урф бўлган дипломатик ёзишмалар услубида, шарқона лутфу иқром билан ёзилган. Ўрта Осиё ҳукмдорлари ва Усманийлар султонлари мактублари шундан далолат берадики, XVIII асрнинг охири-XIX асрнинг ўрталарида икки ўртада элчилик алоқалари, дипломатик ёзишмалари, маданий алоқалар ва савдо муносабатлари мавжуд бўлган. Улар мактубларида хоҳ савдо алоқаларини хавф-хатардан ҳимоя қилиш борасида, хоҳ сиёсий борди-келдиларни ривожлантириш соҳасида бўлсин, бу алоқаларнинг давом этиши икки ўртада саховат ва иттифоқнинг барқарорлигига хизмат қилишини таъкидлашади, элчилик алоқаларининг давлатлар дўстлиги учун хизмат қилишини эслатиб, савдо йўлларидаги қароқчиликка барҳам бериш учун амалий чоралар таклиф қилинади. Бу ёзишмалар Ўрта Осиё давлатларининг элчилик алоқалари тарихини тадқиқ қилишда қимматли манба ҳисобланади. Уларни архив ҳужжатлари билан қиёсий ўрганиш элчилик алоқалар тарихида мавжуд чалкашликларни бартараф этиш учун аҳамиятлидир.

XIX асрнинг ўрталарига келиб, Англиянинг Усманийлар билан ҳамкорликда Ўрта Осиё хонликларининг ҳарбий иттифоқини вужудга келтириш борасидаги ҳаракатлари ҳеч қандай натижа бермади. XVIII аср охири-XIX аср ўрталарида Ўрта Осиё хонликлари ва Усманийлар давлати ўртасидаги сиёсий муносабатлар ҳар доим ҳам бир-бирининг манфаати билан мос тушавермади. Шундай бўлса-да, томонлар ўртасидаги элчилик алоқалари бутунлай тўхтаб қолмади.

Иқтибослар/ Сноски/ References

1. Mert O. Buhara emirinin elcisi Muhammed Parsa efendinin Istanbuldaki faaliyeti (1867-1869). -Ankara.:Turk kulturi arastirmalari. XV. 1976. -70 s.
2. Saray M. Rus işgali devrinde Osmanli Devleti ile Turkistan hanliklari arasindaki siyasi munasebetler. -Ankara., 1994. -37 s.
3. Saray M. Ўша асар. -38 s.
4. Ҳақимхон. Хотиралар. -Т.: Фан. 1966. -13 б.
5. Хуршут Э. Ҳақимхоннинг ҳаёти ва саёҳатлари. -Т.: Фан. 1987. -4 б.
6. Saray M. Rus işgali devrinde Osmanli Devleti ile Turkistan hanliklari arasindaki siyasi munasebetler.-Ankara., 1994. -38s.
7. Ўзбекистоннинг янги тарихи. I китоб. -Т.: Шарқ. 2000. -56 б.
8. Маннонов Б. Хоразм тарихнавислигида Хива хонлиги ташқи сиёсати // Шарқшунослик. 1997. №8. Б.154.
9. Маннонов Б. Ўша асар. Б. 149-151.
10. Шермет В.И. Османская империя и западная Европа вторая треть XIX в. -М.: Наука. 1986. -92 с.
11. Шермет В.И. Османская империя и западная Европа вторая треть XIX в. -М.: Наука. 1986. -92 с.
12. Валиева Д. XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро ва Хиванинг ташқи иқтисодий алоқаларига доир // Шарқшунослик. 1997. №8. Б.165.
13. Туркестанский край. Сборник материалов к истории его завоевания, подготовленный А.Г.Серебрянниковым. Т.8. -Т., 1915. -144 с.


14. Халфин Н. Султанская Турция и английская экспансия в Средней Азии (50-80гг. XIX в) // Труды САГУ. 1957. Вып 16. Кн 14. с. 37.
15. Соколов А. Английская колониальная политика в Афганистане. 50-60 х гг XIX века // Труды САГУ. 1957. Вып 16. Кн 14. с. 13.



Фахриддин Самаров,
Қарши муҳандислик иқтисодиёти институти
мустақил тадқиқотчиси

КАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ “КАТТА ЛАНГАР ОТА” МАЖМУАСИ ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ?

For citation: Fakhriddin Samarov, DO YOU KNOW THE HISTORY OF THE "KATTA LANGAR ATA" COMPLEX IN KASHKADARYA OASIS?. Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.199-205

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарихий обидаларга бўлган эътибор, уларни таъмирлаш ва қайта тиклаш, меъморий дурдоналаримизнинг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида сўз юритилиб, Қамаш туманидаги „Катта Лангар ота“ мажмуаси мисолида мавзу таҳлил этилган.

Шунингдек, мақолада “лангар” сўзининг таърифи ва нима мақсадда бу мажмуага нисбат берилганлиги ҳам қаламга олинган. “Лангар ота” мажмуасининг тарихи, унинг ўзига хос жиҳатлари, қишлоқ аҳолисининг “қатағон” йилларида ҳам бу ёдгорликни сақлаб қолишдаги фидойиликлари, ҳозирги кунда бу мажмуага мамлакатимиз раҳбарияти томонидан қаратилган алоҳида эътибор қайд этиб ўтилган.

Калит сўзлар: Қамаш тумани, „Катта Лангар ота“, мақбара, масжид, миллий қадрият, маданий мерос, тарихий обидалар, меъморий иншоот, қадимшунослик.

Фахриддин Самаров,
независимый исследователь,
Каршинский инженерно-экономический институт

ЗНАЕТЕ ЛИ ВЫ ИСТОРИЮ КОМПЛЕКСА "КАТТА ЛАНГАР АТА" В КАШКАДАРЬИНСКОГО ОАЗИСА?

АННОТАЦИЯ

В статье речь идёт о том, что в годы независимости в Узбекистане уделяется огромное внимание историческим объектам восстановлению древних ценностей, воспитанию молодёжи в духе патриотизма. Тема анализируется на примере комплекса «Катта Лангар ота» в Камашинском районе.

В статье также описано определение слова “лангар” и с какой целью его относят к данному комплексу. Отмечается история комплекса Лангар ота, его особенности, самоотверженность жителей села к сохранению этого памятника даже в годы «репрессий», особое внимание, уделяемое этому комплексу руководством нашей страны.

Ключевые слова: Камашинский район, „Катта Лангар ота“, мечеть, национальная ценность, культурное наследие, памятники истории, архитектурные сооружения, археология.

Fakhriddin Samarov,
independent researcher,
Karshi Engineering and Economic Institute

DO YOU KNOW THE HISTORY OF THE "KATTA LANGAR ATA" COMPLEX IN KASHKADARYA OASIS?

ABSTRACT

The article discusses the attention paid to historical monuments in Uzbekistan during the years of independence and its importance in restoring our ancient values, educating young people in the spirit of patriotism. The topic is analyzed on the example of the Langar ota complex in the Kamashinsky district.

The article also defines the word "Langan" and the purpose for which it is assigned to the complex. The history of the Langan ota complex, its features, the dedication of the villagers to the preservation of this monument even during the years of "repressions", special attention paid to this complex by the leadership of our country are noted.

Index Terms: Kamasinsky district, mosque, national values, cultural heritage, historical monuments, architectural structures, archeolog.

1. Долзарблиги:

Ўзбекистон миллий мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб ўз тарихимиз, маданиятимиз, урф-одат, анъаналаримиз, шу билан бирга, буюк муҳаддис, аллома ва авлиёларимиз тарихига бўлган алоҳида эҳтиром, қолаверса юртимиз ҳудудида жойлашган минглаб тарихий - меъморий ёдгорликлар, осори атиқалар тарихини илмий жиҳатдан ўрганиш ҳамда уларни таъмирлаш ва қайта тиклаш орқали келгуси авлодларга етказиш учун кенг имкониятлар очилди.

Ватанимиз ҳудудлари бўйлаб жойлашган, узоқ мозийдан бизга қадар етиб келган кўплаб тарихий-меъморий иншоотлар, масжид ва мадрасалар, зиёратгоҳлар, карвонсарой ҳамда миноралар сақланиб қолган. Бугун диёримизда жами 8, 2 мингтадан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, улардан 209 таси тўртта музей шаҳарлар – Хива шаҳридаги Ичан қалъа, Бухоро ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий марказлари ҳамда Самарқанд шаҳри ҳудудида жойлашган тарихий объектлар ЮНЕСКО бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган [1. 173].

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Қашқадарё воҳасидаги “Катта Лангар ота” мажмуаси тарихи моддий ва маънавий манбаларга, тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда, тарихийлик, изчиллик, узвийлик, холислик каби методлардан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинди.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида ҳам минглаб тарихий-меъморий ёдгорликлар мавжуд. Хусусан, бугунги кунда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида жами 2011 та маданий мерос объектлари давлат рўйхатига олинган бўлиб, деярли 2000 га яқин маданий мерос объектларига жамоатчи назоратчилар тайинланган [2]. Улар моддий-маданий ва меъморий мерос объектларини асраб-авайлаш бўйича маҳаллий аҳоли ўртасида кенг тарғибот ишларини амалга оширмоқдалар. Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги Катта Лангар ота мажмуасининг тарихи ва бугуни кўпчилик учун қизиқарли мавзулардан бири саналади.

Қамаши туманининг Лангар қишлоғида, денгиз сатҳидан деярли уч минг метр баландликда бунёд этилган Катта Лангар мажмуаси жойлашган. Мазкур тарихий қадамжо бир неча асрлар давомида яъни темурийлар, шайбонийлар ва аштархонийлар даврида ҳам Мовароуннахдаги Ишқия тариқатининг йирик ва машҳур маркази бўлган.

Аввало „лангар“ сўзига тўхталадиган бўлсак, у турли хил маъноларни англатишига гувоҳ бўламиз. Хусусан, С. Турсунов, Б. Муртазоев, Ж. Чўтматов ва Ф. Шариповлар ўзларининг “Имом Абу Исо Ат – Термизий ва Термизий алломалар” номи монографияларида „лангар“ сўзига қуйдагича таъриф берган: Ҳозирги ўзбек адабий тилида „лангар“ сўзи икки маънода келади. Биринчиси кемани бирор жойда тўхтатиб туриш учун занжирга боғлаб сув остига ташланадиган чангаксимон оғир темир. Иккинчиси, дорда мувозанатни сақлаб туриш учун хизмат қиладиган хода, лангар чўп [3. 263]. Шу билан бирга муаллифлар яна қуйидагиларни ҳам қўшимча қиладилар: Лангар сўзининг тожик ва эски ўзбек тилларидаги маънолари эса тўхташ жойи, ғарибхона, карвонсарой, ибодатхона, ғариб-ғураболарга овқат берадиган маскан, қабр, гўрхона, хонақоҳ, йўлдаги бекат [4. 264].

Юртимиз бўйлаб Лангар номи билан аталадиган жой номлари ҳам талайгина, масалан Сурхондарёнинг Сариосиё, Навоийнинг Хатирчи, Фарғонанинг Фарғона, Тўрақўрғон ва Қува туманларида шу ном билан аталадиган манзилгоҳларни учратиш мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда биргина Қашқадарё вилоятининг бешта худудида яъни Китоб, Шаҳрисабз, Қамаш, Яккабоғ ва Чирокчи туманларида Лангар сўзи билан аталувчи муқаддас зиёратгоҳ ёки объектлар мавжуд.

Қамаш туманидаги Катта Лангар ота мажмуаси қадимий мақбара ва кўҳна масжиддан иборат. Шу билан бирга бу муқаддас қадамжода ислом динининг муқаддас китоби бўлмиш Қуръони каримнинг ноёб (маҳаллий аҳоли томонидан мазкур китоб кийик ёки бузоқ терисига ёзилганлиги таъкидланади) нусхаси сақланиб келинмоқда. Муқаддас бу масканда асрлар оша турли хил ривоятларга сабаб бўлган Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо с.а.в.нинг муборак тўнлари (Ҳирқай муборак)нинг мавжуд бўлганлиги тўғрисидаги афсоналар зиёратгоҳнинг нуфузини янада оширади. Ислом оламида машҳур бўлган бу тарихий зиёратгоҳнинг бунёд этилиш тарихига назар солсак, уни қурилганлигига олти асрдан ошиқроқ вақт бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Мамлакатимизнинг жанубий минтақасида жойлашган мазкур тарихий обиданинг тарихи ҳақида В. Бартольд, Е. Бертельс, М. Массон, Л. Маньковская, С. Кабанов, Э. Ртвуладзе, Г. Пугаченкова, А. Сагдуллаев каби таниқли мозийшунос олимлар ўзларининг китобларида қимматли маълумотлар келтириб ўтганлар.

Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, “Катта Лангар ота” худудидаги қабристон, масжид ва бу ердаги мулклар тўғриси дастлабки маълумотлар Бухоронинг шарқий худудларида ҳарбий ҳаракатларда иштироқ этган Рус ҳарбий зобити (полковник) А. Г. Бельявский қайдларида учрайди [5. 122].

Катта Лангар мақбараси масжиддан бир сой беридаги тепаликда жойлашган. Мазкур ёдгорликни бунёд этилиши тарихини тарих фанлари доктори, профессор Ю. Эргашева ўзининг “Катта Лангар мажмуаси” рисоласида қуйидагича ёзган: Бу ёдгорлик масжиддан тахминан 100 йил кейин қурилган бўлиб, меъморчилик услуби Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасиникига ўхшашдир [6. 10].

Р.Алимованинг тадқиқотларига кўра “Москва компания”сининг асосий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, Ҳиндистонга Россия Шарқ билан савдо алоқалари олиб борган йўллар орқали кириб бориши лозим эди. Инглизларнинг Россия орқали Ҳиндистонга кириб бориш йўлини топишига компаниянинг вакилларида бири Антоний Женкинсон асос солган [5]. Демак, А.Женкинсоннинг Ўрта Осиёга саёҳат қилишидан асосий мақсад хонликлар орқали Ҳиндистонга борадиган энг яқин ва қулай йўлни топишдан иборат бўлган. У Ўрта Осиёда савдо ишларини йўлга қўйиш ниқоби остида Бухорога боришга рухсат олган [6].

Женкинсоннинг Бухорога бориши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Женкинсон гўё подшо Иоанн Грознийни ўз томонига оғдириб олган ва Иван Грозний инглизларга ёқиш учун уни Ўрта Осиёга боришига рухсат берган. Иоанн Грозний балки Женкинсондан фойдаланган ва уни 1557 йилда Россияда эркин савдо қилишлари учун рухсат сўраб Москвага келган Хива ва Бухоро элчилиги миссиясига жавоб тариқасида Женкинсонни Бухоро ва Хивага элчи қилиб юборган бўлиши ҳам мумкин.

Женкинсон Москва Русининг Бухорога юборган биринчи расмий элчиси эди. Иоанн Грозний Ўрта Осиё билан савдо алоқаларини ўрнатиш мақсадида инглиз савдогари Женкинсонга расмий ёрлиқ берган. Женкинсоннинг Россия номидан Ўрта Осиёга жўнатилиши Россиянинг Ўрта Осиё савдосида маълум бир манфаати бўлган ва Россия билан Ўрта Осиё ўртасида савдо алоқаларининг ривожланишига йўл очган. 1558 йил 23 декабрда

Женкинсон Россия подшоси Иван IVнинг ишонч ёрлиғи билан Бухорога келади ва у ерда савдонинг ҳолати билан танишади. Женкинсон Москвага қайтаётганида у билан бирга Бухоро, Урганч, Балх элчилари ҳам бирга келишган.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича Россия билан Ўрта Осиё ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни Женкинсон кашф этмаган. Женкинсон билан Москвага келган савдо карвони 1000 туядан иборат бўлгани аввалдан Москва - Ўрта Осиё савдо муносабатлари анъанавий даражада бўлган [7]. 1556 йил Астрахан босиб олинганда, бу ерда Ўрта Осиё савдогарлари бўлгани маълум. Улар ўз товарлари билан Москва давлати ичкарисигача кириб борган.

Маълумки, XVI асрдан бошлаб Ўрта Осиё хонликларининг Москва билан савдо алоқалари расмий тус ола бошлайди. Женкинсон томонидан Бухоронинг қўшни Шарқ давлатлари билан алоқалари ҳақида берган маълумотлари аҳамиятлидир. Женкинсоннинг Бухорога келиши арафасида Ўрта Осиё Ҳиндистон ва Эрон билан фаол савдо иқтисодий алоқалар ўрнатган эди. Бухорода савдогарларнинг ҳар йилги йиғилиши бўлиб, у ерга Ҳиндистон Эрон, Балх, Россия ва бошқа давлатлардан савдогарлар катта карвонлар билан келиб йиғилиб турган.

Бу ҳолат XVI аср ўрталарида Бухоро қадимгидай халқаро савдо марказларидан бири бўлиб қолганлигидан далолат беради. Лекин баъзи муаллифлар Женкинсоннинг Бухоро савдоси ҳақидаги маълумотларини тўлиқ ҳақиқат деб билмайди. Афтидан савдода рақобатчи бўлиши мумкин бўлган савдогарларни бу савдодан чалғитмоқчи бўлган бўлса керак. Бухорода ҳар йили Ҳиндистон, Эрон, Бухоро, Россиядан келган савдогарларнинг йиғилиши бўлиб туради, деб ёзиб, Женкинсон яна қўшиб қўяди, «гўёки бу савдогарлар шу даражада қашшоқки, улар кам товарлар олиб келишига қарамай бу товарларни ҳатто уч йиллаб сотади, шунинг учун бу ерда фойдали савдо қилиш учун ҳеч қандай ишонч йўқ» [8].

Баъзи тарихчиларнинг фикрича, Женкинсон Англия мануфактураларида тўкилган мовут матоларни Ўрта Осиёда сота олмагани учун атайлаб Бухородаги ҳинд савдогарларининг фаолияти ва ролини пасайтирган. Женкинсоннинг маълумотларига кўра, ҳинд савдогарлари Бухорога қуйидаги молларни олиб келишган: салла учун ишлатиладиган юпқа оқ мато, кўйлак учун ишлатиладиган оқ матолар. Бухородан эса ҳинд савдогарлари ипак матолар, ошланмаган тери, қуллар ва отлар олиб кетган, лекин қаразея ва мовут матоларини қадрлашмаган.

Женкинсоннинг маълумотларига кўра Бухоро билан Ҳиндистон ўртасида барқарор савдо алоқалари ўрнатилган. Бу савдодаги асосий товарлардан бири индиго - нил бўёғи бўлган. Нил бўёғи шу қадар кўп эдики, уни сотиш учун Ҳиндистон савдогарлари икки-уч йиллаб қолиб кетарди.

XVI асрда иккала давлат ўртасидаги савдо ва дипломатик алоқалар жонланган. Жумладан, Абдуллоҳон даврида Бухоро билан Россия ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган. 1585 йил Бухоролик элчи Мухаммад Али Россия подшоси Фёдор Ивановичга Абдуллоҳон номидан олиб келган ҳадялар таркибида 40 пуд нил бўёғи ҳам бўлган. Бухоро билан Ҳиндистон ўртасидаги савдода Бухоро транзит моллар бозори вазифасини ўтаган. Бухоро орқали ҳинд товарлари Россияга келтирилган.

Ҳиндистон Бобурийлар салтанати даврида халқаро савдода фаол қатнашган. Аммо Ҳиндистон ғарб давлатлари билан денгиз орқали савдо қилиш имкониятидан аста-секин ажрала бошлайди. Португаллар Ҳиндистон билан фойдали савдони ўз қўлларида сақлаб қолиш мақсадида XVI аср бошларидаёқ энг муҳим қирғоқбўйи ерларни эгаллаб ола бошлаган эди.

Ҳиндистон ва умуман Шарқ давлатлари ҳаётидаги бу ўзгаришлар буюк географик кашфиётлар билан боғлиқ. XVI аср бошларида португаллар Ҳиндистоннинг порт шаҳарлари бўлган Диу, Даман, Гаони эгаллаб олиб, Ҳиндистоннинг денгиз савдоси устидан назоратни қўлга киритган. Мамлакатнинг аксарият денгиз савдосининг европаликлар қўлига ўтиши маҳаллий савдогарларга катта зарар келтирган. Шундай қилиб, денгиз савдосидан маҳрум бўлган ҳинд савдогарлари ўз эътиборларини Афғонистон ва Ўрта Осиёга қаратган. Зираворлар Ҳиндистондан Бухорога келтириладиган асосий экспорт товарларидан ҳисобланган.

Ўрта Осиё билан Москва ўртасидаги савдонинг уч хил усулини аниқлашган. Булар қуйидагилар: 1). “Повальная” деб аталувчи оддий савдо бўлиб, бу савдо эркин савдогарлар орқали амалга оширилган. 2). Шох ва хонларнинг товарлари билан савдо бўлиб, бу савдо шох ва хонларнинг элчилик билан келган шахсий савдогарлари орқали амалга оширилган. Шох ва хонларнинг товарларидан солиқ олинмаган. 3). “Любительские поминки” деб аталиб, икки давлат шох ва хонлари ўртасидаги божсиз товар айирбошлаш ҳисобланган [9]. Савдонинг бу турлари ҳаттоки Бухоро ва Ҳиндистон ўртасидаги савдода ҳам ўз аксини топган. Қимматбаҳо тошлар, олтин ва кумуш Бухорога савдонинг иккинчи ва учинчи усуллари кўринишида келтирилган [10].

XVI асрда Бухоронинг Эрон билан савдоси ҳам аҳамиятга эга. Эрондан матолар, ип газлама, суруп, гулдор ипак, арғумоқлар келтирилган, бу ердан эса ошланмаган тери ва рус товарлари, жумладан, қуллар олиб кетилган. Унинг ёзишича, эронликлар матолар сотиб олишмаган, чунки ўзлари уларни Бухорога олиб келган. Эронга матолар Суриядаги Халафдан ва Туркиядан келтирилган.

Давлатлар ўртасидаги ўзаро урушлар савдо-сотикқа салбий таъсир кўрсатган. 1558 йили Женкинсон Бухородалиқ вақтида Ўрта Осиё билан Эрон ўртасида катта урушлар бошланган. Бундай вазиятларда улар ўртасидаги бир маромда давом этадиган доимий савдо ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Урушлар натижасида савдо йўллари ишдан чиққан. Ҳиндистон ва Эрондан келаётган қарвонлар қароқчи босқинчилар томонидан таланган ва Бухородан 10 кунлик йўлда савдогарларнинг катта қисми ўлдирилган [11].

XVI асрдаги Ўрта Осиёнинг Эрон билан савдо-иқтисодий ва дипломатик муносабатлари Эронда бўлган рус элчиларининг ҳужжатларида ўз аксини топган. 1594 йили рус подшоси Федор Иванович Андрей Дмитриевич Звенигородскийни элчи қилиб Эронга жўнатади. 1594 йил 5 ноябрда Кашан шаҳрига Эрон шоҳи номидан Ази Хосров келиб Андрейга шох томонидан элчи саройга таклиф қилинганлигини айтган. Саройда ўша вақтда турк ва бухоро савдогарлари ва бошқа ерлардан келган одамлар бўлишини ва элчи бу манзаранинг гувоҳи бўлишини, қолганлар эса Эрон шоҳига Россия подшоси Федор Иванович номидан катта элчи келганлигининг гувоҳи бўлиб ҳайратга тушишини, ҳамда элчининг келтирган совға саломларини кўришини хоҳлаган... Бундан ташқари, шохнинг душманлари, яъни турк ва бухоролик элчилар Рус подшоси билан Эрон шоҳи муносабатларини кўриб ларзага тушишини истаган. Шох Андрейни саройда қабул қилади. Андрей шох ҳузурига кираётган вақтда у ерда на туркиялик ва на бухоролик элчилар, ва на бошқа кишилар бўлган.

1595 йил 18 январда шох Андрейни ўз ҳузурига чақиради. Элчи билан суҳбатда шох “Эшитишимча, Бухорода Нурумов шохнинг одами бўлган ва унинг айтишича, бухоролик савдогарлар Абдуллахонга Сибирдан учта лочин олиб келган экан. Абдуллахон лочинларнинг бирини Балх ноибни Абдулмўминга юборган. Сибирдан ҳаммаси бўлиб йигирма еттита лочин келтирилган экан. Сибирдан Бухорога сувсарлар ва қора тулки мўйналари келтирилган, ва у ердан Эронга олиб борилади, шунинг учун бу ерда (Эронда) сувсарлар ва тулкилар арзон. Андрейнинг шохга айтишича, Руснинг буюк шоҳи Сибир хонига қимматбаҳо лочинлар, сувсарлар ва қора тулкиларни бухороликларга сотишни ман қилиб қўйган [12].

XVII асрда турли хил мўйналарнинг Сибирдан олиб чиқиб кетилиши тақиқлаб қўйилган. Рус ҳукумати XVI асрда ҳам мўйналарнинг олиб чиқиб кетилишини тақиқлаш даражасида Сибир хонлигига нисбатан таъсирга эга бўлган. Рус ҳукумати Сибир мўйналари савдоси устидан назоратни ўрнатиш мақсадида 1698 йилда Сибирда мўйна билан шахсий савдони тақиқлаш тўғрисида фармон чиқарган. Бу фармон кутилган натижани бермаган, айниқса бухороликлар хуфиёна равишда сибир мўйналарини Ўрта Осиё, Хитой ва бошқа мамлакатларга олиб чиқиб кетаверишган [13].

Бу вақтда Бухоро ва Эрон ўртасида кескин сиёсий муносабатлар мавжуд эди. Аммо, қийин сиёсий аҳвол ҳукм суришига қарамасдан иккала мамлакат ўртасидаги савдо алоқалари тўхтаб қолмаган. Уруш ҳолати бўлишига қарамасдан Эронда бухоролик савдогарлар бўлишган. Бу эса шундан далolat берадики, ҳеч қандай қийинчиликлар иккала мамлакат ўртасидаги савдо алоқаларининг давом этишига ҳалал бера олмаган.

Россия товарлари аввал Бухорога келтирилиб, у ердан Ҳиндистон ва Эронга олиб кетилган. Руслар Бухорога ошланмаган тери, ошланмаган қўй териси, жун матолари, ёғоч идишлар, юган, эгар ва бошқа товарлар олиб келган. Бу товарларнинг бир қисми Эрон ва Ҳиндистонга олиб кетилган. Айрим тадқиқотчилар XVI аср ўрталарида Бухоро хонлигининг Ҳиндистон ва Эрон билан савдо алоқаларининг нисбатан жонланганлигига шубҳаланиб қарайди. Ўрта Осиёнинг каттагина қисмининг маданий жиҳатдан қалоқ бўлган Дашти Қипчоқ ўзбеклари томонидан босиб олиниши унинг халқаро савдодаги ролини тушириб юбориши керак эди, деб ҳисоблайди [14].

Бу фикр Шайбонийлар ҳукмронлигининг дастлабки ўн йиллиги учун тўғри бўлиши мумкин. Аммо XVI аср ўрталарида Абдуллахон тахтга келиши билан марказий ҳокимият ва вилоятлар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф қилиш йўлини тутган, ташқи савдонинг ривожини учун шарт-шароитлар яратган, ҳамда Ҳиндистон билан дипломатик ва савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатган эди.

Москва давлатининг иқтисодий ва сиёсий манфаати унинг Ўрта Осиё давлатлари билан ўзаро алоқаларини ривожлантириш учун асос бўлган эди. Рус давлати савдони ривожлантириш ва рус кулларини озод қилиш, Россия билан Ҳиндистон ўртасида савдо муносабатларини йўлга қўйиш мақсадида, қолаверса, Россия Ўрта Осиё билан савдо қилиш учун энг яқин ва қулай савдо йўллари топиш мақсадида Ўрта Осиё хонликларига элчиларни жўната бошлаган. Элчиларга берилаётган топшириқлар ва уларнинг келтирган хабарлари Ўрта Осиёнинг Ҳиндистон билан савдо алоқаларини ўрганиш учун муҳим аҳамиятга эга эди. Айтиш жоизки, XVII асрда Ўрта Осиёга жўнатилган рус элчиларининг маълумотларини ўрганиш Ўрта Осиёнинг Эрон билан алоқалари ҳақидаги илмларни анча кенгайтиради.

XVII асрда Россиянинг Ҳиндистонни ўрганишга бўлган қизиқиши ортиб боради. Ҳиндистон билан Эрон ўртасидаги урушлар натижасида Эрон орқали савдо тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас, шунинг учун Россия Ўрта Осиё орқали савдо қилишга интилади. Россиянинг Ўрта Осиё билан алоқалари Москвадан ташқари бошқа марказлар билан ҳам ўрнатилган. Бухоро элчиси Мулла Фаррух Бухоронинг Эрон билан савдоси ҳамда у ердан келтириладиган моллар ва уларнинг нархлари ҳақида қисқача маълумот беради [15]. Сўнг улар Москвага жўнатилган бўлиб, шох уларни жуда тантанали равишда қабул қилган. Мулла Фаррух элчилигининг аҳамияти юқори баҳолаган. Айниқса, элчи келтирган маълумотларнинг Бухоро билан Ҳиндистон ўртасидаги савдонинг даражасини аниқлашда ва Бухоро аҳолисининг ҳинд товарларига бўлган талабларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган [16].

Элчиларга Бухоро хонининг Туркия, Эрон ва Ҳиндистон ҳукмдорлари билан алоқаларини ҳам ўрганиш топширилган эди. Элчиларга берилган топшириқлардан Москва ҳукмдорларининг Ҳиндистон давлати билан яқин дўстона алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилганлиги кўриниб турибди. Элчиларнинг Ҳиндистонга юборилишининг ўзи Москва давлатининг Ўрта Осиё орқали Ҳиндистон билан энг яқин муносабатлар ўрнатиш истаги борлигидан далолат беради.

Рус ҳукумати турли йўллар билан Шарқ мамлакатлари ҳақида, жумладан, Ўрта Осиё ҳақида маълумотлар тўплашга ҳаракат қилган. Ҳиндистонга Астрахан орқали йўл чўл орқали ўтганлиги сабабли узоқ ва юриш қийин, йўлда қароқчилар қарвонларга хужум қилган. Шунинг учун Ҳиндистонга Бухоро орқали бориш қулай эди. Руслар Астрахандан Бухорога ва ундан Балх орқали Ҳиндистонга борадиган йўл маршрути ҳақида маълумот тўплаган.

Россияда XVII асрда аста-секин Бухоро ва Ҳиндистон ўртасидаги савдо алоқаларига доир маълумотлар тўплана бошлаган. Бухоро-Ҳиндистон муносабатлари тўғрисидаги маълумотларга кўра, Ҳиндистонда ҳўл меваларга талаб кучли бўлган. Ҳўл мевалар: қовун, олма, нок, узум Самарқанд, Бухоро ва Эрондан Деҳлига олиб борилган ва бутун қиш давомида қиммат нархда сотилган. Ҳиндистонда қуруқ мевалар, жумладан, бодом, pista, ўрмон ёнғоғи, олхўри, ўрик, майиз ва бошқа қуруқ мевалар йил бўйи сотилган [17]. Ўрта Осиёга Ҳиндистондан равоч олиб келинган [18]. Ҳиндистонда отларига талаб катта бўлганлиги учун ҳар йили Ўрта Осиёдан йигирма беш минг от Ҳиндистонга олиб борилган. Ҳиндистонга

келтириладиган товарларнинг асосий қисми Ўрта Осиё ва Арабистондан келтириладиган отлар ҳисобланган [19].

4.Хулосалар:


Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ўртасидаги савдода Афғонистон кўчманчилари фаол катнашган, улар умумий повинда номи билан машҳур бўлган. XV-XVII асрларда карвон йўлларида яшаган повинда Ҳиндистон-Эрон-Ўрта Осиё савдосида воситачи сифатида фаол катнашган. Афғонистон савдогарлари Бухоро билан Ҳиндистон ўртасидаги савдода воситачи вазифасини ўтаган. Улар (повинда) Ҳиндистон, Хуросон ва Бухоро ўртасида ўз отлари ва туялари билан савдо қилган. Йўлда содир бўладиган талончиликнинг олдини олиш мақсадида куролланган карвонга бирлашади. Улар Бухоро билан Ҳиндистонга бир йилда икки марта бориб келади. Март ойида улар ўз оилаларига қайтиб келадилар ва сўнг яна Гилзай тоғларига қайтиб, Кабул, Бухоро, Қандаҳор ва Ҳиротга карвонни ҳозирлаган.

Умуман, XVI-XVII асрларда Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасидаги савдо алоқалари ҳар қандай тўсиқларга қарамасдан давом этиб келган. Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, Россия, Ҳиндистон ва Эрон мамлакатлари ўртасидаги савдода Бухоро воситачи вазифасини ўтаган. XVI асрда Россия Ҳиндистон билан дипломатик муносабатлар ўрнатмаган, аммо Эрон ва Ўрта Осиё орқали савдо қилиш йўли билан Ҳиндистон – Буюк Мўғуллар давлати билан расмий муносабатлар ўрнатиш сари йул тутган.

Иқтибослар / Сноски / References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 30 сентябрда Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. / Янги Ўзбекистон, 2020 йил 1 октябрь. (Speech of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the solemn ceremony dedicated to the Day of Teachers and Coaches on September 30, 2020. / New Uzbekistan, October 1, 2020.)
2. Икромов И. Элчилик қилган уламолар. Дин уламоларининг ўзбек хонликлари дипломатиясидаги иштироки тарихидан // <https://daryo.uz/k/2021/03/22/> (Ikromov I. The scribes who made the embassy. From the history of the participation of religious scholars in the diplomacy of the Uzbek khanates // <https://daryo.uz/en/2021/03/22/>)
3. Султонова Г.Н. XVI-XVII аср хориж “Сафарнома”ларида Бухоро хонлиги ташқи алоқалари: ахборот, талқин ва таҳлил. // Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари: асосий йўналишлари ва ёндашувлар. –Т., 2009. www.ziyouz.com kutubxonasi, 212-217-бетлар. (Sultonova G.N. External relations of the Bukhara khanate in foreign "Safarnoma" of the XVI-XVII centuries: information, interpretation and analysis. // Current issues of the history of Uzbekistan: main directions and approaches. –Т., 2009. www.ziyouz.com library, pages 212-217.)
4. Дженкинсон Антоний. Путешествие в Среднюю Азию в 1558-1560 гг. // Английские путешественники в Московском государстве в XVI веке. / Пер. с англ. Ю.В.Готье. М.: ОГИЗ. 1937. (Jenkinson Anthony. Journey to Central Asia in 1558-1560. // English travelers in the Muscovite state in the 16th century. / Per. from English. Yu.V. Gauthier. М.: OGIЗ. 1937.)
5. Соколов Ю.А. К вопросу о причинах провала английских устремлений в Восточную Европу, Среднюю Азию и Персию (XVI-XVII вв.) // Труды САГУ. Вып. 68. 1955. с. 17. (Sokolov Yu.A. To the question of the reasons for the failure of English aspirations in Eastern Europe, Central Asia and Persia (XVI-XVII centuries) // Proceedings of SAGU. Vsh. 68. 1955. p. 17.)
6. Алимова Р.Р. Марказий Осиё халқлари тарихи сўнгги ўрта асрларда. Ўқув услубий қўлланма. –Т., 2009. -Б. 40. (Alimova R.R. The history of the peoples of Central Asia dates back to the late Middle Ages. Training manual. –Т., 2009. -B. 40.)
7. Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (XVI - середина XIX вв.). М.: ИВЛ. 1958. С.76. (Ivanov P.P. Essays on the history of Central Asia (XVI - mid-XIX centuries). М.: IVL. 1958. P.76.)

8. Юлдашев М.Ю. К истории торговых и посольских связей Средней Азии с Россией в XVI-XVII вв. Ташкент. 1964, С.18-19. (Yuldashev M.Yu. On the history of trade and embassy relations between Central Asia and Russia in the 16th-17th centuries. Tashkent. 1964, pp. 18-19.)
9. Байкова Н.Б. Роль Средней Азии в русско-индийских торговых связях (первая половина XVI - вторая половина XVIII в.). -Ташкент. 1964. -С.51. (Baikova N.B. The role of Central Asia in Russian-Indian trade relations (the first half of the 16th - the second half of the 18th centuries). -Tashkent. 1964. -p.51.)
10. Низамутдинов И.Г. Из истории среднеазиатско-индийских отношений (IX-XVIII вв.). Ташкент. Узбекистан. 1969. -С.50. (Nizamutdinov I.G. From the history of Central Asian-Indian relations (IX-XVIII centuries). Tashkent. Uzbekistan. 1969. -p.50.)
11. Дженкинсон Антоний. Путешествие в Среднюю Азию в 1558-1560 гг. //Английские путешественники в Московском государстве в XVI веке. / Пер. с англ. Ю.В.Готье. М.: ОГИЗ. 1937. —с. 185.(Jenkinson Anthony. Journey to Central Asia in 1558-1560. //English travelers in the Muscovite state in the 16th century. / Per. from English. Yu.V. Gauthier. M.: OGIZ. 1937. -p. 185.)
12. Алимова Р.Р. Марказий Осиё халқлари тарихи сўнги ўрта асрларда. Ўқув услубий кўлланма. –Т., 2009. –Б. 42. (Alimova R.R. The history of the peoples of Central Asia dates back to the late Middle Ages. Training manual. –Т., 2009. –В. 42.)
13. Зияев Х. К истории экономических связей Средней Азии с Россией через Сибирь в XVIII в. //Известия Академии наук УзССР. Серия общественных наук. 1958. № 4. С.31. (Ziyaev Kh. On the history of economic relations between Central Asia and Russia through Siberia in the 18th century. //News of the Academy of Sciences of the UzSSR. Social Sciences Series. 1958. No. 4. P.31.)
14. Бартольд В.В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. //Сочинения. Т. V. М.: Наука, 1968. С.186. (Bartold V.V. Twelve lectures on the history of the Turkish peoples of Central Asia. // Works. Т. V. М.: Nauka, 1968. P. 186.)
15. Русско-индийские отношения в XVII веке: Сборник документов. -М.: ИВЛ, 1958. -С.170. (Russian-Indian relations in the XVII century: Collection of documents. -М.: IVL, 1958. - P.170.)
16. Низамутдинов И.Г. Из истории среднеазиатско-индийских отношений (IX-XVIII вв). -С. 48 . (Nizamutdinov I.G. From the history of Central Asian-Indian relations (IX-XVIII centuries). -WITH. 48.)
17. Бернье Франсуа. История последних политических переворотов в государстве Великого Могола. Пер. с франц. В.Жуховецкого и М.Томара. -М.-Л.: Соцэргиз, 1936. -С.184. (Bernier Francois. The history of the last political upheavals in the state of the Great Mogul. Per. from French V. Zhukhovetsky and M. Tomar. -М.-Л.: Sotsekgiz, 1936. -P.184.)
18. Фехнер М.В. Торговля русского государства со странами Востока в XVI веке. -М.1956. -С.81. (Fekhner M.V. Trade of the Russian state with the countries of the East in the 17th century. -М.1956. -p.81.)
19. Рейснер И.И. Народные движения в Индии в XVII- XVIII вв. -М.: ИВЛ, 1961. -С.32 .(Reisner I.I. Popular movements in India in the XVII-XVIII centuries. -М.: IVL, 1961. -P.32.)




Бахтиёр Режавалиевич Халмуратов,
Наманган давлат университети доценти,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
E-mail: baxtiyor_m@mail.ru

Гиёсиддин Муроджонович Усмонов,
Кўкон давлат педагогика институти ўқитувчиси

ТАБИАТ УНСУРЛАРИ ВА РАНГЛАРНИ ЎЗARO УЙЎНЛИГИНИНГ ХАЛҚОНА ҚАРАШЛАРДА АКС ЭТИШИ

For citation: Bakhtiyor R.Khalmuratov, Giyosiddin M.Usmanov, REFLECTION OF THE HARMONY OF THE NATURE ELEMENTS AND COLOURS IN PUBLIC VIEWS. Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.239-243

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ранглар рамзи билан боғлиқ қарашлар ва уларнинг тарихий илдизлари Фарғона водийси ўзбекларининг оилавий турмуш тарзидаги урф-одат ҳамда маросимларига қиёсан таҳлил қилинган. Мақолада асосий эътибор борлиқни англаш йўлида пайдо бўлган қарашларнинг этнографик хусусиятларини очиб беришга қаратилган.

Калит сўзлар: Ўрта Осиё, Фарғона водийси, ўзбеклар, ранглар тимсоли, маросим, архаик қарашлар, маҳаллий аҳоли, турмуш тарзи, урф-одатлар, оқ ранг, кўк ранг, шомонлик, ислом дини, никоҳ, никоҳ маросимлари, олов, сув.

Бахтиёр Режавалиевич, Халмуратов,
доцент Наманганского государственного университета
доктор философии по истории (PhD),
E-mail: baxtiyor_m@mail.ru

Гиёсиддин Муроджонович Усмонов,
Преподаватель Кокандского государственного
педагогического института

ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ ЭЛЕМЕНТОВ И ЦВЕТОВ ПРИРОДЫ В ИНТЕРПРЕТАЦИИ НАРОДНЫХ ВЗГЛЯДАХ

АННОТАЦИЯ

В данной статье проводится сравнительный анализ взглядов на символику цветов и их исторические корни в обычаях и обрядах семейного быта узбеков Ферганской долины. Основное внимание в статье уделяется выявлению этнографических особенностей воззрений, возникших на пути осмысления бытия.

Ключевые слова: Средняя Азия, Ферганская долина, узбеки, символ цветов, обряд, архаические взгляды, местное население, образ жизни, обычаи, белый цвет, голубой цвет, шаманизм, ислам, брак, брачные обряды, огонь, вода.

Bakhtiyor R. Khalmuratov,
Associate Professor of Namangan State University,
Doctor of Philosophy in History (PhD),
E-mail: baxtiyor_m@mail.ru
Giyosiddin M. Usmanov,
Lecturer at the Kokand State Pedagogical Institute

REFLECTION OF THE HARMONY OF THE NATURE ELEMENTS AND COLOURS IN PUBLIC VIEWS

ABSTRACT

In this article the views related to the symbols of color's and their historical roots are analyzed comparing to the customs and rituals in the family life of the Uzbeks of the Fergana Valley. The main focus of the article is to reveal the ethnographic features of the views that emerged in the way of understanding the universe.

Index Terms: Central Asia, Fergana Valley, Uzbeks, symbol of colors, ritual, archaic views, local population, lifestyle, customs, white, blue, shamanism, Islam, marriage, marriage ceremonies, fire, water.

1. Долзарблиги:

Ўзбек халқининг маънавий қадриятлари сирасига кирувчи урф-одат ва маросимларни ўрганиш тадқиқотчилар олдида турган ғоят муҳим вазифалардан биридир. Айниқса, маҳаллий аҳолининг кундалик турмуш тарзидаги турли хил предметлар, уларнинг маросимий функциялари, маросим анжомларига доир архаик қарашлар ва уларнинг ҳозирги кундаги кўринишлари устида илмий изланиш олиб бориш ушбу вазифани ҳал қилишда алоҳида ўринга эга.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Шу кунга қадар Ўрта Осиё халқлари кундалик турмуш тарзидаги ранглар рамзи ва у билан боғлиқ халқона қарашлар ҳамда урф-одатлар баъзи бир тадқиқотлардагина ёритиб берилган [1. С. 91]. Лекин, Фарғона водийси ўзбекларининг анъанавий турмуш тарзидаги ранглар рамзига оид қарашлар ва у билан боғлиқ урф-одатлар етарлича даражада ўрганилмаган. Шу боис ушбу илмий мақолада қадимдан ўзига хос тарихий-этнографик ҳудуд бўлиб келган Фарғона водийси ўзбекларининг ранглар рамзига оид тасаввурлари ва урф-одатлари дала этнографик материаллари асосида таҳлил қилинади.

Шунингдек, мақолада илмий тадқиқотларга хос бўлган тарихий изчиллик, интревью, кузатув ва этнографик таҳлил методларидан унумли фойдаланилган.

3. Тадқиқот натижалари.

Маълумки, қадимдан ранглар дунёни англаб етиш ва тартибга солиш воситаларидан бири бўлиб келган. Улар ҳар доим буюмнинг табиий аломати бўлиб хизмат қилмайди, аксинча қандайдир ғоянинг мавжзудлигини билдирган. Одатда, рангларнинг инсон руҳияти билан боғлиқлиги, либослардаги уйғунлиги, тушлардаги таъбири борасида жуда кўп фикрлар ва қарашлар адабиётларда ёритиб берилган. Лекин, рангларнинг анъанавий кундалик турмуш тарзидаги талқини атрофлича ўрганилмаганлиги билан характерлидир.

Жумладан, фольклоршунос М. Рўзиева анъанавий дунёқарашлар тизимида ранглар билан боғлиқ тасаввурларнинг диний ва магик маросимлар жараёнидаги кўринишларига алоҳида эътибор берган. Тадқиқотчининг қайд этишича, маросимларга раҳбарлик қиладиган афсунгарлар ҳамда табиблар маросимни ўтказиш учун қўлланадиган нарсаларни рангига қараб танлаганлар. Шомон маросимларидан бири бўлган бадикхонликда оқ ранг магик қудрат

белгиси сифатида ифодаланади. Бадикда ранглар уйғунлиги асосида касалнинг дарддан фориг бўлиши даражасига кўтарилган [2. Б. 48–50].

Тарихда маълумки, рангли этник номлар тасодифан вужудга келмаган, қадимда туркий халқлар шимол, жануб, ғарб ва шарқни ранглар билан атаганлар; қора ранг – шимолни, қизил ранг – жанубни, оқ ранг – ғарбни, кўк ранг – шарқни, сариқ ранг – марказни ифодалаган [3. С. 242].

Ранглар билан боғлиқ қарашлар нафақат маросимларда, қолаверса, табиат унсурларида ҳам ўз аксини топган. Масалан, В. Н. Басиловнинг қайд этишича, Фарғона водийси ўзбеклари тасавурида сув ҳам бошқа унсурлар ҳамда инсонлар сингари ўз жинсига эга бўлган. Масалан, “оқ сув” – эркак сув, “қора сув” эса аёл сув ҳисобланган [4. С. 28]. Сувни аёлга қиёслаш дунёнинг бошқа халқларида учрайди. Масалан, қадимги хитойлар аёлни сувга, она қорнини кудукка қиёслаганлар [5. Б. 43]. Фарғона водийси аҳолиси “оқ сув” деб тоғ-тошлардан келган сувни, “қора сув” деб ёмғир ва қорларнинг сувини тушунган [6. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани Нурсуҳ қишлоғи. 2009 йил].

Қадимги турк асотирларида, бўри рангига кўра, Кўк Бўри, Оқ Бўри, Қизил Бўри, деб аталган. У турк асотирларида Бўри, Бўрта, Бўржу, Оссано, Сино, Жино, Жина, Жину, Яшқар, Қашқир, Қурт номлари билан юритилади [7. Б. 11]. XI–XIII асрларнинг ноёб тарихий обидаси "Ўғузнома"да бўрига сиғиниш билан боғлиқ тасаввур ва ривоятлар талайгина. Ундаги маълумотларга кўра, афсонавий Ўғузхон кул ранг бўридан туғилган туркийларнинг афсонавий бобокалони ҳисоблангани боис ўғизлар кул ранг эркак бўрига топинганлар. Шу боис Ўғузхоннинг жанговар чақириғи – урони сифатида кўк бўри қабул қилинган. Қолаверса айнан X–XI асрларда ўғуз-қипчоқларнинг асосий тотеми оқ бўри ҳисобланган [8. Б. 25].

Ранглар билан боғлиқ халқона қарашлар Фарғона водийси ўзбекларининг моддий маданиятининг бир қисми бўлган турар-жойлар билан боғлиқ тасаввурларда ҳам ўз аксини топган. Масалан, И. Хўжахоновнинг қайд этишича, чорвадор аҳоли томонидан кўчма уй-жойларнинг бу тури оқ уй, қора уй, каби номлар билан ҳам аталган. Умуман олганда, оқ уй ва қора уйлар ўртасида унчалик катта фарқ йўқ. Уларни ажратиб турувчи ягона жихат шуки, оқ уйларнинг устига қопланадиган кийгизи оқ рангда, қора уйларники эса қора (тўғрироғи тўк жигарранг ёки қорамтир) рангда бўлган. Ахборотчиларнинг маълумотига кўра, ўтов кигизининг оқ ёки қора бўлиши асосан кийгиз тўқиш учун ишлатиладиган қўй ёки эчки жунларининг рангига боғлиқ бўлган [9. Б. 74]. Яъни, оқ рангдаги кийгизларни тўқиш учун кўпроқ оқ ёки сарғиш рангдаги жун ишлатилган, ёки аксинча, қора кигизни тўқиш учун қора жун ишлатилган. Оқ уйларнинг кигизи йиллар давомида эскириб, ёмғир ва офтоб нурлари таъсирида қорайиб кетган, шу боис улар ҳам кейинчалик қора уй деб атала бошланган [10. С. 225].

А. Т. Толеубаевнинг ёзишича, қозоқларда бола йўлга юра бошлаганда унинг оёғига турли рангдаги иплар билан бирга қўйнинг ичагидан боғлаб тушов қилинган ва қайчи билан енгил, чаққон аёллар кесганлар. Бу ерда турли хилдаги ипларни боғлаш орқали ёвуз руҳларни ҳайдаш, қўйнинг ёғли ичагини боғлашда эса боланинг келгусида чорваси кўп бўлсин, деган магик ният мужассамлашган [11. С. 79].

Туркларда ҳам бола чиройли бўлиши учун ҳомиладор аёл анорнинг бир донасини туширмай ейиши лозимлиги, агар донаси тушиб қолса чақалоқ юзида қизил доғ (нори) билан туғилиши мумкинлиги ҳақидаги қарашлар бўлган [12. С. 127]. Агар ҳомиладор аёл фарзандининг юзи оқ бўлишини истаса оқ рангдаги егуликлардан (беҳи, олма, қатик, сут, тухум) истеъмол қилиши лозим, аксинча писта, кунгабоқар уруғи ёки майиз еса боласи қора юзли бўлиб туғилади, деб ишонганлар.

Тадқиқ қилинаётган минтақа ўзбекларининг анъанавий никоҳ тўйи маросимларида ранглар рамзига ҳам алоҳида эътибор берилган. Маросимлардаги оқлик (оқ ранг) ёшлар бўлгуси ҳаётлари рамзи ҳисобланади. Шу боис келиннинг уйига совчиликка борганларга ҳам оқлик берилган. Келиннинг никоҳ либоси ҳам оқ рангда бўлган. Шунингдек водий ўзбекларида келин куёвнинг уйига келган вақтда уни оқ рангдаги нарсалар, жумладан, оқ ун, оқ мато, оқ сут билан кутиб олинади [13. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани

Доимобод ва Тумор қишлоқлари. 2021 йил]. Наманган вилояти Косонсой тумани Ровот қишлоғида яшовчи қипчоқларда илгарилари келин куёв учун махсус ўтов тикилган бўлиб айнан мазкур ўтов ҳам оқ рангдаги кигиздан қилинган. Бундан ташқари, никоҳ тўйининг эртасига куёв уйига “рўйкушон” маросимига келган қудалар бир бирларининг юзларига оқ ун суртиб кўришадилар [14. Б. 171]. Оқ рангнинг рамзий маъносини тўйдан сўнг келинни хонадон супрасига ўтирғизиб, ун ва ёққа кўлини текизилишида ҳам кўриш мумкин.


4. Хулосалар.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш керакки, ранглар билан боғлиқ қарашлар ва урф-одатлар қадим даврларга бориб тақалади. Ранглар дастлаб атроф муҳит ва табиатни англатувчи омил вазифасини бажарган бўлса, кейинчалик кишиларнинг дунёқараши, урф-одатлари ва анъанавий маросимларининг таркибий қисмига айланиб борган.

Адабиётлар/Литературы/References:

1. Баялиева Т. Д. Доисламские верования и их пережитки у киргизов. – Фрунзе: Илим, 1972. – С. 91; Фрэзер Д. Ж. Золотая ветвь. – М.: Наука, 1986. – С. 67–70.; Эшонкул Жаббор. Фольклор: Образ ва талқин. – Қарши: Насаф, 1999. – 176 б. (Bayaliev T.D. Pre-Islamic beliefs and their survivals among the Kirghiz. - Frunze: Ilim, 1972. - P. 91; Fraser D. J. The Golden Bough. - M.: Nauka, 1986. - S. 67–70.; Eshonkul Zhabbor. Folklore: The image of vatalqin. - Karshi: Nasaf, 1999. - 176 p.)
2. Рўзиева М. Ранглар ҳақидаги халқ қарашлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2008. – №5. – Б. 48–50. (Ro'zieva M. People's views on colors // Uzbek language and literature. - 2008. - №5. - B. 48–50.)
3. Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа. – Ташкент, 1974. – С. 242. (Shaniyazov K. Sh. To the ethnic history of the Uzbek people. - Tashkent, 1974. - S. 242.)
4. Басилов В. Н. Шаманство у народов Средней Азии и Казахстана. – М.: Наука, 1992. – С. 28. (Basilov VN Shamanism among the peoples of Central Asia and Kazakhstan. - M.: Nauka, 1992. - S. 28.)
5. Мингбоева Д. Тимсоллар тилсими. – Тошкент, 2007. – Б. 43. (Mingboeva D. The magic of emblems. - Tashkent, 2007. - B. 43.)
6. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани Нурсух қишлоғи. 2009 йил. (Field records. Nursukh village of Uzbekistan district of Fergana region. 2009.)
7. Мурот Ўроз. Турк асотирлари // Сирли олам. – 1991. – №6. – Б. 11. (Murat Oroz. Turkish myths // Mysterious world. - 1991. - №6. - B. 11.)
8. Аширов А. А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Кутубхонаси нашриёти, 2007. – Б. 25. (Ashirov A. A. Ancient beliefs and ceremonies of the Uzbek people. - Tashkent: Publishing House of the National Library of Uzbekistan, 2007. - B. 25.)
9. Хўжахонов И. М. Фарғона водийси қишлоқ аҳолиси анъанавий турар жойларининг этнохудудий хусусиятлари. Тар. фан. ном. олиш учун ёзил. дисс. – Тошкент, 2007. – Б. 74. (Ho'jaxonov I. M. Ethno-territorial features of traditional settlements of the rural population of the Fergana Valley. Tar. fan. nom. write to get. diss. - Tashkent, 2007. - B. 74.)
10. Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа. – Ташкент: Фан, 1974. – С. 225. (Shaniyazov K. Sh. To the ethnic history of the Uzbek people. - Tashkent: Fan, 1974. - S. 225.)
11. Толеубаев А. Т. Реликты доисламских верований в семейной обрядности казахов. – Алма-Ата: Гылым, 1991. – С. 79. (Toleubaev A. T. Relics of pre-Islamic beliefs in the Kazakh family rituals. - Alma-Ata: Gylym, 1991. - S. 79.)
12. Серебрякова М. Семья и семейная обрядность в турецкой деревне. – М., 1979. – С. 127. (Serebryakova M. Family and family rituals in the Turkish village. - M., 1979. - S. 127.)
13. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Доимобод ва Тумор қишлоқлари. 2021 йил. (Field records. Doimabad and Tumor villages of Dangara district of Fergana region. 2021.)


14. Аширов А. А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Кутубхонаси нашриёти, 2007. – Б. 171. (Ashirov A. A. Ancient beliefs and ceremonies of the Uzbek people. - Tashkent: Publishing House of the National Library of Uzbekistan, 2007. - B. 171.)



Ислом Акрамович Ҳамдамов,
Самарқанд давлат чет тиллар институти доценти в.в.б.,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ МЕЪМОРЧИЛИК ФАОЛИЯТИ

For citation: Islam A. Khamdamov, ARCHITECTURAL ACTIVITY OF MIRZO ULUGBEK. Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.244-249

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини қўлга киритгач, буюк мутафаккирларнинг маънавий ва моддий меросини ўрганиш, қайта тиклаш масаласи долзарб, муҳим аҳамият касб этди. Чунки буюк мутафаккирларнинг ҳаёти ва фаолияти, маънавий ва моддий меросини ўрганиш, тарғиб қилиш, ватанимиз ёшларида гуманистик, ватанпарварлик, бағрикенглик, илм-фанга қизиқиш ва ривожлантириш каби туйғуларини ўйғотади. Жумладан, ҳукмдор ва олим Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, жаҳон илм-фани тараққиётига қўшган ҳиссасини англаш аҳамиятли ҳисобланади. Ушбу мақолада олим ва ҳукмдор Мирзо Улуғбекнинг илмий фаолияти, мадрасалари, расадхонаси, фаолият кўрсатган олимлар илмий мероси ижтимоий-фалсафий таҳлил этиш, Марказий Осиё халқларининг XV-XVI аср асрлардаги ижтимоий-сиёсий, маданий ва фалсафий тафаккур ривожининг ўзига хос жиҳатлари, эволюцияси, тарихий-фалсафий негизлари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Илм-фан, Ренессанс, мадрасалар, Самарқанд мадрасайи Олия, Бухоро мадрасаси, Самарқанд расадхона, Гиждувон мадраса, алломалар, Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Жамшид Коший, Али Кушчи, Муҳаммад Ҳавофий, фалсафа, астрономия, математика, таълим-тарбия, моддий ва маънавий мерос.

Ислам Акрамович Ҳамдамов,

И.о. доцента Самарқандского государственного института
иностранных языков, доктор философии (PhD) по философии

АРХИТЕКТУРНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ МИРЗО УЛУГБЕКА

АННОТАЦИЯ

После обретения Узбекистаном независимости изучение и восстановление духовного и материального наследия великих мыслителей стало актуальным и важным, вызывает такие чувства, как интерес и развитие в науке. В частности, важно изучить жизнь и деятельность правителя и ученого Мирзо Улугбека, понять его вклад в развитие мировой науки. В данной статье научная деятельность ученого и правителя Мирзо Улугбека, медресе, обсерватории, социально-философский анализ научного наследия ученых, особенности развития

общественно-политического и культурно-философского мышления народов Средней Азии в XV-XVI вв., эволюция, историко-философские основания.

Ключевые слова: Наука, Ренессанс, медресе, Самаркандское медресе Олия, Бухарское медресе, Самаркандская обсерватория, Гиждуванское медресе, ученые, Мирзо Улугбек, Казизода Руми, Джамшид Каши, Али Кушчи, Мухаммад Хавафи, философия, астрономия, математика, образование, материальное и духовное наследие.

Islam A. Khamdamov,
Associate Professor of the Samarkand
State Institute of Foreign Languages,
Doctor of Philosophy (PhD) in Philosophy

ARCHITECTURAL ACTIVITY OF MIRZO ULUGBEK

ABSTRACT

After Uzbekistan gained independence, the study and restoration of the spiritual and material heritage of great thinkers became relevant and important, causing such feelings as interest and development in science. In particular, it is important to study the life and work of the ruler and scientist Mirzo Ulugbek, to understand his contribution to the development of world science. This article is about the scientific activity of the scientist and ruler Mirzo Ulugbek, madrasas, observatories, socio-philosophical analysis of the scientific heritage of scientists, features of the development of socio-political and cultural-philosophical thinking of the people of Central Asia in the 15th-16th centuries, evolution, historical and philosophical foundations.

Index Terms: Science, Renaissance, madrasah, Samarkand Oliya madrasah, Bukhara madrasah, Samarkand observatory, Gijduvan madrasah, scientists, Mirzo Ulugbek, Kazizoda Rumi, Jamshid Kashi, Ali Kushchi, Muhammad Khavafi, philosophy, astronomy, mathematics, education, material and spiritual heritage.

1. Долзарблиги:

Марказий Осиёда давлатчилик, илм-фан ва маданиятнинг юксалиш даври Амир Темур ва темурийлар даврига тўғри келиб, бугунги кунда иккинчи ренессанс даври номи билан аталади. XIII асрга келиб мўғул истилоси туфайли Туркистонда илм-фан маданият тушкунликка юз тутди аммо бир ярим асрдан сўнг Амир Темур ушбу жараёнларга чек қўйди. Маълумки, Амир Темур даврида Мовароуннахрда балки унинг тасарруфига кирган мамлакатларда илм-фан маданият, бунёдкорлик ишлари юксак даражада ривожланди. Жумладан унинг ҳарбий юришлари туфайли Мовароуннахрга олим, курувчи, хунарманд, уста, ҳатотлар каби турли хил касбдаги мутахассислар Самарқандга олиб келинди. Амир Темур ва темурийлар даврида Туркистонда илм-фан юксалди ва олимлар ижод қилиши учун шароит яратиш мақсадида мамлакатнинг турли ҳудудларида мадрасалар бунёд этилган. Темурийлардан Амир Темурдан ташқари, авлодларидан Шохрух Мирзо, Мирзо Улуғбек, Султон Ҳусайн Бойқаролар бинокорлик ишларини давом эттирди. Темурийларнинг машҳур вакили Мирзо Улуғбек ҳукмдор бўлишига қарамадан илм-фан ва санъатга меҳр қўйган эди. Мирзо Улуғбекнинг маънавий, ижтимоий-сиёсий фаолиятини баҳолаш эканмиз, унинг давлат арбоби сифатидаги ижтимоий-сиёсий фаолиятини ҳамда олим сифатидаги илмий фаолиятини бир маромда олиб борганлигини кузатишимиз мумкин. Агар биз Мовароуннахрда мўғуллар истилоси давридаги маънавий инқирозни эътиборга олсак, Амир Темур ва темурийларнинг Туркистонда давлатчилик, илм-фан ва маданиятни юксак даражага кўтара олганликларини маънавий даражада ҳис қиламиз. Мирзо Улуғбекнинг бунёдкорлик фаолияти ниҳоятда серқиррадир. Мирзо Улуғбек раҳбарлигида амалга оширилган бунёдкорлик ишларида астрономия, математика, ҳандаса илмларининг таъсирини сезишимиз мумкин. Мирзо Улуғбек қатор мадрасалар, хонақоҳ, масжид, карвонсарой, ҳаммомлар бунёд этиш билан бирга, бобоси Амир Темур қурдирган меъморий обидаларни таъмирлаш ишларини ҳам олиб боради.

Жумладан, Шахрисабзда, Марв, Ясси, Зангиотада қатор меморий обидаларда қурилиш ва таъминлаш ишларини амалга оширади. Таниқли математик ва тарихчи олим А.Аҳмедов фикрига кўра Амир Темурнинг саройида энг йирик олимлардан бири Мавлоно Аҳмад Улуғбекка дастлабки астрономияга оид билимларни берган бўлиши мумкин[7.- Б.28]. Аммо Мирзо Улуғбек ўзининг “Зиж” асарида Қозизода Румийни “устозим” деб атайдди. Улуғбек ёшлигиданоқ Мавлоно Аҳмад ва Қозизода Румий каби астроном ва математиклар таъсирида ўз даврининг йирик олимларидан бирига айланди. Мирзо Улуғбекнинг нафақат Самарқандда балки, бутун Мовароуннаҳрда илм-фанни ривожланиши учун улкан ташаббуси ва сайи-ҳаракатлари туфайли 1417 йил Бухорода, 1420 йилда Самарқандда, 1433 йилда Ғиждувонда мадрасалар бунёд эттирди.

Бионолар қурилишида муҳандислик ва ҳаттотлик санъати ютуқларидан фойдаланилди. Бухоро мадрасаси [2.- Б.124] (меъмори Исмоил ибн Тоҳир ибн Маҳмуд Исфажонийдир) қурилиши тарихи ва услуги бўйича олимлардан Г.А. Пугаченкова [15.-С-176-177], А.Жуманазар[11.-Б.579], Б.Валихўжаевлар [9.- Б.43] тадқиқотларни олиб борган. Мирзо Улуғбек илм-фан ва таълим, мадрасаларга алоҳида эътибор қаратганлигини Бухоро мадрасаси пештоқида -“Билим олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир”[9.- Б.6] ҳадисини ва дарвоза ҳалқасига “Китобий билимга интилувчилар учун Аллоҳ марҳаматининг эшиги ҳамиша очикдир” жумлаларининг келтирганлиги алоҳида эътирофга сазавордир. Билим ва илм эгаллашга тарғиб этувчи ушбу ҳадис академик В.В.Бартольд таъкидлашига кўра Туркистондаги Аҳмад Яссавий мақбарасида ҳам мавжуд [8.- Б.27].

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мирзо Улуғбекнинг ўзига хос энг йирик илмий тадқиқотлар ўтказган мадрасаси Самарқандда [19.- Б.188] бунёд этилган ва “Мадрасаи олия”деб аталган[1.- Б.277]. Самарқанд мадрасаси икки қаватли бўлиб, тўртта гумбази ва тўрт минораси бўлган, пештоқи юлдузлар билан тўла само тасвирланган. Демак мадрасада ўқитиладиган фанлар орасида алоҳида аҳамият берилган фан астрономия бўлган. Мирзо Улуғбек Самарқанд бионоларнинг қурилишида ўзининг астрономик тафаккурини ишга солган бўлса, бионоларни жойлаштиришда ислом анъаналарини ҳисобга олиб қибла тарафини белгилаб чиқди. Темурийларнинг машҳур вакили Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу ҳақда шундай деган: “Масжиднинг қибласи билан мадраса қибласининг орасида бисёр тафовут бордир. Ғолибо бу масжид қибласининг самти мунажжим тариқи билан амал қилибтурлар”. Демак, масжид қибласини аниқлаш илми нужум қоидалари билан амалга оширилган ва бинокорликда бионолар ичига ва ҳовлиларга қуёш нуруни тушишини ҳисобга олган. Мирзо Улуғбек Самарқандда расадхона унинг атрофида кўркам Чилсутун, Чиннихона боғида икки олий иморатлар барпо эттиради. Мирзо Улуғбек даври меъмортичилигининг юксак намунаси расадхона қурилишида намоёйиш этилди. Расадхона ўзининг мукамал меъморий тузилиши, кузатув асбоблари ва жиҳозлари билан ўз даврининг илғор илмий-тадқиқот маркази эди. Мирзо Улуғбек расадхонаси ўзидан олдинги Дамашқ, Бағдод, Мароға расадхоналаридан ўзининг улканлиги, ҳажми, ўлчамлари, ноёб кузатув ускуланалари, қурилмалари билан улардан ажралиб турар эди. Шу учун Мирзо Улуғбек расадхонасида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари, натижалар, тузилган астрономик жадваллар, аниқлиги билан жаҳонда яратилган жадваллардан устун турган. Темурийлар даврида қурилган меморий обидалар устида илмий тадқиқотлар олиб борган мамлакатимиз олимлардан М.С.Булатов, П.Ш.Зоҳидов ва К.С.Крюковлар фикрига кўра, Мирзо Улуғбек бино қурилиш ишларида арфметика, тригонометрия илмларидан кенг фойдаланганлигини қайд этганлар. Мирзо Улуғбек олий мактабида ўз замонасининг илғор олимларини мадрасага жалб қилган, жумладан, Мавлоно Муҳаммад Ҳавофий, Салоҳиддин Мусо Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Коший, Абдуали ибн Муҳаммад Биржандий, Али Қушчи, Мавлоно Исомиддин, Фазлуллоҳ Абулайсий, шоир Абдурахмон Жомий каби олимлар маърузалар ўқиганлар ва Мирзо Улуғбек раҳбарлиги фалаккиётшунослик соҳасида илмий амалий тадқиқот ишларини олиб борган. Самарқанд мадрасасининг кўзга кўринган йирик намоёндаларидан бири Ғиёсиддин Коший [17.- С.122] Мирзо Улуғбекнинг таклифига биноан Самарқандга келиб, расадхона қурилишида

ва унинг астрономик асбоб-ускуналарини таёрлашда шахсан ўзи иштирок этган. Айнан Гиёсиддин Жамшид Кошийнинг муҳандислик билимидан Мирзо Улуғбек Самарқанд мадрасаси, Чўпон ота тепалигидаги расадхона қурилишларида амалий фойдаланган. Қозизода Румий Улуғбекнинг устози ва ўз даврининг йирик олими, тадқиқотчиси сифатида, мадрасада дарс беришдан ташқари, илмий тадқиқот билан иш билан шуғулланиб, расадхонада астрономик кузатишларини олиб борган. Унинг астрономия ва математика оид асарлари, дарсликларидан [5.-Б.147] Мовароуннахр, Хуросон, Эрон ва Румдаги мадрасаларда ҳам ўқитилган[18.-Б.16-17], уларга турли шарҳлар ҳам битилган[9.-Б.41]. Мирзо Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасасида Қозизода Румий “раъис ал-муаллимин” этиб тайинланган [6.-С.119] ва умрининг охиригача мударрислик вазифасида фаолият олиб борган. XIV-XV олимларидан яна бири Шамсиддин Муҳаммад Ибн Нажибиддин Али ал-Ҳавофий Улуғбек мадрасасида биринчи маърузани ўқиган ва бу тўғрисида Маҳмуд Восифий “Бадоеъ ал-вақоеъ” асарида ёзиб қолдирган. Мирзо Улуғбек буюрибдиларким, Мавлоно Хофий барча илм ва фанларда моҳир ва комилдур. Агар бордию барча доир китобларни дарёга оқизсалар ва илмлардан дунёда асар қолмаса ҳам Мавлоно Хофий барча илмларни ҳеч бир нуқсонсиз қайта тиклай олади[12.-Б.50-51]. Шамсиддин Ҳавофий кўпроқ мадрасадаги таълим ишлари билан банд бўлиб, илмий ишларда фаол қатнаша олмаган[18.-Б.16-17]. Академик Б. Валихўжаевнинг қайд этишига кўра, Идику Темур мадрасасида Самарқанд шароитини ҳисобга олган ҳолда араб, форс ва турк тилларида ўргатилган[9.-Б.16]. Улуғбек мадрасасида астрономия соҳасининг машҳур вакили Алойддин Али ибн Муҳаммад Қушчи зомондош олимлардан Қозизода Румий, Мавлоно Муҳаммад Ҳавофий, Гиёсиддин Коший, Мирзо Улуғбек каби олимлардан таълим олади ва мударрис сифатида фаолият кўрсатиб, толибларга аниқ фанлардан ташқари ижтимоий ва назарий фанлардан, жумладан мантиқ, фикҳ, адабиётшуносликдан маърузалар ўқиб, илмий тадқиқотлар олиб борган. Самарқанд “Мадрасайи олия”сида Мирзо Улуғбекнинг ўзи олий даражадаги олим ва мударрисларни тайёрлаш масаласидаги илмий-педогогик соҳасидаги амалий ишлари ниҳоятда эътиборлидир. Олийгоҳда фаолият кўрсатган мударрислар ишга қабул қилишдан олдин имтиҳон ўтказилган ва муносиб номзодлар адолатли танлаб олган. Шунинг учун олийгоҳ педагог ва олимлари, шарқ илми ва маданиятига улкан ҳисса қўшган тарихий, комусий мутафаккирлардан иборат эди.

3. Тадқиқот натижалари:

Академик Б. Валихўжаев темурийлар даврида инсоннинг асосий мезонлари ҳисобланган таълим ва тарбия тизимида қанчалик катта эътибор қаратилганлини мадрасалар фаолиятидан билиб олишимиз мумкин деб таъкидлаган[9.- Б.43]. XV асрда яшаб ижод қилган Давлатшоҳ ибн Алойддин Бахтшоҳ ал-Ғозий ас-Самарқандий “Тазкират аш-шуаро” [20.-Б.348-349] асарида маълумот беришига кўра “Мирзо Улуғбек Кўрагон Самарқандда бир олий мадраса ҳам бино этдиким, афзаллиги ва улуғворлиги жиҳатидан унга ўхшаши етти иқлимда ҳам йўқдир. Алишер Навоий ҳам ўзининг “Мажолис ун-нафоис” асарида шундай ёзади: “Хожа Хурд - Самарқанд тахтининг яккалама қозиси ва Улуғбек мадрасасининг мударрисидур”[4.-Б.182]. Мирзо Улуғбекнинг фожеасидан сўнг айрим олимлар, жумладан Али Қушчи, Фазлуллоҳ Абуллайслар, Мавлоно Бурҳониддин Нафислар ўз ишларини давом эттирган. Тарихчи Мирхонд “Равзат ас-сафо” асарида Мирзо Улуғбек ўлимидан сўнг ўғли Абдулатиф кунларнинг бирида Улуғбек мадрасасида араб тили грамматикаси дарсида қатнашгани ўтиллаётган мавзу бўйича ўқитувчига савол берганлини таъкидлайди[6.-Б.119]. Мирзо Улуғбек мадрасасида XV-XVII асрларда Мавлоно Амир Калон, Мавлоно мири Калон Самарқандий, Мир Жамолиддин Хоразмий, Соқий Зоминий фаолият кўрсатдилар. Қайд этилган олимлар, мутафаккирлар, алломаларнинг номларини, асарларини бугунги кунгача жаҳон олимлари ҳурмат билан эслайди. XVI асрнинг бошида Улуғбек мадрасасида Маҳмуд Восифийнинг маълумотида Мавлоно Хожа Табрисий, Мирзо Хоразмий, Мавлоно Амир Калон каби мударрислар фаолият кўрсатган. Тарихчи Амир Сайид Шариф Роқим Самарқандийнинг “Тарихи қасира”(XVII аср) асарида маълумот берилишига кўра, Самарқанд қозиси Соқий Зоминий мадрасада мударрислик қилганлигини эслатиб ўтилади. Улуғбек мадрасаси фаолияти ҳақида XVII аср охири ва XVIII аср бошларига оид маълумот

саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришдир. Бундай ўзаро таъсир жараёнида ёшларнинг позицияларида мувофиқлаштирилган ўзгаришлар юз беради. Айни шу маънода Р.Кушербаев бу йўналишдаги муаммоларни маънавий-руҳий жиҳатларига тўхталиб шундай ёзади: “Афсуски, шу кунга қадар ёшларнинг психология билан ишлаш масаласи биринчи даражали масала сифатида кўрилмади, ортга сурилгани оқибатида турли руҳий босим ёки ҳаётга нотўғри қараш билан жамиятга кириб келаётган ёшлар кўпайиб бораётганлиги ҳам фуқаролик позициясини шакллантиришдаги муҳим тўсиқлардан бири бўлиб турибди. Ўз жонига қасд қилишлар кўпайиб бораётгани, айрим ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакилларининг ахлоқ нормаларидан чиқиб, ҳатто сўроқ вақтида аёлни ечинтиришгача боргани ва ҳ.к. ишлар, аввало, ёшларнинг психологияси билан ишлаш масаласига етарли даражада аҳамият қаратилмаганлиги билан боғлиқ. Бу, ўз навбатида, коррупция, маҳаллийчилик ва бошқа иллатларнинг авж олишига ҳам сабаб бўлувчи омиллар қаторида турибди”[1].

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мулоқот маданиятининг барча субъектлари ўз мақсадларини амалга оширишга интилиши табиий, аммо улар бошқаларнинг манфаатлари ва даъволарини ҳам ҳисобга олади. Хулқ-атвор қоидалари тизими ишлаб чиқилади. Ўзаро таъсир иштирокчилари бир-бирига қарама-қарши бўладилар. Ж.Яхшиликовнинг фикрига кўра, ўзаро муносабатларнинг ижобий шакллари асоси алоқа ҳисобланади. “Маълумки, мулоқот субъектларини тирик мавжудотлар, одамлар ташкил этади. Мулоқот барча тирик мавжудотлар ўртасида юз бериши мумкин, бироқ, одамлар ўртасидаги мулоқот тил ва тафаккурга боғлиқ эканлиги билан ажралиб туради”[2].

3. Тадқиқот натижалари:

Ҳаракатларнинг ўзаро йўналганлиги позицияларни катта фаоллик ва ташқи таъсирларга реактивлаштириш томон бойитиш ва тузатишга олиб келади. Ижтимоий муносабатлар жараёнида одамлар ўртасидаги боғлиқлик, қарама-қаршилик ва ақлий-амалий саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарурияти вужудга келади. Ижтимоий муносабатлар ижтимоий фаолиятнинг барча шакллари хос бўлиб, фуқаролик ҳаётининг муҳим элементи ҳисобланади.

Мулоқот турли позицияларни синтез қилиш ва биргаликдаги ижодкорлик асосида ёшларнинг ижтимоий алоқалари ва амалиётини кенгайтиришга қаратилган. Бу жамиятда бир қатор вазифаларга эга: ўз-ўзини ифода ва ижтимоий тажриба бойитиш, ўзаро тушуниш ва бирликка эришиш, аниқлаш ва гуруҳ бирдамлигини ошириш, таълим ва билим, кўникма ва хулқ нақш ўзлаштириш, ахборот алмашиш, фуқаролик жамияти субъектларининг маънавий ва ташкилий жамоа шакллантириш, таъминлаш ва уларнинг кўшма фаолиятини оптималлаштириш, ижтимоийлаштириш ва шахслар ориентациядир. Бу функцияларнинг барчаси мулоқот маданиятининг характери ва мақсадига қарамасдан бирликда амалга оширилади. Шу боисдан ҳам бугунги кунда Ш.Т.Маматқулов “Ўзбекистонда ёшлар фаоллигини юксалтириш мақсадида таълим тизимига фуқаролик позицияси ва фуқаролик таълими тамойилларини самарали жорий этиш долзарблик касб этади. Фуқаролик позицияси ва фуқаролик таълимининг мазмунини эса ижтимоий-педагогик нуқтаи назардан ишлаб чиқиш даркор. Унинг таркибида “Ўзбекистон ёшларининг фуқаролик позицияси”, “Ўзбекистон ёшларининг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти”, “Дунё ёшларининг фуқаролик таълими”, “Ёшлар маърифатпарварлиги ва диний бағрикенглик”, “Ёшларнинг жамоатчилик фаолияти ва назорати” каби замонавий йўналишларнинг илмий-методик ишланишини йўлга қўйиш давр талабидир”[3]

Мулоқот маданияти махсус коммуникатив жараён сифатида юқори ижтимоий аҳамиятга эга, чунки у бошқа вазифалар қатори ижтимоий амалиётнинг барча турларини ахборот билан таъминлашни амалга оширади. Мулоқотнинг ахборот томони ижтимоий ахборотни ишлаб чиқариш ва ҳаракатлантириш, уни таржима қилиш, қабул қилиш ва сақлаш узлуксиз жараёни мавжудлигида ифодаланади. Билимлар, кадриятлар, стереотиплар шаклида тарқатиладиган ахборот барча ижтимоий жараёнларни озиклантиради. Ахборот алмашинуви иштирок этаётган томонларнинг ахборот салоҳиятида сезиларли фарқ ва юзага келаётган

муаммоларни ҳал этиш учун жамоавий фаолиятни ташкил этиш учун уларнинг ўзаро бойиши ва нисбий тенглашувига объектив эҳтиёж мавжудлигида рўй беради.

Ёшлар орасида мулоқот жараёнида фақат ахборот узатиш эмас, балки айрим янги олинган ахборотларнинг шу асосда биргаликда ривожланиши кузатилади. Ўзбек тилининг изоҳли лўғатида, “мулоқот – бу кишиларнинг ўзаро бевосита ёки билвосита учрашиши, кўришиши, қабул қилиш орқали ўрнатиладиган муносабатлари натижасида ахборотлар алмашадиган, олинган маълумотлар бўйича тегишли хулосалар чиқаришга асос бўладиган кўп қиррали жараёндир”[4]. У инсон жамоасининг шаклланишига ёрдам беради ва шу билан мулоқот маданиятининг шаклланишига ва фуқаролик жамияти қурилишига ёрдам беради.

Фалсафий лўғатда диалог лингвистик воситалар билан амалга ошириладиган, жамоат маъносига эга бўлган ва ўзаро манфаатларни аниқлаш, умумий фуқаролик позициясини топиш, замонавий муаммоларни ҳал қилиш, ниятлар, мақсадлар, ҳаракатларни мувофиқлаштириш[5] деб кўрсатилган.

Фуқаролик мулоқоти ёшларнинг фуқаролик позициясини эркин танлаши ва мавжуд фуқаролик жамияти институтлари ҳамда белгиланган тартиблар доирасида ўз манфаатларини қонуний ҳимоя қилишига асосланиши лозим. Фуқаролик мулоқотини ўзаро тушуниш ва шерикликка асосланган мураккаб ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг ижтимоий механизми сифатида таърифлаш мумкин. Шу боисдан ҳам Ж.Мавлонов “фуқароларнинг мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялаш борасидаги ижтимоий-сиёсий ислохотларни ҳамда мақсадли вазифаларни амалга оширишдаги ташаббуси, роли, ўзаро ҳаракати ва масъулиятдан келиб чиқадиган маънавий ва анъанавий қадриятлар (ҳам маънавий ва диний, ҳам анъанавий ва ватанпарварлик руҳидаги жамият қадриятлари тизими) катта аҳамиятга эга”[6] деб таъкидлайди.

Ижтимоий ҳаётда мулоқотнинг ўрни жуда катта. А. С. Акхизер мулоқотни жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи деб ҳисоблайди ва “диалог нафақат модданинг энг муҳим таърифи, маъно шаклланишининг асоси, балки жамиятнинг тушунтириш принципи сифатида ҳам қаралиши мумкин. ...Ижодий, ўйчан фаол жараён деб тушуниладиган диалог инсоннинг моҳияти ва, энг муҳими, жамиятнинг моҳияти, унинг тузилиши ва вазифалари»[7]. Шу маънода, ижтимоий ўзаро таъсир ва диалог фуқаролик жамияти ҳаётидаги ажралмас омил бўлиб, унинг бирлиги ва бошқарилувчанлигини таъминлайди.

Фуқаролик мулоқоти замонамизнинг нишонасига айланиб бормоқда. Ўзбек тилининг изоҳли лўғатида “диалог – икки ёки бир неча киши ўртасидаги узлуксиз суҳбат, гаплашув шаклида ёзилган адабий асар”, - деб таърифланади[8]. Бу кўплаб сабабларга боғлиқ. Улар орасида мулоқот алмашинувида хос энг маҳсулдор шаклларда иш олиб боришга интилиш мавжуд. Позицияларни уйғунлаштириш фақат фикрларни ва жамоавий фаолиятни очик таққослаш орқали амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун фуқаролик мулоқотини ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ва замонавий жамиятда биргаликдаги ҳаракатларни ташкил этишнинг демократик усулининг асосий механизми сифатида қараш мумкин.

Фуқаролик мулоқоти ижтимоий тараққиётнинг зарурий шартидир. “Ўзбекистон ёшларида фуқаролик масъулиятининг шаклланиши ва унинг такомиллашиши жамиятдаги демократик ўзгаришларнинг давоми ва узвий қисми. Чунки жамият ўз демократик ривожланишида фуқароларга тенглик, озодлик, биродарликни ҳаётий воқеликка айлантирувчи турли ҳуқуқларни бериш билан чекланмайди, балки шу ҳуқуқларга риоя қилишни, ўз ҳуқуқларидан ижобий, жамият манфаатларини кўзлаб фойдаланишни талаб қилади”[9]. У жамиятни демократлаштиришда, жамоатчилик билан алоқалар ва муайян ахборот режимини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Ўзаро ҳамкорлик жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга ошади. Фуқаролик мулоқотининг асосий мақсади – фуқаролик шериклиги ва барқарорлиги механизмларини мустаҳкамлаш, жамият ҳаётида кескин зиддиятлар ва тартибсизликка олиб келиши мумкин бўлган ҳамма нарсани ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишдан иборат. Очиклик, тенглик ва ҳамкорлик муҳитининг яратилиши жамоат тартиби ва демократиянинг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Мулоқот маданиятининг мазмуни муайян кадрят – меъёрий асослар билан боғлиқ. Унинг маданий параметрлари иштирокчиларнинг шахсий муносабатлари билан ҳам, мулоқот жараёнининг ўзи, унинг психологик асослари ва ишлатиладиган воситалар билан ҳам белгиланади. Келишилган масалаларнинг жуда кўплиги мулоқот маданияти, фуқаролик етуклиги ва томонларнинг ўзаро тасарруф этиш даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткич вазифасини бажаради.

Мулоқот маданиятининг асосий субъектлари шахс, гуруҳ бўлиб, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилади, улар маълум мулоқот муносабатларига киришади.

Мулоқот маданиятининг тузилишини таҳлил қилган Б.А. Рунов бу ерда асосий қоидаларни кўрсатади. Булар:

- ортиқча. Ўз фикрига эга бўлган мулоқот иштирокчилари қанчалик кўп бўлса, муҳокама қилинаётган муаммони тўлиқ ва ҳолисона кўриб чиқиш имконияти шунчалик кўп бўлади;

- отряд. Диалог агар унинг иштирокчилари ўз фикри бўйича ёпилмаса, унга ташқаридан қарай олса, бошқа ҳукмларнинг маҳсулдор жиҳатларини кўра олса, муваффақиятлироқ бўлади;

- танқид. Бу энг асосли фикрларни танлаш ва асосий позицияни шакллантиришда рақобатчи нуқтаи назарлар сонини камайтириш заруратидан келиб чиқади;

- ҳамкорлик. Мулоқот маданиятининг асосий хусусияти шундаки, у ички позицияни изоляцияни бартараф этишга ёрдам беради ва ҳақиқатга эришиш учун умумий истак билан боғлиқ[10].

Жамиятда турли субъектлар, жумладан, ёшлар ўртасида доимий равишда олиб бориладиган мулоқотни фаоллаштириш ҳаётий кадрятлар тизими ва хулқ-атвор услубини шакллантиради. У жамоатчилик муносабати ва йўналишларининг кенг доирасини – зиддиятдан муросага ва ҳамкорликка қадар ифода этади. Ҳар қандай келишувга асос бўлган мулоқот алоҳида аҳамиятга эга. У иштирокчиларга муайян талаб ва имтиёзларни сақлаган ҳолда айрим имтиёзлар ва айрим даъволарни рад этиш асосида ўз позицияларини имкон қадар яқинлаштириш имконини беради.

Ёшларда мулоқот маданиятининг тўлақонли бўлиши учун шарт-шароитлар ўз мақсад ва манфаатларини, кадрят ва ғояларини эркин ифода этадиган ҳамкорларнинг очиқлиги ва бағрикенглиги бўлиб, ишонч муносабатларини ўрнатиш имконини беради, хабардорлик ва позицияларни мувофиқлаштириш имкониятини беради. Бу кўпинча ижтимоий бирлик, режимнинг барқарорлиги, демократияга садоқатини ифодалаш билан белгиланади. Воқеликни чуқур англашга, муқобил дастурларни ишлаб чиқишга, ижтимоий мақсад ва воситаларни белгилашга кўмаклашади. Шу билан бирга, мулоқот маданиятига бўлган эҳтиёж кўпинча турли ижтимоий гуруҳларнинг таъсир ўтказиш учун кучайган рақобати, ҳаракатлари рақибларни зарарсизлантириш ёки уларнинг таъсирини чеклашга қаратилган бўлади. Шу билан бирга, ижобий самара, рағбат муҳим аҳамият касб этади. Аслида “рағбат – бу инсон ҳис-туйғулари, рухий ҳолатларини ривожлантирувчи, уни фаолликка ундовчи рухий таъсир”[11] саналади.

Ёшлар ўртасида мулоқот маданияти учун зарур шарт-шароитлар ахборот алмашиш ва шартномаларга эришишда коммуникатив фаолият барча томонларнинг манфаатларини акс эттириши лозим. Мулоқот иштирокчилари томонидан биргаликда баъзи асосий кадрятлар ва қоидалар қабул қилиниши, ҳамкорлик муносабатлари ва иштирокчилар ўртасида ишонч ўрнатиш, муайян манфаатлари ва позиция ва шахслар ўртасида ўзаро муносабатлар ва ижтимоий роллар тизими асосида шакллантириш, мулоқотни тарғиб қиладиган ва унга тегишли мақомни берадиган муайян ташкилот институционал шакллардан фойдаланиши мумкин.

Одамлар ва халқлар ўртасидаги мулоқот зўравонликнинг ягона муқобилидир. Воқелик, мақсадга мувофиқлик ва ҳақиқатни англашга, ижтимоий ҳаётни сақлаб қолишга қаратилган масъулиятли ва жамоавий ҳаракатлар ва қарорлар мажмуи эканлигини англашга ёрдам беради. У мулоқотнинг ахлоқий позициясини, мулоқот субъектлари ва уларнинг алоқа нуқталари

ўртасидаги фарқларни билишини назарда тутиб, мулоқот этикаси ҳақида ёзади. Самимийлик ва ишонч, ростгўйлик ва ўзаро тушуниш, вазминлик ва масъулият эталонлари саналади.

4.Хулосалар:


Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, ёшлардаги фаол фуқаролик позицияси давлат, жамият ва шахс ўртасидаги мавжуд муносабатларни акс эттиради. У воқелик ҳодисаларига детерминистик муносабатнинг асоси бўлиб, унинг асосида фуқаролик позициялари ва кадриятлар шаклланади. Ёшлар фаол фуқаролик позицияси ижтимоий-маданий вазият шарт-шароитлари таъсири остида доимо ўзгариб туради, янги элементларни ўзига сингдириб олади, воқеликни янгича баҳолайди. Иккинчидан, ёшларда фаол фуқаролик позицияси жамиятнинг демократия ва эркинликка узоқ тарихий кўтарилишининг натижаси сифатида ташаббусларнинг жамият ҳаётининг барча шароитларидан келиб чиқишини кўрсатади. Бу ёшларда мулоқот маданиятининг устувор кадриятлари ва нормалари, муайян яхлитлик ва семантик йўналишни шакллантирадиган кўплаб ғоялар, кўникмалар, моделларнинг мураккаб бирлашмаси сифатида акс этади. Учинчидан, ёшлардаги фаол фуқаролик позицияси мулоқот маданиятини муайян тизимда шакллантиришни, ташаббускорлик фазилатларини ривожлантириш учун жамият ва шахсларни бирлаштиришни кўзда тутаяди. Тўртинчидан, ёшларнинг фаол фуқаролик позицияси мукамал мулоқот маданиятига эга бўлиб, турли қараш ва йўналишдаги кишиларни ҳам бирлаштиради. Ўзаро муросасозлик ва ёндашувлар асосида барча ижтимоий кучлар томонидан қабул қилинадиган ижтимоий тараққиётнинг янги кадриятлари ва йўналишлари шаклланади. Бу алоқа мулоқот маданиятининг жамиятидаги муносабатларда мураккаб манзарасини акс эттириб, жамиятда позицияларнинг демократик тамойиллар ва меъёрларга амал қилинишини, бу эса ижтимоий тизимнинг ривожланишини таъминлайди.

Умуман олганда ёшларда фаол фуқаролик позициясининг кучайиши жамият бошқарувида иштирок этиш учун янги босқичга олиб борадиган ўзига хос замонавий йўл вазифасини бажаради.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Кушербаев Р. Ёшларда фуқаролик позициясини шакллантиришнинг долзарб масалалари// Янгиланаётган жамиятда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги: муаммо ва ечимлар мавзуидаги республика илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020. 18-бет. (Kusherbaev R. Current issues of formation of civic position in youth // Collection of articles of the Republican scientific-practical conference on youth social activity in the renewed society: problems and solutions - T.: "Innovative development publishing house", 2020. p.)
2. Яхшиликков Ж., Мухаммадиев Н. Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. –Тошкент: Чўлпон, 2018. 630-бет. (Yaxshilikov J., Muhammadiev N. National Idea: Uzbekistan Development Strategy. –Tashkent: Cholpon, 2018. 630 pages.)
3. Маматқулов Ш.Т. Ўзбекистонда ёшлар фаоллигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили. Фалс. фан.бўйича фалс. док. (PhD) дисс. автореферати. –Самарқанд, 2021. 20-бет.(Mamatkulov Sh.T. Socio-philosophical analysis of youth activism in Uzbekistan. Fals. fals on fan. doc. (PhD) diss. abstracts. –Samarkand, 2021. Page 20.)
4. Ўзбек тилининг изоҳли лўғати. –Тошкент: 2-жилд, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. 636-бет.(Annotated dictionary of the Uzbek language. –Tashkent: Volume 2, “National Encyclopedia of Uzbekistan” State Scientific Publishing House, 2006. 636 pages.)
5. Современный научно-философский словарь. - Москва: 1998. - С. 244. (Sovremennyu nauchno-filosofskiy slovar. - Moscow: 1998. - p. 244.)
6. Мавлонов Ж.Фуқаролик жамиятига оид замонавий концептуал дискурсининг асосий йўналишлари (ижтимоий - фалсафий таҳлил). Фалс. фан. бўйича фалс. док. (PhD) дисс. автореферати. – Т.: 2017. 14-бет. (Mavlonov J. The main directions of modern conceptual


- discourse on civil society (socio-philosophical analysis). Fals. fan. fals on. doc. (PhD) diss. abstracts. - Т.: 2017. Page 14.)
7. Ахиезер А. Как открыть закрытое общество. - Москва: 1997. - С. 213. (Axiezer A. Kak otkryt zakrytoe obshchestvo. - Moscow: 1997. - p. 213.)
 8. Ўзбек тилининг изоҳли лўғати. –Тошкент: O'zbekiston, 1-жилд. 2020. 605-бет. (Annotated dictionary of the Uzbek language. - Tashkent: Uzbekistan, Volume 1. 2020. p.605.)
 9. Хўжанова Т.Ж. Мафкуравий профилактика – ёш авлодни ғоявий ҳимоялаш омили (ижтимоий-фалсафий таҳлил). –Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2019. 46-бет. (Khojanova T.J. Ideological prevention is a factor of ideological protection of the younger generation (socio-philosophical analysis). - Tashkent: National Society of Philosophers of Uzbekistan. 2019. p.46.)
 10. Ерунов Б. Диалог в системе социалистической демократии // Политические институты и обновление демократии. - М., 1999. - С. 22. (Erunov B. Dialogue in the system of social democracy // Political institutions and the renewal of democracy. - М., 1999. - p. 22.)
 11. Ўзбек тилининг изоҳли лўғати. –Тошкент: 3-жилд, O'zbekiston, 2020. 362-бет. (Annotated dictionary of the Uzbek language. –Tashkent: Volume 3, Uzbekistan, 2020. p.362.)



Нафиса Мустафаевна Эгамбердиева,
Навоий давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ОИЛА ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ, УЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ, АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ОИЛА, ИНСОН ОДОБИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

For citation: Nafisa M.Egamberdieva, THE ROLE OF WOMEN IN FAMILY AND SOCIETY, THE PROBLEMS OF PROTECTING THEIR RIGHTS, ALISHER NAVOI'S VIEWS ON FAMILY AND HUMAN ETHICS. Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.267-272

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада аёллармизнинг оила ва жамиятда тутган ўрни, шунингдек, ўзбек миллий кадриятлари ва демократик жамиятда аёлларга бўлган муносабатлар мавжуд қонунлар асосида таҳлил қилинган. Аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги муаммоларга урғу берилган. Алишер Навоийнинг оила, аёл, ота-онани хурмат қилиш масалалари тилга олинган. Аёллар оилада ғоятда муҳим ўрин тутадилар. Улар жамиятнинг ривожланиши ва оиланинг фаровонлигини таъминлашда ўзларининг катта ҳиссаларини кўшадилар. Мақолда айтиб ўтилган масалалар, ҳаётда учраши мумкин бўлган муаммоларни ўз вақтида кўриш ва ечиш асосида жамият тараққиётига эришиш айтиб ўтилган.

Калит сўзлар: Эркин шахс, оила-никоҳ муносабатлари, Конституция, оила, жамият, зўравонлик, никоҳ, инсон ҳуқуқлари, урф-одат.

Нафиса Мустафаевна Эгамбердиева,
Старший преподаватель Навоийский государственный педагогический институт

РОЛЬ ЖЕНЩИНЫ В СЕМЬЕ И ОБЩЕСТВЕ, ПРОБЛЕМЫ ЗАЩИТЫ ИХ ПРАВ, ВЗГЛЯДЫ АЛИШЕРА НАВОИ НА СЕМЬЮ И ЧЕЛОВЕЧЕСКУЮ ЭТИКУ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется роль женщин в семье и обществе, а также национальные ценности и отношение к женщинам в демократическом обществе, основанное на действующих законах. Особое внимание было уделено проблемам защиты прав женщин. Были обсуждены вопросы уважения Алишера Навои к семье, женщинам и родителям. Женщины играют очень важную роль в семье. Они вносят большой вклад в развитие общества и благополучие семьи. Упомянутые в статье вопросы направлены на достижение развития общества на основе своевременного выявления и решения проблем, которые могут возникнуть в жизни.

Ключевые слова: свободный человек, семейно-брачные отношения, конституция, семья, общество, насилие, брак, права человека, обычаи.

Nafisa M.Egamberdieva,
Senior Lecturer, Navoi State Pedagogical Institute

THE ROLE OF WOMEN IN FAMILY AND SOCIETY, THE PROBLEMS OF PROTECTING THEIR RIGHTS, ALISHER NAVOI'S VIEWS ON FAMILY AND HUMAN ETHICS

ABSTRACT

The article analyzes the role of women in the family and society, as well as national values and attitudes towards women in a democratic society based on existing laws. Emphasis was placed on the challenges of protecting women's rights. Alisher Navoi's issues of respect for family, women and parents were discussed. Women play a very important role in the family. They make a great contribution to the development of society and the wellbeing of the family. The issues mentioned in the article are aimed at achieving the development of society based on the timely detection and solution of problems that may arise in life.

Index Terms: free person, family-marital relations, constitution, family, society, violence, marriage, human rights, customs.

1. Долзарблиги:

Жаҳон банки томонидан[1]- “Аёллар, бизнес ва қонун” мавзусида дунёда гендер тенглиги даражасини аниқлаш учун тадқиқотлар олиб борилди. Тадқиқотда аниқланишича, дунёда гендер тенгилига тўла эришган давлатлар Бельгия, Дания, Франция, Латвия, Люксембург, Швеция ҳисобланади. Австрия, Канада, Эстония, Финландия, Греция, Ирландия, Португалия, Испания, Буюк Британия деярли 100 балл тўплаган (барчасида 97,5 дан). Ўзбекистон эса мазкур тадқиқотда 70,6 балл тўплади.

БМТ томонидан бу борада бир қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинган хусусан, 1954 йилда қабул қилинган “Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”, 1958 йилда маъқулланган “Турмушга чиққан аёлнинг фуқаролиги тўғрисидаги Конвенция”, “Аёлларга нисбатан қўлланиладиган дискриминациянинг ҳар қандай шакллариغا барҳам бериш ҳақидаги Конвенция” каби ҳужжатлар бугунги кунда дунё мамлакатларининг соҳага оид ҳуқуқий ислохотларига асос бўлиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 августда қабул қилинган “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни ҳам ана шу мақсадга қаратилган.

Мазкур қонунда[2]- “Жинс бўйича бевосита камситиш жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тан олмасликка қаратилган ҳар қандай тарзда фарқлаш, истисно этиш ёки чеклаш, шу жумладан оилавий ҳолати, ҳомиладорлиги, оилавий мажбуриятлари туфайли камситиш, шунингдек шахвоний шилқимлик қилиш, тенг меҳнат ва малака учун ҳар хил ҳақ тўлаш” муайян жинсдаги шахслар учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган шарт-шароитлар ёхуд талаблар деб белгиланган.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолада оилада аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқчилиги. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликка эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, умумқабул қилинган тарихийлик, холислик, илмийлик тамойиллари асосида илмий таҳлил этилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев оналик ва болаликни ҳимоялаш, оила институтини қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш борасида улкан ишлар амалга ошириш даркор”[3.Б-346]- дея

алоҳида қайд этганликлари бежиз эмасдир. Истиклол йилларида хотин-қизларнинг оила, жамият ва давлат қурилишидаги ўрни ва ролини ошириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш устивор вазифага айланди. Шуни алоҳида айтиш мумкинки, истиқлолга эришилгандан сўнг, аёлларимиз мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиш имконига эга бўлдилар. Улар давлат ва бошқарув идоралари, вакиллик органларида, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва фермерлик тармоқларида, ижтимоий соҳаларда самарали меҳнат қилиб, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. “Ҳозирги вақтда мамлакатимиз хотин-қизлари орасида 514 нафар фан доктори, 6 нафар академик, 15 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони, 17 нафар сенатор, 15 нафар Қонунчилик палатаси депутати борлигини, шунингдек, маҳаллий кенгашлар депутатларининг 23 фоизидан зиёдини айнан аёлларимиз ташкил этишини алоҳида таъкидлаш лозим”[4. Б-342-343].

Аёллар ҳуқуқларини бузилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга биринчи навбатда уларга нисбатан содир этиладиган зўравонлик киради. Зўравонлик - бу инсонга жисмоний, рухий таъсир қилиш шахснинг ҳаётига, соғлиғига, жинсий дахлсизлигига ва эркинлигига таҳдид солишдир. Аёлларга нисбатан ўтказилган ҳар қандай зўравонлик–ҳар қандай жинсий белгига асосланган тазйиқ, аёл саломатлигига жисмоний, жинсий ёки рухий путур етказадиган, ёки унга азоб-уқубат, изтироблар чекишга олиб келадиган, шунингдек шахсни ёки жамоа эркинлигидан маҳрум қилинган ёки маҳкум этилган ҳаракатларини содир этилиши тушунилади. Демак аёлларга етказиладиган зўравонлик қуйида келтирилган ходисаларга мувофиқ келади, аммо улар билан чекланиб қолмайди: оилада ўрин тутадиган жисмоний, жинсий ва рухий зўравонликлар, жумладан калтаклаш, аёлларга зиён келтирадиган турли хил операциялар ва бошқа турдаги ҳаёт амалиётида кузатиладиган анъанавий ходисалар, шунингдек никоҳдан ташқари бўлган зўравонлик ва аёлларни номус-нафсониятига зўравонлик қилиш билан боғлиқ бўлган тазйиқлар;

- жамиятда алоҳида ўрин тутган жисмоний, жинсий ва рухий зўравонлик, жумладан зўрлаб номусга тегиш, жинсий алоқага мажбурлаш, ва иш жойларида, ўқув юртларида ва х.к жойларда аёлларга нисбатан кузатиладиган товламачилик, кўрқитишлар, уларни камситиш, аёлларни фоҳишалик қилиш учун сотиш ҳамда фоҳишабозликка мажбур қилиш;

- аёлларга нисбатан қўлланилган жисмоний, жинсий ва рухий зўрликлар қаерда содир этилаётганидан қатъий назар, давлат тарафиданми ёки давлатнинг лаёқатсизлигиданми барибир аёлларни камситилишига киради. Оила – никоҳ масалалари. Одат бўйича танишиш совчилар орқали амалга оширилгани маъқул. Ота-оналарнинг розилигидан сўнг қизлар кўп ҳолларда учрашувга чиқадилар, ундан кейин эса улар ёки ота-оналарнинг танловини тасдиқлашлари ёки рад этишлари лозим. Кўпчилик ҳолларда ота-онанинг танлови ҳал қилувчи бўлади. Бошқача қилиб айтганда, аёллар турмушга чиқишда қарор қабул қилиш учун шахсий эркинликка эга эмас. Улар учун жуда муҳим ҳаётий воқеанинг асоси ота-онанинг хоҳиши, ота-онанинг танлови, деб ҳисоблайдилар. Аёллар ихтиёрий равишда турмуш қуришдаги танлаш ҳуқуқларини ота-оналар зиммасига юклайдилар. Анъанавий кўрсатмалар қизга турмушга чиқиш ёки чиқмаслик хоҳишларини намоён қилиш имконини бермайди. Бу жамият томонидан қиз зиммасига юклатилган мажбуриятдир ва у бу мажбуриятни бурч сифатида ўз хоҳиши, ҳис-туйғуси ва иродасига қарши равишда бажариши лозим. Аёлларнинг оиладаги бундай ахвол эса Оила кодексига зиддир[5].

Оилада тазйиқлардан ҳоли бўлиш ҳуқуқи. Оилада аёлларга нисбатан тайзиқнинг турли шаклларда бўлиши мумкин. Тайзиқ оилаларда, уларнинг ижтимоий мақомига боғлиқ бўлмаган ҳолда юз бериши мумкин. Тазйиқ жиноятнинг шундай турларига кирадики, улар ҳақидаги хабар ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига камдан-кам етиб боради, чунки жабрланувчилар кўп ҳолатларда шикоят қилмайдилар. Мутасадди мутахасислар аёлларни уриш, калтаклаш, азоблашни- ижтимоий муаммо деб ҳисобламайдилар, чунки улар кишиларга, болаликдан одат тусига кирган, гендер стереотиплари замирида ётади деб ўйламайдилар. Ҳеч бир инсон, айниқса аёл тазйиққа лойиқ эмас, бироқ амалда жабрланувчи ўзини қандай тутганлигидан қатъий назар, озор берувчи ҳар доим ҳам ўз ҳаракатларига ваз

топади, ўзини оқлашга ҳаракат қилади. Аёлларга озор берувчи эридан кетиб қолишига ҳалакит берадиган кўпгина сабаблар бор: сир уйдан чиқмаслигини хоҳлаш, бегоналарга юз берган ходисани айтишга уялиш, иқтисодий томондан боғлиқлик, кетадиган жойининг йўқлиги, болаларини отасиз колдиришни истамаслик, эски урф-одатлар-«одамлар нима дейишади» ва хоказо-кўпгина сабаблар...

Оилада аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқчилиги. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликка эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилади, ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши керак.[6]

Оилада аёллар катта масъулият юкланган. Аёллар ҳам жамият ҳаётида оғир меҳнат ёки тижорат соҳасида эркаклар билан баб-баробар иштирок этишлари гоҳида уларнинг оила олдидаги масъулиятини заифлаштириб қўймоқда. Бундай қийинчиликларга бардош бера олмаган баъзи бир аёллар енгил-елпи ҳаёт кечириш йўлига кириб кетмоқдалар. Фикримизча, хотин-қизларнинг оила ва жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини оширишда:

* миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ёш оилалар маънавиятини юксалтириш;

* оила маънавиятига аёл маънавияти сўзсиз етакчи ўрин тутади. Шу боис, оилада аёл маънавиятини юксалтириш;

* хотин-қизларнинг тиббий, ҳуқуқий, жисмоний ва маънавий маданиятини оширишга қаратилган маънавий-маърифий ишларнинг самарали ва мақбул усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш;

* оилавий ҳаётга нисбатан хотин-қизларда масъулият ҳиссини кучайтириш;

* оилада, жамиятда аёлларга беписанд қараш, эрта турмушга бериш каби номаъқул иллатларни бартараф этиб, уларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш ва раҳбатлантириш тизимини жорий этиш;

* аёлларни купроқ тадбиркорликка жалб этиш, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни янада ривожлантириш;

* оилада қизларнинг саломатлигини асраш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарлар эгаси бўлиб вояга етиши, жамиятда ўз муносиб ўрнини топиши учун ота-она масъулиятини ошириш;

Президентимиз таъкидлаганларидек: “Қиз бола-бўлғуси оила бекаси, келажагимиз эгасидир. Бугун биз уларга қандай таълим-тарбия берсак, эртага улар янги авлодимизга шундай тарбия беради”[7].

Ўтмишга назар ташлайдига бўлсак, айнан Алишер Навоий ҳазратлари ижодида аёллар айниқса, оналарга бўлган чуқур ҳурмат ва эҳтиром доимо сезилиб туради. Алишер Навоий ўз асарларида бир қатор тўртлик ва байтларни аёллар, ота-она ва фарзанд муносабатлари таърифига бағишлайди. Маълумки, “Насойим ул-муҳаббат” асари Абдурахмон Жомийнинг “Нафосат ул-унс мин ҳазорат ил-қудс” тазкирасининг таржимаси бўлсада, Навоий Жомий асарига эркин ижодий муносабатда бўлади ва унинг асаридаги маълумотларни тўлдириб ёхуд қисқартириб боради ва 618 та шахслар сонини 770 тага етказди[8].

Жумладан, асарда Имом Аъзам, Имом Мотуридий, Аҳмад Яссавий, Ҳаким Термизий, Баҳоуддин Нақшбандийларнинг ақида ва қарашлари, тасаввуф, одоб, ахлоқ каби комил инсонга хос хусусиятлар, шарқона фазилатлар ёритилган. Булар қаторига тавба, ҳалол луқма билан қаноатланиш, ўз касби орқали нон топиб кун ўтказиш, шариатга риоя этиш, барчадан ўзини кам деб билиш, ҳатто фарзандлари, хизматкорларига қўполлик қилмаслик, чучук тилли бўлиш, яхши мулоим табиатли бўлиш, сахий, мард, хушхулқ бўлиш, ризо-розилик билан кун ўтказиш, риёзат чекишдан қўрқмаслик кабиларни киритади.

Шунингдек, “Ҳайратул ул-аброр” достонида ота-онага ҳурмат, адолат, сахийлик, тўғрилиқ, омонатга хиёнат қилмаслик, сабр-қаноат, вафо, шуқур, ҳиммат, айниқса ростгўйликка даъват етакчилик қилади.

Жумладан,

Одамийнинг зеби ҳимматдиндурур,

Нафсининг таъдиби ҳимматдиндурур...
Одамий бадандур, ҳимат анга рух,
Ҳиммат аҳлидин оламда юз минг футуҳ.

Яъни одам бир бадан бўлса, ҳиммат анга рухдир, оламдаги барча эзгуликлар ҳиммат аҳли туфайлидир[9].

Мана шундай фазилатларга эга бўлган одамнинг оила ва атрофдагилар олдида обрўйи ва ҳурмати ошиши таъкидланади. Аксинча, ота-онасини, оиласини ранжитадиган, ёлгон сўзлайдиганларнинг уятга қолиши ёки бирор фалокатга учраши айтилади. Унинг куйдаги мисраларида оилага, онага бўлган муносабат алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Оналарнинг оёғи остидадур
Равза Жаннату жинон боғи
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл онанинг оёғи тупроғи[10].

Яъни, жаннат боғу бўстонлари оналарнинг оёғи остидадур. Жаннат боғига кирай десанг, онанг оёғининг тупроғи бўл. Навоий бу ўринда онага меҳрибон бўлиб, хизматини қилишни, розилиги ва дуосини олишни назарда тутяпти.

Алишер Навоий эр-хотин муносабатларига ҳам урғу бериб, турмуш ўртоғига шариат асосида аёлига дўст, яқин ўртоқ, меҳрибон бўлишни тавсия қилади.

Завжага ким ул бўлса аниси ҳарам,
Шаръ тариқи била тут муҳтарам[11].

“Маҳбуб ул-қулуб” ёки “Қалбларнинг севгиси” асарининг ўттиз еттинчи фасли “Қадхудолик ва хотунлар зикри” ҳақида бўлиб, эр-хотин муносабатларини амалга оширишда инсонларнинг феъл-атвори қандай бўлиши маъқул эканлиги яхши оилавий ҳаёт кечиришда яхши хотин ёки ёмон хотин хусусиятларини баён этган. Алишер Навоий аёл кишининг оиладаги ўрнига қуйидагича тўхталади: “Яхши хотин оиланинг давлати ва бахти. Уйнинг озодалиги уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан хусунли бўлса – кўнгил ёзиғи, хушмуомила бўлса-жон озигидир. Оқила бўлса, рўзғорда тартиб-интизом бўлади, асбоб-анжомлар саранжом туради. Киши бу каби жуфти ҳалол билан қовушса, агар бундай бахтга эришса, ғам ва кулфатда сирдошга, ошқора ва пинҳоний дард-аламда ҳамнафас тан маҳрамига эга бўлади” [12].


4. Хулосалар:

Алишер Навоийнинг оилавий муносабатларга оид бебаҳо фикрлари ёшлар ва ёш оилалар учун дастурул амал бўлиб хизмат қилиши фойдадан холи эмас. Аёллар оилада ғоятда муҳим ўрин тутадилар. Улар жамиятнинг ривожланиши ва оиланинг фаровонлигини таъминлашда ўзларининг катта ҳиссаларини қўшадилар. Болалар тарбияси мажбурияти ота-оналар, аёллар ва эркаклар ҳамда бутун жамиятда ўзаро тақсимлашни талаб қилади. Аёллар ҳаётнинг ва ривожланишнинг барча жабҳаларида эркаклар билан тенг ҳуқуқли шерик бўлишлари учун, илк ёшдан қизларни кадрлаш ва инсон шахсининг кадр-қиммати ҳуқуқини эътироф этиш, ҳамда ўзларининг асосий эркинликларини, жумладан инсон ҳуқуқларини тўлиқ ҳолда ўзлаштиришларини таъминлаш зарур.

Иқтибослар/Сноска/References:

1. Women, business and the law 2019. International Bank for Reconstruction and Development. www.worldbank.org
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 августда қабул қилинган “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. Lex.uz. (Law of the President of the Republic of Uzbekistan dated August 17, 2019 "On guarantees of equal rights and opportunities for women and men." Lex.uz.)
3. Шавкат Мирзиёев: Милий тараққиёт йўлимизни қаъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз –Т.: -“Ўзбекистон”- 2018 йил б-346. (Shavkat Mirziyoyev: We


- will resolutely continue our path of national development and raise it to a new level - T .: - "Uzbekistan" - 2018 b-346.)
4. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.:- "Ўзбекистон", 2018 й-Б-342-343. (Shavkat Mirziyoyev: We will resolutely continue our path of national development and raise it to a new level - T .: - "Uzbekistan" - 2018 b-342-343.)
 5. IV Аёллар ҳолати буйича Жаҳон Конференцияси Ҳаракатлар дастури, 113 банди. (IV World Conference on the Status of Women Action Plan, Article 113.)
 6. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 3 боб, 2 қисм, 14-модда. (Family Code of the Republic of Uzbekistan Chapter 3, Part 2, Article 14.)
 7. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддаси. (Article 18 of the Constitution of the Republic of Uzbekistan.)
 8. Алишер Навоий: қомусий луғат. 1 – 2-жилдлар / Масъул муҳаррир Ш.Сирожиддинов. – Тошкент: Шарқ, 2016. (Alisher Navoi: encyclopedic dictionary. Volumes 1 - 2 / Responsible editor Sh.Sirojiddinov. - Tashkent: Sharq, 2016.)
 9. Алишер Навоий. Ҳикматлар. – Тошкент, 2006.(Alisher Navoi. Proverbs. - Tashkent, 2006.)
 10. Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. Мезон улавзон. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Тарихи мулуки Ажам. Арбаъин. Сирож ул-муслимин. Муножот. Рисолаи тийр андохтан. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 2000. Т.16. (Alisher Navoi. Muhokamat ul-lug'atayn. Mezon ulavzon. Historical prophet and ruler Alisher Navoi. Hayrat ul-abror. МАТ. 20 volumes. - Tashkent: Fan, 1991. Т.7.о. Historical property Ajam. Arba'in. Siroj ul-muslimin. Munojot. Risolai tiyr andoxtan. МАТ. 20 volumes. - Tashkent: Fan, 2000. Т.16.)
 11. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1991. Т.7. (Alisher Navoi. Hayrat ul-abror. МАТ. 20 volumes. - Tashkent: Fan, 1991. Т.7.)
 12. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб, Муншаот, Вақфия. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1998. Т.14. (Alisher Navoi. Mahbub ul-qulub, Munshaot, Vaqfiya. МАТ. 20 volumes. - Tashkent: Fan, 1998. Т.14.)



F.N. Shirinova,
Z.S. Kosimova,
Katta o'gituvchi, TATU

**IX-XII ASRLARDA O'ZBEK DAVLATCHILIGI. IJTIMOY, SIYOSIY-IQTISODIY
HAYOTI. AJDODLARIMIZNING JAHON SIVILIZATSIYASI TARAQQIYOTIGA
QO'SHGAN ULKAN HISSASI**

For citation: F.N. Shirinova, Z.S. Kosimova, UZBEK STATEHOOD IN IX-XII CENTURIES. SOCIAL, POLITICAL AND ECONOMIC LIFE. THE CONTRIBUTION OF OUR GREAT ANCESTORS TO THE DEVELOPMENT OF THE WORLD CIVILIZATION. Look to the past. 2022, Special issue 1, pp.273-280

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

ANNOTATSIYA

Ushbu maqola mualliflari IX-XII asrlarda O'rta Osiyoda davlatchilikning O'ziga xos xususiyatlarini ochib bergan. Ayniqsa Somoniylar davrida davlat siyosiy boshqaruvi hozirgi davrgacha o'z ahamiyatini yo'qotmaganligini ko'rsatib berilgan. Shu davrdagi davlatlarning siyosiy, iqtisodiy, madaniy taraqqiyotini solishtirish imkoniyati berilgan. Birinchi renessans davri allomalari Ibn Sino, Beruniy, Farobiy, Xorazmiy kabi mutafakkirlar hayoti va ijodi haqida ma'lumotlar berilgan. Aloqa sohasini rivojlanishi ahamiyati xam ko'rsatilgan. Bu maqola yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda ahamiyati katta. Yangi O'zbekistondagi Uchinchi Renessansga yoshlarni o'z xissalarini qo'shishiga zamin tayyorlaydi.

Kalit so'zlar: islohot; dargoh; devon; iqto; ilokxon; vazir; renessans; hadis; so'fiylik; pochta xizmati; ilmiy aloqalar.

Ф.Н. Ширина,
З.С.Косимова,
старший преподаватель, ТУИТ

**УЗБЕКСКАЯ ГОСУДАРСТВЕННОСТЬ В IX-XII ВВ. СОЦИАЛЬНАЯ,
ПОЛИТИЧЕСКАЯ И ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЖИЗНЬ. ВКЛАД ВЕЛИКИХ НАШИХ
ПРЕДКОВ В РАЗВИТИЕ МИРОВОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ**

АННОТАЦИЯ

Авторы данной статьи раскрывают особенности развития государственности в Средней Азии в IX-XII веках. Особенно подчеркивается политическое управление в саманидский период, когда их господство не утратило своей актуальности. Также в статье проводится анализ политического, экономического и культурного развития стран этого периода и даны

сведения о жизни и творчестве первых ученых эпохи Первого Ренессанса, таких как Ибн Сино, Беруни, Фароби, Хорезми. Также подчеркнута важность развития сферы связи в данный период. Эта статья также отражает основные принципы воспитания молодежи в духе патриотизма, и готовит почву для того, чтобы молодежь могла внести свой вклад в Третий Ренессанс в Новом Узбекистане.

Ключевые слова: реформа; даргох; диван; икта; илекхан; министр; Ренессанс; хадис; Суфизм; почтовая служба; научные отношения.

F.N. Shirinova,
Z.S. Kosimova,
senior lecturer, TUIT

UZBEK STATEHOOD IN IX-XII CENTURIES. SOCIAL, POLITICAL AND ECONOMIC LIFE. THE CONTRIBUTION OF OUR GREAT ANCESTORS TO THE DEVELOPMENT OF THE WORLD CIVILIZATION

ABSTRACT

The authors of this article reveal the features of the development of statehood in Central Asia in the IX-XII centuries. Particularly emphasized the political administration in the Samanid period, when their domination did not lose its relevance. The article also analyzes the political, economic and cultural development of the countries of this period and provides information about the life and work of the first scientists of the First Renaissance, such as Ibn Sino, Beruni, Farobi, Khorezmi. Was also emphasized. the importance of developing the communications sector in this period. This article also reflects the basic principles of educating youth in the spirit of patriotism, and sets the stage for youth to contribute to the Third Renaissance in New Uzbekistan.

Index Terms: reform; dargokh; divan; ikta; ilekhan; minister; Renaissance; hadith; Sufism; postal service; scientific relationship.

1. Dolzarbligi

O'zbekistonning davlat mustaqilligi xalqimizning uzoq yillar davomida olib borgan og'ir va mashaqqatli kurashining natijasidir. Vatanimiz tarixi, mustaqillik xalqimizga nihoyatta qimmatga tushganidan, bu yo'lda katta qurbonlar berilganligidan guvohlik beradi. O'zbekiston hududida istiqomat qilayotgan xalqlarning tarixi qadim o'tmishga borib taqaladi. Bu qadimiy va tabarruk zaminda buyuk allomalar, fozilu fuzalolar, siyosatchilar, buyuk sarkardalar yashab o'tganlar. Diniy va dunyoviy ilmlarning asoslari mana shu yerda yaratilgan, sayqal topgan. Ota-bobolarimizning asrlar davomida to'plagan hayotiy tajribalari, diniy, axloqiy, ilmiy qarashlarini sinchiklab o'rganish, ulardan O'zbekiston mustaqilligini mustahkamlash, mamlakatimizni buyuk davlatlar qatoriga ko'tarishda, xalq farovonligini yuksaltirishda foydalanish muqaddas vazifadir. O'zbekiston Respublikasining Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev ta'kidlaganidek, "...Yoshlarni vatanparvarlik, milliy iftixor ruhida tarbiyalash, buning uchun tarixni yaxshi o'rgatish, bu yonaliqdagi ilmiy tadqiqotlarni kengaytirish muhimligi ta'kidlandi.

2. Metodlar va o'rganilganlik darajasi:

Maqola umum qabul qilingan tarixiy metodlar-tarixiylik, qiyosiy mantiqiy tahlil, ketma ketlik, xolislik tamoillari asosida yozilgan bo'lib, unda IX-XII asrlarda O'rta Osiyoda davlatchilikning rivojlanishi, ilm-fanni taraqqiyotiga katta hissa qo'shgan allomalar hayoti va ijodi haqida ma'lumotlar berilgan. VII asr oxiri va IX asr boshlarida arab xalifaligining siyosiy tang ahvolga tushib qolishligi O'rta Osiyoda mustaqil davlatlarning tashkil topishiga qulay sharoitlar yaratdi. Bu maqolada mustaqil bo'lib chiqqan davlatlar Tohiriylar, Somoniylar, Qoraxoniylar va Xorazmshoxlar davlatlaridagi siyosiy, iqtisodiy va madaniy hayotni solishtirish imkoniyati bor.

Bu davr tarixi, madaniyati xalqimizning bosib o'tgan siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy hayoti, milliy qadriyatlarimiz, an'analarimiz va urf odatlarimiz xaqida chuqur ma'lumot beradi. Olimlar, tadqiqotchilar bu davr haqida ko'pgina ilmiy tadqiqot ishlari olib borishgan. O'zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti I.A.Karimov o'z asarlarida bu davrga alohida e'tibor qaratib, bu

davrda ilm fan taraqqiyotining sabablarini ko'rsatib berganlar. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Miziyoyev ham o'z ma'ruzalarida yoshlarni bu davr tarixini o'rganishiga e'tibor qaratganlar. Tarixchi olimlardan A.G. Abdunabiev o'z kitoblarida ko'rilayotgan mavzuga doir eng qimmatli fikrlar keltirganlar.

3. Tadqiqot natijalari:

Tohiriylar va Somoniylar davlatining tashkil topishi.

IX asr boshlariga kelib Arab xalifaligida yuzaga kelgan bo'hronli vaziyat, siyosiy tanglik, Xuroson va Movarounnahrda kechayotgan ziddiyatli jarayonlar, eng muhimi, bu hududda yuz bergan Rofe ibn Lays qo'zg'oloni (806-810) mazkur o'lka xalqlari uchun xalifalik tobeligidan qutilish, yurt mustaqilligini qo'lga kiritish yo'lida qulay imkoniyatlarni vujudga keltirgandi. Xususan, mashhur xalifa Xorun ar-Rashid (786-809) vafotidan so'ng xalifalik taxtini egallash uchun uning o'g'illari – Amin va Ma'mun o'rtasida keskin kurash boshlangan edi. Bir necha yilga cho'zilgan bu siyosiy mojaro nafaqat xalifalik markazini tang ahvolga solib qolmasdan, balki unga tobe bo'lgan hududlardagi voqealar rivojiga ham sezilarli ta'sir ko'rsatdi.

Ma'munga xizmat qilgan xurosonlik Tohir ibn Husayn (Hirot viloyatining Bushang shahridan) qo'shini Aminga qarshi kurashib, 813-yilda Bag'dodni egallab, xalifalik taxtiga ko'tariladi. Xalifalikda Tohir ibn Husayn katta hurmat-e'tiborga loyiq nufuzli kishi bo'lib qoldi. 821-yilda u Xurosonning noibi etib tayinlandi. Movarounnahr ham Xuroson noibliigi tarkibiga kirar edi. Tohir o'z qo'l ostidagi keng viloyatlarni mustaqil davlatga aylantirish uchun ochiqdan-ochiq harakat qilib, noiblikka tayinlangan kunidan bir yil o'tar-o'tmas, jome' masjidida juma namozida o'qiladigan xutbadan xalifa nomini chiqarib tashlashga buyruq berdi. Bu o'sha davr uchun xalifaga qarshi ko'tarilgan isyon bilan teng edi. Bu voqeadan ko'p vaqt o'tmay Tohir ibn Husayn to'satdan (822-yilda) vafot etdi.

Tohirning o'limi haqida mish-mishlar tarqalgani uchun xalifa uning o'rniga navbatma-navbat o'g'illari Talxa ibn Tohir (822-830) va Abdulloh ibn Tohir (830-844)ni Xuroson noibi qilib qo'yadi. Shu bilan Xuroson va Movarounnahrda yangi Tohiriylar sulolasi hukmronligi boshlanadi. Abdullohning noibliigi davrida (830-844) Xuroson xalifaga rasman tobe bo'lsa-da, amalda mustaqil davlatga aylanib, poytaxt Marvdan Nishopurga ko'chirildi.

Tohiriy hukmdorlar, ayniqsa, so'nggi hukmdorlar: Tohir ibn Abdulloh (844-862), Muhammad ibn Tohir (862-873) davrida oddiy xalq ahvoli ancha og'irlashadi. Ular haddan ziyod o'lpon va soliqlar to'lashga majbur etiladi. Jumladan, birgina 844-yilda ulardan olinadigan soliq miqdori 48 mln. dirhamni tashkil etgan. Bu holatlar tohiriylarga qarshi xalq g'alayonlarini kuchayishiga sabab boigan. IX asrning 60-yillaridan e'tiboran Tohiriy hukmdorlariga qarshi xalq harakatlari yanada kuchaydi. Bu harakatlarga g'oziyalar boshchilik qildilar ("g'oziyalar" asosan ko'chmanchi qabilalar hujumini bartaraf qilish maqsadida kambag'al hunarmandlar va yersiz ziroatchilardan tashkil topgan qurolli qo'shin edi). Ularning harakatini aka-uka Yoqub va Amir ibn Lays boshqardi. Ular dastlab Seyistonda hokimiyatni qoiga olgach, 873-yilda Tohiriylarning qo'shinlariga katta zarba berib, Xuroson poytaxti Nishopurni egalladilar. Shu davrdan e'tiboran tohiriylar sulolasi barham topdi.

Movarounnahrda Arab xalifaligi hukmronligidan so'ng dastlabki mustaqil davlat Somoniylar davlati hisoblanadi. Yuqorida aytilganidek, xalifa Ma'mun o'ziga sodiqlik bilan xizmat qilgan mahalliy hukmdorlarga bir qator huquqlar bergan edi. Bunday huquqlar mahalliy hukmdor Somonxudot nabiralariga ham beriladi. Ulardan Nuhga Samarqandni, Ahmadga Farg'onani, Yahyoga Shosh va Ustrushonani boshqarish huquqlari berilgan edi. IX asr o'rtalariga kelib Ahmad va uning katta o'g'li Nasr Somoniylar Movarounnahrning katta qismini birlashtirishga muvaffaq bo'ldi va Samarqandni poytaxt deb e'lon qiladi. Nasr Somoniy (865-888) davrida Movarounnahr mavqeyi ancha kuchaydi. IX asrning oxirgi choragida Movarounnahrning deyarli barcha viloyatlari somoniylar tasarrufiga o'tadi. Nasr butun Movarounnahrning hukmdoriga aylanadi. U kumush dirham zarb etadi.

873-yilda Tohiriylar taxtdan ag'darilgach, uning tarkibiga kirgan Buxoro ham Somoniylar tasarrufiga o'tadi. Nasr ukasi Ismoilni Buxoroga noib etib tayinlaydi (874) va Movarounnahr to'liq Somoniylar qo'lga o'tadi. Keyinchalik ikki aka-uka o'rtasidagi kelishmovchiliklar sababli 888-yilda

urush kelib chiqib, bu urushda Ismoil Somoniy g'olib chiqib, 892-yildan boshlab esa Ismoil Somoniy Movarounnahrning yagona hukmdori bo'lib qoladi.

